ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Зайналов Ж.Р., Алиева С.С.,
Ахроров З.О. ва бошқалар

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Илмий Кенгаши томонидан 5610100 - Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш) ва бошқа таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Самарқанд–2019
“Zarafshon” нашриёти ДК

65.261.4
336.22
З -22
Зайналов, Ж. Р.
Солиқ ва солиққа тортиш [Матн] : ўқув қўлланма / Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. ва бошқалар - Самарканд : Zarafshon, 2019. – 420 б.

КБК 65.261.4
УЎК 336.22

Профессор Ж.Р. Зайналовнинг умумий таҳрири остида.

Тақризчилар: ***Мухаммедов М.М.*** – СамаИСИ “Касб-ҳунар таълими” кафедраси профессори, и.ф.д.
Муртазаев О. – СамВМИ “Агроиқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, профессор, и.ф.д.
Рахимов З.А. – Самарқанд шаҳар ДСИ бошлиғи ўринбосари.

Мазкур ўқув қўлланмада солиқларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, зарурлиги, функциялари, солиқ тизими, солиқ тизимининг таркибий тузилиши, солиқ сиёсати, солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, юридик ва жисмоний шахсларни алоҳида солиқ турлари бўйича солиққа тортиш масалалари ўз аксини топган.

Ўқув қўлланмада солиқ муносабатларининг назарий асослари ёритилган бўлиб, у 5610100 – “Хизматлар соҳаси (товар экспертизаси хизматларини ташкил этиш)” ва бошқа бакалавриат таълим йўналишлари талабаларига “Солиқ ва солиққа тортиш” фанидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилади.

Ўқув қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услубий Кенгашининг 2018 йил 27 август 1-сон баён йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Институт Кенгашининг 2018 йил 30 августдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

ISBN 978-9943-5410-1-6

© Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. ва бошқалар
© “Zarafshon” нашриёти ДК, 2019.

Кириш

Солиқ сиёсати солиқ даромадлари истиқболини белгилаш бошқарув назарияси ва амалиётида муҳим ўрин эгаллаб, ундан ривожланган мамлакатларнинг барчасида иқтисодий ўсиш усули сифатида фойдаланилади. Солиқ сиёсати бюджет даромадлари истиқболини белгилаш тамойилига асосланган иқтисодиётда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини тўғри ва аниқ белгилаш ва унга қаратилган вазифалар доирасида ишлаб чиқиладиган стратегиялар ҳамда амалга ошириладиган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш бирмунча аниқ, қулай ва мақбул ҳисобланиши ҳам ўз исботини топмоқда.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар томонидан ривожланган давлатларда солиқ сиёсатини бюджет даромадлари истиқболини белгилаш бўйича тўпланган кенг ва бой тажрибаларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни миллий иқтисодиётга тадбиқ этиш йўллари ишлаб чиқилмоқда.

Шу жумладан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам давлатнинг солиқ сиёсатини аниқлаш ва белгилашда уларнинг истиқболига асосланган башоратларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Лекин, республикамиз учун ҳали қирралари тўла очилмаган мазкур соҳанинг барча ютуқ ва афзалликларини ўрганишга бўлган муносабат ҳамда эътиборнинг бугунги аҳволини қониқарли деб бўлмаслиги, бу соҳада чуқур ва самарали тадқиқотлар олиб бориш, унинг кўламини ошириб бориш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса, энг аввало, солиқ сиёсатининг истиқболини белгилашнинг мазмуни, вазифалари, хусусиятлари, усуллари, самарадорлиги каби ўзига хос жиҳатларини англашни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек: «Солиқ тизими ислоҳот жараёнининг таркибий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлгани ҳолда иқтисодий ислоҳот мақсадларига энг кўп даражада мувофиқ келиши шарт. Аввало солиқ тизими ўзига хос вазифаларни - фискал, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларини тўла даражада бажариши керак»[1].

Тадқиқотлар кўрсатишича, айнан солиқ сиёсатини оқилона ташкил этилиши хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан ҳам, тадбиркорлик субъектларини солиқ механизмлари ва уларнинг

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 358-б.

элементларидан тўғри фойдаланишга қаратилган солиқ тизимини ўрганиш ва республикамизда мавжуд ўзига хос шарт-шароитларни ҳисобга олиб, солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарбдир.

Солиқ тизими ва унга амал қилиш механизмининг умумий асослари ишлаб чиқилганига қарамасдан бу соҳада ҳам ҳал қилиниши бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Солиқ тушунчаси пайдо бўлганидан бошлаб, уни жорий қилиш ва солиқ муносабатларини ривожлантириш билан мунтазам шуғулланиб келинган. Солиқлар бўйича классик ва ҳозирги замон иқтисодчи олимлар асарларида батафсил ёритилган. Бундан ташқари республикамиз иқтисодчи олимлари илмий асарларида солиқ ва солиқ муносабатлари тўғрисида фикр юритилган. Мазкур қўлланмани яратиш жараёнида юқорида номлари зикр этилган иқтисодчи олимларнинг солиқлар бўйича олиб борган илмий ишларидан кенг фойдаланилди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ва Интернет тармоғи маълумотларидан ҳамда ҳисобот материалларидан кенг фойдаланилди.

Ўқув қўлланма Зайналов Ж.Р. (Кириш, 2-боб, 3-боб 3.1, 3.2, 4-боб, 12-боб 12.1, 12.2, 12.3, 14-боб 14.1, 15-боб 15.1, 16-боб 16.1, 16.2, 17-боб 17.1, 17.2, 18-боб 18.1, 18.2, 20-боб 20.1, 20.3, 22-боб 22.1, 23-боб 23.1, 23.5, 24-боб), Алиева С.С. (1-боб, 3-боб 3.3, 8-боб, 20-боб 20.2, Тестлар), Ахроров З.О. (5-боб, 6-боб 6.1, 7-боб, 9-боб, 11-боб, 13-боб, 18-боб 18.3, 21-боб 21.4), Хусанов Б.Ш. (10-боб 10.1, 15-боб 15.4, 15.5, 17-боб 17.3, 19-боб 19.4), Расулов З.Ж. (10-боб 10.2, 17-боб 17.4, 19-боб 19.5), Латипова Ш.М. (6-боб 6.2, 14-боб 14.2, 14.3, 14.4, Глоссарий), Ходжаев Э.Н. (21-боб 21.5, 22-боб 22.2, 22.3), Мусаев Р. (6-боб 6.3, 15-боб 15.2), Ходжимамедов А.А. (15-боб 15.6, 16-боб 16.3, 16.4), Хамроев М.С. (12-боб 12.3, 12.4, 15-боб 15.3), Агзамов А.Т. (21-боб 21.2, 21.3), Бауэтдинов М.Ж. (23-боб 23.3, 23.4), Рузибаева Н.Х. (19-боб 19.1), Ахмедова А.Т. (12-боб 12.5), Пулатова М. (14-боб 14.1), Муталова Д. (8-боб 8.1), Имомкулов Т.Б. (19-боб 19.2), Эрназаров Н.Э. (19-боб 19.3), Карлибаева Р.Х. (21-боб 21.1), Илхомов Ш. (7-боб 7.2), Курбонов Х.А. (21-боб 21.6), Хусанова Д. (23-боб 23.2) ва Расулов Ш.Ж.лар (16-боб 16.1, 16.2) томонларидан яратилди.

I-ҚИСМ
СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ
1-БОБ
«Солиқ ва солиққа тортиш» фанининг предмети, мазмуни ва уни ўрганиш усуллари

Режа

1.1. «Солиқ ва солиққа тортиш» фани алоҳида иқтисодий фан сифатида. Фанни ўрганишдаги мавжуд усуллар

1.2. «Солиқ ва солиққа тортиш» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ, солиққа тортиш, солиқ тизими, давлат бюджети, бевосита солиқлар, билвосита солиқлар.

1.1. «Солиқ ва солиққа тортиш» фани алоҳида иқтисодий фан сифатида. Фанни ўрганишдаги мавжуд усуллар

«Солиқ ва солиққа тортиш» фани солиқларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, функциялари, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ундириш механизмини ўрганишдаги асосий фан ҳисобланади. Фаннинг предметига тўхталишдан олдин «Солиқ» категориясига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, «Солиқ» категорияси – бу муҳим иқтисодий жараён бўлиб, унинг пайдо бўлиши ва амал қилиши кишилик жамиятининг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқлар ҳар бир давлат фаолиятининг моддий жиҳатларини таъминлайди. Жаҳон иқтисодиёти тараққиётида солиқлар иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Амалиётда ва умуман иқтисодий фанда солиқларнинг моҳиятига нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Шу сабабли ушбу категориядан ҳар бир давлат томонидан ўзига хос тарзда фойдаланилади.

Давлат аста секин ривожланиб бориши билан, унинг функциялари ҳам мувофиқ равишда кенгайиб боради. Бу эса солиқларга нисбатан қўйиладиган талабнинг кучайишига олиб келади. Шу сабабли солиқ тизими тобора мураккаб ва кўп қиррали бўлиб боради. Кишилик жамияти ривожланиши тарихи шуни кўрсатадики, давлат маъмурий бошқарув билан шуғулланган ҳолларда унинг эҳтиёжлари маълум даражада сақланиб қолади, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш

мажбурияти пайдо бўлса, унинг харажатлари ва аҳолидан олинадиган тушумлари кўпаяди. Бундай ҳолатда солиқларнинг шакллари ранг-баранглашиб боради.

Ҳозирги кунда ҳар бир фанни ўрганишда уни талабаларга тўлиқ етказиш, талабаларни фикрлашга ундаш ва жалб этиш, шу орқали етук мутахассисларни тайёрлаш мақсади ётади. Фанни ўрганишда ҳозирги даврнинг илғор услубларидан ва ўқитишнинг илғор педагогик технологияларидан кенг фойдаланилади.

«Солиқ ва солиққа тортиш» фанининг предмети – бу солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий моҳияти, давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти, солиқ тизими ва сиёсати, солиқ турлари бўйича белгиланган имтиёзлар тизими, солиқларни ҳисоблаш механизмининг амалдаги ҳолатини ўрганишдан иборат. Жумладан, солиқ тўловчилар ва уни ўзлаштирувчи, давлат бюджети, мажбурий тўловлар, молиявий муносабатлар каби элементларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларга киришиш жараёнларининг услубий жиҳатлари, қирралари кенг кўламда ўрганилади.

Ҳар бир фаннинг шаклланиши фан предмети шаклланиши билан биргаликда, унинг илмий билиш усуллари қарор топиши билан ҳам боғлиқ. Ҳар қандай фанни ўрганишдаги усуллар умумий тавсифга эга, лекин ҳар бир фан ўз предметидан келиб чиқиб, ўзининг илмий билиш усулларига эга. Шунинг учун фанни ўрганишдаги усуллар умумий ва алоҳида усулларга бўлинади.

Табиат, жамият ва тафаккурнинг ривожланиш қонунларини ўрганишнинг бирдан-бир тўғри илмий усули диалектик усулдир. Шунинг учун ҳам ушбу илмий билиш усули барча фанларнинг, шу жумладан солиқ назарияси фанининг ҳам назарий ва методологик асосини ташкил этади. Диалектик усул шуни кўрсатадики, ривожланиш қуйидан юқорига қараб содир бўлади. Билиш эса оддийдан мураккабга томон ривож топиб боради. Шунинг учун ушбу усул тадқиқотнинг индукция ва дедукция усулларини ўз ичига олади.

Хусусий, якка факт олиниб, унинг асосида умумий қоида ҳосил қилинадиган бўлса – индукция ҳисобланади. Бошданоқ барча хусусий ҳолларни ўз ичига олган умумий қоида ҳосил қилинса – дедукция ҳисобланади.

Шу билан бирга барча иқтисодий фанлар каби «Солиқ ва солиққа тортиш» фанининг ҳам ўзига хос илмий билиш усуллари мавжуд. Улардан бири илмий абстракция усулидир. Илмий абстракция усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда таҳлил пайтида

объектнинг фақат бир томонига, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътибор қаратилади ва ҳалал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали унсурларнинг таъсири эътиборга олинмайди.

“Солиқ ва солиққа тортиш” фани шунингдек, ўз предметини ўрганишда назарий таҳлил ва синтез усулидан ҳам фойдаланади. Таҳлил - ўрганилаётган бутун объектни қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан таҳлил қилиш бўлса, синтез эса ўрганилган қисмлардан олинган хулоса ва натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб, умумий хулоса чиқаришдир. Солиқ турларини ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартибларининг амалий масалалари мазкур йўл билан ўрганилади.

Фанни ўрганишда макроиқтисодий ва микроиқтисодий ҳолда таҳлилни қўшиб олиб бориш муҳим ўрин тутади. Солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлашнинг амалдаги масалаларини микроиқтисодий жиҳатдан ўрганишда иқтисодиётнинг бошланғич бўғини бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нуқтаи назаридан, улар билан давлат бюджети ўртасидаги муносабатлар тадқиқ этилса, макроиқтисодий жиҳатдан таҳлил этишда эса, давлат миқёсида, яъни солиқ ва солиқ тортиш муносабатларига доир масалалар макроиқтисодий даражада ўрганилади.

Шунингдек, фанни ўрганишда таққослаш, статистик, график усуллардан ҳам фойдаланилади. Жумладан солиқларни даврлар бўйича таққослаш, улардан тушумларни жадваллар орқали ифодалаш, ўзгаришларни аниқлаш, уларга назарий жиҳатдан баҳо бериш, солиқларнинг бошқа иқтисодий категорияларга таъсирини график усулда тасвирлаш ва шу кабилардир. Масалан, солиқлар ўзгаришини ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсирини мана шу усул билан ифодалаш мумкин.

Фанни ўрганишда таққослаш, статистик ва график усуллардан кенг фойдаланилган ҳолда уларнинг ҳар бири ўзига хос йўналишларни акс эттириб, бири солиқ тушумларини жадвал орқали, бири даврлар бўйича таққослаш, бири эса ўзгаришларни график усулда ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Биз бу фанни ўрганишда бу усуллардан кенг кўламда фойдаланишимиз учун энг аҳамиятлисини танлаб олишимиз лозим бўлади.

1.2. «Солиқ ва солиққа тортиш» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси

Солиқ ва солиқ муносабатларига доир билимларни ўрганишда бир қатор иқтисодий фанларни ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Барча иқтисодий фанлар бир-бирини тўлдириб боради ва ўрганиш услубларини осонлаштиради. Биз “Солиқ ва солиққа тортиш” фанини ўрганишда “Микроиқтисодиёт”, «Иқтисодиёт назарияси», «Молия» ва «Пул, кредит ва банклар» каби иқтисодий фанлар билан биргаликда ўрганамиз.

«Солиқ ва солиққа тортиш» фани «Иқтисодиёт назарияси» фани билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг махсус кенгайтирилган бўлимидир. Чунки солиққа тортиш ва солиқ муносабатларининг қонуниятлари умумиқтисодий назария қонуниятларидан четга чиқмасдан, уларга асосланади.

«Солиқ ва солиққа тортиш» фани «Микроиқтисодиёт» фани билан ҳам ўзаро алоқадорликда ўрганилади. «Микроиқтисодиёт» фани иқтисодий муносабатларнинг назарий асосларини ўрганса, «Солиқ ва солиққа тортиш» фанида эса солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизмидаги амалий ва услубий асослар ўрганилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. “Солиқ ва солиққа тортиш” фанини ўқитишдан мақсад нима?
2. Фанни ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?
3. “Солиқ ва солиққа тортиш” фанининг предмети нимадан иборат?
4. “Солиқ ва солиққа тортиш” фани қайси фанлар билан боғланган?

Топшириқлар

1. “Солиқ ва солиққа тортиш” фанини ўқитишнинг аҳамиятини ўрганиш.
2. Фаннинг мақсади, вазифалари ва предметини ўрганиш.

2-БОБ
Солиқларнинг вужудга келиши ва иқтисодий моҳияти
Режа

2.1. Солиқ муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари

2.2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари

2.3. Солиқларнинг умумий белгилари ва бошқа иқтисодий категориялар билан ўзаро муносабати

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ, солиққа тортиш, солиқ тизими, давлат бюджети, бевосита солиқлар, билвосита солиқлар.

2.1. Солиқ муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари

Ўрта Осиё ҳудудида солиқлар тўғрисида турли тушунчаларнинг пайдо булиши эрамиздан аввалги биринчи минг йилликга дастлабки сиёсий бирлашмалар пайдо бўлган даврга бориб тақалади. Уша даврда Бақтрия (Жанубий Ўзбекистон), Суғд (Зарафшон ва Қашқадарё водийлари), Хоразмнинг дехқончилик воҳаларида эрамиздан аввал VIII асрдаёқ қулдорлик давлат тузилмалари пайдо бўлиб, бундай тузулмалар жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўзгартиришда алоҳида ўрин эгаллади.

Ўша даврларда ҳам давлатни бошқариш учун ресурслар талаб этилган. Пул ва натура куринишидаги солиқлар, ахолининг тўловларидан кенг урин эгаллаган. Жон солиғи ва ер учун олинадиган солиқлар ўтмишда амал қилган мажбурий тўловларининг асосий қисмини ташкил этган.

Ўрта Осиё Эрон давлати таркибига кирган Аҳамонийлар хукмронлиги даврида (эрамиздан биринчи минг йиллик) хирож тўлаш ва ҳарбий отрядлар етказиб бериш орқали ўз аксини топган солиқ тўланган.

Македониялик Искандарни Аҳамонийлар сулосаси ўрнига келиши ва Ўрта Осиёни унинг салтанати таркибига кириши билан грек намунаси бўйича солиқ тўлов тизими жорий этилган. Кадимги Грецияда солиққа тортиш Ўрта Осиё қабул қилган солиққа тортиш жараёнларидан фарқ қилган. Қадимги Грецияда солиқлар даромад солиғини ва эҳсонлардан иборат бўлган. Даромад солиғи даромаднинг ўндан ёки йигирмадан бири ҳажмида ундирилган ва жамият мақсадлари учун сарфланган. Грек шаҳри кенгаши (ёки халқ

йигини) бўлғуси йирик харажатлар олдидан даромадларнинг фоиз ажратмаларини белгилашган бўлсалар ҳам, Афина озод фуқаролари бевосита солиқларни тўлашдан озод этилган, улар фақат кўнгилли равишда солиқ тўлашган, холос. Бундай жараён фуқаролар ушбу тоифасига нисбатан имтиёзларни амал қилинганлигидан далолат берган.

Эрамиздан олдиги даврларда амал калган солиқ тўловлари ўзининг бошқа хусусиятлари билан ҳам ажралиб турган. Мисол учун Искандар Ўрта Осиёда асосан Аҳамонийлар тузган давлат аппарати тузилмасини сақлаб қолиши билан ҳар бир вилоятда махллий зодаганлардан тайинланган ноиб сатрап ҳокимлик қилган ва улар маҳсус солиқ аппаратига эга бўлмаган ҳолда, откўп тизимига амал қилишган, яъни солиқ ундириш муайян бир қисмига юклатилган. Бундай кишилар тўловлардан хазина билан тузилган шартномада белгиланган ҳажмдан кўпроқ солиқ ундириб олишга ва шу ортиқча кисмини ўзлари учун қолдиришган. Аксарият ҳолларда улар (боқиманда) тўланиши учун катта фоизлар ҳисобига қарзга пул берганлар ва шу йўл билан икки ҳисса бойлик орттириб олишган, агарда пул ўз муддатида қайтарилмаса, унда қарздорларни қул қилиб сотиш ҳуқуқларига ҳам эга бўлишганлар. Ушбу тизим давлат хазинасига барқарор даромад келиб тушишини таъминлаган бўлса ҳам, қуллар билан қулдорлар ўртасида синфий зиддиятларни кучайтирилишига олиб келган.

Македониялик Искандар салтанати емирилгандан сунг, эрамизнинг II-VI асрларида Ўрта Осиёда амал қилган солиқ тизими хусусида тулиқ маълумотлар бизга етиб келмаган. Аммо 651 йилдан бошлаб ушбу ҳудудда арабларнинг хукмронлиги ўрнатилгач, янги, аммо ундирилиши бўйича анча мураккаб бўлган турли солиқ хиллари жорий этилган. Масалан, ижтимоий зиддиятларни кескинлашувини олдини олиш мақсадида хайр-эҳсон эҳтиёжлари учун «закот» солиш ундирилган ва шу тариқа камбағаллар, етимлар ва йўловчиларга хайр-эҳсон беришда бундай солиқ туридан кенг фойдаланилган. Сўнгра «Закот» ўрнини «садақа» эгаллаган.

Бундан ташқари тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиёда қуйидаги солиқлар мавжуд бўлган, яъни:

- вазифа - ўлпон;
- жузя - жон солиғи;
- хирож солиғи.

Айрим бизга етиб келган манбаларга кўра, хирож солиғи қуйидаги шаклларда ундирилиши таъминланган, яъни:

- «мутока» - қатъий белгиланган суммада;
- «мукасама» ҳосилнинг муайян улушида. Ўрта Осиёда «мукасама»- солиқ ставкаси қўлга киритилган ҳосилнинг яқин бўлган.

Булардан ташқари, чорва туёғига қараб натура кўринишида чорвадорлардан ҳунарманд ва тортилмайдиган энг кам миқдордан ортиқ бўлган йиллик даромаддан савдогарлардан даромад солиқлари ундирилган. Фойдали қазилмалардан бошқа соҳалар доирасида фаолият кўрсатувчиларга ҳам ўзига хос натура ёки меҳнат куринишида турли тўловлари амалга оширилган (мажбурий ишлаб бериш, ҳавзалар қазиш ва уларни тозалаш кўприклар қуриш ва қалъа деворларини барпо этиш ҳамда мустаҳкамлаш каби кўринишда амал қилган солиқлар тўлашганлар).

Ўрта Осиёда арабларнинг ҳукумронлиги ўрнатилиши билан илгари амал қилган солиқли ва солиқсиз тўловлар (йиғимлар) ўрнига ўз хусусиятига кўра ягона солиққа молик мажбурий тўловлар жорий этилган.

Солиққа тортишнинг араб тизими Ўрта Осиё ҳудудида биринчилар қаторида ёйган араб истилочиси Қутайба ибн Муслим VII аср бошида 2.200.000 дирҳам миқдорига тенг бўлган хирож олган ва ибодатхоналардаги барча қимматбаҳо буюмлар, санамлар безакларини йиғиб олган, яъни солиқ тортишнинг соддалаштирилган кўринишига ўтиб, ягона солиқ йиқган. Аммо бундай кўринишдаги солиқлар узоқ муддатларгача амал қила олмаган, шундай зеби зийнатларга эга бўлганлар уларни яширишга ҳаракат қилишган. Натижада муаммолардан чиқарилган қимматбаҳо тошлар, металлар ва бошқалар мамлакатни ижтимоий тараққиётига салбий таъсир этган.

Сомонийлар даврида марказий бошқарув тизимининг муставфий девони давлат ва харажатлари учун жавобгарликда молия амалдорлик Маҳкамаси муҳим ўрин тутган. Бундай тизимига хос муставфий мансаби ўз аҳамиятини Қорахонийлар даврида ҳам сақлаб қолишган.

Ўрта Осиё ҳудудида 1221 йилда мўғуллар ҳокимиятини ўрнатилиши билан янги хукмдорлар олдида босиб олинган ерларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлларини белгилаш вазифаси пайдо бўлди. Муғул зодагонлари мазкур масала бўйича ягона фикрга эга эмас эди. Улар ўтроқ ҳаёт мухолифларининг барча ерларни яйловга айлантиришни, шаҳарларини вайрон қилишни ўз олдиларига мақсад қилишиб қўйишган бўлсалар ҳам, уларнинг мақсадларига зид

келувчи фикрлар ҳам илгари сурилган. Мисол учун, айрим ҳукмдорлар талон-тарожни тўхтатиш, ҳунармандчилиқ савдо ва қишлоқ хўжалигига ҳомийлик қилиш, солиқ ва мажбуриятлар ҳажмини белгилаб қўйишни тавсия этганлар ва уларнинг фикрлари айрим ҳолларда устуворлик қилган. Ўрта Осиё ҳудудида улар томонидан қурултойда таклиф этилган тадбирлар ҳаётга тадбиқ этилган. Икки хил солиқ, яъни - «калон» (ер солиғи) ва «капчур» (кучманчилардан олинадиган солиқ) амал қилиши биринчи ҳолда ҳосилни ўн фоизи, иккинчи ҳолда подадаги туёқлар сонининг бир фоизи миқдоридаги тўлов сифатида ундирилган. Лекин бундай солиқ тизимини жорий этилишидаги қарорни, қабул қилинганига қарамай, амалда ўрнатилган меъёрий кўрсаткичлар. чегараси бошқача бўлган. Бунинг сабаби муғулларни, юксак маданиятли катта феодал ўлкаларни бошқариш тажрибасига эга бўлмаганликлари, уларнинг ўз амалдорларини йўқлиги, бунинг устига дастлабки ўн йилларда бошқарув жараёни уларни кизиқтирмаганлиги бўлиб ҳисобланган. Чингизхон ва уларнинг авлодлари ўлпон ва буйсундирилмаган мамлакатлардан солиқларни мунтазам тушишига қизиқар эдилар, холос. Уларни кўпроқ хўжалик маҳсулотларини, хунармандчилик буюмларини ва пулни узлуксиз олиб турилиши қизиқтирар эди.

Ўрта Осиёни мўғуллар ҳукмронлигидан Амир Темур (1336-1405 й.) томонидан озод этилиши билан ярим аср давомида Кашмирдан Ўрта денгизгача, Орол денгизидан Форс қўлтиғигача чўзилган улкан салтанати доирасида узига хос ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар барпо этилди. Озод этилган ўлкаларни бирлаштириш ва бошқариш учун Темурга молия (мусодора қилинган) бойликлар, ўз даромадлари ва янги инфратузилмалар, солиқлар манбаи бўлиб хизмат қила бошлади. Буюк соҳибқирон Амир Темур тузукларида таъкидланишича “Солиқлар давлатнинг иқтисодий таянчидир”[2]. Демак, иқтисодиётни тартибга солишда солиқлар муҳим ўрин эгаллайди.

Асосий солиқлар ер солиғи («ҳирож», «мол») жон солиғи («жузя»), миниладиган ҳайвонлар етказиб бериш («улоқ»), «бегор» мажбуриятлари ва баъзи бошқа фавқулодда солиқлар («аваризот») эди. Амир Темур ўзининг молия ва солиқ қонунларини ишлаб чиқишда сафдошлари ва замондошларининг тажрибасидан кенг фойдаланди. У ўзи истило этган мамлакатларда илгари амал қилган солиқ тизимлари билан ҳам кенг танишишга муваффақ бўлган.

[2] Темур тузуклари. - Т.: Чўлпон, 1991. 98 б.

Темурнинг солиқ сиёсати борасидаги асосий қоидаси «Темур тузуклари» деб номланган ва у фарзандларига қолдирган сиёсий васиятида ҳам келтирилган. У солиқларни йиғишга халқнинг солиқлар билан эзиб қўйишдан ёки вилоятларни хонавайрон қилишдан эҳтиёт булиш зарур, зеро халқнинг хонавайрон бўлиши давлат хазинасининг қашшоқлашишига олиб келади. Хазинанинг ночорлиги оқибатида эса ҳарбий кучлар пароканда бўлиб, бу эса ўз навбатида ҳокимиятни заифлаштиради, деб таъкидлаб ўтган эди. Қонунни ишлаб чиқишида эса Темур, аввало халқдинг манфаатларини унинг тўловга қобиллигини ҳисобга олиб чиқиш зарурлигини ҳар бир индивидуал хўжаликда бой-бадавлатликнинг эришилган даражасига алоҳида эътибор қилишга даъват этган.

Темур ўз ҳаётининг охирида бутун дунё учун ягона солиқ тизимини жорий зтиб бўлмаслигини ҳам таъкидлаб ўтган. Албатта, ислом динига катта этикод қилган шахс сифатида у шариат тавсияларини эътиборга олиниши тарафдори бўлган.

Солиқлар тарихда инсон цивилизацияси билан бирга ривожланиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Солиқларнинг иқтисодий муносабатларда асосий ўрингa чиқишига аввалambор давлатнинг шаклланиши, жамоаларнинг синфларга бўлиниши, қадимги ижтимоий тузумнинг вужудга келиши, ҳамда уларнинг маълум молиявий манбага эҳтиёж сезишлари сабаб бўлган.

Инглиз иқтисодчиси С.Паркинсон сўзи билан айтганда: “Солиқлар кўҳнадир – худди дунёдек, унинг юзага келишида қачондир бир маҳаллий қўмондан ўз ҳудудида жойлашган дарё ёки тоғдан савдогар ҳамда саёҳатчи ўтса, улардан ҳақ олиши сабаб бўлган”[3].

Солиқлар пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнида уларнинг шакллари ҳам ўзгариб келмоқда. Агарда бугунги кунга келиб солиқлар асосан пул шаклида ундирилаётган бўлса, улар қадимда бир қанча кўринишларда, жумладан, меҳнат шаклида, натура шаклида ундирилган. Шу билан биргаликда жамият иқтисодий тараққиёти юксалишига мос равишда солиқларнинг пулли шаклда ундирилиши ҳам тобора ривожланиб борди.

В.Пушкарёва солиқлар ривожланиш тарихини 3 босқичга ажратиб кўрсатади[4]. Уларнинг ҳар бири у ёки бу хусусиятлари ҳамда афзалликлари билан ажралиб туради.

---

[3] Паркинсон С. Закон и доходы. - М.: Интерконтакт, 1992. - с.14-15.

[4] Пушкарева В. История финансовой мысли и политики налогов. Учебное пособие. - М.: Инфра-М, 1996. - с.17.

Биринчи босқичда солиқларнинг ривожланиши қадимги ва ўрта асрлар қишлоқ хўжалиги тизимига хос бўлиб, тартибсиз ҳамда асоссизлиги билан ажралиб туради. Худди, шу даврда солиқ механизми ундирилиши жорий этилди.

Солиқларнинг жорий этилиши давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг амал қилишига давлат аппаратининг шаклланиши, армия, суд ва уларнинг молиявий манбалар билан таъминлаш зарурияти, товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши каби омиллар сабаб бўлган.

Илк солиқлар тизимсиз тўловлар кўринишида бўлиб, улар натура шаклига эга бўлган. Аҳоли солиқларни экинлар ҳосилидан, савдо-сотиқдан ҳамда овлаган ҳайвонларидан тўлаганлар. Уруш вақтида эса, қўшимча озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳалар етказиш, ночор бўлса аскар сифатида қўшимча жалб этилган. Рим империяси ҳамда Афинада тинч-тотув пайтларда солиқ олинмаган. Солиқларни жорий этиш ва ундириш фақат уруш даврларига тўғри келган.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши солиқларнинг ҳозиргидек пул кўринишига келишига олиб келди. Олдин солиқлар, асосан, чегара ва қўшин эҳтиёжларига, шаҳар атрофини мустаҳкамлашга, йўл ва ибодатхона қурилишларига йиғилган бўлса, вақт ўтиши билан солиқлар давлат хазинаси даромадининг биринчи галдаги манбаи бўлиб қолди.

Ҳозирги давр солиқ тизимига моҳиятан ўхшаш илк солиқ тизими қадимги Римда шаклланган. Бу солиқлар фақат уруш харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган. Рим аҳолиси ўзининг мол-мулки, турмуш даражаси ҳамда оилавий аҳволидан келиб чиққан ҳолда, солиқ тўлашган. Солиқ суммалари махсус шахслар томонидан ҳисоб китоб қилинган.

Римда давлат ташкилотларининг ривожланиши бевосита император Октавиан Августин (эр.ав. 63-14 йиллар) томонидан солиқ ислоҳотини амалга оширишга, оқибатда эса, илк пул солиқлари жорий бўлишига олиб келди. Солиқларни жорий этиш ва уни назорати билан шуғулланувчи молиявий муассаса шаклланди. Ер солиғи давлат солиқларининг асосий улушини ташкил этган. Шу қатори кўчмас мулкдан, балиқлардан, чорва ва бошқа моллардан солиқлар ундирилган. Тўғри солиқлардан ташқари эгри солиқлар ҳам бўлган. Масалан, оборот солиғи 1 %, қуллар савдосидан оборот солиғи 4 % ва бошқалар. Бу даврга келиб солиқлар нафақат фискал, балки у ёки бу иқтисодий тармоқлар бўйича тартибга солувчилик вазифасини ҳам бажара бошлаган.

Аммо XVII асргача Европада солиқлар тартибсиз ундирилганлиги учун ягона тизимга эга бўлмаган. Уларнинг тақдири уруш натижаларига боғлиқ бўлиб, гоҳ камайиб, гоҳ кўпайиб кетар, натижада аҳолининг тинка-порасини қуритган эди. Фақатгина XVII аср охири XVIII аср бошларига келиб солиқлар ривожланишининг иккинчи босқичи бошланади.

Иккинчи босқичнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда солиқлар давлат бюджетини шакллантиришнинг асосий манбаси сифатида кўрилган. Солиқ объектларини аниқлаш ва солиққа тортиш қонун қоидаларини тартибга солувчи илк солиқ тизими юзага келган. Тўғри ва эгри солиқлар илк бор ажратилиб, бу солиқларнинг муҳим ва аҳамиятли жиҳатлари очиб берилган. Солиқлар ичида асосий ўринни акцизлар эгаллаган. Булар қонуний равишда шаҳар дарвозаларида мамлакатга киритилувчи ёки ундан чиқарилувчи товарлардан ундирилиб, ҳамма даромадлар ва тушумлар солиққа тортилган.

Европа мамлакатларида демократиянинг ривожланиши натижасида солиқларни ҳисоблаш ва ундириш борасида аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ўртага ташланди. Натижада 1689 йил Англияда «Билл ҳуқуқлари» китобида қатъиян халқ вакиллари органларига давлат даромадлари ҳамда харажатлари тўғрисида маълумот бериши белгиланди.

Францияда фақатгина 1791 йил «Улуғ Француз революцияси» дан кейин давлат бюджети ва солиқлари ҳақида маълумот берила бошланди.

Солиққа тортиш тизими ривожланиши билан бир қаторда солиққа тортиш назарияси ҳам аста-секин такомиллашиб борди. Солиққа тортиш назариясининг илк асосчиси шотландиялик иқтисодчи Адам Смитдир (1723-1790). У ўзининг “Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари” номли китобида (1776) илк бор солиқ тамойилларини асослаб берди, солиқларнинг давлат молияси тизимидаги аҳамиятини солиқ тўловчиларга тушунтириб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди.

Учинчи босқичнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда солиқларнинг камайиши ҳамда солиқларни ўрнатиш ва ундиришга оид қонун-ҳужжатларнинг кучайиши яққол кўзга ташланади. Жамиятда молия илмининг ривожланиши билан солиққа тортиш муаммолари ва услубиятларига бағишланган янги-янги илмий-назарий қарашлар вужудга келди. Аммо ҳеч қандай иқтисодий мактаб солиқларнинг фискал функциясидан муҳимроқ қарашни илгари сура

олмади. XIX асрнинг иккинчи ярмида кўп мамлакатлар янги илмий назарияларни ҳаётга татбиқ этишга уринганлар, лекин фақатгина биринчи жаҳон урушидан сўнг янги илмий қарашларнинг самараси ўлароқ солиқ тамойиллари ҳозирги мукаммал кўринишга эга бўлган. Айни шу вақтда замонавий солиқ тизимининг пойдевори қурила бошланди, тўғри солиқларнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асослаб берилди ҳамда бюджет даромадлари улушининг катта қисмини тўлдирувчи жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқларни прогрессив ставкалари жорий этилди. Шу билан бирга тан олиш лозимки, шу вақтгача бирор бир давлатда мукаммал солиқ тизими амал қилмайди. Ҳозиргача иқтисодиёт илми солиққа оид кўпдан-кўп саволларга жавоб топа олмаяпти. Аммо ривожланган мамлакатларда доимо амалга ошириладиган ислоҳотлар шундан далолат берадики, барча ҳатти-ҳаракатлар солиқларнинг адолатли, тенг тақсимланган ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш каби унсурларнинг ривожланишига катта аҳамият берилган.

2.2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари

Солиқларнинг юзага келинишини қадимий манбалардан ҳам кузатиш мумкин. Аммо солиқлардан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлат улардан қурол сифатида фойдаланганлигини фақат юзага келган солиқ турлари орқали билиш мумкин.

Агарда ижтимоий-иқтисодий босқичларга бир назар ташласак, унда давлат солиқларидан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда мунтазам фойдаланганлигидан хулоса чиқариб олишимиз мумкин бўлади. Ҳатто давлатчиликнинг шаклланишида ҳам солиқлар етакчилик қилишган. Чунки давлатнинг пайдо бўлиши мукаммал барқарорлашмаган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга таянган. Шунинг учун ҳам давлатнинг пайдо бўлишининг дастлабки босқичида молиявий ва иқтисодий ишларни жонлантиришда давлат ҳукумдорлари ҳар хил солиқ тўловларидан фойдаланищга ва ўз олдиларида турган муаммоларни ечишга ҳаракат қилишган. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўрта асрнинг барча молия фанининг намоёндалари давлат ўз вазифаларини бажаришда солиқлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш муҳимдир деб фикр билдиришган. Бундай фикр ҳатто ҳозирги тараққиёт босқичимизда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, солиқларни моҳиятини

очишда, улардан давлат олдида турган вазифаларни бажаришда ўзига хос тушунчаларда номаён бўладиган «курол» ёки «восита»[5] сўзларига таянилиши солиқ муносабатларини чекланишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо «қурол» ва «восита» сўзлари солиқ муносабатлари доирасида давлатнинг ролини ифодалантириш билан чекланади ва солиқларни конкрет ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтиришдаги моҳияти ва аҳамиятини ифодалаб бера олмайди. Бунинг сабаби солиқларни солиқ олувчи ва солиқ тўловчилар ўртасидаги объектив пул муносабатларини эмас, балки янги қийматни юзага келтиришда намаён бўладиган пул муносабатларида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам уларни мажбурий тўловлар сифатида юзага келишида даромад, фойда, мол-мулк, қиймат тақсимоти муҳим манба ва солиқ объектлари рол ўйнайдилар. Бу борада шуни ҳам изохлаб ўтиш керакки, солиқларни мажбурийлиги ҳам уларнинг моҳиятини эмас, балки уларга хос бўлган демократик хусусиятни акс этиради, холос. Буни солиқларга хос мажбурийлик хусусиятлари ҳуқуқий меъёрларга асосланади. Бундай ҳуқуқий меъёрлар давлатларнинг парламентлари томонидан ўрганилади ва жамият манфаатларига молик даражада етказдирилиши орқали қабул қилиниши мумкин.

Шундай қилиб солиқлар ўз моҳиятидан келиб чиқиб янги қийматни юзага келтириши билан боғлиқ пул муносабатларини ифодалайди.

Демак, солиқлар моҳиятида янги қийматни юзага келтириши билан боғлиқ пул муносабатлари ётади. Шунингдек улар молиянинг таркибий қисми бўлиб, узоқ муддатларни мўлжалланган ҳуқуқий меъёрлар билан мустаҳкамланган. Лекин қонунлар билан мустаҳкамланган солиқлар турли омиллар таъсирида кўзда тутилган натижаларни қўлга киритишига хизмат қилмаслиги ҳам мумкин. Шу боис ҳам солиқлар самарали натижаларни қўлга киритилишини таъминлаши ва узоқ муддатларга хизмат қилиши учун солиқ муносабатларини тўлиқ ифодалайдиган, илмий асосланган солиқ сиёсатига ва Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан белгилаб берилган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларига бевосита асосланиши шарт.

Солиқлар янги қийматни юзага келтириши билан боғлиқ пул муносабатларини ифода этганлигини эътиборга олган ҳолда уларнинг моҳиятини тўлиқ ёритилиши солиқ муносабатларини ифодаловчи бир томондан давлат ва иккинчи томондан уларни тўловчилари, яъни

[5] Гатаулин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. -Т.: Ўзб.Р.ДСҚ, 1996. – 4 б.

ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасидаги юзага келадиган мажбурий тўловлар, шунингдек солиқларни функциялари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам солиқлар моҳиятини солиқ тўловлари билан боғлиқ муносабатлар ва солиқ функциялари орқали ифодалаб бориш зарурдир.

Солиқлар объектив тақсимлаш муносабатлари орқали кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида иштирок этади ва ишлаб чиқариш муносабатларида ўз аксини топди. Солиқдар жамият иқтисодий базасини ифодалаши туфайли ишлаб чиқаришни қизиқтиришда, товар ишлаб чиқариш орқали истеъмолни тартибга солиш ва марказлаштирилган пул жамғармаларини юзага келтириш улардан ижтимоий ҳимоя ва бошқа ижтимоий зарурий мақсадлар йўлида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Юқоридагидан келиб чиққан қолда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, амалий жиҳатдан солиқларнинг қонуний ҳаракатлари орқали, уларнинг моҳиятини ифодалаш мумкин:

Биринчидан, солиқ тўловчи пулнинг у ёки бу суммасини давлатга тўлар зкан, бунинг эвазига товар ёки хизмат олмайди. Солиқ миқдори билан у истеъмол қилган ижтимоий неъмат ўртасида боғлиқлик юзага келмайди. Шу хусусиятга кўра солиқ тўловчи кўрсатган фойдасини ёки манфаатини тўлаган солиқлар билан солиштирса, унда бундай ҳолат даромадларни емирилишига, солиқ тўлашдан бош тортишга сабаб бўлиши мумкин. Давлат ўз фуқароларидан йиғиб олган солиқларни самарали ва ошкора тарзда ишлатса, ҳамда фуқароларнинг аксарият қисми давлатнинг иқтисодий ижтимоий ва бошқа дастурларини ўз маблағлари ҳисобидан оқилона ва ихтиёрий равишда таъминлашга рози бўлган тақдирдагина давлат миқёсида юксак солиқ ахлоқ тамойиллари юзага келтирилиши учун замин яратилади.

Иккинчидан, солиқлар тўла ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги солиқ тўловчилар зиммасига юкланган экан, у ихтиёрий эмас, балки мажбурий хусусиятга эга бўлиши ва муқаррарлиги.

Учунчидан, давлат фойдасига амалда юзага келтирилтан даромаднинг аввалдан қонун доирасида белгилаб кўйилган қисмини ундириб олиниши билан.

Солиқлар иқтисодий фаолликни тартибга солиш орқали такрор ишлаб чиқариш жарёнига таъсир кўрсатишади. Давлат фойдага солинадиган солиқлардан фойдаланиб, сармояни жамғариш жараёняарига таъсир кўрсатишади. (Мисол учун жадаллаштирилган амортизация ажратмалари орқали).

Жадаллаштирилган амортизация усули иқтисодиётининг корпоратив секторида капитал қўйилмаларни кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади, чунки уни қўллаш орқали фан-техник тараққиётини юксалтириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш, ривожлантириш имкониятлари яратилиши мумкин.

Солиқлар орқали тўловчилар ва бюджет ўртасида даромадлар тақсимланаётганда томонларнинг иқтисодий манфаатини, албатта эътиборга олиш зарур. Солиқ тўловчилар даромадини давлат истаганича ололмайди, солиқларни бюджетга олишнинг маълум чегараси мавжуд. Шу билан бирга, солиқ тўловчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда олишдаги фаолияти ҳисобига олиниб, солиқ белгиланади.

Шунинг учун ҳам, Давлат солиқлардан макроиқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадлари учун етарли молиявий ресурслар тўплаш учун кенг фойдаланиши зарурдир.

Шу ўринда солиқларга турли иқтисодчилар томонидан берилган таърифларни келтириб ўтиш ўринлидир. «Солиқлар, - деб ёзади Д.Рикардо, - ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер ресурси ва мамлакат меҳнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир оқибатда улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади ҳисобидан тўланади».[6] Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Д.Рикардо солиқлар моҳиятини ёритиб, ўз навбатида А.Смит томонидан яратилган солиқлар назариясини маълум даражада ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшган.

Солиқлар бўйича яна бир таъриф С.Г.Пепеляев томонидан берилган: «Солиқ - оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мулкларини бегоналаштиришнинг мажбурийлик, якка тарзда ҳолисона, қайтармаслик, давлатнинг мажбурлаши билан таъминланганлик асосларида ва жазо ёки контрибуция характерига эга бўлмаган қонунда белгиланган ягона шаклидир».[7]

Ҳозирги пайтда иқтисодий адабиётларда солиқларнинг иқтисодий моҳиятини ўрганишга бағишланган қатор илмий ишлар чоп этилган. Масалан, «Сиёсий иқтисод» изоҳли луғатида солиқлар «… корхона, ташкилот ва аҳолини, мамлакат молиявий ресурсларини ташкил

[6] Рикардо Д. Начало политической экономики и налогового обложения. Сочинения./ т. 1. /Пер. с англ. - М.: Госполитиздат, с.380.

[7] Пепеляев С.Г. и др. Основи налогового права. –М.: Финанси и статистика, 2000

этишдаги иштирокини характерловчи мажбурий тўловлар тизими» деб изоҳланади.

Профессор Д.Г. Черникнинг фикрича «Солиқлар - давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинадиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради».[8]

Профессор Б.Г. Болдырев бошчилигида ёзилган «Капитализм молияси» ўқув қўлланмасида солиқларга қуйидагича таъриф берилган: «Солиқлар — давлат томонидан ундириб олинадиган, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг мажбурий тўловлари»[9] ҳақиқатан ҳам юқорида келтирилган таърифлар энг содда ва кенг омма учун қулай ва тушунарли бўлиши мумкин. Лекин бу таърифлар ўзида солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини тўлалигича акс эттира олмайди. Бундан ташқари, ушбу тўловлар нима мақсадда ундириб олиниши ҳамда қачон ундириб олиниши тўғрисида етарли маълумотлар бера олмайди.

Солиқлар давлат бюджети даромадларини ташкил этувчи асосий манба ва иқтисодиётни бошқарувчи муҳим қурол ҳисобланади. Бироқ бу таъриф солиқларнинг моҳиятини тўлалигича ёрита олмайди ҳамда солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини ўзида акс эттира олмайди. Бундан ташқари иқтисодий муносабат сифатида, бу муносабатлар объекти бўлиб нима ҳисобланади, деган саволларга жавоб бера олмайди.

Солиқларни таърифлашда иқтисодий адабиётда умумийлик ва хусусийлик мавжуд. Умуман, солиқлар давлатнинг мавжуд бўлиши учун зарурият бўлиб, давлат ва маҳаллий ҳокимият тузилмаларини молиявий жиҳатдан таъминлаш, давлат ўз зиммасига олган вазифаларни бажариши учун ўрнатилган ставкаларда мажбурий тарзда ундириладиган ҳамда уни тўловчиларга якка тартибдаги эквивалент ҳуқуқни бермайдиган тўловлар ҳисобланади[10].

Шуни таъкидлаш керакки, проф. О. Олимжоновнинг фикрига кўра, солиқлар қуйидагича таърифланса, солиқларнинг моҳияти кенгроқ ёритилади ва мақсадга мувофиқ бўлади: «Солиқлар - давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган

[8] Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. –М.: Финансы, 1992. №3 с.19.

[9] Болдырев Б.Г. Финансы капитализма. - М.: Финансы, 1987. 21.

[10] Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008.- 79 б.

муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинадиган тўловлардир».[11]

Бозор иқтисодий муносабатларига ўтиш ва замонавий тузилмаларнинг юзага келиши ва ривожланиши солиқ тизимини қайта кўрилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасини мустақил деб эълон қилиниши ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган муносабатларини, шу жумладан солиқ муносабатларини қайта кўриш заруриятини келтириб чиқарди. Аввало 1992 йил 14 январда қабул кдлинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг солиқлари тўғрисида» қонун 1997 йил 24 апрелида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини» қабул қилиниши ўтиш давригача амал қилинган аксарият солиқларни бекор қилинишини, янги солиқ хиллари амалётга жорий зтилишига имконият туғдириб берди.

Бозор иқтисодиёт муносабатларига жавоб берадиган солиқларни амал қилиши, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминланишига ва уни ривожлантиришга сабаб бўлди. Ўтиш даврининг нобарқарорлик жараёнлари юзага келганда, уларни бир томондан давлат оқилона солиқлардан фойдаланган ҳолда тартибга солишга муваффақ бўлган бўлса, иккинчи томондан давлат солиқлар орқали ўз олдида турган вазифаларини ва функцияларини бажаришда етарли даражада марказлаштирилган пул маблағларини ташкил этишга замин яратиб беради. Демак солиқларнинг объектив зарурлиги нафақат замонавий муносабатларни, иқтисодий-ижтимоий тузилмаларни юзага келиши, балким ана шундай тузилма ва муносабатларни тартибга келтириш, давлатни бошқариш билан боғлиқ давлатнинг функция ва вазифаларини маблағ билан таъминланишнинг зарурлигидан келиб чиқади.

Шундай қилиб солиқларнинг объектив зарурлиги қуйидагилар билан боғлиқ бўлди:

- Бозор иқтисодий муносабатларини акс этувчи қонунларни қабул қилиш билан;
- Турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларини ва эркин нархларни амал қилиши аҳоли билан хўжалик субъектлари ўртасида фақат қонуний, хуқуқий, демократик муносабатларини шаклланинш билан;
- Марказлашган маъмурий тақсимотдан ўз-ўзини молиялаштиришга, иқтисодий кўрсаткичларни хўжалик

[11] Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. //Ҳаёт ва иқтисод. 1992.

субъектларида мустақил тақсимотини ва режалаштирилишини амалга оширилиши билан;

- Бозор иқтисодий муносабатларига ўтиш босқичларида хўжалик субъектлари фаолиятида юз бериши мумкин бўлган қийинчиликлар, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайиши ёки фаолиятни тўхталиб қўйилиши бюджет даромадларини пасайиши ва уларни қоплаш учун салмокли даромадлар бўлишини таъминлаш фақат эгри солиқлар орқали ҳал тшлиши билан.

Аммо юқорида келтирилган далиллар нафақат замонавий солиқ муносабатлариви амал қилишни, шунингдек солиқ тизимини қайта кўришнинг зарурлиги билан ҳам боғлиқ бўлди.

Янги солиқ хилларини уларни юзага келтирувчи манбалар ва объектларини қонунлар доирасида ташкил этилишига асос яратилиши, шулар орқали кўп-мулкчиликни амал қилишига ва ривожланишига шароит яратилиши, эркин фаолият юргизиш ва уларнинг қонунларга зид бўлмаган чегараларгача кенгайтирилиши турли солиқ элементларини баркарорлаштириб борилиш заруриятини ҳам тақозо эттирди.

Шу тариқа бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик мулк шаклидан қаътий назар, ўзи эркин фаолият кўрсатиши ва бутун фаолиятига ўзи жавоб бериши, давлатнинг аралашуви қонун билан, яъни солиқ орқали амалга оширилиши учун замин яратилди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг янги функцияларини барқарорлашуви учун ҳам имкониятларни яратилиши кўпинча солиқ муносабатлари билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Буларга кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бозор инфратузилмасини ташкил қилиш ва шуни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни давлат доирасида ташкил этиш, нафақахўрлар, талабалар, кўп болали оилалар ва бошқаларни маблағ билан таъминлаш, товар баҳоларининг кўпроқ ошган қисмини давлат ҳисобидан қоплаш ва бошқалар мустақил мудофаа қудратига эга бўлиш, харбий техникага эга бўлиш, давлат фуқаролар ҳавфсизлигини сақлаш, тартиб-интизом ўрнатиш, мамлакатни бошқариш функияларини бажариш учун ҳам маблағ сарфлаш, буларнинг ҳаммаси солиқларнинг объектив зарурлигини ва тартиблаштирилиб берилишини тақозо этади. Лекин солиқларнинг зарурлиги бошқа ўзига хос муносабатларни мавжудлиги билан ҳам боғликдир. Мисол учун, бозор иқтисодиётида ҳамма нарса сотилади. Ҳеч нима бепул берилмайди. Шундай экан, давлат томонидан жуда катта харажатлар эвазига қиладиган хизматларини сотилишига

зарурият тутилиши мумкин. Лекин гап шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг кўрсатган хизматлари ҳақи жуда катта бўлганлиги уни сотиб олувчиларини юзага келтирмайди. Тўғрироғи, уни сотиб олиш истаги туғилганда ҳам маблағни алоҳида ҳолда етмайди, ҳамма хўжалик субъектлари ва фуқаролар давлатнинг хизматларини «Ижтимоий товарлар» тушунчаси доирасида ўзлаштирадилар, аммо улар шу истеъмол доирасида давлат хизматларини бажара олмайдилар. Масалан, бирор-бир хўжалик ҳеч қачон менга мудофаа хизматлари ёки молиявий ёрдам керак эмас, демайди. Демак, давлат хизматларини ўзлаштирар экан, унинг ҳаққини тўлашни унутмаслик керак. Аммо, алоҳида истеъмолчилар бу ҳақни ихтиёрий равишда тўлагиси келмайди. Натижада давлат Олий Мажлис орқали ана шундай тўловни мажбурий қилиб қонунлар доирасида олишга киришади. Шунинг учун Олий Мажлис бу хақни тўлашни мажбурий солиқ деб қонун орқали белгилаб беради. Давлатнинг хизмати учун олинадиган солиқ кўринишидаги ҳақ шу нуқтаи назардан мажбурий тўлов бўлмай, эквивалент характерига эгадир. У бозор муносабатларига мос кўпроқ тушган ҳолда хизматларнинг олди-соттисида ўз аксини топади.

Солиқлар ривожланган товар ишлаб чиқаришнинг муҳим категорияси бўлиб, албатта янада кенгроқ категория - давлат бюджети билан чамбарчас боғланган. Чунки солиқлар бюджетнинг шаклланишида иштирок этади.[12]

Солиқлар молиявий ресурсларни давлат ихтиёрида тўпланиб боришини таъминлайди, бу ресурслардан иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат, минтақавий вазифаларни ҳал қилиш, ишнинг самарадорлиги ва сифатини рағбатлантириш, ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб даромадларни тартибга солиш учун фойдаланилади.

Давлат солиқларни давлат бюджетини шакллантириш учун амалга киритади, солиқлар бирорта аниқ харажатларни қоплаш мақсадига эга эмас, бу айрим турдаги даромадлардан тушадиган тушумлардан амалга ошириладиган харажатлар уларга боғлиқ бўлиб қолишининг олдини олиш зарурати билан асосланган. Бироқ бир қанча ҳолларда умумий солиқлар билан бирга мақсадли солиқлар ҳам белгиланади, уларнинг амалга киритилиши иқтисодий фаолиятда ижобий роль ўйнаши мумкин.

[12] Вахобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. –Т.: ТМИ, 2002. 36 – бет.

У ёки бу иқтисодий категориянинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унга хос умумий белгиларни аниқлаш лозим бўлади. Масалан, кредит иқтисодий категория сифатида муддатлилик, қайтаришлик, муайян миқдорда устама ҳақ (фоиз) тўлаш каби умумий белгиларга эгаки, ушбу белгилар кредит категорияси моҳиятини кенгроқ ёритиш учун хизмат қилади. Худди шу каби солиқ категорияси ҳам бир қатор ўзига хос белгиларга эгаки, ушбу белгилар солиқларни бошқа тўловлардан фарқлаш учун хизмат қилади.

Рус иқтисодчиси А.Медведев ўзининг «Солиқларни қандай режалаштирмоқ керак?» номли китобида солиқларга хос бўлган икки белгини, яъни мажбурийлик ва эквивалентсизлик каби белгиларни қайд этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнингча солиқларнинг умумий белгиларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Солиқ тўловчи пулнинг у ёки бу суммасини давлатга тўлар экан, бунинг эвазига бевосита бирон-бир товар ёхуд хизмат олмайди. Алоҳида олинган солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ миқдори билан у истеъмол қиладиган ижтимоий неъматлар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлмайди. Худди ана шу хусусиятга кўра солиқ нархдан, (товар ёки хизматларни ихтиёрий истеъмол қилганлиги учун тўланадиган ҳақ сифатида) рухсатнома (лицензия)лар ва воситачилик йиғимларидан фарқ қилади, чунки булар мажбурий ёки ихтиёрий тўловлар ҳисоблансада, бироқ ҳамма вақт ҳукумат томонидан кўрсатилган хизматдан муайян фойда (наф) кўрилиши билан боғлиқдир.

Давлатга тўланадиган солиқлар билан унинг эвазига олинадиган иқтисодий ва ижтимоий неъматлар ўртасида бевосита, ҳар бир кишининг кўзи илғайдиган боғлиқликнинг йўқлиги солиқ тўловчилар солиққа тортишни юк сифатида баҳолашлари учун сабаб бўлади, улар солиқлар ҳисобидан қилинадиган давлат харажатларининг йўналишини маъқуллашлари ҳам мумкин.

Алоҳида олинган солиқ тўловчи одатда жамият ва ўзининг кўрган фойдаси ёки манфаатини тўлаган солиқлари билан солиштириб ўтирмайди. Бу шунга олиб келадики, оқибатда фуқароларнинг бир қисми солиқлар тўлашдан бўйин товлашга, ўз даромадларини яширишга уринади. Давлат ўз фуқароларидан йиғиб олган солиқларни самарали ва ошкора тарзда ишлатса ҳамда фуқароларнинг аксарият қисми давлатнинг ижтимоий - иқтисодий ва бошқа дастурларини ўз маблағлари ҳисобидан пул билан таъминлашга рози бўлгандагина юксак солиқ ахлоқи тамойиллари юзага келади.

2. Солиқлар мажбурий тўловлар ҳисобланади. Солиқларнинг тўлиқ миқдорда ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик солиқ тўловчилар зиммасига юкланган бўлса-да, улар ихтиёрий эмас, мажбурий равишда тўлайдилар, давлат солиқ тўлашдан бўйин товлаганларни қаттиқ жазолайди.

3. Давлат фойдасига солиқ тўлаш орқали даромаднинг аввалдан белгилаб қўйилган, энг муҳими, қонуний тартибда кўзда тутилган қисми ундириб олинади. Кўпгина давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам қонунларида солиқларни белгилаш ва уларнинг ҳажмларини аниқлашга фақат Олий қонун чиқарувчи ҳокимият ёки унинг томонидан ваколат берилган органлар ҳақлидирлар, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзининг хоҳиш-истагига қараб янги солиқлар белгилаш ёки уларнинг ҳажмларини аниқлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Тўловларнинг қонуний, очиқ-ойдин хусусиятга эга бўлиши солиқларнинг бош тавсифи ҳисобланади.

4. Солиқларнинг яна бир белгиси уларнинг давлат ёки маҳаллий бюджетга келиб тушишидир, яъни солиқлар бюджетдан ташқари фондлар ёки турли хил бошқа фондларга келиб тушмайди.

5. Солиқларга хос бўлган умумий белгилардан бири сифатида давлат ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ўртасида мулкчиликни қайта тақсимлаш жараёнининг юзага келишидир. Соддароқ қилиб айтганда корхоналар ва аҳолидан олинадиган солиқлар, аслида улар мулкининг маълум бир қисмини давлат ҳисобига ўтказилишини билдиради. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган мулк даромад шаклида мажбурий тўлов бўлиб, давлат мулкига айланади.

Ҳозирда солиқларнинг умумий белгиларини чуқурроқ ўрганиш талаб этилмоқда. Шу ўринда солиқларнинг умумий белгиларини тўлиқроқ ва аниқроқ, батафсил ёритиши мумкин бўлган ҳар қандай иқтисодий вазиятларда ўзгармайдиган ва доимий мавжуд, аҳамиятли оптимал умумий белгиларини яратиш муаммоси ҳал этилиши лозимдир.

Солиқ категорияси бошқа иқтисодий категориялар: молия, кредит, суғурта, инвестиция кабилар билан умумий ўхшашликка эга, яъни уларнинг барчаси пулли муносабатларни ифодалайди. Лекин солиқларнинг ўзига хос юқорида қайд этилган белгилари мавжудки, ушбу белгилар солиқларни бошқа иқтисодий категориялардан фарқлаш учун хизмат қилади.

2.3. Солиқларнинг умумий белгилари ва бошқа иқтисодий категориялар билан ўзаро муносабати

У ёки бу иқтисодий категориянинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унга хос умумий белгиларни аниқлаш лозим бўлади. Масалан, кредит иқтисодий категория сифатида муддатлилик, қайтаришлик, муайян миқдорда устама ҳақ (фоиз) тўлаш каби умумий белгиларга эгаки, ушбу белгилар кредит категорияси моҳиятини кенгроқ ёритиш учун хизмат қилади. Худди шу каби солиқ категорияси ҳам бир қатор ўзига хос белгиларга эгаки, ушбу белгилар солиқларни бошқа тўловлардан фарқлаш учун хизмат қилади.

Рус иқтисодчиси А.Медведев ўзининг «Солиқларни қандай режалаштирмоқ керак?» номли китобида солиқларга хос бўлган икки белгини, яъни мажбурийлик ва эквивалентсизлик каби белгиларни қайд этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнингча солиқларнинг умумий белгиларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Солиқ тўловчи пулнинг у ёки бу суммасини давлатга тўлар экан, бунинг эвазига бевосита бирон-бир товар ёхуд хизмат олмайди. Алоҳида олинган солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ миқдори билан у истеъмол қиладиган ижтимоий неъматлар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлмайди. Худди ана шу хусусиятга кўра солиқ нархдан, (товар ёки хизматларни ихтиёрий истеъмол қилганлиги учун тўланадиган ҳақ сифатида) рухсатнома (лицензия)лар ва воситачилик йиғимларидан фарқ қилади, чунки булар мажбурий ёки ихтиёрий тўловлар ҳисоблансада, бироқ ҳамма вақт ҳукумат томонидан кўрсатилган хизматдан муайян фойда (наф) кўрилиши билан боғлиқдир.

Давлатга тўланадиган солиқлар билан унинг эвазига олинадиган иқтисодий ва ижтимоий неъматлар ўртасида бевосита, ҳар бир кишининг кўзи илғайдиган боғлиқликнинг йўқлиги солиқ тўловчилар солиққа тортишни юк сифатида баҳолашлари учун сабаб бўлади, улар солиқлар ҳисобидан қилинадиган давлат харажатларининг йўналишини маъқуллашлари ҳам мумкин.

Алоҳида олинган солиқ тўловчи одатда жамият ва ўзининг кўрган фойдаси ёки манфаатини тўлаган солиқлари билан солиштириб ўтирмайди. Бу шунга олиб келадики, оқибатда фуқароларнинг бир қисми солиқлар тўлашдан бўйин товлашга, ўз даромадларини яширишга уринади. Давлат ўз фуқароларидан йиғиб олган солиқларни самарали ва ошкора тарзда ишлатса ҳамда фуқароларнинг аксарият қисми давлатнинг ижтимоий - иқтисодий ва бошқа

дастурларини ўз маблағлари ҳисобидан пул билан таъминлашга рози бўлгандагина юксак солиқ ахлоқи тамойиллари юзага келади.

2. Солиқлар мажбурий тўловлар ҳисобланади. Солиқларнинг тўлиқ миқдорда ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик солиқ тўловчилар зиммасига юкланган бўлса-да, улар ихтиёрий эмас, мажбурий равишда тўлайдилар, давлат солиқ тўлашдан бўйин товлаганларни қаттиқ жазолайди.

3. Давлат фойдасига солиқ тўлаш орқали даромаднинг аввалдан белгилаб қўйилган, энг муҳими, қонуний тартибда кўзда тутилган қисми ундириб олинади. Кўпгина давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам қонунларида солиқларни белгилаш ва уларнинг ҳажмларини аниқлашга фақат Олий қонун чиқарувчи ҳокимият ёки унинг томонидан ваколат берилган органлар ҳақлидирлар, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзининг хоҳиш-истагига қараб янги солиқлар белгилаш ёки уларнинг ҳажмларини аниқлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Тўловларнинг қонуний, очиқ-ойдин хусусиятга эга бўлиши солиқларнинг бош тавсифи ҳисобланади.

4. Солиқларнинг яна бир белгиси уларнинг давлат ёки маҳаллий бюджетга келиб тушишидир, яъни солиқлар бюджетдан ташқари фондлар ёки турли хил бошқа фондларга келиб тушмайди.

5. Солиқларга хос бўлган умумий белгилардан бири сифатида давлат ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ўртасида мулкчиликни қайта тақсимлаш жараёнининг юзага келишидир. Соддароқ қилиб айтганда корхоналар ва аҳолидан олинадиган солиқлар, аслида улар мулкининг маълум бир қисмини давлат ҳисобига ўтказилишини билдиради. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган мулк даромад шаклида мажбурий тўлов бўлиб, давлат мулкига айланади.

Ҳозирда солиқларнинг умумий белгиларини чуқурроқ ўрганиш талаб этилмоқда. Шу ўринда солиқларнинг умумий белгиларини тўлиқроқ ва аниқроқ, батафсил ёритиши мумкин бўлган ҳар қандай иқтисодий вазиятларда ўзгармайдиган ва доимий мавжуд, аҳамиятли оптимал умумий белгиларини яратиш муаммоси ҳал этилиши лозимдир.

Рус олими И.А. Майбурованинг фикрига кўра солиқлар, давлат, жамият ва халқ хўжалиги ўртасида ижобий алоқадорлик мавжуд[13]. Шу ўринда олим фақатгина давлатнинг солиқ юкларини энг минимал

[13] Налоговая политика: теория и практика / под ред. проф. И.А. Майбурева. М.: ЮНИТИ, 2010, с. 316

даражага туширгандагина ижобий алоқадорликка эришиш мумкинлигини таъкидлайди.

Солиқ категорияси бошқа иқтисодий категориялар: молия, кредит, суғурта, инвестиция кабилар билан умумий ўхшашликка эга, яъни уларнинг барчаси пулли муносабатларни ифодалайди. Лекин солиқларнинг ўзига хос юқорида қайд этилган белгилари мавжудки, ушбу белгилар солиқларни бошқа иқтисодий категориялардан фарқлаш учун хизмат қилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти деганда нимани тушунасиз?
2. Солиқларнинг объектив зарурлиги нималарда кўринади?
3. Солиқларнинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқи нималардан иборат?
4. Адам Смит ўзининг қайси асарида илк бор солиқларнинг тамойилларини асослаб берган?
5. Солиқларнинг хусусиятларини тушунтириб беринг.
6. Солиқларга оид билимларни олимлар томонидан турлича талқин этилиши сабаблари нимада?

Топшириқлар

1. Иқтисодчи олимлар томонидан солиқларга берилган тарифларни ўзига хос жиҳатларини тушунтириб беринг.
2. Солиқлар белгиларининг моҳиятини тўлиқ ўрганиш.
3. Солиқнинг эквивалентсизлик белгисини моҳиятини ўрганиб чиқиш

3-БОБ
Солиқларнинг функциялари ва элементлари

Режа

3.1. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари
3.2. Солиқларнинг мавжуд ва амалдаги тамойиллари
3.3. Солиқ назариясининг элементлари

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ, функция, вазифа, давлат бюджети, бюджет даромадлари, солиқ тамойиллари, солиқ элементлари, солиқ субъекти, солиқ агенти, солиқ объекти, солиққа тортиш предмети, солиқ базаси, солиққа тортиш бирлиги, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ юки.

3.1. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари

Ҳар қандай иқтисодий категориянинг моҳияти ва иқтисодий-ижтимоий тараққиётида тутган ўрни, унинг бажарадиган функцияларига боғлиқдир, шу жумладан солиқларнинг функцияси йўқ бўлган иқтисодий категориянинг ўзи йўқ. Солиқ ва унинг моҳияти унга мансуб функцияларда категориянинг амалиётдаги ҳаракатида намоён бўлади.

Функция деганда категориянинг ҳаётда кўп қайтариладиган, такрорланадиган доимий ҳаракатлари тушинилади. Хуш, шундай экан унда савол туғилади: солиқларнинг мохияти қандай функциялар орқали ёритилади?

Бу тўғрида иқтисодий адабиётларда ягона ёндошувлар бўлмаганлиги солиқлар моҳиятини ёритишдаги мунозаралар кенгайиб бормоқда. Кўпчилик иқтисодчилар ва амалиётчилар солиқларга хазина ва ишлаб чиқаришни кизиқтириш ҳамда назорат функциялари мансуб дейишсалар, баъзилар эса солиқларга иқтисодни бошқариш функциялари ҳам мансуб деб фикр билдиришдилар ва уларни хусусиятлари атрофлича изоҳлаб ўтишга ҳаракат қилишадилар.

Солиқ тизимида унинг учта, бешта ёки саккизта функцияларини ажаратиб кўрсатишадилар[14]. Агар улар томонидан алоҳида

[14] Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009.; Гатаулин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. -Т.: Уз.Р ДСҚ 1996 й.; Яхёев Қ. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. -Т.: ТМИ, 1994.; Финансы, денежное обращение и кредит: учебник/пед ред. проф. Самсонова. -М.: ИНФРА-М 2001. - с 64-66.

ажратилиб кўрсатилаётган функцияларни бир тартибда келтирадиган бўлсак, унда улар қуйидаги кўринишда ўз аксини топмоқда, яъни:

1. Солиқ ҳисобининг фискал[15] (хазинага оид) функцияси;
2. Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функцияси;
3. Ишлаб чиқаришни қизиқтириш функцияси;
4. Тартиблаштириш функцияси;
5. Назорат функцияси;
6. Иқтисодиётни бошқариш функцияси;
7. Ижтимоий функция;
8. Солиқларни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси.

Ушбу функциялар иқтисодчи олимларимиз томонидан қуйидагича тавсифланиб келинмоқда. Мисол учун, солиқларнинг асосий функцияси сифатида фискал функцияси алохдаа ажратиб кўрсатилмоқда. Бунинг сабаби шуки, солиқлар ёрдамида пул ресурсларининг марказлаштирилган жамғармаси гашкил этилади. Давлат ҳокимияти давлат мудофааси, бошқарув органлари, суд органларини сақдаш ва бошқалар ана шу марказлаштирилган ва хазина функциясини бошқарувчи маблағ ҳисобидан сақланади. Шундай экан, умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини бажариш корхона ва фуқаролар олган даромадларни бир кисмини солиқ тўловлари кўринишида ва шу орқали давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш солиқларнинг фискал функциясининг энг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади, деб башорат этилмоқда.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши солиқлар билан функциясининг аҳамиятини ошиб борилишидан далолат беради. Ишлаб чиқаришни ривожлантирилиши муносабати билан солиқлар тушумидан ташкил этиладиган молиявий ресурсларнинг оқимини ҳам кўпайтирилиши учун реал зарурият юзага келади. Аммо давлат иқтисодий-ижтимоий тадбирларга борган сари кўп молиявий ресурсларни сарфлаши, солиқларнинг фискал функцияси билан эмас, балки тақсимот функцияси орқали таъминланади. Аммо бундай жараённи солиқларнинг фиксал функцияси орқали амалга оширилади деган фикр-мулоҳазаларга таяниш тақсимот жараёнига таъсир этиши охир-оқибат ишлаб чиқариш соҳаларида кутилмаган деформацияларга йул қўйилишлигига сабаб бўлиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим иқтисодчилар томонидан, иқтисодни тартиблаштириш солиқларнинг муҳим

[15] фискал лотинча fiscus - хазина сўзини англатади

функцияси деб башорат этишмоқдалар. Аммо ушбу фикрга қўшилиш функцияни тартиблаштиришдан фарқи йўқ деган тушунчани юзага келтириб чиқарган бўлар эди. Иқтисодиётни тартиблаштириш функция сифатида эмас, балки солиқларни иқтисодий тараққиётда тутган ролини ифодаловчи амалий тушунчадир. Чунки давлат солиқлар ёрдамида товар сотилишини, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, хизматларни (ишларни) амалга оширишнинг иқтисодий шарт-шароитини юзага келтиради. Бу билан халқ хўжалиги тармоқларининг моддий фаолияти муайян солиқ тури орқали тартибга келтирилади. Натижада муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантириш имконияти яратилади. Солиқлар орқали иқтисодиётни тартибга келтириш сармоянинг бир тармоқдан солиқлар таъсирида мақбул бўлган бошқа тармоқда қўйилиши кучайтирилади ёки пасайтирилади. Солиқларнинг иқтисодиётида тутган ролини давлат бажараётган вазифаларини самарадорлик даражаси орқали кузатиш мумкин, яъни давлат оқилона солиқ сиёсатини юргизиш орқали солиқ юкини кучайтирмасдан туриб самарали фаолияти кўрсатиш учун шарт-шароит яратилади. Шундай экан солиқларда иқтисодиётни тартиблаштирувчи функция эмас, балки таъсир этувчи хусусият мавжудлиги ва бундай хусусият фақат тақсимот жараёнида юзага келиши мумкин.

Хўжалик субъектларининг бюджет билан молиявий муносабатларини бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларида такомиллаштириш иқтисодий ислоҳотнинг энг муҳим ва қийин муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки иқтисодий ислоҳотларни барқарорлашуви солиқлар орқали давлат бюджет даромадларини тўлиқлигини таъминлаш даражалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолмоқда. Илмий-техника тараққиётини рағбатлантириш, нарх ўсиши ва инфляцияни чеклашнинг асосий омили бўлиб ҳам солиқлар ҳисобланмоқда.

Бозор иқтисодий муносабатларини эволюцион йўллар орқали амалиётга жорий этилиши солиқларни давлат бюджети ва махдллий бюджетларни тўлдиришнинг асосий манбаи сифатида хизмат қилишни кучайтиради. Солиқлар хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олиши билан бирга ҳар бир солиқ тўловчига нисбатан алоҳида ёндашувни солиқ енгилликларини яратиб берилиши орқали кучайтирилишига илк замин яратиб беради.

Натижада солиқлар давлат бюджет даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаи сифатида намоён бўлмоқда.

Солиқлардан ташқари давлат бюджет даромадлари давлат

секторидаги корхона ва ташкилотларнинг фойдаси, давлат мулкини ижорага бериш ва давлат қимматли қоғозларидан даромад хусусий тадбиркорликда давлатнинг ҳиссавий қатнашувидан тушумлар орқали ҳам ташкил этиш имконияти яратиб берилди.

Солиқларнинг функциялари тўғрисида турли хил қарашлар мавжуд. Собиқ социалистик мамлакатлар иқтисодчилари ўртасида солиқлар икки функцияни бажаради, деган қараш кенг тарқалган эди. Бу икки функция сифатида фискал ва назорат функциялари тан олинарди. Уларнинг фикрига кўра энг асосий функция бу солиқларнинг фискал функциясидир, чунки усиз назорат функциясининг мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Ғарб иқтисодчилари кўпчилигининг назариялари англиялик иқтисодчи Ж.Кейнснинг концепциясига асосланади. Бу концепцияга кўра солиқлар фискал функциясидан ташқари иқтисодиётни тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш воситаси функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари уни иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади.

Неокейнсчилик йўналиши вакиллари бўлган Л.Харрот, Н.Кальдор, А.Хансен ва П.Самуэльсонларнинг фикрига кўра солиқлар иқтисодиётни тартибга солиш функциясига эга. Улар солиқ ставкаларини ўзгартириш ва турли имтиёзлар бериш йўли билан бу функцияни бажариш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Солиқларнинг даромадларни бошқариш функциясини юзага келишига француз иқтисодчиси Эмиль де Жирарденнинг назарияси асос бўлган. Бу назарияга кўра, солиқлар ёрдамида солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини қўллаш йўли билан жамият аъзолари ўртасидаги мулкий тенгсизликка барҳам бериш мумкин. Ҳозирги кунда бу назариянинг давомчилари бўлиб, америкалик иқтисодчилар А.Илерсик, Г.Коул, француз иқтисодчилари М.Клюдо, Ж.Фурастье ҳисобланишади. Уларнинг фикрига кўра, давлат солиқлардан ва трансферт тўловларидан фойдаланиш йўли билан жамият миллий даромадини камбағаллар фойдасига қайта тақсимлайди. Бу назариялар солиқларнинг даромадларни тартибга солиш функцияси мавжуд деган хулоса келиб чиқишига сабаб бўлди.

Мальмигиннинг фикрига кўра солиқлар уч функцияни бажаради, яъни фискал, тақсимлаш ва рағбатлантириш. Унинг фикрига кўра биринчи функция давлат даромадлари манбаларининг ташкил топиши билан боғлиқ, иккинчиси ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларини тақсимлашни назарда тутади. Рағбатлантириш

функцияси турли имтиёзлар ва енгилликлар бериш йули билан амалга оширилади.[16]

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Ғарб иқтисодий адабиётларидаги даромадларни бошқариш функцияси И.Мальмигинда тақсимлаш функцияси сифатида намоён бўлмоқда.

Солиқлар иқтисодиётнинг тарихий ривожланиши босқичларида ушбу ривожланиш жараёнларини таъминлаш мақсадига бўйсинувчи вазифаларни бажаради. Солиқларнинг функциялари эса ана шу вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Солиқлар бажарадиган вазифалар кўпчилик мамлакатларнинг солиқ қонунчилигида умумий ўхшашликларга эга. Ана шундай анъанавий солиқ вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Умумдавлат вазифаларини ҳал қилиш учун давлатга зарурий молиявий ресурслар таъминлаб бериш. Солиқларнинг фискаллик функцияси ушбу вазифани ҳал қилиш мақсадларига хизмат қилади. Бу вазифани ҳал қилиш давлатнинг иқтисодиётга қай даражада аралашувига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, солиқларнинг фискаллик функцияси шунчалик фаол бўлади. Аммо солиқларнинг ушбу вазифаси фақат иқтисодий жараёнларни қамраб олмайди, балки давлатнинг ноишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиши ҳам давлатнинг ортиқча молиявий ресурсларга муҳтожлигини келтириб чиқаради.

- Мамлакат иқтисодиётида қулай инвестиция муҳитини яратишга кўмаклашиш. Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг ушбу вазифасини бажариши ўзига хос хусусиятларга эга. Асосий хусусиятларидан бири шундаки, ҳозирги кунда сармояларнинг асосий қисми савдо ва хизматлар соҳасига йўналтирилаётганлиги ташвишли ҳолдир. Бунинг асосий сабаби фойда нормасининг бу соҳаларда катталигидир. Солиқлар сармояларни бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига йўналтиришнинг қудратли воситаси бўлиши керак.

- Аҳолининг меҳнат фаоллигини рағбатлантириш. Солиқлар деярли барча мамлакатларда ушбу вазифани бажаради. Чунки, улар аҳоли даромадларини тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Даромадлардан олинадиган солиқ ставкаларининг энг юқори чегарасини сезиларли даражада пасайтириш ишчи кучининг таклифи билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиши мумкин. 70-80 йилларда Швецияда солиқ ставкаларининг аҳоли даромадларига прогрессив равишда қўллаш малакали ишчиларнинг

[16] Мальмигин И. Налоги как элементы финанса. Перевод с англ. М.: 1997. с. 69.

бошқа мамлакатлар томон миграциясига олиб келган.

- Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида даромадларни тақсимлашнинг самарадорлик ва адолат тамойиллари ўртасидаги мувофиқликка эришиш. Амалдаги солиқларга барқарорлик ва мосланувчан солиқ ставкаларининг хослиги солиқларнинг узоқ муддатли вазифаларини амалга оширишга замин яратади. Миллий ва хорижий инвесторлар капитал қўйилмаларини амалга оширар экан, улар ўзларининг солиқ мажбуриятларини аниқ билиши керак. Солиқ турлари ва ставкалари барқарор ва тез-тез ўзгармайдиган бўлиши керак. Солиқ тизимига мустаҳкам ишонч бўлмаган тақдирда узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳаракати сусаяди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, солиқларнинг бюджетга ижобий таъсиридан ташқари, муҳим иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш соҳасида ҳам улардан фаол фойдаланиш мумкин. Нарх-навонинг ислоҳ қилиниши, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши, меҳнат бозорининг ислоҳ қилиниши ва ҳоказолар янги пайдо бўлган тижорат структураларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш заруриятини юзага келтиради. Бу вазифани солиқ ставкаларининг табақалаштириш йўли орқали ҳал этиш мумкин.

Шундай қилиб, солиқларнинг вазифалари уларни амалга ошириш муддатига қараб, қисқа муддатли, ўрта ва узоқ муддатли вазифаларга бўлинади. Бу вазифалар мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Солиқлар нафақат давлат бюджетининг тушумларига бўлган эҳтиёжларни қондиришга, балки давлат даромадларини бюджетнинг ўрта муддатли режада ҳаётийлигини яхшилаш мақсадида мослашувчанлигини амалга оширишга ҳам хизмат қилиши мумкин.

3.2. Солиқларнинг мавжуд ва амалдаги тамойиллари

Солиқларнинг функциясини ўрганиш уларнинг иқтисодиётдаги ролини кўрсатиб берса, солиққа тортиш тамойиллари солиқ муносабатларини амалиётда ташкил этиш, солиққа тортиш, уни ундириш амалиётининг мазмунини очиб беради. Кўплаб иқтисодчилар солиққа тортиш иқтисодиётнинг равнақига олиб келиши мумкин бўлган тамойилларни қайд этишган.

Солиққа тортиш тамойилларини А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) илк бор солиқ тамойилларини асослаб берган:

1. Давлат фуқаролари давлат харажатларини қоплашда ўзлари ҳукумат муҳофазасида фойдаланаётган даромадларига мувофиқ тарзда қатнашишлари лозим.

2. Ҳар бир одам тўлайдиган солиқ аниқ белгилаб қўйилган бўлиши керак, бунда ўзбошимчалик кетмайди. Солиқ миқдори, тўланадиган вақти ва тартиби уни тўловчига ҳам, бошқа ҳар қандай одамга ҳам бирдай аниқ ва маълум бўлиши зарур.

3. Ҳар бир солиқ тўловчига ҳар жиҳатдан қулай бўлган вақтда ва тартибда ундирилиши керак.

4. Ҳар бир солиқ шундай тарзда тузилиши керакки, бунда солиқ тўловчининг ҳамёнидан кетадиган пул давлат бюджетига келиб тушадиган маблағга нисбатан ортиқ бўлишига мумкин қадар йўл қўйилмасин.

Ҳозирги шароитга татбиқан олганда, солиққа тортиш самарали тизимининг қуйидаги тамойилларини таърифлаб ўтиш мумкин:

1. Етарлилик тамойили. Мазкур тамойилга мувофиқ солиққа тортиш даражаси шундай бўлиши лозимки, у давлат интилаётган халқ хўжалиги самарадорлигига эришишни кафолатлай олсин. Солиққа тортиш тизими иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, мудофаа қобилияти ва бошқа соҳалардаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган молия ресурслари тўпланишини таъминласин. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, солиқ ставкалари ўзича олганда солиқ юки кўрсаткичи ҳисобланмайди, чунки солиқ тўловчи солиқ тўлар экан, давлат томонидан бепул хизматлардан баҳраманд бўлгани ҳолда, айни чоқда ўзининг баъзи харажатларини қисқартиради. Масалан, давлат умумий фойдаланиш йўлларининг ҳолати яхши сақланишини таъминлаш билан солиқ тўловчининг транспорт харажатларини камайтиради, бепул маориф, соғлиқни сақлашни таъминлаш билан ёлланма ходимларнинг харажатларини қисқартиради, демак, иш ҳақи харажатларини ҳам камайтирган бўлади. Шундай қилиб, тўланган солиқларнинг фақат хизматлар кўринишидаги талаб этилмаган бир қисмигина солиқ юки кўрсаткичи ҳисобланади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, етарлилик тамойили солиқ сиёсатини белгилаётганда уни давлатнинг қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан қатъий равишда уйғунлаштиришни тақозо этади.

2. Тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш. Солиқ тизими хўжалик юритувчи субъектларни, жумладан, чет эл субъектларини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ускуналар ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблағ йўналтиришни, яъни капитал жамғариш ва шу йўл билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши лозим.

Солиқ тизими ресурсларнинг самарали тақсимланишига тўсқинлик қилмаслиги ҳамда хўжаликни мустақил юритиш омилларини чеклаб қўймаслиги лозим. Агар солиқлар катта бўлгани учун тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан, бошқа турдаги иқтисодий фаолият кўрсатишдан манфаатдорлигига путур етказса, мамлакат иқтисодиёти пастга қараб кетиши хавфи туғилади. Солиқлар миқдори ҳаддан ташқари катта қилиб белгиланса, ишлаб чиқариш ҳажмлари камайиб кетади, бу жараён заҳиралар, банклардаги пул маблағларининг баракаси учишига, илгари тўпланган маблағларнинг ейилиб кетишига олиб келади.

Бугунги кунда солиқ имтиёзларининг қўлланилиши ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилмоқда, яъни солиқ юкини камайишидан орттирадиган фойдасига корхонани модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда шу орқали маҳсулот рақобатдошлигини ошириш энг асосий мақсад сифатида белгиланган.

С.Жэмес ва К.Нобеснинг фикрича, катта солиқ имтиёзлари маҳаллий саноатни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ[17].

Солиққа тортиш, агар у, биринчидан, ишчи кучини ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган даражада сақлаб туришга зарур бўлган истеъмолнинг минимал ҳажмларига салбий таъсир этса, иккинчидан, меҳнатга нисбатан иқтисодий ва моддий рағбатларнинг ҳаракат доирасини торайтириб қўйса, учинчидан, жамғарма миқдорини камайтирса ва маблағнинг тўпланиш жараёнини секинлаштирса, ишлаб чиқариш имкониятларини ёмонлаштириб юбориши мумкин.

Солиққа тортишнинг кейинги икки салбий омилини батафсил кўриб чиқайлик. Моддий рағбатлантиришларга нисбатан солиққа тортишнинг нохуш таъсир этиши иш ҳақи тизимида салбий аломатлар пайдо бўлишида кўзга ташланади.

Юқори даражада табақалаштирилган солиқ ставкаларининг қўлланилиши натижасида ходим томонидан ана шу моддий рағбатни қабул қилишдаги оддийлик ва мақбуллик кўлами торайиб қолади.

Солиққа тортиш базаси ва унинг ҳажмларини нотўғри белгилаш ходимларнинг малака оширишга, рационализаторлик ва ихтирочилик фаолияти билан шуғулланишга ва бошқа соҳаларга бўлган интилишига салбий таъсир этади, боиси - меҳнатга тўланадиган ҳақ

[17] James, S. & Nobes, C. (2004), The Economics of Taxation: Principles, Policy and Practice. 7th ed. Financial Times/Prentice Hall, Harlow

миқдори, ҳақиқий меҳнат харажатларининг мураккаблиги ва хусусияти ўзгариши бефарқ бўлиб қолади.

Солиққа тортишнинг иқтисодий омилларга таъсири икки хил кўринишда бўлади ҳамда қиёсий оқибат ва даромад оқибати шаклида ифодаланади. Қиёсий оқибат меҳнат натижалари, жамғариш, инвестициялаш, янги ғояларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа хил кўринишлари билан шуғулланиш учун нисбатан камроқ даражада рағбатлантиришда намоён бўлади. Айниқса, прогрессив (ошиб борувчи) солиққа тортишда бундай оқибатнинг рағбатлантиришга зид таъсири яққол ифодаланади.

Дунёдаги бир қатор мамлакатларда капиталдан келган даромад ва истеъмолга қараб солиққа тортишни кўзда тутган солиқ ислоҳоти ўтказилмоқда. Солиққа тортишнинг салбий таъсирини силлиқлаш мақсадида ишчи кучини таклиф этиш соҳасида иш ҳақи кўринишидаги даромадлардан олинадиган солиқларнинг энг юқори қилиб белгиланган ставкалари пасайтирилмоқда. Жамғариш ва инвестициялашга солиқларнинг таъсир этиши борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди.

Солиқларнинг таъсири инвестициялар таркибида ҳам яққол сезилади. Турли кўринишдаги активлар учун жорий этилган ҳар хил солиқ тартиблари инвестиция имкониятлари ва сармоядорларнинг портфели таркибида сезилиб қолади. Солиқ тизимидаги камчилик ва нуқсонлар иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу ҳол пировард натижада давлат бюджети даромадларининг ўзгаришига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Солиққа тортишдаги оғирликни капиталдан шахсий жамғаришга ўтказишнинг умумий таъсирини бир хил маънода баҳолаш қийин, жамғарманинг умумий ҳажми учун келиб чиқадиган оқибатлар солиқ тушумларининг ҳукумат томонидан ишлатилиш хусусиятига боғлиқ бўлади.

Агар ёпиқ иқтисодиёт шароитида солиқ тизими уй хўжаликларидаги жамғармалар даражасининг пасайиб кетишига олиб келган бўлса, у ҳолда бир текис фоиз ставкаси ошган, бу эса инвестиция капиталига талабнинг камайиши таъсир кўрсатган бўлади. Очиқ иқтисодиётда эса, жамғармалардан олинадиган даромад солиқлари инвестицияларга чекланган даражада таъсир қилади, чунки бунда чет элдан капиталнинг кўпроқ оқиб келиш имконияти бор, бинобарин, хорижлик сармоядор жаҳон бозорида устун ҳисобланган ставкани мўлжаллайди. Бироқ бундай ҳолатда капиталга бўлган мулкчилик ҳаракатга келади. Бунга мисол тариқасида Япониядан

капиталнинг АҚШга оқиб ўтганлигини кўрсатиш мумкин, АҚШда капиталдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси паст бўлган. Айни пайтда АҚШда резидентлар жамғармаларини солиққа тортиш ставкаси Япониядагига қараганда юқори эди.

Бинобарин, солиқ сиёсати ўз-ўзидан, агар у давлатнинг молия-пул сиёсати бошқа унсурларидан айри ҳолда амалга оширилса, такрор ишлаб чиқариш жараёнларига рағбатлантирувчи таъсир ўтказмаслиги ҳам мумкин.

3. Солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили. Адолат тамойилларига мувофиқ, солиқлар жамият томонидан оқилона ва адолатли деб тан олинган умумий объектив қоидаларга биноан белгиланиши лозим. Адолатлилик тамойилининг бир қанча асосий гуруҳдаги солиққа тортиш тамойилларига бўлинади. Буларни икки гуруҳга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бунда горизонтал ва вертикал адолатни бир-биридан фарқлаш лозиш. Горизонтал адолат тамойили даромад олишнинг турли шароитларида солиқ тўловчиларга нисбатан солиққа тортишнинг тахминан тенг шартларини қўлланишни кўзда тутади.

Вертикал адолат деганда, хўжалик юритишнинг бир мунча оғир шароитларида ишлаётган субъектлар учун солиққа тортишнинг бир қадар юмшоқроқ шартларини, енгил даромад олиш имкониятига эга бўлган субъектлар учун эса оғирроқ шартларни қўлланиш тушунилади. Солиқларнинг рағюатлантириш функциясини бажариш доирасида иккинчи тамойил бузилиши мумкин. Масалан, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида уларни ишлаб чиқариш бўйича солиққа тортишда бир қадар имтиёзли шартлар ёки бунинг аксича вино-ароқ ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни чеклаш учун улардан олинадиган эгри солиқларнинг юқори ставкалари белгиланган ҳоллар ҳам бўлади.

Ижтимоий адолат тамойилини амалга оширишга турлича ёндашувлар бўлиши мумкин. Агар солиқларни тўпланган солиқлар ҳисобидан рўёбга чиқариладиган давлат дастурларидан кейинчалик фойда кўрадиган шахслар тўласа, у ҳолда адолатли деб ҳисобланади. Айтайлик, транспорт воситаларига солиқлардан тушадиган маблағни давлат катта йўлларни таъмирлашга ёки қуришга сарфласа, бундан солиқ тўловчиларнинг ўзлари - автомобил эгалари наф кўради. Бироқ бундай ёндашувни кенг миқёсда амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, маорифни ривожлантириш, атроф-муҳитни қўриқлашдан аниқ равишда ким кўпроқ фойда кўришини қандай қилиб ҳисоблаб чиқиш мумкин?

Ҳатто бепул соғлиқни сақлаш дастурларидан асосан кўп болали оилалар, кекса ва ночор фуқаролар фойдаланишлари аниқлаб чиқилган тақдирда ҳам ана шу мақсадлар учун махсус солиқларни айнан уларнинг ўзидан ундиришни талаб қилиш адолатдан бўладими?

Амалиётда бошқача ёндашув бирмунча кенгроқ қўлланилади, унга кўра тўлов қобилияти тамойили асос қилиб олинади: солиқ тўловчининг даромади қанчалик юқори бўлса, ундан шунча кўп миқдорда солиқ ундирилади. Бу гапнинг маъноси шуки, бадавлат одамлар бепул мактаб маорифи, миллий мудофаа, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун бир қадар юксак иқтисодий масъулиятни ҳис этишлари лозим, чунки улар камбағалларга нисбатан кўпроқ тўлашга қодирдирлар. Бой одамлар бепул давлат дастурларидан фойдаланадиларми, агар фойдалансалар, қай даражада - бунинг аҳамияти йўқ. Аслини олганда, ўзига тўқ кишилар таълим бериш ва хизмат кўрсатиш яхшироқ йўлга қўйилган мактаб ва шифохоналарни танлайдилар. Бундай тўлов қобилияти концепцияси АҚШ солиқ сиёсатида кенг тарқалган.

Бироқ амалиётда солиққа тортишнинг мазкур концепцияси тез-тез жиддий қийинчиликларга дуч келиб туради. Йилига 100 минг доллар даромад оладиган киши йилига 10 минг доллар даромад оладиган кишига нисбатан кўпроқ солиқ тўлашга қодир, деган фикрга қўшилиш мумкин. Бироқ бунда биринчи киши иккинчисига қараганда айнан неча баравар кўп солиқ тўлаш имкониятига эга, деган масала ноаниқдир. Бадавлат одам ўзининг даромадидан ўша ҳиссани ва мутлақ катта суммани тўлайдими ёки солиқ сифатида умуман кўпроқ ҳиссани тўлайдими? Афсуски, аниқ бир одамнинг солиқ тўлаш имкониятларини ўлчаш учун илмий асосланган қандайдир усуллар йўқ. Амалиётда бунга жавоб, таклифлар ва тахминлар эмпирик йўл билан ёки ҳукуматнинг даромадларга бўлган жорий эҳтиёжлари, сиёсий қараши асосида пайдо бўлади.

Солиққа тортишдаги адолат тамойили баъзи ҳолларда тақсимотдаги ижтимоий адолат тамойили кўринишида намоён бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, бу тамойилни даромадларни тенг равишда тақсимлаш, бараварлаштириш деб тушунмаслик керак. Қонун олдида тенгликка риоя этилиши, ижтимоий мумтозликка, ирқ ва динга муносибликка асосланган имтиёзларнинг бекор қилиниши, инсон асосий ҳуқуқларга бирдай эга бўлиши каби тенглик тамойиллари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ва бу тамойилларга қадриятларнинг ижтимоий тизимида қатъий амал

қилмоқ лозим. Моддий тенглик, яъни даромадлар, мулк, истеъмол соҳасидаги тенглик ҳақида гап кетадиган бўлса, айтиш керакки, бундай тенгликка эришиб бўлмайди. Давлат ва жамият барча фуқаролар яхши ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришлари керак, албатта, солиққа тортиш тизими эса истиқболга мўлжалланган режада аҳолининг фаровонлигини умумий тарзда амалга ошириш орқали жамият қуйи қатламларининг аҳволи изчил равишда яхшиланиб боришига кўмаклашмоғи зарур.

4. Оддийлик ва холислик. Бу тамойил солиққа тортиш базасини аниқлашда, солиқларни ҳисоблаб чиқишда оддийлик бўлишини, тақдим этиладиган ҳисоботларнинг мазмунини соддалаштиришни, шунингдек солиқларнинг энг муҳим турлари бўйича ягона ставкалар белгилашни, бериладиган имтиёзларни иложи борича камайтиришни кўзда тутади. Бу ўринда назарда тутилаётган нарса шуки, солиқларнинг рағбатлантириш функцияси доирасида бериладиган имтиёзлар якка тартибдаги хусусиятга эга бўлмаслиги, балки муайян фаолият турларини рағбатлантиришга, солиқ тўловчиларнинг мулкчилик шакли ва қайси идорага мансублигидан қатъи назар, маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Баъзи соҳаларда пайдо бўладиган давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжни қондиришни бюджет-кредит сиёсати орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаби шуки, солиқ имтиёзларининг ҳаддан ташқари кўплиги қонунларни мураккаблаштириб юборади, тушунишни қийинлаштиради ҳамда турлича талқин қилинишига олиб келади, бу ҳол пировард натижада солиқ тўловчиларнинг солиқларга нисбатан муносабатларига салбий таъсир қилади. Шу билан бирга аниқ қилиб белгиланган имтиёзлар солиқ юкини бошқа солиқ тўловчилар зиммасига ўтказиб, ижтимоий адолатсизлик рўй беришига олиб келади.

5. Бошқаришга қулайлик. Самарали солиқ тизимига қўйиладиган муҳим талаблардан бири бошқарувга қулай бўлишидир. Солиқларни ундириб олишда самарадорликка эришиш кўп ҳолларда солиқларнинг солиқ тўловчиларга яхши тушунарли бўлишига боғлиқ.

Айрим мамлакатларда солиққа тортишнинг ниҳоятда мураккаб тартиби амал қилади, айтайлик, шкала ва ставкалар тури, солиқлар таркиби, уларни тўлаш қоидалари ва тартиблари ҳаддан ташқари кўп. Бунинг устига улар солиқ тушумларининг кўпайишига ҳеч қандай ёрдам бермайди ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси бажарилишида роль ўйнамайди.

6. Солиқларни йиғиш жараёнини имкон қадар арзонлаштириш. Мазкур тамойил давлат ва солиқ тўловчилар томонидан солиқларни йиғиш учун кетадиган харажатларни мумкин қадар камайтиришни кўзда тутади. Бунинг учун республикамизда солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш билан бир қаторда солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологиялари, солиқ ахборотларининг тўғрилигини бевосита назорат қилиш усулларини қўлланиш орқали солиқ тўловчиларнинг харажатларини камайтириш мақсадида давлат ҳисобидан сақланадиган сервис-марказлар, солиққа тортиш масалалари хусусида солиқ органлари томонидан бепул маслаҳатхоналар ташкил этилган.

7. Солиқ ставкаларини қиёслаш. Солиқ ставкалари бошқа давлатлардаги худди шундай солиқларнинг ставкалари билан қиёсланиши, яъни минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бошқа мамлакатлар билан тенг бўлган хўжалик фаолияти шарт-шароитлари вужудга келтирилиши лозим. Агар қаттиқ шартлар белгилаб қўйилгудек бўлса, бу ҳол республика иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни мушкуллаштириб юборади, аксинча, енгил шароит яратилса, мамлакат бюджетига салбий таъсир қилади.

Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги тамойиллари муайян ўхшашликка эга ва уларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Солиқлар борасида классик иқтисодиёт асосчиси А.Смит фикрини шу ўринда жоис топдик, яъни “яхши солиқ тизимини яратиш учун асосий тамойиллар: тенглик, ишончлилик, қулайлик ва самарадорликдир[18].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида эса солиққа тортиш томойиллари ўрнига солиқ қонунчилиги тамойиллари деб аталиб, унинг беш тамойили (4-модда) белгилаб берилган.

– Ҳар бир шахс Кодексда белгиланган солиқ ва тўловларни тўлашга мажбурдир, яъни солиқ тўлаш қонун билан мажбур қилиб қўйилади. Аслида мажбурийлик солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади.

– Ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний шахслар эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

[18] Smith, A. (1776). The Wealth of Nations. Edited by Campbell, R., H. & Skinner, A., S. The Glasgow edition of the Works and Correspondence of Adam Smith. Vol. 2.

– Белигиланган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) ёки пул маблағларини эркин ҳаракатини бевосита ёки билвосита чекламайди ёки солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятини чеклашга ёки тўсқинлик қилишга йўл қўймайди.

– Манбаларидан қатъий назар, ҳамма даромадлар мажбурий равишда солиққа тортилади.

– Белгиланган солиқ имтиёзлари ижтимоий адолат тамойилига мос келиши шарт.

Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги тамойиллари муайян ўхшашликка эга ва уларни тўлиқ ҳаётга тадбиқ этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир[19].

3.3. Солиқ назариясининг элементлари

Солиқ элементлари ҳақида гап борганда кўпинча адабиётларда солиққа тортиш тизими ҳақида сўз юритилади. Солиқ тизими қонун доирасида ундириладиган солиқларнинг назарий жиҳатдан тузилиш шакллари йиғиндисини англатади. У солиқ тизимидан амалий қўлланиш усуллари билан фарқ тушади. Чунки уларни ундириш усуллари давлатнинг қонунчилик ҳужжатлари орқали белгиланадиган тамойиллари йигиндисининг ижтимоий моҳиятини акс эттиради ва у давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ва бозор иқтисодий муносабатларининг тараққиёт босқичлари билан аниқланади.

Шу ўринда солиққа тортиш тизими ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, солиққа тортиш тизими солиқ тизимига нисбатан тор тушунча бўлиб, аслида солиқ тизимига киради. Солиқ тизими солиққа оид барча муносабатларни қамраб олса, солиққа тортиш тизими эса, ушбу муносабатларни солиқларни ундириш бўйича иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олади. Шу жиҳатдан солиққа тортиш тизими қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қонун йўли билан белгиланган ҳамда ижро ҳокимияти томонидан солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари мажмуасидан иборат. Солиққа тортиш тизимининг моҳияти гарчан ўзгармас бўлиб кўринсада, унинг шакл-шамойили ва йўналиши давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига, қолаверса солиқ сиёсатининг мазмунига боғлиқ бўлади. Чунки, солиққа тортиш тизими ўз ичига таркибан солиқ элементлари, солиқларни ташкил этиш тамойиллари

[19] Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т. Ғафур Ғулом, 2003.

ва усулларини олади, бу элементларнинг қай даражада талқин этилиши эса, бевосита давлат сиёсатига боғлиқ бўлади. Масалан, солиқ элементларига кирувчи солиқ ставкасининг қайси турларининг кўпроқ амал қилиши, солиқ имтиёзларининг қай даражада белгиланиши, солиқларни ундиришни қайси усулларидан устуворлик билан фойдаланиш асосан ижро ҳокимияти фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Бинобарин, шу маънода худди солиқларни вазифалари каби солиққа тортиш тизими ҳам ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда амал қилиши ва ташкил этилиши мумкин.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, давлат қонунчилиги билан белгиланган ва унинг махсус идоралари томонидан ундириладиган солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари мажмуига солиққа тортиш тизими деб аталади.

Солиққа тортиш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган солиқ элементлари солиққа тортишда ифодаланадиган тушунчалар бўлиб, улар солиқ тўловчилар ва солиқни ундирувчи ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади.

Солиқ солиш тизими узига хос функционал элементларни ўз таркибида ифода пиши билан ҳам ажралиб туради. Солиқ элементлари: солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқ предмети, солиқ манбаи, солиққа тортиш бирлиги, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ нормаси, солиқни тўлаш муддатлари, солиқ юки, солиқ базасини ҳисоблаш усуллари, солиққа тортиш усуллари ва шу каби тушунчаларни қамраб олади. Қуйида солиқ элементларининг ҳар бирига қисқача изоҳ берамиз.

Солиқ субъекти - солиқ тўлаш мажбурияти юкланган юридик ва жисмоний шахслар ёки бошқача қилиб айтганда солиқ субъекти - бу солиққа оид муносабатларнинг ташкил этувчи томонларнинг ўзаро мажмуаси бўлиб, унда бир томондан солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) бошқа томондан солиқни ундириш ваколати юкланган солиқ хизмати органлари - Давлат солиқ қўмитаси, солиқ бошқармалари, туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари қатнашади. Ўз фаолиятида барча юридик ва жисмоний шахслар солиқ субъекти сифатида намоён бўлмайди. Чунки, бу ерда солиқлардан батамом озод этилувчи юридик ва жисмоний шахслар мавжудки, улар солиқ субъекти сифатида солиқ муносабатларида иштирок эта олмайди. Аммо, барча солиқ хизмати органлари солиқ субъекти сифатида майдонга чиқади.

Улар доимий реал солиқ тўловчиси бўлавермайди. Солиқ юкини бир солиқда тортиш субъектидан иккинчи шахс зиммасига юклатиш мумкинлиги солиқнинг соҳиби деган тушунчани келтириб чиқаради, қолаверса бу тушунча солиққа тортишнинг бутун юкни ўз зиммасига олган, яъни амалда солиқни тўловчи шахсни англатади. Масалан, аниқ солиққа тортиладиган товарларнинг истеъмолчилари солиқни тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Солиқ агенти - юридик ва жисмоний шахслардан солиқни ушлаб қолиш ва давлат бюджетига ўтказиб берувчи юридик шахслар. Бунда юридик шахслар, улар ўз фаолиятида бевосита ёки билвосита ишга ёллаганлиги натижасида тўланадиган иш ҳақидан, дивидендлардан, доимий муассаса орқали фаолият кўрсатмайдиган норезидент юридик ва жисмоний шахслардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаларини ушлаб қолади ва бюджетга ўтказиб беради, ушлаб қолинмаган, кам ушлаб қолинган ва ўз вақтида ўтказиб берилмаган солиқ суммаси учун жавобгар бўлиб қолаверади, яъни ушбу келтирилган далиллардан айтишимиз мумкинки, ҳар бир юридик шахс солиқ муносабатларида солиқ субъекти бўлиши билан биргаликда солиқ агенти сифатида ҳам иштирок этади. Солиқ агенти адабиётларда асосан фискал агент сифатида эътироф этилади.

Солиқ объекти деганда солиқ тўловчининг солиқ солинадиган даромади, мол-мулк қиймати, товар, ер майдони, от кучи ва бошқалар тушунилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бошқа тушунчалар, яъни солиққа тортиш предмети солиқ базаси ва шу кабиларнинг аҳамияти турли бўлса ҳам, улар солиқ объекти тушунчаси билан узаро боғликдир. Солиқ муносабатлари доирасида солиқ тўловлари мажбурий хусусиятга эга бўлганлиги солиқ объектларини турли кўринишларда қонунлар асосида юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, солиққа тортиш объекти бевосита солиқ тўловчиларнинг мажбуриятини юзага келтирадиган ҳуқуқий омиллар (ҳатти-ҳаракатлар ҳодисалар ҳолатлар)да кунига ўз ифодасини топмоқда.

Амалдаги қонун ва низомларга кўра жисмоний шахсларнинг мулки бўлган турар жойлар, квартиралар, бозорчилик ва узумчилик ширкатлари аъзоларининг боғ ҳовлисидаги уйчалари, гаражлар, иморатлар, бинолар ва иншоотлар мол-мулк кўринишида солиқ объектини юзага келтириб чиқаради аммо амал қилувчи қонун бинолар, иморатлар ва иншоатлар деганда нима тушинилишини белгилаб бермайди, охир-оқибат бу солиқ тўловчи субъектларнинг ҳуқуқларини чекланишига сабаб бўлмоқда. Чунки мол-мулк

шаклларини қайси муддатларда юзага келтирилишидан қатъий назорат ягона мол-мулк кўринишида солиқ объекти юзага келтирилмоқда ва ундан солиқ белгиланган фоизларда ундирилиб келинмоқда.

Солиққа тортиш предмети - солиқ солинадиган даромад, оборот, мол-мулк ва бошқаларга бўлган ҳуқуқ эмас, балки уларнинг ўзидир, яъни солиқ солиш объекти бўлиб бирор-бир солиқ предметига бўлган ҳуқуқ тушунилса, предмет бўлиб ана шу эгалик қилинадиган даромад, ер участкаси, иморат ва бошқаларнинг ўзи тушунилади. Солиқ объекти ёки солиққа тортиш предмети, унга ким эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлса, унда солиқни тўлаш мажбурияти, яъни солиқ субъектини намоён қилади. Демак, айтишимиз мумкинки, солиққа тортиш предметига эгалик қилиш ҳуқуқи солиқ объектини вужудга келтирса, ўз навбатида ушбу предметга кимнинг эгалик қилиши солиқ субъектини ёки солиқ тўловчисини намоён этади.

Солиқ солиш тизими таркибида ўзига хос ижтимоий-иқтисодий моҳиятга эга бўлган элементлардан бири бўлиб солиқларни ташкил этиш манбаи бўлиб ҳисобланади.

Солиқ манбаи бўлиб солиқ тўловчининг даромади ҳисобланади. Айрим ҳолларда солиқ тўловчининг мол-мулки шундай манбани уршнни эгаллаши мумкин. Агар солиқ тўловчи пул маблағлари кўринишидаги солиқ манбасига айрим сабабларга кура эга бўлмаган тақдирда. Шуни такидлаш керакки, солиқ тўловчилар томонидан солиқ манбасини мустақил танлаш имкониятлари чеклангандир. Улар фақат фаолият йўналишларини ўзгартириш орқали солиқ манбасини у ёки бу кўринишига эга бўлиши мумкин, яъни: даромад ёки фойдага. Айрим ҳолларда ушбу манбалар ўрнини сармоя ёки амортизация ажратмалари ҳам ташкил этиши мумкиндек туюлади. Агарда булар манба сифатида иштирок этганда эди, унда доимий солиқлар тўловини таъминлашда ожизликка эришган бўлар эдик. Солиқ объектининг ўлчов бирлиги (даромаднинг пулдаги бирлиги, ер солиғига гектар ёки квадрат метр, транспорт солиғида от кучи ва бошқалар бўлиб ҳисобланадилар. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, солиқ ва солиқ элементларининг ҳаракати доираси асосан солиқ солиш базасига боғлиқ бўлади. Солиқнинг ҳажми бир томондан солиқ ставкаларининг миқдорига, иккинчи томондан шу билан бирга солиқ ставкаси ва қўлланиладиган объектнинг чегарасига боғлиқдир. Солиқ базаси солиқ ставкасини даромад (фойда) чегараси доирасида қайд этиладиган даромад суммасининг миқдорилир. Солиқ базасининг миқдори, яъни солиққа тортилиши лозим бўлган даромад (фойда)

чегараси қонунда кўрсатилган чегараларга боғлиқ равишда ўзгариб туради. Мисол учун, солиқ тўловчиларига тақдим этиладиган солиқ имтиёзларига мувофиқ равишда камайтирилиши мумкин.

Солиқ базаси - солиқ объектининг солиқ ставкаси қўлланиладиган миқдори. Ҳисобланадиган солиқ миқдори нафақат солиқ ставкаларининг миқдорига, шу билан биргаликда солиқ ставкаси қўлланиладиган объектнинг миқдорига ҳам боғлиқ бўлади. Солиқ базасининг миқдори қонунчиликда солиққа тортилиши лозим бўлган солиқ объектидан рухсат этиладиган чегирмаларга боғлиқ равишда ўзгариб туриши мумкин. Солиқ базасини солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифасига тақдим этиладиган солиқ имтиёзларига мувофиқ равишда камайтиришга рухсат этилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, солиқ базаси солиқ объектидан катта ёки кичик бўлиши мумкин. Масалан, юқорида қайд этганимиздек, солиқ тўловчига солиқдан имтиёзлар кўзда тутилган бўлса, бундай шароитда солиқ базаси солиқ объектидан кичик, солиқ объекти қонунчилик билан кенгайтириладиган бўлса ундан катта бўлиши мумкин.

Солиққа тортиш бирлиги - бу объектнинг ўлчов бирлигидир. Масалан, даромад ёки мол-мулк солиғида объектнинг ўлчов бирлиги бўлиб унинг сўмдаги баҳоси ифодаланса, ер солиғида ўлчов бирлиги бўлиб кв.м. ёки гектар ҳисобланади.

Солиқ ставкаси - объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир. Солиқ ставкаси солиқ элементлари ичида энг кўп амалий аҳамиятга эга бўлган унсурдир. Чунки, солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали давлат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига сезиларли таъсир этади, айрим фаолият, соҳага устуворлик берилиши, капитал зарур соҳаларга йўналтирилиши, рағбатлантирилиши мумкин.

Солиқ ставкалари икки хил кўринишда: қатъий ставкаларда ва нисбий (фоиз) ставкаларда ифодаланади. Солиқ ставкаси қатъий ставкада белгиланган ҳолда солиқ объектга нисбатан қатъий сўмда белгиланади. Масалан, ер солиғининг ҳар бир гектари учун қатъий сўмда солиқ миқдори ўрнатилган. Юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларига, мол-мулкларига эса нисбий ставкада ёки фоизда солиқ миқдори белгиланган.

Солиқ ставкаси бу солиқ солишнинг фоизлардаги ёки сўмлардаги улуши бўлиб ҳисобланади. Бундай улуш солиқ тўловларини амалда қатъий сўмларда бюджетга ундирилиб борилишини ифодалайди ёки солиқ ставкаси бу солиққа тортиладиган бирликка нисбатан ундириладигаи солиқ миқдорини ифодаловчи кўрсаткичлардир.

Солиқ ставкаларини доимий чегараларини белгилаш солиқ тўлов тўлиқлигини таъминлашда муҳим рол ўйнаши мумкин. Шу боис солиқ ставкаларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси солиқ ставкаларини солиқ объектларига нисбатан узоқ муддатга мустаҳкамлаб қўйиши чора-тадбирларни ишлаб чиқаришда муҳим рол ўйнаб келмоқда. Агарда ундириладигаи солиқларнинг миқдори бюджет танқисчилигини оширишга сабаб бўлса, унда солиқ ставкаларининг миқдори қонунчилик доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан қайта куриб чиқилиши мумкин.

Аммо ҳар қандай шароитда солиқ ставкасини пасайтирилиши иқтисодиётни ривожлантириши аҳолининг пул тўлов қобилиятини оширишга асос солиши муқаррардир.

Солиқ имтиёзлари - солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин.

Инвестицион солиқ кредити – бу солиқнинг тўлов муддатини шундай ўзгартиришки, бунда ташкилот муайян асослари мавжуд бўлган тақдирда, маълум бир муддат ва меъёрларда ўзларининг солиқ бўйича тўловларини кейинчалик босқичма-босқич кредит ва ҳисобланган фоиз суммаларини тўлаб бериш шарти билан камайтиришдир.

Инвестицион солиқ кредити бюджетга ўтказилиши керак бўлган даромад қисмидан тегишли солиқ тури бўйича тўлов суммасини, ҳар бир ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ бўйича тўлов суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошмаган ҳолда камайтириш ҳисобига тақдим этилади. Бунда солиқ даври мобайнида жамғарилган кредит суммаси ташкилотнинг ушбу солиқ даврида тўланадиган солиқ суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Инвестицион солиқ кредитининг фоиз ставкаси Россия федерацияси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг ½ фоиз ставкасидан кам бўлмаган ва ¾ фоиз ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади[20].

Солиқ базасини ҳисоблаш усуллари. Солиқ базасини ҳисоблашнинг икки хил усули мавжуд бўлиб, улар касса усули ва ҳисобга олиш усулларидир. Касса усулида солиқ тўловчида солиқларни тўлаш мажбуриятлари даромад олганидан кейин вужудга келса, ҳисобга олиш усулида эса даромад олинган ёки сотишдан тушум қачон келиб тушушидан қатъий назар товарларни жўнатилиши

[20] Griffiths A.L. Global markets gyrate on fears of Europe's spreading financial crisis / A.L.Griffiths, K.Nerenberg, D. Wals. – 2010. URL: http://www.wsws.org

ўз навбатида солиқларни тўлаш мажбуриятларини вужудга келтиради.

Солиққа тортиш усуллари уч хил кўринишда амалга оширилиб. Улар қуйидагиларга: солиққа тортишнинг кадастрли, декларация ва манба олдидан солиққа тортиш усулларига ажратилади. Уларнинг кенг баёни кейинги саволларда очиб берилади.

Солиқларни тўлаш муддатлари ва тартиблари. Солиқ қонунчилигида ҳар бир солиқ турининг бюджетга тўлаш муддатлари белгиланган. Солиқни тўлаш муддатлари деганда солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети олдида солиқ мажбуриятларининг бажариш муддати ифодаланади. Солиқни тўлаш муддатлари ўз моҳиятига кўра икки хил кўринишга эга: аванс (бўнак) тўловлари ва ҳақиқий даромад олинганидан кейинги тўловлар.

Солиқни тўлаш тартибида эса, солиқни йўналтирилганлиги (бюджетга ёки бюджетдан ташқари фондларга), солиқни тўлаш воситаси (миллий валюта, сўмда ёки бошқа мамлакатлар миллий валютасида. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқлар фақат миллий валюта, сўмда тўланиши мумкин) ҳамда солиқни тўлаш шакллари (нақд пул ёки нақд пулсиз) ифодаланади.

Солиқ юки - солиқ тўловчининг муайян вақт оралиғида тўлаган солиқлари йиғиндисини ифодалайди. Бунда солиқ тўловчиларнинг тўлайдиган барча солиқлар ва солиқсиз мажбурий тўловларининг йиғиндисини ифодаланади. Солиқ юкининг аниқ солиқ тўловчилар зиммасига қанча тўғри келганлигини аниқлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бироқ тўғри солиқларда солиқ оғирлиги айнан солиқни бюджетга ҳисоблаб ўтказувчи солиқ тўловчилар зиммасига тушса, эгри солиқларда солиқ юки солиқни тўловчилар эмас, балки товар (иш, хизмат) ларни истеъмол қилувчилар зиммасига тушади. Муайян турдаги юридик ва жисмоний шахслар бўйича солиқ юкининг бир йилда бюджетга тўланган барча мажбурий тўловлар йиғиндиси билан аниқлаш мумкин. Солиқ юкининг даражаси ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий қудратига, инфляция даражасига, давлатнинг ваколатли функцияларни қўллашига, қолаверса бозор муносабатларининг ривожланишини ва ижтимоий ҳаракат доирасига бевосита боғлиқ бўлади.

Солиқ юкини ифодалашнинг бир қанча кўринишлари мавжуд: макродаражадаги солиқ юки, мезодаражадаги солиқ юки ва микродаражадаги солиқ юки. Солиқ юки макродаражада ифодаланганда бутун мамлакат миқёсида ифодаланиб, асосий кўрсаткич сифатида муайян вақт оралиғида давлат бюджетига келиб

тушган солиқлар йиғиндисини ана шу вақт оралиғида яратилган ЯИМ ёки МД га нисбати олинади. Мезодаражада ифодаланганда алоҳида олинган соҳа, тармоқ ёки секторга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланса. Микродаражада эса, аниқ бир олинган субъектга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқларнинг қандай функциялари мавжуд?
2. Солиқларнинг функциялари ва вазифаларини фарқлаб беринг?
3. Солиқларнинг фискал функциясини тушунтириб беринг?
4. Солиқларнинг тартибга солувчилик функциясини тушунтириб беринг?
5. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини тушунтириб беринг?
6. Солиқларнинг назорат функциясини тушунтириб беринг?
7. Солиқларнинг ахборот билан таъминлаш функциясини тушунтириб беринг?
8. Солиқларнинг ўрнини белгиловчи асосий омилларни кўрсатиб ўтинг?
9. Хизмат соҳасидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда солиқларнинг ўрни қандай?

Топшириқлар

1. Иқтисодчи олимлар томонидан солиқ функцияларига берилган тарифларни ўзига хос жиҳатларини тушунтириб беринг.
2. Солиқлар функцияларининг моҳиятини тўлиқ ўрганиш.
3. Солиқнинг эквивалентсизлик белгисини моҳиятини ўрганиб чиқиш

4-БОБ
Солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари

Режа

4.1. Солиқ сиёсати тушунчаси ва ҳуқуқий назарий асослари

4.2. Ҳозирги даврда солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва унда давлатнинг роли

4.3. Солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш йўналишлари

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ, солиқ сиёсати, макроиқтисодий ҳолат, солиқ кодекси, давлат бюджети, бюджет даромадлари.

4.1. Солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари

Бозор иқтисодиёти солиқ сиёсатини барқарорлаштириш учун янги йўл очиб берди. Бозор иқтисодий муносабатларини шакллантиришга қадар солиқ сиёсати давлат олдида турган вазифаларни тўлиқ ечишга ожизлик қилганлиги давлат миқёсида молия ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиб бермади. Мажбурий тўловлар орқали юзага келтирилган молиявий ресурслар мамлакат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни эркин фаоллик даражасига таъсири кучайди. Бундай зиддиятлар ўтиш даврининг биринчи йилларда ҳам сакланиб қолинди. Юзага келган ҳолат жаҳоп тажрибаси ва ўз амалётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этган ҳолда ўзининг мустақил солиқ сиёсатимизни шакллантириш заруриятини кун тартибига чиқарди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, шу билан бирга, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш белгилаб берилди[21].

[21] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-

Солиқ сиёсатини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи қонуниятларни қабул қилиниши энг аввало мамлакатимизда эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришни ҳуқуқий қонунлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни хал қилишнинг асосий шарти сифатида фойдалана бошлади. Агарда мустақиллик йилларида босиб ўтилган йиллардаги муҳим муносабатларга назар ташласак, унда республикамизни солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб кучга кирганлиги бевосита мустақил солиқ сиёсатини шакллантириш ва давлат вазифаларини бажаришга хизмат қилишга қаралганлигидан хулоса қилишимиз мумкин. Шуни дам алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизнинг мустақил солиқ сиёсатини юргизиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам қайд этилган.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб солиқ сиёсати қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалар солиқлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларнинг солиғи тўгрисида»ги Қонунлари асосида амалга оширилди.

Аммо солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асоси 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Солиқ Кодексида ўз аксини топди. Унга таянилган ҳолда ҳар қандай тадбир, иш, фаолият илгаридан белгиланиб, аниқланиб, режалаштириб, ишлаб чиқарилган чора-тадбирлар амалиётга фаол солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш билан жорий этила бошлади. Шу тариқа, давлатнинг илгаридан режалаштириб, аниқлаб туриб амалга оширган чора-тадбирлар йиғиндиси ўз аксини солиқ сиёсатида топди. Солиқ тизими ва солиқ солиш тизимларини шакллантириш борасидаги ишларини ташкил қилиш ҳам солиқ сиёсати доирасида олиб борилади. Солиқ сиёсати қабул қилинганлиги ва уни амалда самарали ташкил этиш солиқ тўловчи хўжалик субъектларининг миқдорини тубдан оширди. Шуни айтиш керакки, солиқ сиёсати давлат бюджетини тўлиқлигини таъминлашдаги хусусиятларини, уни молия сиёсатининг таркибий қисми сифатида унга боғлиқ ҳолда баркамол ривожланишига ҳуқуқий асос яратилди. Солиқ сиёсати молия сиёсатига хизмат қилиши шак-шубҳасиз, солиқ сиёсатига замонавий таъриф бериш ва шу таъриф доирасида уни ривожлантириш мумкин бўлди.

4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.

Шундай қилиб, солиқ сиёсати деганда давлатнинг солиқ муносабатлари доирасидаги фармон, қонун ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилиш учун ишлаб чиқадиган чора-тадбирлар, фаолиятларининг туб йигиндиси тушунилади. Бундай таъриф фақат ҳар томонлама мустақил муносабатларни ва барқарорлаштириш йўлида шаклланади ва ривожланади.

Иқтисодчи олим Тошмуродова Б.Э. таъкидлашича[22], республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишларини кузатиш мумкин:

- солиққа тортишда асосан, фискалликка эътибор берилиши;
- даромад солиқлари ставкаларини пасайтириш тенденцияси;
- истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- турли хил солиққа тортиш тартибларининг қўлланилиши;
- ресурс солиқлари аҳамиятининг ошириб бориш;
- эгри солиқлар улушининг кўпайиб бориши ва улар воситасида истеъ-мол даражасини бошқариш сиёсатининг олиб борилиши;
- бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ролининг кескин ошиши;
- солиқлар воситасида протекционизм сиёсати юритилишига катта эътибор берилиши ва бошқалар.

Шундай қилиб, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия муносабатларидан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Қолаверса, у иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, молия муносабатларини бошқаришга таъсир кўрсатади.

Солиқ пул муносабатларини ҳаракати доирасида юзага келар экан, сўзсиз у молия муносабатларининг таркиби сифатида бозор иқтисодиётининг зарурий қисми ҳамдир. Солиқ сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши учун у илмий жиҳатдан асосланган бўлиши шартдир. Шу боис солиқ муносабатларини чуқур ўрганиш, ундан илмий хулосалар чиқариш мумкиндир. Акс ҳолда, бундай сиёсат катта муваффақиятга эришиши қийин.

Шундай экан, солиқ сиёсатини солиқ ва солиқ солиш тизимини ривожлантириш мақсадида бу борада юксак назарий ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар ва олимларни фикрларини ўрганиш муҳимдир. Агарда солиқ солиш тизимини шакллантирувчи ва бугунги кунда амал қилувчи солиқ қонуниятларига назар

[22] Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2007. – 13 б

ташлайдиган бўлсак, унда уни такомиллаштириб бориш заруриятлигидан хулоса чиқариб олиш мумкин бўлади. Чунки мажбурий солиқ тўловлари давлат олдида турган вазифа ва чора-тадбирларни тулиқ молиявий ресурслар билан таъминлаш имкониятини яратгани эмас. Бундай нуқсонларни келиб чиқишининг олдини олиш ва мутахассислардан ташкил топган координацион кенгашни ташкил этиш ва уларга солиқ муносабатларини динамик ўзгаришини кузатиш орқали фикрлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш маъсулиятини юклаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек уларни турли чора-тадбирларни ишлаб чиқариш борасидаги фаоллигини оширишга қаратиш муҳимдир, яъни:

- кичик бизнес корхоналарини ҳар томонлама қизиқтириш (яъни имтиёзлари, илмий асосланган ва пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш йўли билан) орқали уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва шу тариқа бандлик муаммоларини ҳал қилиш;
- солиқларни замонавий ижтимоий муҳитини яратишга қаратиш;
- солиқларни истеъмолчиларга тушадиган оғирлигини тизимли равишда оқилона солиқ муносабатлари қўллаш орқали енгиллаштириб бориш;
- замонавий солиқ муносабатларини юзага келтириш орқали фаолият юритувчи хўжалик субъектларини миқдор жиҳатидан ошириб бориш;
- солиқ муносабатлари ҳар томонлама бошқа молиявий кўрсаткичлар ва уларни ўсишига монанд олиб боришига зарурий шарт-шароитлар яратиш;
- хўжалик субъектлари ва аҳолини кенг қатламини солиқ қонуниятларига амал қилиши учун зарурий шарт-шароит яратиб бериш.

Шундай қилиб, солиқларни оқилона тартибга солишда, халқ манфаатлари йўлидаги таъсирчанлигини оширишда солиқ сиёсати муҳим ўрин эгаллаши зарур.

Амалга оширилаётган чора-тадбирларни, яъни кичик бизнес корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, йирик корхоналарни реструктизациялаш орқали уларни турли фаолият юргизишга қаратиш, молиявий аҳволни барқарорлаштириш, акционерлик жамиятини прогрессив қатламларини юзага келтириш аҳолининг кенг қатламини моддий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш ва ҳокозаларни солиқдан комплекс фойдаланиш орқали амалга ошириш солиқ сиёсатини солиқ ва солиқ солиш тизимини барқарорлаштиришга қаратилиши билан ҳал этилиши мумкин.

4.2. Ҳозирги даврда солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва унда давлатнинг роли

Солиқ сиёсати солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларни даромади (фойдаси)ни оширишга, улардан самарали фойдалинишга хизмат қилмоғи зарур.

Солиқлар давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этишда манба вазифасини бажариши боис давлат солиқ сиёсати орқали солиқ муносабатларини тартибга келтириб туради, шу тариқа давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқишнинг асосий ташкилотчиси сифатида майдонга чиқади. Давлат ўз молиявий идоралар фаолиятини солиқ сиёсатини ишлаб чиқишга ва амалиётда қўлланишига жалб этади. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Давлат солиқ Қўмитаси ва бошқалар фаолиятини солиқ сиёсатини илмий асосланган ҳолда муваффақиятли ишлаб чиқишга қаратар экан, уни бошқа иқтисодий ва молиявий сиёсатлар билан узвий боғланишини ҳам таъминлайди.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқаётганда солиқ муносабатлари, доирасидаги ютуқлар ва камчиликларни эътиборга олиш, уларни илмий нуқтаи назардан ўрганиб чиқиш орқали солиқ ҳисоби, тўлови ва амал қилувчи солиқ элементларини ўзгаришини эътиборга олиши зарур.

Шунингдек, турли соҳа фаолият субъектлардаги мутахассислар фикрини ўрганиш орқали солиқ ундирувчи ва солиқ тўловчилар ўртасида юзага келадиган манфаатлар мувофиқлигини ўрганиш ва таҳлил этилиши ҳам зарур.

Демак, солиқ сиёсатини тайёрловчи уни тўлиқ ҳаётга тадбиқ қилишнинг ташкилотчиси ва бошқарувчисидир. Давлатнинг солиқ сиёсатини фаол юритишдаги роли бозор иқтисодиёти муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришда намоён бўлади.

Республика Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг республика иқтисодий ривожланишининг беш тамойили, солиқ сиёсатининг устувор йуналиши бўлганлиги давлатни солиқ сиёсатини юргизишдаги ролини шу тамойиллар асосида ривожлантириб бориши учун устқурма бўлиб хизмат қилиши фикримиз далилидир. Солиқ сиёсатини барқарорлаштиришда давлатнинг роли қуйидаги устувор йуналишларда намаён булиши керак:

1. Ҳуқуқий шахсларга нисбатан енгил солиқ муносабатларини юргизиш сиёсати. Бунда давлатни эркин ижтимоий-иқтисодий тараққиёти негизида фаолият кўрсатувчи ҳуқуқий шахсларга бериладиган эркинликларни эътиборга олган ҳолда солиқ тўлов турини мустақил танлаш, ижтимоий хусусиятга мойиллик маҳсулот

ишлаб чиқарувчи ҳуқуқий шахсларга рақобатга бардош бера оладиган солиқ муносабатларини қўллаш, аҳолини кам таъминланган қатламини иш фаолиятидан қаътий назар солиқ енгилликларини ҳар тамонлама таъминлашда.

2. Давлат солиқ сиёсатини доимий равишда халқ манфаатларига нисбатан мувофиқдигини таъминлашга асосий эътиборни қаратилишида, бу борада 2001 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори орқали жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тизими 2003 йилда олинган даромадлардан бошлаб жорий этилиши фикримиз далилидир. Лекин давлат аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-кувватланишини ҳар томонлама кучайтириш мақсадида солиқ сиёсатини солиқ ставкаларини пасайтириш ёки дефференциялаштирилган солиқ ставкаларини аҳоли даромад чегараларидан келиб чиққан ҳолда қўллашдан ташқари солиқ муносабатларини аҳолининг кенг қатламига тушунарли даражада ёритиб борилишини, амал қилаётган солиқ муносабатидан чўчимаган ҳолда самарали фаолият юргизишни қизиқтириришига ам қаратмоғи зарур.

Солиқ сиёсатини барқарорлаш мақсадида давлат ўз молиявий органлари фаолиятига таянилган ҳолда қуйидаги муаммоларни ечилишига имкониятларини яратиб бсриши ҳам муҳимдир, яъни:

- ҳуқуқий шахсларни фаолиятидан олинган даромад (фойдани) ошиб бориши билан солиқ ставкалариви пасайтириш қайта маълум бир чегараланган миқдордан юқори даромад (фойдани) олинганлиги таъминланганда шу ортиқча миқдордан солиқ ундирилишини тўхтатиш;
- мамлакат ичкарисида истеъмолдан ортиқ миқёсда ишлаб чиқарилган товарларни мамлакатдан четга сотилиши солиқ имтиёзлари орқали қизиқтириш, яъни озод этиш;
- спиртли ичимликларни, сигарет ва шуларга ўхшаш товарларни тадбиркорлар томонида четга чиқариб сотишдан олинган даромад (фойда)ларига нисбатан «0» ставкали солиқ тўловини қўллаш;
- мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган, аммо тадбиркорлар (яъни аҳоли) томонидан четдан олиб келинишини ва аҳолига арзон баҳоларда сотилишини таъминлаш мақсадида улар даромади (фойдаси)дан солиқ ундирилишини четлаш ва шу кабиларни.

Солиқ сиёсатини юргизиш орқали давлат томонидан бундай имкониятларни яратиб берилиши ўз аксини давлат бюджет даромадларини тўлиқлигида ва улардан самарали фойдаланишида

топган бўлар эди.

Шуни ҳам такидлаб ўтиш керакки, мустақилликнинг илк боскичларидан бошлаб давлат томонидан солиқ сиёсатини ривожлантиришдаги ролини инкор этиб бўлмайди.

Солиқ тўловчиларни бозор иқтисодий муносабатларига молик солиқ муносабатларига кўникишни таъминлаш мақсадида солиқ ва солиқ солиш тизимини доимий равишда ислоҳ этиб келиши, уларни солиқ тўловчилар манфатлари йўлида хизмат қилишига қаратилиши борасида тинимсиз ишлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Агарда солиқ сиёсатини солиқ тизимининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ ҳолда олиб қарайдиган бўлсак, унда солиқ муносабатларини ислоҳ этишдаги роли қуйидагиларда ўз аксини топиб келганлигидан хулоса чиқариб олишимизга тўғри келади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий-режали бошқариш пайтида солиқ тизимининг узи ҳозирги куринишидан тубдан фарқ қилар эди. Давлат солиқ сиёсатини юргизишда хўжалик субъектлар фаолиятини тартибга солишда солиқ механизмларидан кенг фойдаланишга эҳтиёжи йўқ эди. Бунинг сабаби солиқ ставкаларини халқ хўжалигининг тармоқларидан келиб чиққан ҳолда белгиланишига эътибор берилиб келинган бўлса ҳам, корхона (ташкилот)лар даромади (фойдаси)ни тақсимотдан кейинги қисмини сўзсиз бюджет ихтиёрига ўтказилиш эди. Фақат бозор иқтисодий муносабатларига ўтиш 1991 йилнинг 12 августида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ органлари тўғрисида»ги 217-сон қарорни қабул қилиниши шу вақтдан бошлаб Республикамизда Давлат солиқ хизмати ходимлари фаолиятига таянган ҳолда ҳар томонлама бозор иқтисодий муносабатларига жавоб берадиган солиқ сиёсатини юргизишга киришиб бугунги кунга қадар катта мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлинди. Шу давр ичида давлат томонидан оқилона солиқ сиёсатини юргизиш орқали солиқ қонунчилигининг яхлит тизимига асос солинди. Унинг асосида шунингдек бошқаришнинг конституциявий тамойиллари ётди. Ўзаро ҳамкорликнинг шакллантирилган ва амалётда ишлов берилган механизми И.А.Каримовнинг асарларида батафсил таърифлаб берилган. У энг умумий куринишда куйдаги тартибда амал келади, яъни:

- солиқ сиёсати соҳасидаги барқарорлик стратегик йўналишлари «Президент - республикадаги давлат ва ижроия ҳокимиятнинг раҳбари томонидан белгиланишида ҳамда унинг фармонлар билан

тасдикданишида қабул қилинган қарорлар» мақсадли йуналиши солиқ сиёсатини фармонларда рўёбга чиқариш усулларини белгиланиши;

- солиқ сиёсати солиқ муносабатларининг барқарор, узоқ муддатли амал қилиш хусусиятига эга меъёр ва қоидалари қонунларимизда акс эттирилишида;

- Президент фармонларида келтирилган қоидалар ҳукумат қарорларидаги аниқ чора-тадбирлар билан батафсил очиб келиниши ва мустаҳкамлаши, Вазирлар Маҳкамаси - республика ҳукумати - қарорлар қабул қилиш йўли билан солиқ муносабатларини тезкор бошқаришни, тартибга солишни амалга оширилиши ва ҳоказолар шулар жумласидан.

Солиқ сиёсатини мустақиллик йиллари солиқ тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш босқичлари билан чамбарчас боғлиқлиги ўтиш даврининг ҳар бир тарихий босқичда диққатга сазовар ютуқларни қўлга киритиш имконятларини ҳам яратиб беради.

Мисол учун, миллий солиқ тизимипинг ривожланишидаги уч асосий босқичларда давлат олдида турган вазифаларни ҳал этишда солиқ сиёсатини қуйидаги муаммоларни ечилишларига қаратди, яъни:

Биринчидан, 1991-1994 йилларда солиқ сиёсати ишлаб чиқаришнинг пасайиши солиқ солиш базасини қисқартириш шароитида давлат асосий эътиборни солиқларнинг тақсимот функциясини бажаришга, яъни давлат бюджет мувозанатини сақлашга қаратди. Бу даврда солиқ сиёсати солиқларнинг кўплиги ва солиқ ставкаларининг юқорилиги натижасида корхоналар даромадларининг 40 фоиздан ортиқ қисмини бюджетга ундирилиши билан чекланиб келинди. Шунингдек асосий этибор солиқ имтиёзларига қаратилиб келинди. Аксарият корхоналар (ташкилотлар)да моддий техникани кенгайтириш, янги жихозларни жорий этилиши солиқ ставкаларини пасайтирилищи орқали солиқ ундирилишини таъминлашга олиб келди.

Шу тараққиёт босқичида солиқ сиёсати асосан солиқ юкини имтиёзлар орқали пасайтирилишига қаратилиб келинди.

Шундай қилиб, иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичига хос зарур вазифаларни муваффақиятли бажариш, турли соҳа корхоналар фаолиятларини барқарорлигини таъминлаш, инфляцияни чеклаш орқали солиқ сиёсатини янги боскичига ўтиш имконини берди.

Иккинчидан, солиқ сиёсатини барқарорлаштирилишида

давлатнинг роли ўтиш даврининг иккинчи босқичида, яъни 1995-1999 йилларда анча юксалди.

Бу ўз аксини қуйидаги йуналишларида топди:

1. Солиқ миқдорларини кисқартириш ва умумлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилишида солиқ сиёсатини бундай чораларни ҳал этишдаги роли солиқ тизимини шаклланиши ва ривожланишига хос асосий хусусиятларни белгилаб берди. Умуман бу даврга келиб солиқ сиёсати янада барқарорлашди, солиқ тизимидан бозор иқтисодиёти тамойилларига энди жавоб бермайдиган солиқ ва тўловлар чиқариб ташланди. Ўз маблағларини янги технологияларга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлайдиган корхоналар учун кўп қиррали имтиёзлар жорий этилди. Шу тариқа солиқлар миқдорини қисқартирилишига замин яратилди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан. Ер остидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ моддий, хомашё базаси жамғармаси тўлови билан бириктирилди. Мол-мулк солиғи транспорт эгаларидан олинадиган солиқ билан қўшиб юборилди. Қимматли қоғозлар операцияси солиғи тугатилди. Кичик корхоналар учун тушумдан (янги даромаддан) 10 ва 25 фоизли ягона солиқ жорий этилди. Хомашё ресурсларини республикадан четга чиқариб сотиш солиғи, ўрмон даромади ва бюджетга 20 фоизли амартизацион ажратма, маҳаллий бюджетларга 3,5 фоизли ажратма бекор қилинди. Фуқаролар даромад солиғининг шкаласи ўзгартирилди, прогрессив солиқ шкаласи жорий этилди ҳамда экология солиғи маҳсулот таннархидан бир фоиз миқдорида белги-ланинди.

Иккинчидан. Ҳуқуқий шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ юқори ресурслардан ва мол-мулкдан олинадиган солиқларга ўтказилди. Ресурс тўловлари 1,5 баробарга оширилди. Илгари сув ҳақини саноат кархоналари ва электр станциялари тўлар эди, энди сувдан фойдаланадиган ҳамма соҳалар тулайдиган бўлди ва сув ресурслари солиғи деб атала бош-ланди.

Учунчидан. Товар ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини химоя қилиш мақсадида импорт қилинган алкогол ичимликлари, тамаки маҳсулотларига, автомобилларга акциз солиғи ва акциз маркалари жорий этилишини.

Туртинчидан. Солиқ базасини аниқлаш ва солиқ ставкалари такомиллаштирилди. Бир қатор ишлаб чиқариш соҳаларида даромадга солинадиган солиқ 1998 йилдан бошлаб ягона даромадга (фойдага) нисбатан солиқ ўзгартирилди. Илгари юқори бўлган фойда

солиғи ставкаси 33 фоиз атрофида белгиланди. Меҳнат ҳақи фонди солиғи фуқароларнинг даромад солиғига ўтказилишини.

Бешинчидан. Қўшилган қиймат солиғи роли ва бюджетга олиш тартиби ўзгартирилди. Солиқ ставкасининг дифференциацияси жорий этилди. Умумий солиқ ставкаси 1998 йилдан 20 фоиз бўлган солиқ ставкаси 2000 йил учун ҳам сақланади. Илгариги имтиёзларга кушимча қилиб нефть максулотлари ва минерал утитларни қишлоқ хўжалигига берилса ва экспортга чиқарилса, тамомила солиқдан озод этиладиган бўлди. Яъни нолли ставка қўлланиб, сотиб олинган ва сотган маҳсулотлар учун қўшилган қиймат солиғи туланмаслигини таъминлаганлиги.

Олтинчидан. Солиқлар тизимидан алоҳида соҳаларни ривожлантиришда фойдаланилади. Бундай қишлоқ хўжалиги, халқ исътемол буюмлари ишлаб чиқариш, илмий-текшириш ишларини олиб бориш, республикага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қўшма корхоналар тузиш, ишбилармонликни ривожлантириш, маҳсулотларни экспортга чиқариш ва импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқариш манфаатдорлигини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя кдлиш, базавий соҳалар ва устувор лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини қўлланилиши.

Еттинчидан. Бир неча даромад манбаларига эга бўлган фуқаролардан даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг декларация шаклини жорий этилиши.

Саккизинчидан. Кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш учун қулай «солиқ иқлими»ни яратиш мақсадида иқтисодий ислоҳотлар жараёнини норматив-ҳуқуқий таъминлашни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларнинг жами ўрнига бюджетга ягона солиқ тулаш имкониятига эга бўлганлиги, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори билан Кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибини тасдиқданганлиги.

Тўққизинчидан. Вазирлар Махдамасининг 1998 йил 10 апрелдаги 153- сон қарори билан тасдикданган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартибига кўра савдо корхоналари учун солиқ солиш объекти ялпи даромад бўлиб ҳисобланиши.

Ўнинчидан. 1999 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик кооператавлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар,

қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа етиштирувчилари ягона ер солиғини тулай бошлаганлиги. У барча амалдаги умумдавлат (алкоголли маҳсулотга нисбатан акциз солиғидан ташқари) ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларнинг жамини тулаш ўрнига жорий этилиши.

Бу борада шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, солиқ сиёсатини барқарорлашувига солиқ тизимини ривожлантиришга доир мавжуд қонун ҳужжатлари асосида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексни ишлаб чиқилиши ва 1997 йилда қабул қилиниши солиқ сиёсатини солиқ муносабатларини тартибга солишга ёндашувнинг мунтазамлиги ва изчиллигини таъминлади, солиқ қонунчилигини барқарорлик бахш этди. Солиқ кодекси орқали солиқ сиёсатимиз халқаро даражага анчагина яқинлаштирилди. Шунингдек, кодекс солиқ режимини, солиқ солиш ва йиғимлар тамойилларини амалга ошириш шартларини тартибга солишга имконят яратди.

Солиқ тизимини ривожлантиршлнинг учинчи босқичи (2000 йилдан бошлаб) солиқ сиёсатининг янги боскдчига асос солди. Ўзбекистон Республикаси Президент ва ҳукумат томонидан жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш, иқтисодий ислоҳатлар йўлидан олга бориш вазифалари солиқ сиёсатининг мажмуасида кенг урин тутади. Солиқ сиёсатини оқилона олиб борилиши эвазига жорий йилда Давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқларнинг салмоғини 37,6 фоизини, билвосита солиқлар эса 56,8 фоизни гашкил этишига олиб келди.

Демақ Республика солиқ сиёсатини такомиллаштириш янги солиқ тизимини жорий этиш бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилдики, бу республикани иқтисодий инқирозларни четлаб ўтишга ва халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

4.3. Солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш йўналишлари

Бугунги кунда республикамиз солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

Ҳозирги пайтда республикамиз солиқ сиёсатининг асоси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва муваффақиятли тарзда

амалиётда ўз аксини топаётган иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилидир. Солиқ сиёсати ана шу тамойиллар асосида ташкил этилган бўлиб, солиқ соҳасидаги самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Солиқ концепцияси - солиқларнинг йўналишларини аниқ илмий асосланган ҳолда амалга ошириш гояларининг яхлитлигидир. Мамлакатимизда солиқ концепцияси Биринчи Президентимиз И.А. Каримов томонидан чуқур илмий асосда ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясига асосланади. Агар солиқ концепцияси қанчалик чуқур илмий асосга эга бўлса, солиқ сиёсатининг барқарорлиги шунчалик мустаҳкам таъминланади. Ўз навбатида солиқ концепцияси эса солиқлар соҳасидаги чуқур илмий тадқиқот ишлари ҳамда солиқ амалиётида орттирилган бой тажрибаларнинг ўзаро уйғунлигига асосланган ғоялар самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Шунингдек, солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлашда унинг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилиши лозим. Амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусияти ва муддатини эътиборга олиб солиқ сиёсати: солиқ сиёсати стратегияси ва солиқ сиёсати тактикасига бўлинади.

Солиқ сиёсати стратегиясида муайян узоқроқ муддатга мўлжалланган солиққа оид иқтисодий муносабатларни асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари ифодаланади. Бу эса ўз навбатида илмий асосланган солиқ концепцияси билан бевосита боғлиқдир. Масалан, республикамизда жамият тараққиётининг асосий стратегияси қилиб эркин, очиқ бозор иқтисодиётига, эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий, демократик жамият қуриш белгиланган. Солиқ борасидаги устувор стратегик вазифа эса давлат бюджети ва хўжалик юритувчи субъектларни солиққа оид иқтисодий муносабатларида муайян уйғунликни таъминловчи солиқ тизимини шакллантириш ва шунга мос равишда такомиллаштириб боришдан иборатдир ёки бошқача қилиб айтганда, солиқ сиёсати стратегияси - солиқ сиёсатининг узоқ муддатли йўналиши бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий стратегия белгилаб берган улкан кўламли вазифаларни келажакда бажарилишини таъминлаш кўзда тутилган молиявий тадбирлар йиғиндисидир.

Солиқ сиёсати тактикаси эса белгиланган солиқ сиёсати стратегияси ижросини таъминловчи, тез-тез ўзгариб турувчи сайъи-ҳаракатларни билдиради, яъни қисқа муддатли ва кичик кўламли

молиявий чора-тадбирларни ҳал қилишга қаратилган йўналишлар мажмуаси - солиқ сиёсати тактикаси сифатида қаралади.

Солиқ сиёсати концепцияси солиқ сиёсати стратегиясига нисбатан, солиқ сиёсати стратегияси эса солиқ сиёсати тактикасига нисбатан барқарор, яъни кам ўзгарувчан бўлиб, уларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдириб туради ҳамда яхлит ҳолда солиқ сиёсатининг моҳиятини ташкил қилади.

Солиқ сиёсати таркибий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва солиқсиз тўловларни қонуний жорий этиш;
- амал қилаётган солиқларни самарали ишлашини таъминловчи механизм шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;
- солиқ сиёсатини амалга оширувчи тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларни ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаш;
- солиққа тортиш тизимини шакллантиришга қаратилган чуқур илмий тадқиқотни амалга ошириш ва уларни жорий этишни ташкил этиш.

Юқорида қайд қилинганидек, солиқ сиёсати давлат, яъни унинг ваколатли органлари томонидан олиб борилади. Агар ушбу ваколатли органлар ҳокимият тури нуқтаи-назаридан олиб қараладиган бўлса, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади. Айрим ҳолларда давлатнинг солиқ сиёсати Давлат солиқ қўмитаси томонидан олиб борилади, деган фикрлар учрайди. Амалда эса солиқ сиёсати давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари: Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятларининг ажралмас қисми сифатида комплекс тарзда амалга оширилади.

Бу ҳокимиятлар томонидан солиқ сиёсати қуйидаги тартибда ишлаб чиқилади ва унинг ижроси таъминланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланган Олий Мажлис томонидан солиққа оид ва унга бевосита тегишли бўлган қонунлар қабул қилинади, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади ёки айримлари бекор қилинади. Демак, солиқ сиёсатининг ҳуқуқий негизлари мазкур ҳокимият фаолияти билан боғликдир. Ижро ҳокимияти бўлган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг бўлинмалари, Давлат Солиқ Қўмитаси, Молия Вазирлиги, Адлия Вазирлиги, Иқтисодиёт Вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқа тегишли органлар томонидан Олий Мажлис томонидан қонун йўли билан жорий этилган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган

мажбурий тўловларнинг ишлаш механизмини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлар орқали уларнинг ижроси таъминланади. Бунда албатта ижро ҳокимиятининг бир бўғини ҳисобланган Давлат солиқ қўмитасининг солиқ сиёсати ижросини таъминлашдаги алоҳида ўринга эга эканлигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, ҳар йилнинг охирида келгуси йил учун амал қиладиган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловлар бўйича солиқ ставкаларини тасдиқлаш, ўзгартиришлар киритиш ваколати Вазирлар Маҳкамасига берилган. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар бўғинлари билан бирга суд ҳокимиятининг бўғинлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Суд ҳокимияти томонидан қонуний амал қилаётган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловларнинг ўз вақтида бюджетга келиб тушиши устидан назорат ўрнатилиб, солиқ қонунчилиги бузилишларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўлланади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда нафақат алоҳида олинган муассасалар бевосита қатнашади, шунингдек уни ишлаб чиқишда солиқ хизмати билан шуғулланмайдиган субъектлар, аниқроғи солиқ тўловчилар қатнашиши мумкин, яъни бунда солиқ тўловчиларнинг ўзларида солиқларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар, солиқларни ҳисоблашни осон ва самарали ишлаш кабилар таклиф сифатида берилиши мумкин.

Солиқ солиш соҳасидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат аппаратининг турли бўғинлари фаолиятидаги мослашувчанликка боғлиқ. Ваколат ҳар бир органнинг ўзига хос ролини белгилайди ва бир вақтнинг ўзида унинг бошқа органлар фаолияти билан мослашувини таъминлайди. Давлатнинг асосий вазифаларидан бирини ҳал этилиши - бюджетни тўлдириш, солиқ тўловчиларнинг иқтисодий ва юридик хатти-ҳаракатларига таъсир этишнинг у ёки бу дастагига эга бўлган барча давлат ҳокимияти органлар фаолиятининг мувофиқлаштирувисиз мумкин эмас. Кўпгина адабиётларда таъкидланганидек, концептуал солиқ тамойилларидан бири давлат органларининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда биргаликдаги иштироки ҳисобланади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш жараёнида бир қанча ўз ваколати доирасида фаолият юритадиган органлар биргаликда баҳамжиҳат ишни ташкил этишлари шарт. Бу органлар фаолият тури, уларни ташкил этиш асослари, мақсад ва вазифаларининг фарқланиши солиқ муносабатларини ташкил этишда

айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Бу жараёнда актив иштирок этишни таъминлаш мақсадида улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бир-бирига мослашувчанлигини таъминлаш каби қатор муаммоларни ҳал этиш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, асосий иқтисодий ҳуқуқлар ва солиқ тўловчиларнинг эркинлигини таъминлаш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг доимий назорати остида туради. Президент томонидан уларнинг фаолиятига нисбатан билдириладиган асосий талаблар бевосита солиқ соҳасидаги ишларнинг умумий аҳволи, уни бошқариш, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқалар билан белгиланади. Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа солиқлар бўйича бевосита ва билвосита ваколатга эга бўлган органлар ишини мувофиқлаштирган ҳолда ҳокимиятнинг ушбу соҳалари солиқ солиш билан боғлиқ шахс ҳуқуқларини таъминлаш учун юқори даражали жавобгарликни ўз зиммасига олади ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ўзаро ҳамкорликнинг барча жиҳатларини мукаммал тартибга солади.

Қонун чиқарувчи орган (Олий Мажлис) Конституциянинг 78-моддаси 8-банди ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ҳукуматнинг тақдимига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди. Давлат солиқ қўмитасининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини умумлаштириш асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳукуматга киритиш ҳуқуқи унинг Олий Мажлис билан ўзаро муносабатлари ҳукуматнинг иштироки билан қурилишига яққол мисол бўла олади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси Давлат Солиқ Қўмитасига нисбатан ваколатлари бўйича раҳбар орган ҳисобланади. Солиқ қонунчилигини қўллаш амалиётини доимий равишда умумлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органларини мазкур соҳанинг хусусиятли жараёнлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориши лозим.

Давлат Солиқ Қўмитасини бошқа ҳокимият органлари, ташкилотлар билан турли йўналишларда амалга ошириладиган ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ўзаро ҳамкорлик ўзининг юридик табиатига кўра ҳуқуқий бўлгани ҳолда, муносабатлар предметининг ўзига хослиги билан тавсифланади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва давлат солиқ органларининг ўзаро ҳамкорлигини тартибга солувчи меъёрлар турли юридик кучга эга

бўлган қатор меъёрий ҳужжатларга таянади. Умумий хусусиятларга кўра, ўзаро ҳамкорлик Конституция меъёрларида, бошқа қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилган, ўзаро ҳамкорликнинг янада аниқ юзага келиши кўпинча солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Мазкур давлат тузилмаларининг ўзаро муносабатлари хусусиятига таъсир этувчи объектив омил маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши, маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ижро этиш, маҳаллий солиқларни белгилаш, бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш масалаларини ҳал этиш учун конституциявий белгиланиши ҳисобланади. Бу билан давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг тегишли даражаларида ҳал этиладиган бошқарувнинг барча масалаларида, шу жумладан, молиявий соҳада ҳам юридик ваколатлилик мустаҳкамланади.

Солиқ органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан ўзаро ҳамкорлик республикада олиб бориладиган ягона солиқ сиёсатини олиб боришда, солиқлар ва бошқа солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловларнинг ҳудуд бюджетига келиб тушишини таъминлаш бўйича вазифаларнинг бажарилиши натижаларини таҳлил қилишда иштирок этиш орқали намоён бўлади.

Шу ўринда маҳаллий ҳокимият органларининг солиқлар бўйича ваколатларига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, маҳаллий ҳокимият органлари мамлакатимиз солиқ қонунчилигига мувофиқ бир қанча ваколатларга эга бўлиб, улар ўзларининг ҳудудида жойлашган солиқ тўловчиларга маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича қўшимча солиқ имтиёзларини белгилаш, солиқ ставкаларининг миқдорини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилган энг юқори ставкалар доирасида белгилаш каби ваколатларини санаб ўтишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, республикамизда солиқ сиёсати давлатнинг махсус ваколатли органлари томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Солиқлар бўйича ҳар бир ҳокимият органи махсус ваколатларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз фаолиятларини самарали олиб боришда ушбу ваколатлардан фойдаланади. Бунда ваколатли органлар сифатида барча ҳокимият органлари, жумладан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари биргаликда фаолият кўрсатади ва унда Давлат солиқ қўмитаси солиқ сиёсатини амалиётга жорий этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифаларни бажаради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ сиёсати нима?
2. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати йўналишлари нималардан иборат?
3. Солиқ сиёсатини ким ишлаб чиқади?
4. Солиқ сиёсатини юритишда давлат қандай рол ўйнайди?
5. Солиқ сиёсати концепцияси нима?

Топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати моҳиятини ўрганиш.
2. Солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини ўрганиб чиқиш.
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида солиқлар бўйича қўйилган вазифаларни ўрганиш.

5-БОБ
Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг шаклланишининг назарий асослари

Режа

5.1. Солиқ тизими ҳақида тушунча ва унинг моҳияти

5.2. Солиқ тизимини гуруҳлашнинг ўзига хос жиҳатлари

5.3. Солиқларнинг иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши

5.4. Солиқларнинг бюджетга тушишига кўра бўлиниши

5.5. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг шаклланиш ва ривожланишининг босқичлари

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ, солиқ тизими, макроиқтисодий ҳолат, солиқ кодекси, давлат бюджети, бюджет даромадлари, оборотдан олинадиган солиқ, мол-мулк қийматидан олинадиган солиқ, даромаддан олинадиган солиқ, эгри солиқ, тўғри солиқ, солиқ имтиёзлари.

5.1. Солиқ тизими ҳақида тушунча ва унинг моҳияти

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг тузилиш тамойиллари, усуллари, солиқ назоратининг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади. Бу таъриф солиқ тизимини кенг маънода тушунишдир. Солиқ қонунчилигида солиқ тизими тор маънода талқин қилиниб, бир хил моҳиятга эга бўлган ва марказлашган пул фондини ташкил этадиган солиқ, йиғим, бож ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси солиқ тизими деб аталади. Солиқ тизимига нисбатан бундай ёндашув айрим адабиётларда ҳам келтирилганлигини таъкидлаш ўринли. Қайд этилган таърифда солиқ ва йиғимлар ягона моҳият, яъни «мажбурий характерга эга бўлган муносабат» ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва ниҳоят бюджетга тушишлигини кўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси мазмунига мос келади. Шу ерда баҳсли масала ҳам мавжуд, яъни давлатнинг бюджетдан ташқари фондларига (пенсия, ижтимоий суғурта, бандлик, йўл фондлари ва бошқалар) тўловларни ҳам мажбурийлик нуқтаи назардан солиқ тизимига киритиш муаммоси мавжуд.

Ўзбекитон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан, «аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани-фискал, қайта

тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак»,[23]- деган фикр билдирилган эди.

Солиқлар бўйича изланишлар олиб борган айрим муаллифларнинг солиқ тизимига ёндашуви бошқача. Солиқ тизимига, хусусан, солиқлар ёки уларга тенглаштирилган тўловлар тизими (мажмуи) сифатида қараш мумкин эмас. Солиқ солишнинг муҳим шарт-шароитларига қуйидагилар киради: солиқларни белгилаш ва амалга киритиш тартиби, солиқларнинг турлари, уларни бюджет даражалари ўртасида тақсимлаш тартиби, солиқ назоратини амалга ошириш шакллари ва услублари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, улар манфаатларини ҳимоя қилиш усуллари, солиқ муносабатлари иштирокчиларининг жавобгарлиги ва шу билан бирга ушбу элементлар солиқ тизимининг таркибий унсурлари эканлигини таъкидлайди ва солиқ тизими деганда ана шу элементларнинг мажмуасидан иборат бўлган ва улар ўртасидаги муносабатлар мажмуасидан келиб чиқиб ифодалаш мумкин.

Умуман олганда солиқ тизимини таркибан солиққа тортиш тамойиллари, солиқ сиёсати, солиққа тортиш тизими, солиқ механизми кабиларга ажратиш мумкин. Ушбу элементлар бевосита мамлакатда амал қилаётган солиқларнинг таркибини белгилаб беради.

5.2. Солиқ тизимини гуруҳлашнинг ўзига хос жиҳатлари

Солиқ тизимининг асоси бўлган солиқлар ўзига хос хусусиятларига, бир қатор белгиларига кўра гуруҳланади. Солиқларнинг гуруҳланиши уларнинг объектига, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига таъсир этишига, ундирилиш усуллари, пайдо бўлишига (субъектига), бюджетга йўналтирилишига ва бошқа белгиларига кўра уларнинг таснифланишидир.

Солиқларни бундай тартибда гуруҳларга ажратишдан мақсад уларни тақсимлаш тамойилларини белгилашда, уларнинг солиқ функция ва вазифаларини қай даражада бажараётганлигини баҳолашда, умуман олганда давлат бюджетини доимий равишда ва мунтазам даромадлар билан таъминлашда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини чеклаб қўймасдан фаолият кўрсатиши учун солиқларнинг ҳар томонлама илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилишдан иборат.

Тарихан солиқлар ижтимоий-иқтисодий тузилишига қараб ёки бошқача қилиб айтганда ундириб олиш манбасига қараб икки гуруҳга

[23] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 358-б.

тўғри ва эгри солиқлар гуруҳларига бўлинади. Солиқларни белгилайдиган ва улардан тушган маблағни тасарруф этишига, яъни бюджетга ўтказиш нуқтаи-назаридан солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Шунингдек, солиқлар пайдо бўлиш манбаига кўра юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга бўлинади. Солиқларнинг қайд этилган гуруҳларга ажартиб ўрганишни алоҳида савол сифатида кенгроқ ёритишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда солиқларни гуруҳлашнинг айрим турларини кўриб чиқамиз. Солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гуруҳлаш иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсир кўрсатишни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар. Бунда солиқлар хўжалик юритувчи субъектларнинг бевосита оборотидан ундирилади, уларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, божхона божлари, йиғимлари ва бошқалар киради.

2. Мол-мулк қийматларидан олинадиган солиқлар. Бундай солиқлар солиқ тўловчи субъектлар тасарруфида мавжуд бўлган мол-мулкдан, ердан ва бошқаларга нисбатан белгиланадиган солиқлардан иборат.

3. Даромаддан олинадиган солиқлар. Бунга юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва бошқалар киради.

Мамлакатимизда амал қилаётган солиқларнинг айримлари кохоналар ҳўжалик фаолиятининг охирги молиявий натижасидан бюджетга тўланадиган аксарият солиқлар ва мажбурий тўловлар келгуси давр харажатлари орқали ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига қўшилади (ер солиғи, мол-мулк солиғи, экология солиғи ва бошқалар). Шу ўринда солиқларни гуруҳлашнинг асоси ҳисобланган, уларни хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига таъсир этишига қараб қуйидагиларга ажратишимиз мукин:

1. Товар (иш, хизмат)лар оборотидан тўланадиган солиқлар. Бундай солиқларга асосан эгри солиқлар киради, яъни қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, жисмоний шахслардан транспорт

воситаларига бензин, дизел ёқилгиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, божхона божлари.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган солиқлар: пенсия фондига ажратмалар, касаба уюшмалари федерациясига ажратмалар, бандлик фондига ажратмалар ва бошқалар.

3. Давр харажатларига киритиладиган солиқлар: мол-мулк солиғи, ер солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқалар.

4. Корхоналар фойдасидан тўланадиган солиқлар: даромад (фойда) солиғи, инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ ва бошқалар.

5.3. Солиқларнинг иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши

Солиқлар иқтисодий моҳиятига, тўловчи билан давлатнинг ўзаро муносабатларига бевосита ёки билвосита боғлиқлигига кўра тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Тўғри солиқлар тўғридан-тўғри даромадга ва мол-мулкка қаратилади (солиққа тортишнинг бевосита шакли). Товарнинг баҳосида тўланадиган ёки тарифга киритиладиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлар эгри солиқларга киради. Товар ва хизматларнинг эгаси уларни сотишда солиқ суммаларини олиб, уларни давлатга ўтказади.

Даромадлар оладиган (мол-мулкка ва шу кабиларга эгалик қиладиган) хўжалик юритувчи субъектлар тўғри солиқларнинг пировард тўловчиси ҳисобланади, нархларга устамалар орқали солиқ юки юклаб қўйиладиган товарнинг истеъмолчиси эса эгри солиқларнинг пировард тўловчиси ҳисобланади. Амалиётда нафақат эгри солиқлар, шу билан бирга тўғри солиқларни ҳам истеъмолчилар зиммасига ўтказиш имконияти мавжуддир. Масалан, корхоналар тўлайдиган солиқлар юки инфляция даврида кўпинча нарх-навони ошириб юбориш орқали истеъмолчилар зиммасига юклаб борилади.

1-жадвал

Давлат бюджети даромадлари ҳажми, млрд. сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил
	Даромадлар, жами	41 043,4	49 681,0	79099,1
1.	Бевосита солиқлар	9 852,8	11 539,4	15656,2
2.	Билвосита солиқлар	21 130,7	26 133,2	41280,4
3.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	5 306,2	6 867,4	12663,4
4.	Юқори даромаддан	1 401,9	1 415,2	1528,0

	олинадиган солиқ			
5.	Бошқа даромадлар	3 351,8	3 725,8	7971,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Тўғри солиқларга тортишда маблағларнинг сафарбар қилиниши янги қийматни тақсимлаш пайтида бошланади. Давлат даромад олинган пайтдаёқ унинг бир қисмига ўз ҳуқуқларини даъво қилади.

Солиқ тўловчининг даромади (иш ҳақи, фойда, фоизлар ва ҳоказо) ва унинг мол-мулкининг (ер, уйлар, қимматли қоғозлар ва ҳоказо) қиймати тўғри солиқлар объекти бўлади. Солиққа тортишнинг бу шакли эгри солиқларга нисбатан бирмунча прогрессивдир, чунки у солиқ тўловчининг даромадлилигини, оилавий аҳволини ҳисобга олади, солиқ даромадни олиш босқичида ундирилади. Бундан ташқари, тўғри солиқларга тортишда солиқ тўловчи ўз солиғининг суммасини аниқ билади.

Тарихий жиҳатдан олганда тўғри солиқлар XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида шаклланди, улар фақат XX асрда кенг оммалашди.

Тўғри солиқлар реал ва шахсий солиқларга бўлинади.

Реал солиқлар солиқ тўловчи мол-мулкининг айрим турларидан (ер, уйлардан) кадастр асосида ундирилади, тўловчининг ҳақиқий даромадлилигини эмас, балки ўртача даромадлилигини ҳисобга олади. Солиққа тортиш объектига қараб қуйидагилар реал солиқларга киради: ерга оид, уй-жойларга доир, касб-ҳунарга тегишли, қимматли қоғозлардан олинадиган солиқлар. Реал солиқлар ташқи белгиларга асосланади, солиққа тортиш мол-мулкнинг кадастр бўйича аниқланадиган ўртача даромадлилиги бўйича амалга оширилади. Ўз моҳиятига кўра бундай солиқлар регрессив тусга эгадир.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, давлат фаолиятининг кенгайиши шахсий солиқларга ўтилишини тақозо этди, чунки реал солиқлар фискал жиҳатдан ҳам, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали бўлмай қолди. Реал солиққа тортишнинг айрим унсурлари, одатда, маҳаллий солиқлар тизимида асосан саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда сақланиб қолган. Шахсий солиқлар равнақ топмоқда, булар даромадлар манбаида ёки декларация бўйича ундириладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкидан олинадиган солиқлардир. Реал солиқдан фарқли равишда шахсий солиққа тортишда объект (даромад, мол-мулк) ҳар бир тўловчи учун якка тартибда ҳисоблаб чиқилади, унинг молиявий аҳволи (оила сони, қарздорлик ва ҳоказо) эътиборга олинади.

Ривожланган мамлакатларда солиққа тортиш объектига қараб шахсий солиқларнинг қуйидаги турлари фарқланади: даромад солиғи, пуллик сармоялардан тушадиган даромадлардан олинадиган солиқ, сармоянинг ўсишидан олинадиган солиқ, корпорациянинг фойдасидан олинадиган солиқ, меросдан ва совға қилишдан олинадиган солиқ, мол-мулкдан олинадиган солиқ, жон бошига олинадиган солиқ ва ҳоказо.

Эгри солиқлар баҳога ёки тарифга устама сифатида белгиланадиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлардир. Эгри солиқларга тортишда давлат товар ёки хизматларнинг сотилиши пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига ўз ҳуқуқларини даъво қилиш билан аслида янги қийматнинг тақсимланишининг иштирокчиси бўлиб қолади. Эгри солиқлар тўғри солиқлардан фарқли равишда тўловчининг даромади ёки мол-мулки билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Товарлар, одатда, шахсий истеъмол товарлари, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасининг (сартарошхоналар, ҳаммомлар, кимёвий тозалаш хизматлари) пуллик айланмаси, томоша кўрсатадиган ва транспорт корхоналарининг патталари ва шу кабилар солиққа тортиш объекти бўлади. Эгри солиқларга тортиладиган товарлар ва хизматлар сони мунтазам кенгайиб бормоқда.

Харидор-истеъмолчи эгри солиқларнинг тўловчиси бўлади. Товарнинг соҳиби ёки хизматлар кўрсатадиган шахс аслида солиқни йиғувчи ҳисобланади. Эгри солиқларнинг анчагина қисми мулкдор томонидан товарнинг ёки хизматларнинг нархига қўшилади. Давлат корхоналари ва монополиялар солиқнинг бутун суммасига нархларни ошириш бўйича жуда катта имкониятларга эгадир. Тармоқ ичидаги рақобат юксак бўлганида ва талаб барқарор бўлмаган ҳолда солиқнинг муайян ҳиссаси товарнинг ишлаб чиқарувчиси ва сотувчи томонидан тўланади. Эгри солиқларнинг асосий тўловчиси пировард оқибатда истеъмолчилар бўладилар.

Эгри солиқлар даромадлиликни, оилавий аҳволни ҳисобга олмайди. Ҳамма фуқаролар ўз даромадларининг миқдоридан қатъий назар, бундай солиқларни тўлайдилар, чунки эгри солиқларга тортиладиган турмуш учун зарур бўлган товарларни истеъмол қилишади ва хизматлардан фойдаланишади.

Эгри солиқларнинг ставкалари қатъий (товар ўлчамининг бирлигига) ва фоизли (товарнинг нархига муайян ҳиссада) бўлади. Фоизли ставкалар давлат учун кўпроқ фойдалидир, чунки нархлар ошганида солиқ тушумлари ҳам кўпаяди. Солиқ ставкаларининг

оширилиши уларнинг товарларнинг нархидаги ҳиссасининг ортишига олиб келади.

Эгри солиқлар акцизларни, давлатнинг фискал монополияларини ва божхона божларини ўз ичига олади. Акцизлар ундирилиш усулига қараб якка тартибдаги (пивога, шакарга, бензинга ва ҳоказо) ва универсал (қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) турларга бўлинади. Улар асосан хўжалик актларидан ва айланмалардан, молиявий операциялардан келиб чиқади.

Республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни белгиловчи меъёрларни аниқлаш муаммоси асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Айрим солиқ турларининг нисбати жамият ривожланишига қараб ўзгарди. XIX асрда ва XX аср бошида ундирилишининг соддалиги билан ажралиб турадиган эгри солиқлар асосий аҳамият касб этган эди. 20-йиллардан бошлаб кўпгина мамлакатларда тўғри солиқлар кўпроқ аҳамият касб эта бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимида тўғри солиқлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди, даромад солиғи ва корпорацияларнинг фойдасидан олинадиган солиқ улар ичида асосий ўрин тутарди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилганимизда, тўғри солиқларни тўғридан - тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс ҳисобланади.

Эгри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчиси маҳсулот ортувчилар, иш, хизматни бажарувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилар, ҳақиқий тўловчиси эса истеъмолчилар ҳисобланади.

Республикамизда амал қилаётган солиқлар ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб учдан бир қисмини тақсимлаб, бюджетга жалб этади ва у орқали давлатнинг ижтимоий зарурий харажатлари молиялаштиришга йўналтирилади. Сўнгги йилларда тўғри солиқларнинг салмоғи ялпи ички маҳсулот қийматида бир оз камайиб, эгри солиқлар салмоғи ошган. Бу ерда ҳозирги шароитда тўғри тендендия мавжуддир, чунки эгри солиқлар тўғридан- тўғри корхона инвестиция фаолиятининг сусайишига олиб келмайди. Тўғри солиқлар салмоғи ЯИМ қийматида пасайиши корхоналарнинг моддий-техникавий базаси кенгайишига, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришига имкон яратади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амал қилаётган тўғри ва эгри солиқлар таркибига қуйидаги солиқлар киради (2-жадвал):

2- жадвал

Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар
1. Юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғи 2. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ 3. Ер солиғи 4. Мол-мулк солиғи 5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ 6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. 7. Ободонлаштириш (2018 йилгача)ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқалар.	1. Қўшилган қиймат солиғи 2. Акциз солиғи 3. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ (2019 йилгача) 4. Божхона тўловлари ва бошқалар

Ягона давлат бюджети даромадлари таркибида уларнинг салмоғи юқоридаги маълумотлар билан ифодаланади.

3-жадвал

Бевосита солиқлар ҳажми тенденцияси ва таркиби[24]

т/р	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил
	Бевосита солиқлар	9852,8	11539,4	15656,2
1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1215,1	1475,5	3502,2
2.	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1515,3	1707,5	2108,5
3.	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар	1440,8	1751,7	2597,9
4.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	4137,4	4876,4	6422,7
5.	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим	822,3	1042,8	1024,8

[24] www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти маълумотлари

	турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ			
6.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	721,9	685,5	-

Кўпгина олимлар тадқиқотларида тўғри ва эгри солиқларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини келтириб ўтишган. Хусусан, И.С. Иловайский тўғри солиқлар ривожланган давлатларда иқтисодий жараёнларни тартибга солишдаги асосий молиявий дастаги дея таъкидлайди[25]. Г.Д. Черник эгри солиқларнинг яширин хусусиятини ижобий жиҳат сифатида таърифлаб, “ҳаражатларга солинадиган солиқлар доимий ва сезилмасдан ундурилганлиги сабабли энг кам малол келтиради” деб таъкидлайди[26]. В. Самофалов эса фақатгина қолоқ ва қарам давлатлар ҳолатида эгри солиқларнинг яширин хусусиятидаги ижобий жиҳатни кўриш мумкинлигини айтади[27]. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, тўғри ва эгри солиқларнинг ижобий ёки салбий жиҳатларини таснифлаш бизнингча анчаин мунозарали масаладир.

4-жадвал

Билвосита солиқлар ҳажми тенденцияси ва таркиби[28]

т/р	**Кўрсаткичлар**	**2017 йил, млрд. сўм**	**2018 йил, млрд. сўм**
	Билвосита солиқлар	26133,2	41280,4
1.	Қўшилган қиймат солиғи	14685,8	27876,5
2.	Акциз солиғи	7449,2	9702,2
3.	Божхона божи	1707,4	1826,4
4.	Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	1784,5	1543,9
5.	Абонент рақамларидан фойдаланганлик учун солиқ	506,4	331,3

Юқоридаги маълумотлар таҳлил қилинганда юридик шахслар солиқлари ва бошқа тўловлари бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил этиши кўринади. Бу солиқлар давлат бюджети харажатларини молиялаштиришда мустаҳкамликни, узвийликни

[25] Иловайский С. И. Косвенное налогообложение в теории и практике. – Пенза: РИО ПГСХА, 2010. – с 115.
[26] Черник Д. Г. Налоги: учебник. – М.: Финансы и статистика, 2009, с. 15
[27] Самофалов В. Г. Косвенные налоги и подоходный налог: учеб. – СПб.: Питер, 2007. – с. 50
[28] www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти маълумотлари

таъминлайди. Бу солиқларсиз бюджетни режали молиялаштиришнинг иложи йўқдир. Шунинг учун уларнинг аҳамияти бюджет даромадларини шакллантиришда беқиёсдир.

Агар бир давлатда айрим солиқлар ҳаракати жараёни: маълум бир республика ва маҳаллий бюджетга бириктирилган бўлса, айримлари эса, бюджетларни тартибга солиб турадиган солиқларга бўлинади.

5.4. Солиқларнинг бюджетга тушишига кўра бўлиниши

Республикамизда асосан солиқлар бюджет тизими даромадларини шакллантиради. Давлат бюджети тизими мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий ҳаётини молиявий маблағ билан таъминлайди ва бу Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимида умумреспублика бюджетининг етакчи бўғинидир. У умумдавлат ресурсларининг бир қисми бевосита давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи олий органи - Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида марказлашувни таъминлайди. Марказлашган ресурслар умумдавлат аҳамиятига молик бўлган, умуман олганда жамият манфаатларини ифодалайдиган тадбирларни (халқ хўжалиги аҳамиятидаги қурилишларни, энг муҳим ижтимоий тадбирларни, мудофаа, бошқарув, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари, давлатнинг моддий ва молиявий захираларини) маблағ билан таъминлашга ишлатилади. Умумреспублика бюджети орқали миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрига тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни изга солиб турилади. Давлат умумреспублика бюджетидан давлат бюджетининг бу бўғини ижроси юзасидан республикадаги ҳамма ишларни мувофиқлаштириш учун фойдаланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети пул маблағларини республиканинг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари амалга оширадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тадбирларини молиялаштириш учун марказлаштиради.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Улар давлат ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий органи ўз фаолиятини амалга ошириши учун унинг ихтиёрида аниқ молиявий база яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ҳамда давлат томонидан марказлашган тартибда амалга ошириладиган тадбирлар билан тўғри олиб бориш имконини беради, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджет даромадларининг кўпайиши ва ресурсларнинг тежамкорлик билан сарфланиши

тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилади, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг юксалиш суръатлари тўғридан-тўғри маҳаллий хўжалик захираларини сафарбар қилиш, маблағларни тежаб ишлатиш борасидаги ишларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлади, бу эса ўз навбатида умуман Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради. Маҳаллий бюджетлардан уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари (мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқалар), ижтимоий таъминот соҳасидаги тадбирлар маблағ билан таъминланади.

Республикамизда солиқлар бюджет тизими даромадларини шакллантиришига қараб асосан икки гуруҳга бўлинади:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 6-моддасига мувофиқ умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;

2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

3) қўшилган қиймат солиғи;

4) акциз солиғи;

5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 7-моддасига мувофиқ маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи; ер солиғи; инфратузилмани ривожлантириш солиғи; жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ; айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Умумдавлат солиқлари асосан республика бюджети даромадларини шакллантиришга қаратилган бўлса, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради.

Солиқларнинг республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши улар даромад манбаини шакллантиришдаги бир қатор муаммоларни вужудга келтиради. Булардан асосийларидан бири бюджетларни молиялаштириш юзасидан солиқларнинг бюджетлараро тақсимланиш тартиби мезонларини белгилаш муаммосидир.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Солиқ муносабатлари мавжуд бўлишининг асосий шартларидан бири давлатнинг мавжудлиги бўлса, иккинчи шарти бўлиб солиқларни тўлашга қобил бўлган солиқ тўловчиларнинг мавжудлигидир. Ўзбекистон солиқлар тизими манбаига қараб солиқлар юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратилади.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритиши ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

Юридик шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхона даромадига солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, экология, савдо ташкилотларини ялпи даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни (ҚҚС, акциз) юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар ҳам тўлайдилар. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга даромадга солиқ, ер, мол-мулк солиқлари киради. Ҳуқуқий шахслардан олинадиган солиқлар давлат бюджети даромадларининг ҳал қилувчи қисмини ташкил этади. Бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз шаклда корхоналар ҳисоб (жорий) счётларидан бюджет счётларига кўчириб қўйилади. Уни ундириш осон ва арзонга тушади. Жисмоний шахслардан олинадиган баъзи солиқлар нақд пулга ундирилганлиги учун уни тўлаш қийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол-мулк солиқлари ва қатор йиғимлар киради. Солиқ йиғиш харажати кўпайиб кетади. Чунки бу иш билан махсус тажрибага эга бўлган инспекторлар шуғулланади, ҳужжатлар (декларация, хабарномалар, чақириқлар ва бошқалар) кўп ёзилади.

Жисмоний шахслар солиқлари ичида энг йириги фуқаролар жами даромадига солиқдир. Бу солиқ орқали фуқароларнинг гуруҳлари даромадларини бошқариб бориш имконияти яратилади.

Илгари айтганимиздек юридик шахсларнинг бюджетларга тўлайдиган солиқлари тўғри ва эгри солиқларга бўлинади.

Тўғри солиқлар даромад (фойда) солиқлари ва ресурслар солиқларидан ташкил топади. Эгри солиқлар эса қўшилган қиймат

солиғи, акциз солиғи, божхона божидан иборатдир. Юридик шахсларнинг бу солиқлари бюджет даромадларини асосий қисмини ташкил этиши қуйидаги жадвал маълумотларида кўринади.

Юридик шахслар солиқлари пул муомаласини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Тўғри солиқлар юридик шахсларнинг харажатларга мўлжалланган маблағларини қисқартириб муомалага оз пулларни чиқаришга олиб келади. Эгри солиқлар эса товарлар (ишлар, хизматлар) таркибида бўлиб, баҳо ҳисобига муомаладаги ортиқча пулларни муомаладан олади. Шундай қилиб солиқлар пул муомаласини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Солиқларнинг ошиши товар (хизмат, иш) таклифини оширади, талабни камайтиради. Бу эса пул эмиссиясини камайтиради. Аммо таклифда реал қиймати паст бўлганлигидан инфляцияни пайдо қилиши мумкин.

Юридик шахслар ўзларига юклатилган солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўз вақтида, тўлиқ тўлаш жавобгарлигини олганлар. Уларнинг тўлайдиган солиқлари асосан нақд пулсиз, яъни корхона, ташкилот, бирлашманинг банкдаги ҳисоб счётларидан маблағни кўчириб, республика ёки маҳаллий бюджет счётларига ўтказиш йўли билан амалга оширади. Қоида бўйича ҳар қандай юридик шахс ўз солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган вақтда бюджетга тўлиқ ўтказишга мажбурдирлар. Бунинг учун улар солиқ ва бошқа тўловларнинг муддати келган кунгача пулларни ўтказиш ҳужжатлари бўлмиш тўлов топшириғи, чекларни ёзиб банкларга топширган бўлишлари керак.

Агар тўлов топшириқлари ўз муддатида ёзилиб банкларга топширилмаган бўлса солиқ идоралари ўзларининг инкассо-тўлов талабномалари орқали ундириб оладилар. Ҳар бир ўз вақтида бюджетга ўтказилмаган кун учун ўтказилиши керак бўлган солиқ суммаси ҳисобидан 0,05% пеня ҳисобланиб солиққа қўшимча равишда бюджетга мажбурий ундирилади. Албатта пеня суммасининг кўпайиши корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳар қандай хўжалик субъектлари ҳисобчилари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларда белгиланган тўлов муддатигача ўз вақтида тўлаб боришлари шарт. Бунда айниқса бўнак (аванс) тўловларга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим, чунки ҚҚС, даромадга (фойдага) солиқ ва бошқаларда бўнак тўловлар сони кўп бўлганлигидан боқиманданинг кўпайишига олиб келади. Ҳозирги кунда бу боқиманда билан кураш иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим давлат тадбирларига айланмоқда.

Юридик шахсларнинг ҳамма солиқлари нақд пулсиз тўланади. Бироқ, айрим йиғимлар (давлат ва божхона божлари) нақд пулли бўлиши мумкин. Юридик шахслар солиқларини нақд пулсиз тўланиши жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Пул ўтказишлар тезлашади, ижтимоий харажатлар тежалади.

Жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Молия йилида солиқ солинадиган даромад, мол-мулк, ер, майдони, транспорт воситалари ва шу каби бошқа предметларга эга бўлган жисмоний шахслар уларга белгиланган солиқларни тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёхуд тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади. Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинса, Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятдан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

Умуман олганда мамлакатимиз солиқ қонунчилигидан келиб чиқиб солиққа тортиш нуқтаи-назаридан юридик шахсларни шартли равишда қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

1. умумий тартибда солиқ тўловчи юридик шахслар;
2. микрофирмалар ва кичик корхоналар;
3. қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;
4. савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
5. лотореялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказишга ихтисослашган юридик шахслар;
6. тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланувчи юридик шахслар.

Умумий тартибда солиқ тўловчи юридик шахслар қуйидаги солиқларни тўлайди:

- Даромад (фойда) солиғи;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;
- Мол-мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Ягона солиқ тизимига ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар қуйидаги солиқларни тўлайди:

- Ягона солиқ тўлови;
- Акциз ости товарларини ишлаб чиқарган ҳолда акциз солиғи.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғини тўлайди.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қуйидаги солиқларни тўлайди:

- Ягона солиқ тўлови;
- Мол-мулк солиғи.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари (сартарошхона, биллиардлар, ўйин автоматлари) билан шуғулланувчи юридик шахслар қуйидаги солиқни тўлайди:

- қатъий солиқ.

Шунингдек юқоридаги барча юридик шахслар қуйидаги йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам тўлайдилар:

- Божхона тўловлари (божхона божлари ва йиғимлари, акциз солиғи ва товарларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи);
- Давлат божлари;
- Товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар;
- Давлат мақсадли фондларига ажратмалар (бюджетдан ташқари пенсия фонди, республика йўл фонди, бандлик фонди);
- Рўйхатга олганлик учун йиғим.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар таркиби қуйидагилардан иборат:

- Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ;
- Мол-мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ягона божхона тўлови (импорт божи, қўшилган қиймат солиғи ва йиғим ўрнига жорий этилган);
- Импорт учун акциз солиғи;

- Давлат божи;
- Товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар;
- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Юқорида қайд этилганлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчилар икки катта гуруҳга, яъни юридик ва жисмоний шахслар гуруҳига бўлинади ва уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятидан келиб чиқиб яна таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда юридик шахслар тўлайдиган солиқлар катта аҳамиятга эгалигини юқоридаги маълумотлардан бевосита кўришимиз мумкин.

5.5. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг шаклланиш ва ривожланишининг босқичлари

Иқтисодиётнинг самарали ривожланиши кўп даражада давлат томонидан иқтисодий жараёнларни бошқаришни тўғри ташкил этишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш хусусиятларидан бири давлатнинг иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси қилиб белгиланганидир.

Бозор муносабатларига ўтишнинг қийин даврида аҳолининг манфаатларини фақат кучли қайта тақсимлаш воситасига эга бўлган давлатгина ҳимоя қилишга қодирдир. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йиллариданоқ давлат иқтисодиётни тартибга солишда солиқлардан ушбу концепцияга асосланган ҳолда фойдаланиб келмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, бошқа кўпгина омиллар билан бир қаторда, унга нисбатан юргизилаётган солиқ сиёсатига ҳам бевосита боғлиқдир. Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиб ва уни ҳаётга татбиқ этиб, иқтисодий ривожланишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан давлат солиқ сиёсати орқали макроиқтисодий самарадорликка эришиши мумкин.

Иқтисодчи олим А.С.Жўраевнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда мустақиллик йилларидаги солиқ сиёсати ва қонунчилигини шаклланишини тўрт босқичга бўлиб таҳлил қилиши мумкин[29].

[29] Жўраев А.С., Ортиқов Н.А. Солиқ ҳуқуқи асослари. –Т.: Илм-зиё, 2012. –Б.19.

Ўзбекистонда солиқ қонунчилиги шаклланишини даврларга бўлиш ҳақида С.Абдуҳолиқов ҳам фикр юритиб, солиқ тизими ислоҳоти ривожланишини яққол кўрсатиш учун шу даврни тўрт босқичга бўлиб кўрсатиш мумкинлигини таъкидлайди[30]. Демак, Ўзбекистонда солиқ қонунчилиги шаклланишини даврларга бўлишда ягона ёндошув мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Биринчи босқич – 1991-1994 йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистоннинг ўз солиқ тизимини ташкил этиш ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш босқичидир.

Республикамизнинг ўз солиқ тизимини яратишда 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги ва "Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари биринчилардан бўлди. Улар ўзида биринчи марта солиқ тизимининг тузилиши ва ишлашининг умумий асосларини аниқлаб берди, солиқларни ҳисоблаш ва ундириш тартибини ўрнатди.

1992 йил 9 декабрда мазкур қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, уларга биноан солиқ объекти кенгайтирилди, яъни илгари даромад солиғини жамоа хўжалиги орқали тўлаб юрган жамоа аъзолари тўғридан тўғри ўзлари тўлайдиган бўлдилар.

1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Бундай солиқларга жисмоний шахсларнинг мулк солиғи, ер солиғи, курорт зоналарида ишлаб чиқариш объектлари қурилиш солиғи, реклама солиғи, автомобиль воситаларини қайта сотиш солиғи, транспорт воситаларини эгаларидан солиқлар ва 13 та ҳар хил йиғимлар киритилди.

Солиқ қонунчилигимизнинг биринчи босқичи, республика солиқ тизимининг солиқларнинг кўплиги билан солиқ ставкаларининг юқорилиги, шунингдек, корхона ва ташкилотлар даромадининг 45 фоиз бюджетга олиниши билан характерланади. Бундан ташқари, солиқ қонунларимиз корхона ва ташкилотларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини жиҳозланишини чегаралаб қўйган, солиқ қонунчилигидаги имтиёзлар ҳам бу муносабатга ўз таъсирини кўрсата

[30]Абдухолиқов С. Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилиги тизимининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг муаммолари номли илмий-назарий конференция материаллари. -Т.: ЎзМУ, 2013. – Б.189.

олмаганлиги яққол намоён бўлади. Ишлаб чиқаришнинг пасайиб бориши, солиқларнинг хазина функциясининг кучайиб кетиши натижаси ҳамда “ёввойи” бозор иқтисодининг талабига кўра, солиқ қонунчилигимиз олдига солиқ юкини камайтиришни объектив зарурат қилиб қўйди ва солиқларнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга оид солиқ қонунлари, йўриқномаларини, кўрсатмаларни ишлаб чиқишга олиб келди[31].

Солиқ ислоҳотларининг иккинчи босқичи солиқларни бозор иқтисоди талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратиш давридир. Бу даврга 1995-1997 йиллар тўғри келади.

Бу даврда солиқлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтиришга бағишланди. Уларга солиқлардан хилма-хил имтиёзлар берилди. Айниқса юридик шахсларнинг фойда (даромад) солиғидан имтиёзлар кўп эди, 1995 йилдан бошлаб корхоналар ҳар бир фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиргани учун 0,3 %дан фойдага солиқ ставкаси камайтирилди.

Халқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштириш ва тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш солиқ тизимини ислоҳ қилишни талаб этди ва кўплаб корхоналар ва ташкилотларнинг фойда солиғини даромад солиғи тўлашга ўтиши амалга оширилди. Унинг ўртача ставкаси 37 фоиз этиб белгиланди.

Солиқ тўловчилар учун имтиёзлар кўзда тутилди. 1995 йилдан бошлаб солиқ тизимини бирхиллаштириш бошланди. Бир қатор кам самарали солиқлар: республика ташқарисига олиб чиқиладиган хомашё ресурслари учун солиқ, ҳисоблаб чиқилган амортизациядан бюджетга 30 фоиз ундириш ва бошқалар бекор қилинди. Жамоа хўжалиги аъзолари ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлаётганлар учун солиққа тортишнинг ягона тартиби ўрнатилди. Яъни, жамоа хўжалиги аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасини солиққа тортиш бекор қилинди ва уларга нисбатан фуқаролар даромад солиғи тўғрисидаги қонунчилик татбиқ этилди.

Сармоядорлар учун рағбатлантиришлар солиқ тизимининг барқарорлашувига кўмак берди. 1996 йилнинг 1 январигача рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга солиққа тортиш тизимида даромад ёки фойдани солиққа тортишни танлаш ҳуқуқи тақдим этилди, бошқа барча хўжалик юритувчи субъектлар эса даромад солиғига ўтказилди.

[31] Жўраев А.С. Солиқ ҳуқуқи асослари. –Т.: Илм-зиё, 2012. -Б.19.

Солиқларни бозор муносабатларида қатнашишини кучайтириш учун уларнинг ҳаммаси учун ягона ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 1997 йил 24 апрелда қабул қилинди ва 1998 йил 1 январдан кучга кирди. Мазкур кодекснинг кучга кириши билан солиқ ислоҳотларининг ***учинчи босқичи*** бошланди.

Солиқ кодексининг қабул қилиниши солиқ қонунчилигини мустаҳкамлабгина қолмай, солиқларни маҳсулотларни экспортини, импорт товарлар ўрнига маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, ногиронларни ишлаб чиқаришда қатнашишини, меҳр-мурувват ишларни рағбатлантириш вазифасини кучайтирди.

Солиқ ислоҳотининг учинчи босқичи 1998 йилдан 2008 йилга қадар давом этди. Бу босқични солиқ тизимини соддалаштириш концепциясининг бошланиш даври деб аташ мумкин.

Бу босқичда солиқ тўловчи юридик шахсларга имкони борича соддалашган, ихчамлашган солиқ тизими жорий этилиб, уларнинг солиқ ҳисоблари, ҳисоботларини, солиқ тўлаш муддатлари соддалаштирилди.

Хусусан, соддалаштирилган солиқ тўлашга ўтишнинг ҳуқуқий асосларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон Фармони[32] бўлиб, унга биноан, қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди. Мазкур Фармонга биноан, ягона ер солиғи амалдаги барча умумдавлат солиқлари (акциз солиғидан ташқари) ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган қуйидаги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига жорий этиладиган бўлди:

- даромад (фойда) солиғи; қўшилган қиймат солиғи (товарлар импорти бундан мустасно); сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; ер остидан фойдаланганлик учун солиқ; мол-мулк солиғи; ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

[32] Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами, 1998. - № 10-11.- 202-модда.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бож тўлови, давлат божи, лицензия йиғимлари, давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.

Бундан ташқари, 1999 йилдан бошлаб, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик корхоналар учун ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтишни қўллаш тўғрисида"ги қарорга асосан (1998 йил 15 апрель, 159-сон) 1998 йилдан бошлаб ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Савдо ва ижтимоий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони (1153-сон, 10 апрель 1998 йил) билан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари 1998 йилдан бошлаб ялпи даромаддан солиқ ва мулк солиғини тўлайдиган бўлди.

Солиқ тизимини соддалаштириш солиқ ҳисобловчи ходимлар, давлат солиқ идоралари ва банк ходимларининг кўп минглаб соат вақтларини иқтисод қилишга, уларни корхоналар фаолияти таҳлилига бағишлашга имконият яратмоқда.

Мустақиллик йилларида солиқ тизимини ривожлантириш ўзининг натижасини аста-секин бериб бормоқда. Кичик корхоналарнинг мамлакат ички маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги салмоғи ортиб бормоқда.

Солиқ кодекси амалга киритилиши билан солиққа тортишнинг барча асос бўлувчи меъёрларини ягона ҳужжатга жамлаш; солиқ имтиёзларини тизимлаштириш; фойда, мол-мулк, қўшилган қийматни ҳисобга олиш ва солиққа тортишнинг халқаро тизимини жорий этишга имкон яратилди.

Учинчи босқичда юридик шахсларга, биринчи навбатда кичик ва ўрта корхоналар учун солиққа тортиш, ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг соддалаштирилган тизими барпо этилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий асосда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар жамланмаси ўрнига ягона солиқ тўлай бошладилар. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори билан кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби тасдиқланди.

2002 йилдан бошлаб давлат солиқ сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналардан солиқ юкини янада камайтира бориш, четга қатъий алмаштириладиган валютада маҳсулотларни экспорт қилганларга ҳам даромадга (фойдага) солиқдан, ҳам мол-мулк солиғидан пасайтирилган регрессив солиқ ставкаси қўллаш сиёсатини

юргизиш жорий этила бошланди. Солиқлар тизимида тўғри солиқлар салмоғини камайтира бориш ва эгри солиқлар салмоғини оширишга мўлжалланган сиёсат юритиш кўзда тутилган. Шу билан бирга солиқ қонунчилиги такомиллаштирила борилди, ҳамма солиқлар бўйича йўриқнома ва низомлар қайтадан ишлаб чиқилди.

2003 йилдан бошлаб самарасиз, бюджетга тушушини қийинлаштирадиган қуйидаги солиқлар ва тўловлар бекор қилинди. Булар: реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотиш солиғи, меъёридан ортиқ сотилмаган тайёр маҳсулот қолдиғи учун 2 фоизли ҳақ ҳамда табиатни ифлослантирувчи чиқиндиларни жойлаштириш учун ҳақлардир.

Мамлакатимиз солиқ тизимини такомиллаштиришнинг ***тўртинчи босқичи*** 2008 йилдан бошланди. Айнан ушбу йилдан 2007 йил декабрь ойида қабул қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси кучга кирди. Мазкур кодекс 21 бўлим, 64 боб ва 392 моддадан иборат бўлиб, Кодекс солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб, амалиётга жорий этилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси солиқ сиёсатини шакллантиришда тўпланган жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндошув ва тамойилларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилиб, солиққа тортиш масалаларида асосий қонуний ҳужжат ҳисобланади ва унинг асосий концептуал йўналишлари солиқ қонунчилигини янада соддалаштириш, солиқларни унификациялаш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш, солиқ қонунчилигини тартибга солувчи барча меъёрий ва қонуности ҳужжатларини ягона ҳужжатга тизимлаштиришдан иборат бўлди.

БМТ у ёки бу халқаро дастурлар доирасида бозор ислоҳотларини ўтказаётган ва ўз иқтисодиётини ўзгартираётган мамлакатларга ёрдам ва кўмак кўрсатиш бўйича муайян лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш тадбирларини амалга оширмоқда. Айнан шундай чоралардан бирини Халқаро солиқ дастури доирасида амалга ошириш пайтида намунавий Халқаро солиқ кодексини тайёрлаш фикри пайдо бўлди. Унинг асосий мақсади ислоҳотлар йўлидаги мамлакатларга солиқ муносабатларини илмий асосда тартибга солишга, ягона терминология ва бир хил талқин қилишни яратишга имкон беришдир. Халқаро солиқ кодекси асослари шаклидаги ҳужжат 1993 йилда тайёрланган ва чоп

этилган эди. Ушбу кодекс 300га яқин саҳифани эгаллайди ва 591 модда ва уларга изоҳларни ўз ичига олган. Халқаро солиқ кодексининг муаллифлари (Гарвард университети мутахассислари У.М.Хосси, Д.С.Любик) қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш – солиқ ислоҳотларидаги биринчи қадам деб ҳисоблашади. Ушбу кодекс матнидан осонгина у ёки бу солиққа доир низомларни чиқариб олиш мумкин.

Шунингдек, солиққа тортиш борасида мувофиқлаштириш масаласи МДҲ доирасида ҳам анчагина муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш тўғридан тўғри МДҲ давлатлари ҳукумат бошлиқлари кенгаши қарорига мувофиқ тузилган солиқ хизмати раҳбарлари мувофиқлаштирувчи кенгаши (СХРМК) зиммасига юкланган. Ушбу кенгаш томонидан солиққа тортишни мувофиқлаштириш йўлида солиқ қонунчилигини ўзгартириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда МДҲ давлатларининг умумий Солиқ кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиниш кутилмоқда[33].

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ элементлари таркибига нималар киради?
2. Солиқ объекти нима?
3. Солиқ агенти деганда кимларни тушунасиз?
4. Солиқ ставкалари нима ва у қандай турларга бўлинади?
5. Пропорционал солиқ ставкаларига мисоллар келтиринг?
6. Прогрессив солиқ ставкаларига қайси солиқ турларини киритиш мумкин?
7. Солиқ имтиёзлари қандай турларга бўлинади?
8. Солиқ имтиёзлари қандай мезонлар асосида белгиланади?
9. Солиққа тортишнинг етарлилик тамойилининг моҳиятини очиб беринг?
10. Солиққа тортишнинг тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш тамойилини тушунтиринг?
11. Солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили нима ва сиз уни қандай тушунасиз?
12. Солиқларни кадастрли ундиришнинг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?

Топшириқлар

1. Солиқни ундириш усулларини тадқиқ қилиш.
2. Солиқлар элементларини тўлиқ ўрганиш.
3. Солиқлар ва бошқа иқтисодий категорияларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиб чиқиш

[33] Жўраев А.С., Ортиқов Н.А. Солиқ ҳуқуқи. –Т.:Илм-зиё, 2012. 127,129,141-бетлар.

6-БОБ
Корхоналарда солиқ менежментини ташкил этиш

Режа

6.1. Солиқ менежменти тушунчаси моҳияти ва уни ташкил этишнинг ҳозирги давр йўналишлари

6.2. Солиқларни режалаштириш

6.3. Корхоналарда ички солиқ назоратини ташкил этиш

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ, солиқ менежменти, солиқларни режалаштириш, ички солиқ назорати, солиқ назорати, камерал назорат.

6.1. Солиқ менежменти тушунчаси моҳияти ва уни ташкил этишнинг ҳозирги давр йўналишлари

Корхоналарни солиққа тортиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришни самарали йўлга қўйиш мазкур субъектлар олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Корхоналарни солиққа тортишни оқилона ташкил этиш ва бошқариш молиявий бошқарувининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади ёки солиқларни бошқариш молиявий бошқарувнинг асосий таркибий қисмидир. Бунда давлат ҳамда солиқ тўловчилар солиқлар билан боғлиқ муносабатларни бошқаришдаги асосий субъектлар ҳисобланади. Чунки бундай муносабатларни бошқаришга бўлган талаб солиқ менежментини амалга оширишдан иборат. Солиқ менежментини амалга ошириш бир неча босқичдан иборат бўлиши, солиқ менежментини ўзига хос мақсад ва вазифаларини белгилайди. Улар мақсадга эришишни максимал ва самарали йўлларини қидиради.

Белгиланган мақсад ва вазифалар корхонанинг солиқ режаси, маълум бир солиқ тартиботи ёрдамида солиққа тортиш усулларини қўллаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш орқали махсус функцияларга амал қилиниши ҳамда қарорлар қабул қилиниши иқтисодий жиҳатдан асосланиши ва шакллантирилиши лозим бўлади. Бундан ўз-ўзидан солиқлар ва солиққа тортишнинг амал қилишида давлатдан бошқа манфаатдор томонлар ҳам мавжудлиги намоён бўлади. Дарҳақиқат, давлат солиқ менежментига бир томондан параллел равишда солиқ тўловчилар томонидан солиқларни имкон қадар камроқ тўлашга бўлган интилиш ҳам манфаатдорлик нуқтаи назаридан кучайиб бориши кутилса, иккинчи томондан, солиқлар солиқ тўловчилар томонидан ҳам бошқарилиб борилиши ташкил этилади. Амалиётда бу жараён юридик шахслар нуқтаи назаридан

корпоратив солиқ менежменти ва жисмоний шахслар нуқтаи назаридан шахсий солиқ менежменти сифатида баҳоланади.

Солиқларнинг амал қилиш жараёнида давлат ва солиқ тўловчилар солиқларни бошқариш орқали ўз фаолият самарадорлигини оширишга интилишини англашимиз мумкин. Шу ўринда солиқлар бўйича манфаатдор томонлар сифатида инвесторлар, истеъмолчилар, солиқ органлари, давлат молия хизмати органлари ва бошқаларни ҳам мисол бўлиши мумкин.

Солиқ қонунчилигининг барқарорлиги, ўзгариш эҳтимоли, солиқ рисклари бўйича ёндашувнинг аниқлиги инвесторлар учун асосий эътибор қаратиладиган жиҳатлар ҳисобланади. Истеъмолчилар эса нарх устига бевосита қўшиладиган солиқлар, хусусан қўшилган қиймат солиғининг қисқаришидан манфаатдор бўлади.

Солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни таъминлаш орқали солиқ қонунчилигининг ижросини таъминлашга Давлат солиқ хизмати органларининг фаолияти қаратилганлиги боис солиқ органлари ҳам ўз навбатида бу жараёндан манфаатдор томон ҳисобланади. Солиқ муносабатларида солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида ишончли алоқаларни юзага келтириш солиқ тўловчи учун турли хил кутилмаган солиқ текширувларининг олдини олса, солиқ органлари учун эса солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг белгиланган вақтда ҳамда тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига келиб тушишини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис ҳам солиқ хизмати органларининг бош вазифаси солиқларнинг турли даражали бюджет даромадларига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш билан чекланмаган ҳолда, солиққа доир жиноятларнинг ҳам олдини олиш орқали солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга ҳар томонлама имконият яратишдан иборатдир.

Давлат молия хизмати органлари эса солиқларни ундириш жараёнида харажатларни имкон қадар камайтиришга ҳаракат қиладилар. Бу ҳолат солиқларнинг минималлаштириш билан бирга солиқ органлари фаолиятини молиялаштиришни тартиблаштирилишини билдиради. Бунда манфаатдор томонларнинг фаолияти натижасида ҳукумат солиқ тушумларини ошириб боришга интилишдан ташқари, инвестицияларни жалб қилиш ва мавжудларини ушлаб туради. Одатда инвестициялар ҳаракати мамалакат миқёсида ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бирга қўшимча солиқ тушумлари учун хизмат қилади.

Юридик шахслар солиқ тўловчиларнинг солиқларни бошқариш орқали солиқларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлари билан бир вақтда давлат солиқлардан қонуний бош тортиш ёки тўламаслик ҳолатларини бартараф этишга, капиталларнинг бир ердан иккинчи ерга кўчишига қарши курашга, компанияларнинг бошқа давлатларда олган фойдаларини ҳам солиққа тортиш бўйича чора-тадбирлар белгилашга интилади.

Солиқлар ва солиққа тортишнинг амал қилишидан манфаатдор томонлар ва улар томонидан эътибор қаратиладиган жиҳатлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш муҳимдир (1-чизма).

Бошқарув ва менежмент тушунчалари ўзаро ўхшаш тушунчалар сифатида намоён бўлади. Лекин солиқлар ва солиққа тортиш соҳасида бу тушунчалар ҳам ўхшаш, ҳам бир-бирига қарама-қарши тушунчалар сифатида намоён бўлади. Яъни, давлат солиқ менежменти орқали солиқларни белгиланган муддатларда ва тўлиқ тегишли бюджетларга тушишини таъминлашга ҳаракат этса, солиқ тўловчилар бунга қарама-қарши равишда солиқ менежменти орқали солиқларни қонунлар доирасида имкон қадар кечроқ ҳамда камроқ тўлашга уринадилар. Бундай ҳолатлар юзага келганда бозор иқтисодиёти қонунияти сифатида ёндошиш талаб этилади.

1-чизма. Солиқлар бўйича манфаатдор томонлар

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, солиқ менежменти тушунчаси солиқларни ва солиққа тортиш жараёнини бошқариш сифатида эътироф этилади ҳамда давлат ва корпоратив

бошқарув миқёсларида ўз аксини топади. Бунда солиқ менежментининг хусусиятлари асослаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади (2-чизма).



2-чизма. Солиқ менежментининг ўзига хос хусусиятлари

Юқорида қайд этилган хусусиятлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, солиқ ва солиққа тортиш доимий ҳаракатдаги, яъни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа жараёнлар таъсирига дуч келадиган, марказлаштирилган тартибда бошқариладиган, шунингдек, доимий ривожланиб бориладиган тизимдир.

Солиқларнинг кенг маъноли тушунчага эга эканлиги боис уни дастлаб давлат солиқ менежменти сифатида ўрганиш муҳимдир.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида давлат солиқ менежменти давлат аҳамиятига эга илмий-амалий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда долзарблик касб этмоқда. Бундан давлат солиқ менежментининг тўғри йўлга қўйилиши макроиқтисодий даражада умумдавлат иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатишини кўришимиз мумкин. Рус иқтисодчи олими, профессор Е.Н.Евстигнеев асослаганидек, "Давлат солиқ менежменти - давлатнинг бевосита функцияларидан бири ва унинг иқтисодий сиёсатининг муҳим элементидир"[5]. Бу борада ўз фикрини давом эттириб у, "Корпоратив солиқ менежменти - корхона ва ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, солиқ тўловчи томонидан солиқ юкини камайтиришнинг қонуний воситасидир"[6] деб таъкидлайди. Шу боис ҳам корпоратив солиқ менежментининг амал қилишини солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларни тежаш орқали хўжалик

субъектлари иқтисодий тараққиёти ва молиявий барқарорлигини таъминлашда ўз аксини топиши ва долзарблик касб этади.

Давлат солиқ менежментининг аҳамиятини давлатнинг умумий бошқаруви тизимида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фан тараққиётини таъминлашда замин яратади. Чунки, солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларни самарали бошқариш орқали давлат ўз бошқарув функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлайди.

Давлат солиқ менежменти моҳиятини солиқ муносабатларини тартибга солиш борасидаги фаолиятида шунингдек иқтисодий категория сифатида солиқ тушунчасида кўзга ташланади. Солиқлар жамиятдаги иқтисодий муносабатлар воситаси, давлатнинг даромадларини таъминлайдиган, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлардаги такрор ишлаб чиқаришни тартибга соладиган манбадир.

Давлат солиқ менежменти солиқ тизимини, солиққа тортиш соҳасини тартибга солиб туради ва шу орқали давлат жамиятдаги бошқа кўплаб ўзаро боғлиқ соҳаларни молиявий ресурслар билан таъминлайди ва бундан ўз-ўзидан солиқлар ва солиққа тортиш соҳасини бошқа соҳалар тараққиётига ҳиссса қўшувчи марказий бўғин сифатида намоён бўлади. Шунингдек, давлат солиқ менежментида солиқлар ва солиққа тортиш соҳасининг фан, иқтисодиёт, молия, сиёсат, ҳуқуқ, таълим, ижтимоий жараёнлар, маданият, этика ёки бошқа соҳалар билан тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлиги солиқ менежментининг иқтисодий тараққиётдаги аҳамиятини оширади. Бунда давлат томонидан солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш жамият миқёсидаги бошқа кўплаб соҳаларнинг (иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, фан, таълим, маданият, ҳуқуқ ва ҳ.к.) молиялаштирилишига ва шу орқали уларнинг ривожланишига эришилади.

Хуллас, давлат солиқ менежменти солиқ тўловчиларини ундиришни самарали ташкил этиш жараёнларига йўналтирилади. Республикамизда давлат солиқ менежментини бошқарув таъсири кўламига кўра республика ва маҳаллий даражаларга бўлишимиз мумкин. Бундай таснифланишни солиқларнинг тегишли бюджетларга бириктирилганлигидан келиб чиққан ҳолда изоҳлашимиз мумкин.

Ҳозирги шароитда солиқ тўловлари корхона пул оқимларида салмоқли улушга эгадир. Солиқларнинг хўжалик субъектлари молиявий ҳолатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган қарорлар бизнес тақдирини белгилаб бериш билан бирга унинг ўсиш ва инновацион ривожланиш имкониятларини ҳам белгилаб беради. Солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича давлат бюджети билан ҳисоб-китоблардаги ҳар қандай хато ёки камчилик корхона учун

қўшимча молиявий ҳисоблашишларни юзага келтириши ва жиддий молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Компаниялар томонидан солиқлар бўйича жиддий хатолар ёки солиқ ҳуқуқбузарликларига йўл қўйилишининг олдини олиш, солиқлар бўйича мажбуриятларни қонуний йўллар ва усуллардан фойдаланган ҳолда максимал даражада камайтиришни йўлга қўйиш молиявий барқарорлик ва корпоратив иқтисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Корхона ўз профессионал фаолиятини юритишида солиққа тортиш жараёнини бошқариш бўйича объектив заруриятга эга бўлган корпоратив солиқ менежменти ташкил этиш лозим.

Тараққий этган мамлакатлар компаниялари фаолиятида корпоратив солиқ менежери солиқларни режалаштириш, солиқ аудити ва таҳлили билан шуғулланади. Натижада корхона раҳбарияти томонидан молиявий қарорлар қабул қилшда солиқ менежерларининг солиқ тўловларини амалга ошириш борасидаги қарорларига алоҳида эътибор қаратилади ва йил якунида бу қарорларнинг қай даражада самарали эканлиги таҳлил этилади ва баҳоланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежменти солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий категория сифатида мажбурият кўринишида амал қилишига қарамасдан ўзаро маънодош тушунчалар эмас. Буни давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежментининг мақсадларидаги объектив қарама-қаршиликда кўришимиз мумкин. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозимки, уларнинг ягона мақсади - жамиятда солиқлар ва солиққа тортишни умумий бошқариш бўлиб, улар ўзаро қарама-қарши йўналишда акс этади.

Давлат солиқ менежментига нисбатан корпоратив солиқ менежменти бўйсунувчанлик характерига эга. Чунки корпоратив солиқ менежменти давлат томонидан ўрнатилган солиқ қонунчилиги доирасида амал қилади.

Микродаражада, яъни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар доирасида хатоларга йўл қўйиш хўжалик субъекти учун оғир молиявий йўқотишларга сабаб бўлиши юқорида таъкидлаб ўтганлигига қарамай, солиқ муносабатларидаги ҳолат тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг ва солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги ва шу каби бошқа ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда корпоратив солиқ менежменти натижалари умумиқтисодий даражада ва ҳаттоки молиявий менежмент таркибида йўлга қўйилишини талаб этади. Бизнес фаолиятидаги айрим шартномаларнинг қанча фойда келтириши ва бу бўйича қанча солиқ

тўланиши талаб қилинишини ҳисобга олмаганда корпоратив солиқ менежменти деярли ўз аксини топмайди. Солиққа тортиш, солиқ ҳисоби ва солиқларни бошқариш муаммоларини хусусиятлари бўйича таққослаганда бундай муаммолар билан биргаликда ишлаб чиқариш ёки ҳоҳлаган тадбиркорлик фаолияти соҳаси билан бевосита боғлиқ бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Солиқ тўловлари корхонанинг барча ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини қамраб олиб, нарх шаклланишидаги барча элементларга, ишлаб чиқариш самарадорлигига ва ҳ.к. таъсир кўрсатади.

Корхонанинг иқтисодий-молиявий қарорлар қабул қилишига солиқлар таъсир қилмаслиги лозим. Амалиётда солиқлар иқтисодий тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида кўринади. Стратегик қарорлар соҳасида, баъзан эса компания фаолиятида ҳам тактик алмаштиришлар зарур бўлиб қолади. Жиддий қарорлар ҳеч қачон солиқларни ҳисобга олмасдан қабул қилинмайди. Корхоналар фаолияти даражасининг сифат ва сон жиҳатдан ўсишида солиқ юки масаласи улар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун корхона фаолиятида амалга ошириладиган солиқ менежментини асосий мақсади ҳам корхона зиммасидаги солиқ юки даражасини имкон қадар қонуний усуллар орқали камайтириш ҳисобланади. Корхоналар ўз солиқ мажбуриятларини бажариш мақсадида тўғри ва ҳар томонлама асосланган қарорлар қабул қилиши зарур. Бу эса охир-оқибатда уларнинг молиявий аҳволига бевосита таъсир этади. Солиқлар бўйича ҳар қандай хатоликларга йўл қўйилиши катта молиявий йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин. Корхонада доимий равишда асосий вазифаси мазкур корхона фаолиятини солиқ нуқтаи назаридан кузатиш ва таҳлил қилиш бўлган ички ва ташқи мутахассислар бўлиши лозим. Агар солиқлар корхона асосий стратегиясида эътиборга олинмаса, кимдир уларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаши, шунингдек уларни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиши керак. Шу ўринда, корхонанинг ўз солиқ мажбуриятини максимал камайтириш, минималлаштиришга бўлган қонуний усуллар ва йўлларга асосланган ҳаракати меъёрий доирада амалга оширилиши талаб этилади. Юқорида баён этилган ҳолат корхоналар фаолиятини солиққа тортиш юзасидан ўзига хос бошқарув жараёни ташкил этишни талаб этади. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар негизида сўнгги йилларда солиқлар бўйича ставкалар сезиларли даражада пасайтирилган бўлса, айни чоғда турли тармоқларда фаолият олиб бораётган корхоналар учун кенг кўламли қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилди. Президентимиз Ш.М.

Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бюджет даромадлари изчил ошиши, солиқ тизимида жорий этиладиган тарихий ўзгаришлар натижасида аҳоли ва бизнесга катта енгилликлар яратилди”. Натижада солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш асосан уларни солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилиш, белгиланган солиқ ставкаларини камайтириш ёки солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали амалга оширилишига киришилди. Бу эса корхоналарнинг ўз солиқ мажбуриятларини таъқиқланмаган қонуний усуллар ёрдамида камайтиришини талаб этади ва бу уларнинг ҳуқуқи деб ҳисобланади.

Албатта, корхоналарда тадбиркорлик қарорларини қабул қилишга солиққа тортиш элементлари ва солиқ юкини аниқлаш бўйича ўрнатилган солиқ қонунчилиги, шунингдек солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилувчи ва турли хил солиқ санкцияларини қўлловчи солиқ органлари фаолияти таъсир кўрсатувчи омиллар сирасига:

- солиққа тортиш элементлари ва солиқ юкини аниқлаш бўйича ўрнатилган солиқ қонунчилиги;
- солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилувчи ва турли хил солиқ санкцияларини қўлловчи солиқ органлари фаолияти билан боғлиқ омиллар киради.

Солиқ менежменти корхонада бошқарув фаолиятининг муҳим кўриниши сифатида ҳамда амалиётга молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳим бўғини сифатида кириб бориши муҳимдир. Корхонанинг солиқ менежери (солиқ бўйича маслаҳатчи, консультант) эса энг аҳамиятли фигура сифатида гавдаланиши мақсадга мувофиқ. Сўнгги вақтларда кўплаб мамлакатларда, хусусан мамлакатимизда ҳам солиқ менежменти солиқ тўловчилар билан шартнома асосида ишловчи кўплаб аудиторлик ва консалтинг фирмалари фаолиятининг предмети сифатида гавдаланмоқда. Демак, корхона ўз фаолияти давомида солиқ менежменти тадбирларидан бири бўлган солиқларни прогнозлаштириш (режалаштириш) жараёнида амалда корхона тўлаши лозим бўлган солиқларнинг унинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир доирасидан келиб чиқиб амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

6.2. Солиқларни режалаштириш

Ҳар қандай корхона ўз фаолиятида солиқларни режалаштирар экан, мазкур жараёнда режалаштириш объектларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Бунинг натижасида корхона ўз фаолият турлари бўйича қанча миқдорда, қайси муддатларда ва шартларда солиқ тўловларини амалга ошириши лозимлигини, шунингдек, амалда мавжуд бўлган солиқ

имтиёзлари ва улардан фойдаланиш шартларини тадқиқ этган ҳолда амалий ҳаракат қилади ва хулосаларга келади.

Молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш жараёнини самарали ташкил этиш ҳамда солиқ тўловчилари зиммасига тушадиган солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларнинг корхона молиявий натижасига таъсирчанлигини камайтириш энг долзарб масалалардан саналади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни Ҳаракатлар стратегияси дастури доирасида амалга оширилаётган солиқ ислоҳотлари асосан корхоналар зиммасига тушаётган солиқ юкини камайтиришга йўналтирилган. Юқорида қайд этилганлиги каби солиқлар қанча бўлишидан қатъий назар корхона молиявий натижасига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ҳозирги шароитда корхоналарда солиқларни режалаштириш молиявий натижага солиқлар таъсирини камайтиришнинг энг оптимал усули ҳисобланади.

Солиқларни режалаштириш – бу солиқ қонунчилигига асосан тақдим этилган енгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа самарали усулларидан фойдаланган ҳолда солиқ ва уларга тенглаштирилган тўловларни камайтириш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш ҳисобланади. Солиқларни режалаштириш, энг аввало, корхоналарда солиқ мажбуриятларини мумкин бўлган максимал даражада камайтиришга қаратилган усуллардан самарали фойдаланишни англатади. Солиқ тўловчи корхонанинг ҳуқуқини тан олиниши солиқларни максимал даражада қисқартириш учун қонунчилик йўл қўйган усул ва воситалардан фойдаланиш имкониятини тақдим этилиши солиқларни режалаштиришнинг аҳамиятини оширади.

Бу борада, иқтисодий адабиётларда келтирилган мулоҳазалар ҳам солиқларни режалаштириш моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Масалан, Евстигнеевнинг фикрича, "Солиқларни режалаштириш – бу давлат томонидан тақдим этилган солиқ имтиёзларидан ва солиқларни қонуний айланиб ўтиш мумкин бўлган усуллардан фойдаланиб, солиқ мажбуриятларини камайтиришга қаратилган бошқарув юсулидир"[34]. Шунингдек, С.Элмирзаевнинг фикрига кўра, "Солиқларни режалаштириш – қонунчилик томонидан тақдим этилган енгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усулларидан фойдаланган ҳолда дасолиқ ва уларга тенглаштирилган тўловларни камайтириш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш туридир"[35].

[34] http://www.elitarium.ru/2009/10/21/nalogovoje_planirovanije.html

[35] Элмирзаев С.Э. Ўзбекистон Республикасида корпоратив солиқ менежментини ривожлантириш истиқболлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2012. – 9 б.



3-чизма. Кичик бизнес тадбиркорлик суъектлари фаолиятида солиқ менежментини ташкил этиш тадбирлари

Тадқиқотчи Санақулова Б.Р. ўз илмий ишида солиқ менежментини оқилона ташкил орқали ишлаб чиқаришни тўлиқ қувватда ишлашига ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бир бирлиги таннархини пасайтиришга эришиш мумкинлигини илмий асослаб берган[36].

Умуман олганда солиқ тизимида солиққа тортиладиган базаларни ҳисоблашнинг усуллари, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тақдирдагина солиқларни режалаштириш ишларини амалга ошириш ижобий аҳамият касб этади.

Корхоналарда солиқларни режалаштириш стратегик молиявий режалаштиришнинг таркибий қисми ҳисобланган ҳолда унинг асосий мақсади бўлиб солиқ қонунчилигининг барча хусусиятларини эътиборга олган ҳолда солиқ тўловларини минимал даражага тушириш бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳам уни амалга оширувчи мутахассисларнинг солиқ мажбуриятларини максимал даражада кисқартириши мумкин бўлган қонуний усуллардан ҳамда солиқларни режалаштириш тамойилларига қатьий амал қилиш имкониятига бевосита боғликдир.

Корхоналарда солиқларни режалаштириш тамойиллари таркибида қонунийлик, профессионаллик, оптималлаштириш ва минималлаштиришни киритиш муҳимдир. Айнан шундай тамойилларга амал қилиш солиқларни режалаштиришни мукаммал даражага кўтаради.

Солиқларни режалаштириш жараёни солиқ мажбуриятлари камайишини кафолатловчи, бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги босқичларни ўз ичига олади (4-чизма).

Биринчи босқичда бизнесни ташкил этиш тўғрисида ғоя яратилади. Бизнесни ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилади ҳамда қонунчилик томонидан тақдим этилаётган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятлари хақидаги масалалар кўриб чиқилади ва бу бўйича қарорлар қабул қилинади.

Иккинчи босқичда солиқ юки пастроқ бўлган ҳудудлар ўрганиб чиқилади ва корхона фаолияти учун улардан энг қулайи танланади.

Учинчи босқичда хўжалик субъекти учун энг қулай ташкилий-ҳуқуқий шакл танланади ва бу орқали солиқ юки пастроқ бўлган солиққа тортиш режимига ўтиш имкониятлари аниқланади.

Тўртинчи боскичда жадвал тузилиб, унда солиқларнинг ҳар бир тури бўйича кўрсаткичлар аниқланади. Ҳар бир солиқ тури бўйича

[36] Санақулова Б.Р. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2016. – 23 б.

амалдаги имтиёзлар ўрганилади ва улардан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинади. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича пухта ўйланган режа тузилади. Корхоналар молиявий ҳолатига солиқларнинг таъсири таҳлил қилинади.



4-чизма. Корхоналарда солиқларни режалаштириш босқичлари

Бешинчи босқичда корхоналарда солиқларни инобатга олган ҳолда шартномавий муносабатлар тизими шакллантирилади. Бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини юритиш жараёнида хизмат қилувчи хўжалик операциялари кундалиги тузилади.

Олтинчи босқичда солиқлар билан боғлиқ корхона зиммасига тушадиган молиявий йўқотишларни назарда тутадиган турли хил вазиятлар таҳлил қилиб чиқилади ҳамда корхона фойдасини солиққа тортишни инобатга олган ҳолда максимал фойда олиш учун корхона активлари самарали жойлаштирилади.

Еттинчи босқич корхоналарда солиқ муносабатларини бошқариш билан бевосита боғлиқ. Солиқ менежменти солиқларни режалаштиришни, солиқ тўловларини минималлаштиришни, солиқ

муносабатларини оптималлаштиришни, ички солиқ назоратини ташкил этишни, солиқ хатоларини бартараф этишни, бухгалтерия ва солиқ ҳисоб-китобларининг тўғри бажарилиши устидан назоратни ўз ичига олади. Солиқ хатоларини камайтиришнинг энг асосий усулларидан бири ички солиқ назорат технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

6.3. Корхоналарда ички солиқ назоратини ташкил этиш

Солиқларнинг амал қилиши ва корхоналарнинг солиқ муносабатларига киришини ва давлат бюджети даромадларини шаклланишини таъминлашда солиқ назоратини юзага келишига сабаб бўлади. Солиқ назоратининг моҳиятини, унинг юзага келиш сабаблари ҳақида солиқ тўловчилари ва солиқ идора ходимлари етарлича тушунчага эга бўлмаслик ҳолатлари молиявий йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифаларидан бири солиқ тўловчилар ва солиқ объектларини назорат қилиш бўлса, яна бир вазифаси – бу давлат бюджетига ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тушушини таъминлашдир.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни шиддат билан ривожлантириш босқичида солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини назорат қилиш ҳамда улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Солиқ назорати йилдан-йилга такомиллашиб, тартибга солиниб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармони қабул қилинди ва чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастурга киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик масъул ижрочилар — тегишли вазирликлар, идоралар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар раҳбарларига, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига юклатилди.

Фармонга мувофиқ 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

- микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини

мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилиши;

- молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмаслиги;

- тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олишлиги;

- қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокатлар иштирокида (хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу ҳуқуқнинг рад этилиш ҳолатлари бундан мустасно) амалга оширилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қилиниши тартиби ўрнатилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби субъектлари[37] сифатида қуйидагилар эътироф этилади, жумладан, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб юритади ҳамда ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунида солиқ назорати тушунчасига изоҳ берилган бўлиб, унда “Солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек,

[37] Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 2016 йил 13 апрель.

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат”[38] дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом” га кўра Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифаларига давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ қонунчилигига, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишига, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлашдир.

Бундан ташқари, аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, молиявий хизмат кўрсатувчи консалтинг фирмалари ҳам солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланиши бўйича юридик шахсларга хулоса, маслаҳат, кўрсатма бериб борадилар.

Солиқ тизимининг асосий ва ажралмас қисмларидан бири бу – солиқ назорати бўлгани учун сўнгги йилларда республикамизда солиқ назоратига жиддий эътибор берилмоқда.

Текширишлар сонининг қисқартирилиши натижасида солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига тўлиқ риоя қилишда солиқ назоратининг саралаш шаклларидан бири – камерал назоратнинг аҳамияти янада ошиб боради.

Солиқ кодексининг 70-моддасида камерал назоратга қуйидагича таъриф берилган:

“Камерал назорат солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир”[39].

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, тегишли органлар солиқ тўловчиларни камерал назорат орқали ёки солиқ аудити орқали назорат қилиб борадилар, жиддий қоидабузарликлар ёки тафовутлар аниқланган ҳолатлардагина солиқ ҳужжатли текширувлари ўтказилади. Бу эса солиқ тўловчиларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар ва турли тўсқинликларни олдини олади.

---

[38] Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни, 1997 йил 29 август.

[39] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: ДСҚ, 2016.

Солиқ кодексида назарда тутилган солиқ назорати шаклларидан ҳисобланган камерал назорат ва солиқ текширувларини фарқли жиҳатлари қуйидаги (5-жадвал)да акс этган.

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, камерал назорат ўтказиш учун буйруқ чиқарилмайди, солиқ тўловчининг ҳузурига борилмайди, аниқланган тафовутлар бўйича солиқ тўловчи огоҳлантирилади ва хато ҳамда камчиликлар бартараф этилган ҳолларда солиқ тўловчига тегишли чоралар кўрилмайди.

5-жадвал

Камерал назорат ва солиқ текширувларини солиштирма жадвали

Солиқ назорати шакли	**Ўтказиш учун асос**	**Ўтказиш жойи**	**Текшириш якунлари бўйича**	**Хато ва камчиликларни бартараф этилиши**
Солиқ текширув-лари	Буйруқ асосида	Солиқ тўловчининг ҳузурида	Далолатнома тузилади	Текшириш якунлари бўйича тузатилади
Камерал назорат	Функционал вазифа	ДСХ органларида	Хулоса қилинади	Тузатиш учун ёзма шаклда хабар қилинади

Самарали солиқ текширувларини амалга оширишда камерал назорат катта ўрин тутади. Биринчидан, солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботи, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатлар ўрганилади ҳамда таҳлиллар қилинади, маълумотларнинг ишончлилигига баҳо берилади, иккинчидан, камерал текширув натижасида солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя этмасликлари ҳамда тақдим этилган маълумотларнинг ишончсизлиги аниқланган ҳолатлардагина ҳужжатли текширув ўтказиладиган солиқ тўловчилар аниқланади. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ортиқча аралашмасликка замин яратади.

Солиқ тўловчи ҳозирги кунда интернет тармоғи орқали тақдим этилаётган ҳисоботлар камерал текширув ўтказиш учун бирмунча қулайликларни келтириб чиқаради, биринчидан, солиқ тўловчи маълум

реквизитларни тўлдирмаса, ҳисобот юборилмайди, иккинчидан, маълумотлар киритилса, арифметик ҳисоб мустақил бажарилади.

Камерал назоратнинг аҳамияти шундаки, у солиқ тўловчиларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш ҳолатларини олдини олади, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қўшимча туширишга ҳамда самарали солиқ текширувларини ташкил этишга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда камерал текширув ўтказиш методологияси такомиллаштирилиб, янгиланиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ички солиқ назорати ва солиқ таҳлилини ташкил этиш иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар маблағларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади, солиқ қонунбузарликлари туфайли молиявий йўқотишларнинг олдини олади, солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг давлат бюджетига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлайди.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ менежменти нима?
2. Солиқ муносабатларини бошқаришда солиқ менежменти қандай рол ўйнайди?
3. Солиқлар бўйича кимлар қандай манфаатдор?
4. Солиқларни режалаштириш нима?
5. Солиқларни режалаштириш қандай босқичлардан таркиб топади?
6. Корхоналарда ички солиқ назорати қандай ташкил этилади?
7. Камерал назорат нима?

Топшириқлар

1. Корхоналарда солиқ менежментини ташкил этиш йўлларини тадқиқ қилиш.
2. Солиқларни режалаштириш босқичларини тўлиқ ўрганиш.
3. Солиқлар ва бошқа иқтисодий категорияларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиб чиқиш

7-БОБ
Солиқ тўловчилар томонидан интерактив хизматлардан самарали фойдаланиш

Режа

7.1. Солиқ тизимида замонавий ахборот тизимларидан фойдаланишнинг аҳамияти

7.2. Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш тартиби

7.3. Солиқ органлари томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари

Таянч сўз ва иборалар

Солиқ, солиқ тизими, замонавий ахборот технологиялари, электрон рақамли имзо, ҳисобот.

7.1. Солиқ тизимида замонавий ахборот тизимларидан фодаланишнинг аҳамияти

Давлатнинг хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар билан бўладиган солиқ муносабатларини ташкил этишда солиқ хизмати органлари фаолиятини оқилона ташкил этиш муҳимдир. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини самарали бошқариш ишларини мувофиқлаштиришда солиқ объектлари ва солиқ тўловчи субъектларни тўлиқ рўйхатга олиш билан бирга, барча турдаги солиқлар ва йиғимлар ҳисоб-китобини ҳаққоний маълумотлар асосида юритилишини таъминлаш талаб этилади. Солиқ тўлови жараёнларини соддалаштириш, солиқ қонунчилигининг бузилишини олдини олиш ҳамда солиқ ва тушумларнинг йиғувчанлигини ошириш эса улар фаолиятидаги асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боис ушбу соҳада ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва уни бошқаришни тўғри ташкил этиш, шу асосда солиқ юкини аниқлашнинг илмий асосланган ва ҳар томонлама самарали бўлган усулларини ишлаб чиқиш ҳамда давлат солиқ идоралари томонидан амалга ошириладиган назорат ишларини имкон қадар мукаммаллаштиришни талаб қилади.

Ҳукуматимиз томонидан солиқ хизмат орган ходимлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари маълумотларни ишлаш ягона компютер тизимини яратиш тўғрисида»ги 388-сонли қарори билан солиқ хизмати органларини компютерлаштириш вазифаси белгиланган бўлса, 1995 йил 14 сентабрдаги «Ўзбекистон

Республикаси солиқ органлари моддий-техника базасини мустахкамлаш ва ходимларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 359-сонли қарори билан Давлат солиқ қўмитаси тасарруфида «Янги технологиялар илмий-ахборот маркази» ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаларидан бири солиқ хизмати органлари учун дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва маълумотларга ишлов берадиган ягона компютер тизимини яратишдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

Кейинги ўн йиллик даврда солиқ тўловчи жисмоний ва юридик шахсларни солиқ идораларида рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ва маълумотларга автомат ишлов берадиган ягона ахборот - ҳисобга олиш тизимини яратиглари билан бирга ушбу тизимни самарали ишлашини таъминлаш мақсадида солиқ тўловларини банклардан автомат равишда олиш ва уларни солиқ тўловчининг шахсий ҳисоб варақаларида юритилишини таъминлаш бўйича банклар билан ва чет эллардан тижорат мақсадида товар моддий бойликларини олиб келувчи тадбиркор субъектлар тўғрисида маълумот олиш бўйича Давлат божхона қўмитаси билан маълумот айрибошлаш тизимини йўлга қўйилишига муваффақ бўлишди. Натижада ҳар бир солиқ идораларида солиқ тўловчи учун электрон ҳисоб варақалари очилди. Унда солиқ тўловчилар тўғрисида маълумотлар жамланиб, улар асосида маълумотлар базаси ташкил этилди.

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида ахборот коммуникация-технологияларини жорий этиш ва уни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди[40].

Бугунги кунда солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи юридик шахслардан молия ва солиқ ҳисоботларни Интернет тармоғи орқали қабул қилиш тизими ишга туширилди. Тизимнинг ишлаш принципи содда яратилган бўлиб, ҳисоботларни электрон шаклда топшириш учун махсус ишлаб чиқилган электрон ракамли имзодан фойдаланилади.

Ҳозирги кунда солиқ органларига тақдим этиладиган ҳисоботларга қўйилган электрон ракамли имзонинг махсус дастурий таъминот ёрдамида солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги текшириб кўрилади ва тасдиқланади. Тасдиғини топган ҳисобот маълумотлари

[40] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб етганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентабрдаги «Электрон ракамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 215-сонли қарорлари

субъектларнинг шахсий ҳисоб варақаларига киритилади, акс ҳолда ҳисоботлар қабул қилинмайди ва солиқ тўловчи корхонага бу ҳақда солиқ тизими мутасадди ходимлари томонидан маълумот ёзма равишда юборилади.

Ушбу тизимнинг ишга туширилиши қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- солиқ маъмурчилиги тизимини такомиллаштириш, соддалаштириш ва улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш;
- солиқ қонунчилиги томонидан эътироф этилган талабларни бузилишига йўл қўймаслик, аммо бузилишлар йўл қўйилганда уларни олдини олиш ва назорат ўрнатиш;
- солиқ тўловчи субъектлар томонидан молия ва солиқ ҳисоботларини ҳисоб- китоб қилишда мутасадди ёки масъул мутахассислар томонидан йўл қўйилган хатоликларни олдини олиш;
- ҳисобот шаклларини ҳарид қилиш харажатларини, солиқ инспекциясига келиш-кетиш ва навбат кутиш учун самарасиз кетадиган вақтни тежаш;
- тақдим этиладиган солиқ ва молия ҳисоботларини автомат тарзда таҳлил этиб, уларнинг шахсий ҳисоб варақаларига ўтказиш;
- тадбиркорлик субъектларига сифатли хизмат кўрсатиш ва солиқ хизмати органлари ходимларининг ишини енгиллаштириш ва бошқа шу каби масалаларни ҳал этилишига ижобий таъсир этади.

Солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон шаклда солиқ тўловчилар томонидан топшириш учун яратилган дастурий маҳсулни Интернет тармогидан www.soliq.uz сайтига кириб, кўчириб олиш имконияти яратилган. Шу ўринда айтиш жоизки, агарда амалдаги қонунчилиги ёки меъёрий ҳужжатларга белгиланган тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилса, унда унга мос равишда дастурий маҳсулот ёрдамида топшириладиган ҳисобот шаклларига ҳам керакли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, навбатдаги рақамланган янги варианти ишлаб чиқилади. Ушбу сайт орқали дастурий маҳсулотнинг янгиланган вариантини ҳеч бир қийинчиликсиз янгилаш мумкин бўлади.

Айни вақтда солиқ тўловчилар ва солиқ хизмати органлари ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотларни электрон шаклга ўтказиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида:

– жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, солиқ солиш объекти вужудга келганда давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш;

– Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилган юридик ва жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси

норезидентлари ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ҳисоб маълумотларидаги ҳар қандай ўзгариш ҳақида маълум қилиш;

– солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш бўйича талабнома бериш;

– солиқ ундирувини солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаларини юбориш;

– солиқ қарзини дебитор ҳисобидан ундирилиши тўғрисида қарздорнинг дебиторлари шахсий кабинетига электрон билдиришнома юбориш ва ҳоказо ишлар йўлга қўйиш имкониятига эга бўлинди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, қайд этилган жараёнларнинг аниқ моҳиятини тушуниш учун бир неча янги термин, яъни Электрон рақамли имзо (ЭРИ) киритилди. Бу электрон маълумотнинг асллигини аниқлаш мақсадида маълумот билан бирга қабул қилинадиган, электрон воситалар орқали яратилган ўзига хос идентификатор, бошқача қилиб айтганда субъект тўғрисидаги керакли маълумотларни криптография усулларидан фойдаланиб кодлаштиришни билдиради.

ЭРИ амалда қўлланилиши қуйидаги масалаларни тезлик билан ҳал қилишда ёрдам бермоқда:

- Маълумотнинг муаллифини аниқлаш (идентификация);
- Маълумотнинг асллигини аниқлаш (аутентификация);
- Узатилган маълумотнинг яхлитлигини таъминлаш.

Булардан ташқари, ЭРИ қуйидагилар хақида гувоҳлик бериши шарт этиб қўйилган:

- Имзо фақат олган шахс томонидан қўйилиши мумкинлиги;
- Фақат шу ҳужжат имзоланган, бошқа ҳужжат бўлиши мумкин эмаслиги;
- ҳужжатни имзолаган шахс, имзолагани хақидаги фактни бекор қила олмаслиги.

Айтиш жоизки, ушбу тизимдан фойдаланишнинг яна бир қулайлиги шундан иборатки, у солиқ хизмати органларида ишлайдиган ходимлар ишини енгиллаштириш ва солиқ тўловчилар учун қулай шарт-шароит яратиш билан бирга солиқ тўловчи субъектлардан қабул қилиб олинган маълумотлар асосида уларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва ўз навбатида солиқ органлари ташкилий тузилишини ва ишлаш механизимини такомиллашувига имконият яратади.

Ушбу жараён мураккаблиги билан ажралиб туради. Унинг амалда ижобий ҳал қилиниши тўртта тамойилга асосланади:

- ноёб маълумотлар базасини яратиш ва унга асосланган ахборот-коммуникация тизимини бошқариш;
- техника ва технология таъминоти;

- дастурий таъминот;
- малакали кадрларни тайёрлаш.

Қайд этилган тамойиллар реал солиқ ҳисобини самарали ташкил этишни ифодалайди. Ўз навбатида солиқларни ҳисоблаш, йиғиш ва уларни таҳлил қилишда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш технологияларини ва шу билан бирга, солиқ тўловчилар билан давлат солиқ хизмати органлари ўртасида солиқ мажбуриятлари бўйича ўзаро муносабатлар жараёнини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, шунингдек Давлат солиқ қўмитаси билан бошқа алоқадор давлат идоралари ўртасида солиқ тўловчи субъектлар маълумотлари бўйича электрон ҳужжат айланишини йўлга қўйиш ва шу асосда солиқ объектлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотлар тўплаш бўйича бир неча лойиҳалар ишлаб чиқилиб, уларни солиқ тизимига тадбиқ этиш бўйича истиқболли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

7.2.Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш тартиби

Давлат Солиқ Қўмитасининг 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарорига илова қилиб “Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги тасдиқланган низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги ПҚ-100 сонли қарорига асосан солиқ тўловчилар томонидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва ажратмалар, даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар (шу жумладан қонунчиликка мувофиқ ҳисоб-китобларга илова қилинадиган ҳужжатлар) ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш, тўлашга доир ёзма аризалар ва билдиришномаларни солиқ органларига тақдим этиш борасида ўзаро муносабатлар тартибини белгилаб берган.

Номи қайд этилган Низом амалдаги қонунчиликка кўра солиқ тўловчи бўлган ва давлат солиқ хизмати органларига ҳисоботлар тақдим этиши белгиланган тадбиркорлик субъектларига ва бошқа ташкилотларга татбиқ этилган.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг шакллари, уларни тузиш тартиби ва тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.



1-расм. Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан солиқлар, мажбурий тўловлар ва ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни тузиш тартиби ҳамда тақдим қилиш муддатлари белгиланади.

Солиқ органлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида солиқ тўловчиларидан белгиланган молиявий, солиқ ҳисоботлар ва солиқларни ҳисоблаб чиқиш билан боғлиқ бўлган мажбурий маълумотномалардан ташқари қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян ман этилади.

Солиқ тўловчилари томонидан солиқ ва молиявий ҳисоботлари қуйидаги тартибларда тақдим этишлари мумкин:

а) солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органига бевосита ташрифи орқали. Бунда улар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар солиқ инспекциялардаги алоҳида махсус ажратилган хоналарда (операцион залларда) қабул қилинади.

б) почта алоқаси орқали.

с) электрон ҳужжат айланиши орқали.

Ҳисоботлар солиқ тўловчи томонидан электрон шаклларда тайёрланиб, белгиланган муддатларда ҳисобга қўйилган давлат солиқ инспекцияларига электрон алоқа орқали юқорида кўрсатиб ўтилган тартибда юборилади. Электрон ҳужжатларда тайёрланган ҳисоботлар

бевосита солиқ тўловчи ёки уларнинг ахборот воситачиси орқали юборилиши мумкин.

Қайд этилган ҳисоботлар электрон шаклда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва ҳисоботларнинг белгиланган шакллари тўлиқ тўлдирилган бўлиши лозим. Солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашга доир ёзма аризалар ва билдиришномаларни идентификация қилиш имкониятини берадиган қуйидаги мажбурий реквизитларига эга бўлиши керак:

- электрон рақамли имзо;
- электрон ҳужжатни жўнатувчи солиқ тўловчининг номи;
- электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;
- ҳужжат яратилган сана.

Шунингдек, амалиётда электрон ҳужжатларда тақдим этилаётган ҳисоботлардаги маълумотларни ҳимоясини таъминлаш мақсадида, электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари томонидан маълумотларни криптография ҳимоя воситалари қўлланилади.

Ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этган солиқ тўловчилар ушбу ҳисоботларни қоғоз нусхаларда тақдим этиш мажбуриятига эга эмас.

Солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни тақдим этиш тартиби танлаб олинади.

Айтиш жоизки амалдаги қонуниятлардан келиб чиқиб, ҳисоботларни тасдиқланган шаклларда тақдим этилиши таъминланиши шарт.

Электрон ҳужжат айланиши орқали тақдим этилган ҳисоботларни қабул қилиш ва ишлов бериш учун ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмада алоҳида электрон манзилга ега бўлган электрон ҳужжатларни қабул қилиб олувчи компютер ўрнатилади. Ушбу компютер давлат солиқ инспекциясининг локал тармоғига уланган бўлиши лозим.

Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар почта алоқаси орқали давлат солиқ инспекциясининг умумий бўлимига келгач, умумий бўлим почта конвертидаги барча ҳужжатларни ягона рақам ва келиб тушиш санаси билан рўйхатдан ўтказиб, бир кун ичида реестр асосида ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмага тақдим этади.

Ҳисоботларни қабул қилиш тартибига биноан, солиқ тўловчилар ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинманинг масъул ходимларига топширгандан сўнг, ҳисоботларни қабул қилиб олган шахс солиқ тўловчининг ҳисоботнинг иккинчи нусхасининг ўнгдан пастки

бурчагига давлат солиқ хизмати идорасининг рўйхатга олиш штампини қўйиш, кириш рақами ва ҳужжатнинг келиб тушган санасини кўрсатиши шарт бўлади.

Ҳисоботларни қабул қилувчи Давлат солиқ инспекциясининг бўлинмага солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари тақдим этилгандан ёки тушгандан сўнг, уларни олинганлигини бир кун ичида, солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини рўйхатга олиш журналига қайд қилинади.

Бунда топшириладиган ҳисоботларни қайд қилиш журнали рақамланиши, тикилган, Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг имзоси ва муҳр билан тасдиқланиши шарт.

Амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб, солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини олиш журналида, энг аввало, ҳисоботлар солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган санаси кўрсатилиши лозим бўлади:

- "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, электрон ҳужжат айланиши орқали тақдим этилганда ҳисоботларни жўнатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш санаси;
- ҳисоботларни жўнатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш санаси;
- почта алоқаси орқали тақдим этилганда, ҳисоботларни юборилганлиги тўғрисида почта бўлимининг штампидаги санаси;
- солиқ тўловчиларнинг бевосита давлат солиқ инспекциясига ташрифи орқали тақдим этилганда, ҳисоботларни қабул қилиб олган шахс томонидан ҳужжатнинг келиб тушганлиги тўғрисида кўрсатилган санаси ҳисобланади.

Электрон шаклдаги ҳисобот қабул қилинганлиги ҳақида солиқ инспекциясининг мансабдор шахси томонидан электрон рақамли имзо қўйилади ва имзоланган ҳисобот солиқ тўловчига қайтарилади.

Электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботлар махсус ажратилган компютерларда сақланади. Электрон ҳисоботларни сақлаш чоғида улардан фойдаланиш ва уларнинг қоғоз нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланиши лозим.

7.3.Солиқ органлари томонидан корсатилаётган интерактив хизматлар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари

Бугунги кунда солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида ўзаро муносабатларда икки томонлама ишончли ахборот алмашинувини таъминлайдиган янги босқични очиб бермоқда.

Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар тизимини ташкил этиш бўйича ишлар 2007 йилнинг иккинчи ярмида, электрон кўринишда солиқ ҳисоботини жўнатиш бўйича лойиҳага киритилган дастурий маҳсулот жорий этилганидан сўнг бошланган эди. Солиқ кодексининг янги таҳрири қабул қилинганидан сўнг дастур қайта ишлаб чиқилди, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди

Мазкур ишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги "Давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар узатиш тармоғини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 207-сонли қарори қўшимча туртки берди.

2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1257-сонли қароридан сўнг мазкур йўналиш доирасида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Интерактив хизматлар тизимини жорий этишдан **асосий мақсад** – солиқ тўловчи-юридик ва жисмоний шахслар учун қулай шароит яратиш ҳисобланади.

Қуйида унинг устунликларини кўрамиз:

1. Солиқ ва молиявий ҳисоботни электрон кўринишда шакллантириш ҳисоб-китобларни тезкор тузатиш ва аниқлаш имконини беради. Шунингдек, бухгалтерлар учун солиқ инспекцияларида навбатда туриб, вақт йўқотишларнинг олдини олиш ҳамда солиқ ҳисоботини топшириш муддатининг охирги кун соат 24 гача узайтирилгани, шубҳасиз, катта афзаллик ҳисобланади.

2. Электрон кўринишдаги солиқ ва молиявий ҳисоботни қабул қилиш ва қайта ишлаш маълумотларни солиқ тўловчилар шахсий карточкаларига автоматик тарзда киритиш имконини беради, натижада маълумотларни қўлда киритиш вақтидаги хато қилиш еҳтимоли олди олинади.

3. Солиқ тўловчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ўзаро ҳисоб-китоблардаги хабардорлиги ошади.

4. Солиқ ва молиявий ҳисобот шаклларининг долзарблиги таъминланади, чунки тасдиқланган шакллар ўзгартирилган тақдирда, электрон шакллар дарҳол янгиланади.

5. Мазкур тизимда электрон рақамли имзо ва шифрлаш каби сертификатлаштирилган криптографик воситалардан фойдаланиш ахборотнинг муҳофаза қилиниши ва махфийлигини таъминлайди.

Улар электрон кўринишдаги солиқ ва молиявий ҳисоботни қоғозда нусхасини чиқармасдан туриб жўнатишлари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар ҳақида ахборот – солиштирма далолатномани олишлари, Электрон рақамли имзолар рўйхатида ўзларининг электрон рақамли имзолари фаоллигини кузатишлари мумкин. Энг кўп талаб қилинаётган катта хизматлардан бири – хўжалик юритувчи субъектлар текширишлари режа-жадвалидан кўчирма олиш ҳисобланади.

Барча солиқ ҳисоботлари ва молиявий ҳисоб-китоблар Давлат солиқ қўмитаси марказий серверига келиб тушади, шундан сўнг солиқ инспекцияларига йўналтирилади. Туман ёки шаҳар инспекциясида маълумотлар шахсий карточкага киритилади. Карточкани тўлдириш вақтида математик ва мантиқий хатолар тузатилади.

Ҳар бир солиқ тўловчисида ўзининг шахсий кабинети мавжуд бўлиб, бу ерда у юборилган ҳисоботнинг аҳволи (қабул қилингани ёки хатолари мавжудлиги сабабли рад этилгани) ҳақида маълумот олиши мумкин. Ҳисоботда хато аниқланган тақдирда, фойдаланувчи уни тузатиши ва ҳисоботни такроран жўнатиши мумкин.

Ҳозирги вақтда интерактив хизматлар кўлами солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган мурожаатни жўнатиш имконияти билан тўлдирилди. Бу савол, шикоят, таклиф, маслаҳат бўлиши мумкин. Аввал солиқ тўловчилар солиқ органларига хат билан мурожаат этарди ва бу жараён икки ҳафтагача вақтни олар эди. Интернетдан фойдаланиш туфайли, мазкур жараён анча тезлаштирилди.

Солиқ тўловчиларга қоғозсиз шаклда давлат хизматларини кўрсатиш тури фаол ривожланиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг 2 майида қабул қилинган "Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 125-сонли қарори билан Давлат солиқ хизмати органларининг ягона маълумотлар базасини ташкил этиш ва солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар мажмуи тасдиқланди.

Солиқларнинг барча турлари бўйича автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий етиш солиқ тўловчилар учун қўшимча қулайликлар яратиши билан бирга, солиқ тўловлари шаффофлигини, зарур

ахборотга эга бўлишини ва уларни ўз вақтида тўланишини таъминлашга хизмат қилади.

Янги ишга туширилган электрон солиқ хизматлари мй.soliq.uz порталининг электрон давлат хизматлари интерактив ва ахборот давлат хизматларига ажратилган. Хизматлар йўналишига кўра “мурожаатлар юбориш”, “солиқларни тўлаш”, “маълумотномалар олиш”, “ҳисобга қўйиш” каби гуруҳларга бўлинган.

2-расм. www.soliq.uz сайтида Интерактив хизматлар рўйхати



Бугунги кунда, давлат солиқ қўмитасининг 31 та электрон давлат хизматлари, шу жумладан 18 та интерактив ва 13 та ахборот хизматлари электрон солиқ хизматлари my.soliq.uz порталига жойлаштирилган (2-расм). Бундан ташқари, 27 турдаги очиқ маълумотлардан ҳам фойдаланиш имконияти яратилган.

Порталда солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ барча масалаларни электрон шаклда ҳал етишга мўлжалланган юридик ва жисмоний шахсларнинг «**шахсий кабинет**»лари янада қулай кўринишда қайта ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорлар учун алоҳида «шахсий кабинет» жорий этилди.

Янги порталда солиқларни мустақил равишда ҳисоблаб чиқариш, ҳисобот ва солиқ декларацияларини юбориш, расмий тушунтиришлар ва 14 хил турдаги маълумотномалар (справка) олиш мумкин. Шунингдек, корхонанинг ҳисоб рақамига қўйилган инкассо топшириқномалари рўйхати билан танишиш, солиқларни онлайн режимида тўлаш, корхонага юборилган огоҳлантириш хабарномалари тўғрисида тезкор хабардор бўлиш, фуқароларга ҳисобланган суғурта бадалларини кўриш каби 10 дан ортиқ янги имкониятлар яратилди.

Жумладан, **портал ёрдамида тадбиркорлик субъектлари барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни онлайн режимида тўлашлари мумкин**. Бунинг учун электрон рақамли имзо калити орқали шахсий кабинетга кириб, солиқ турини танлаш ва тўлов суммасини кўрсатиб, «тўлаш» тугмасини босиш кифоя. Корхонанинг электрон тўлов топшириқномаси банкка автоматик равишда етказилади ва шу заҳотиёқ тўлов амалга оширилиб, солиқ тўловчининг шахсий карточкасига қайд этилади. Агар ҳисоб-рақамда пул миқдори етарли бўлмаса, тўлов топшириқномаси 2-сонли картотекага жойлаштирилиб, бу ҳақда Давлат солиқ қўмитасига электрон хабарнома юборилади. Мазкур тўлов тизими 24 соат давомида узлуксиз ва бепул ишлайди.

Шунингдек, замонавий смартфон ва планшетлар учун фойдаланишга мўлжалланган «Солиқ» мобил иловаси ёрдамида Давлат солиқ қўмитасининг 15 турдаги интерактив хизмат турларидан тез, осон ва қулай шаклда фойдаланиш мумкин. 2017 йилнинг 1 майидан бошлаб яна бир янгилик жорий этилди: Корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан бўлган қарздорлиги ёки жорий йил учун ҳисобланган солиқларни “шахсий кабинет” орқали онлайн тўлаш имконияти яратилган.

Интерактив хизматлар ёрдамида жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиқларини “Click”, “MBank” ҳамда “U-Pay” хизматлари орқали тўлаши ортиқча оворагарчиликдан халос етади. Шу пайтгача ушбу замонавий тўлов усулларидан 15 мингдан ортиқ солиқ тўловчи фойдаланиб, жами 700 миллион сўмлик солиқлар электрон шаклда тўланган.

Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланиб, ҳар жиҳатдан турмуш тарзимизга кириб келди. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида қатор интерактив давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Ушбу лойиҳанинг

асосий мақсади – давлат солиқ хизмати органлари томонидан аҳоли ва бизнесга кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини оптималлаштириш, уларнинг сифатиши ошириш, харажатларни камайтириш ва натижада солиқ тўловчиларнинг хизматлардан фойдаланиш даражасини оширишдан иборат.

3-расм. www.soliq.uz сайтида Интерактив хизмат турлари

“Электрон солиқ хизматлари” **my.soliq.uz** порталининг “Жисмоний шахсларни ҳисобга олиш” интерактив хизматидан фойдаланиб давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмасдан электрон мурожаат узатган ҳолда тасдиқланган электрон шаклдаги СТИР гувоҳномасини олиш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари мазкур порталнинг “СТИРингизни аниқланг” интерактив хизматидан фойдаланиб давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмасдан мустақил равишда ўз

идентификация рақами (СТИР) тўғрисида маълумот олиш ҳамда Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга СТИР берилганлиги тўғрисида гувоҳномани шакллантириб чоп этиш имконияти мавжуд.

Эътиборлиси, СТИР гувоҳномасини олишнинг электрон шаклдаги имкониятининг яратилиши натижасида фуқароларимизнинг транспорт харажатларига сарфланадиган маблағларини иқтисод қилинаётган бўлса, иккинчи томондан улар давлат солиқ хизмати органларига бориб-келиш учун кетадиган вақтдан унумли фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги куни "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ҳам Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган “солиқ тўловчининг шахсий кабинети”дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Фармонга мувофиқ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланган.

Жумладан,

-Солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

-Солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари – Ахборот-коммуникация технологиялари бош бошқармаси бошлиғи лавозимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 январига қадар солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органларининг барча давлат хизматларидан, шу жумладан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон фойдаланиш имкониятини таъминлаш белгиланган.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ тизимида ахборот тизимлари қандай ўрин эгаллайди?
2. Солиқ ҳисоботларини жўнатишда қандай унсурлар талаб этилади?
3. Ахборот технологиялари солиқ тўловчилар учун қандай енгилликлар яратмоқда?
4. Электрон рақамли имзо нима?
5. Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали қандай тузилишга эга?
6. Электрон кўринишда СТИРни аниқлаш йўли қандай?

Топшириқлар

1. Корхоналарни солиқ ва молиявий ҳисоботларини жўнатиш жараёни билан тўлиқ танишиш.
2. Электрон рақамли имзонинг устунлик томонларини тўлиқ ўрганиш.
3. Солиқ тизимида интерактив хизматлар тақдим этилишини тўлиқ ўрганиб чиқиш

II-ҚИСМ.
ЮРИДИК ШАХСЛАР ТЎЛАЙДИГАН СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР

8-БОБ
Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи

Режа

8.1. Юридик шахс ва улардан ундириладиган солиқлар, йиғимлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловлар.

8.2. Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғининг моҳияти ва солиққа тортиш объекти. Юридик шахсларнинг жами даромадлари таркиби.

8.3. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш.

8.4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар.

8.5. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари

Таянч сўз ва иборалар

Юридик шахс, фойда, фойда солиғи, молиявий натижа, тижорат ташкилоти, нотижорат ташкилот, таъсис шартномаси, устав, таъсисчи (муассис), солиқ даври.

8.1. Юридик шахс ва улардан ундириладиган солиқлар, йиғимлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловлар

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га ва бошқа бирлашмаларга қонунга мувофиқ бирлашишлари мумкин. Юридик шахс қонун ҳужжатлари шунингдек устав ва бошқа таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради. Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш якунланган пайтдан эътиборан тугатилади. Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назар тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

Юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин. Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса - тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек

уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса - давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгартишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартишлар рўйхатга олинмаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун юридик шахсларнинг очиқ ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахс қонунда белгиланган ҳоллардагина қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим. Юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига

фуқаролик бурчларини олади. Юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва фуқаролик бурчларини ўз зиммасига олиши мумкин. Қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт.

Юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса - бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак. Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига ана шундай номни ёхуд давлат рамзлари элементларини қўшишга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади. Юридик шахс ўзи билан бўладиган алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда ўзининг почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт. Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим. Юридик шахс ўз фирмасининг номидан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзга фирма номидан ғайриқонуний суръатда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарларни тўлаши лозим.

Ер куррасидаги барча мамлакатларда юридик шахсларнинг молиявий натижаларидан ундириладиган солиқлар мавжуд. Аммо шуни алоҳида қайд этиш жоийизки, ҳар бир мамлакат солиқларни

ундиришда ўзининг ички сиёсатига амал қилган ҳолда ёхуд тармоқлар иқтисодиётидаги соҳаларнинг давлат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Шундай қилиб корхоналарни молиявий натижасини солиққа тортишда ягона ёндашув тўлиқлигича амал қилмайди.

Фойда солиғининг мохияти фойданинг бир кисмини мажбурий тўлов сифатида давлат бюджетига марказлаштирилишида юзага келадиган муносабатларда намоен бўлади. Шундай екан фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларда яратилган кушимча қийматнинг бир кисми фойдани қонун доирасида белгиланган чегараларда мажбурий тўлов сифатида давлат бюджети ихтиерига ўтказилиши билан боғлиқ пул муносабатлари тушинилади.

Амалиетда солиқ қонуниятларидан келиб чикган ҳолда фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш фаолятидан қўлга киритилган фойдасидан ташкари кимматли қоғозлар операцияларида (акция, облигацияларини чиқариш ва жойлаштиришдан олган девидентлар еки фоизлар куринишидаги даромадлар) даромадлар, шунингдек бошқа корхоналар фаолиятига катнашишдан қўлга киритилган даромадлар ҳам этиборга олинади. Умуман фойда солиғи тушунчаси корхона, ташкилот ва бирлашмалар фойдасининг марказлашган фойда (даромад)лар йигиндисининг бир кисмини марказлаштирилиши билан боғлиқ муносабатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу эса фойда солиқ муносабатларини амал қилувчи қонунлардан келиб чикган ҳолда мазмунан такомиллаштирилиб туришини такозо этади.

Фойда солиқ муносабатларининг айрим амалий хусусиятлари каторига қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин:

1. Солиқни ҳисоблашда корхонанинг молиявий аҳволи ва ишлаб чиқариш фаоляти ҳар тамонлама инобатга олиниши минтакадаги иш ҳақи коэффицентлари, яъни саҳроларда, сувсиз жойларда, тоғли туманларда фаолят кўрсатиб олинган фойда ва уни солиқ объекти доирасида этиборга олишда қўлланиладиган чегармалар.

2. Республикамизда амал қилувчи регрессив, прогрессив ва пропорционал солиқ ставкаларининг ўзида турли фаолият даражасидан келиб чиққан ҳолда этиборга олиниши.

3. Фойда солиғини ҳисоблашда акция, облигациялардан улардан ташқари олинган даромадлар ҳамда бошқа корхоналар фаолятида қатнашишдан кўрилган даромадларнинг ҳам фойда солиқ объектини шакллантиришда этиборга олиниши.

4. Яхши ишлайдиган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот (товарлар)ни экспорт қилиш, кичик бизнес корханаларига нисбатан жорий этилган имтиёзлар, чегирмалар ва шу кабиларни.

Фойда солиғини ижтимоий- иқтисодий тараққиётдаги урни ва ахамияти ҳам бенихоя каттадир.

Биринчидан, фойда солиқ объектининг имтиёзлар орқали тартибга келтириш солиқ тўловининг узига боғлиқ қилиб қуйилганлиги, корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан оширишга сифатли маҳсулот (товар) ишлаб чиқишга ундайди. Қўлга киритилган ва корхона балансидаги фойда ноурин сарфлашни қисқартиради ва тўғридан- тўғри кайтим бермайдиган хўжалик тармоқларига инвестицияни кенгайтиради,уни тез ишга солишга имконят тугдирмоқда.

Иккинчидан, фойда солиғи корхоналарнинг маблағларини уй- жой қурилишига сарфлашга ва уларни экспорт ҳажмини оширишдан фойда олишга кизиктиради. Чунки бундай фойдаларнинг солиқдан озод этиш корхонанинг молиявий ахволини мустахкамлайдиган тўлов кобилятини кучайтиради.

Учунчидан, фойда солиқ имтиёзларига амал қилиш ишлаб чиқиш харажатларини камайтиришга, сифатли кўплаб маҳсулот ишлаб чиқишга ва бюджет даромадларини оширишга қулай шарт- шароит яратмоқда.

Туртинчидан, фойда солиғини келажакда корхона даромадидан олинадиган солиқ билан бирлаштириш имконятлари улар тамонидан қўлга киритилиши мумкин бўлган иқтисодий кўрсаткичларнинг усишига боғлиқ, чунки бундай солиқ муносабатлари юзага келтиришга орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сохаларида сифат ўзгаришларининг ижобий тамонга силжитилишига эришиш мумкин бўлади.

Даромад (фойда) солиғи корхоналар тулайдиган бевосита (тўғри) солиқларнинг, энг мухимларидан бири ҳисобланади. Ушбу солиқнинг характерли хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

-ушбу солиқ фақатгина корхона солиқга тортиладиган даромадга (фойдага) эга бўлсагина ҳисобланади, корхонанинг зарари солиқга тортиладиган базадан кичик бўлганда ушбу солиқ мавжуд булмайди. Демак, даромад (фойда) солиғини тўлашнинг мухим шарти бўлиб корхоналарнинг рентабелли ишлаб ўз фаолиятларидан фойда олишлари ҳисобланади.

- даромад солиғининг миқдори бевосита корхонанинг соф фойдасига, яъни унинг мулкдорига коладиган фойдани камайтиради.

Демак, солиқ тўловчиларда ушбу солиқ кўпинча норозичиликка олиб келади. Шунинг учун давлат солиқ сиёсатида ушбу солиқ юкини доимо камайтириб бориш мухим урин тутади. Бунинг ёркин гувохи бўлиб, масалан даромад (фойда) солиғи ставкасини йил сайин камайтириб борилиши ҳисобланади. Агар бу солиқ ставкаси бундан етти йил олдин 38% бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб у 15% ни ташкил этади.

- даромад (фойда) солиғи хўжалик юритувчи субъектларни рентабелли ишлашга, инкирозга учрамасликка интилтирадиган солиқ тури ҳисобланади. Корхоналарнинг зарар билан ишлаши нафақат давлатга, балким уларнинг узларига ҳам манфаатли ҳисобланмайди. Даромадга (фойдага) эришмаган корхона ўз ишлаб чиқаришини ривожлантира олмайди, шунингдек жамиятни ривожига ҳам ҳисса куша олмайди.

- даромадни (фойдани) давлат томонидан белгилаб куйган ишлаб чиқариш турлари ва шартлари эвазига олган корхоналар ушбу солиқ бўйича жуда катта имтиёзларга эга бўлади, жумладан ишлаб чиқаришни физик ҳажмини оширишдан олингин фойда умуман солиққа тортилмайди, халқ истеъмол товарларини болалар учун товарларни, товарларни экспорт қилганлиги учун ишлаб чиқариш корхоналарига солиқ қонунчилигига кура жуда катта имтиёзлар белгиланган.

Солиққа тортиш мақсадида юридик шахс реквизитларига СТИР (ИНН) киритилади. СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақами) ҳар бир юридик шахс учун тузилади ва юридик шахс ушбу рақамини кўрсатган ҳолда солиқ ва молиявий ҳисоботларини солиқ инспекциясига тақдим этади.

8.2. Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғининг моҳияти ва солиққа тортиш объекти. Юридик шахсларнинг жами даромадлари таркиби

Фойда ялпи ички маҳсулотларнинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни юзага келтиришда муҳим рол ўйнайди. Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги, унинг кенгайтирилиши марказлаштириладиган ва номарказлаштириладиган жамғармаларни ташкил этишда фойда нафақат сифат кўрсаткичи сифатида, балки шу билан бирга у шу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган молиявий ва солиқ муносабатларини ташкил этувчиси ва манбаси ҳамдир. Ялпи ички мақсулотнинг бир қисмини ҳосил қилиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида фойда махсус ва умум хўжалик

жамғармаларини ташкил этиш билан биргаликда давлат бюджетини пул маблағлари билан таъминлашда фаол иштирок этади ва шу хусусиятлари билан бозор иқтисодий муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришда у янада фаолроқ ўз моҳиятини намойиш этади. Фойда қўшимча қийматининг бир қисми сифатида турли соқа фаолияти иқгисодий тармоқдарининг ўзаро пул маблағларини тақсимлаш функциясини бажариб, ишлаб чиқаришнинг энг прогрессив кўп мулкчиликка мослашган тармоқларини қар томонлама ривожлантиришга ёрдам беради. Фан-техника тараққиётини таъминловчи тармоқлар бозор иқтисодиёти муносабатларининг шакллантирилиши даврида эндигина тикланиш босқичида турган бўлса ҳам, фойда такрор ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ўсиб бориши учун зарур миқдорда пул маблағларини ажратиб бериш имкониятларини яратиш орқали ўз моқиятини намойиш этади. Чунки унинг моҳияти иул маблағларини давлат бюджети орқали халқ хўжаликлар тармоқдари ўртасида қайта тақсимлаш, уни юзага келтирувчи хўжалик субъектларида турли маҳсус ва умум хўжалик жамғармаларини ташкил этишда ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган халқ истъемол товарларини, техникавий мақсулотларни тинимсиз ишлаб чиқараётган корхоналарни такомиллаштиришда турли иш ва хизматларининг сифатли амалга оширувчи хўжалик субъектларини ҳам зарур молиявий манбаларни вужудга келгириш орқали уларни таъминлашида намаён бўлади.

Ресурслардан рационал фойдаланишларда ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ўз ифодасини топади. Демак, корхоналар ажратмаларининг бир қисмини солиқ сифатида давлат бюджетига ўтказиш бозор инфраструктурасини барпо зтиш учун зарур. Аммо давлат миқёсида ўта мухуш бўлган марказлаштирилган пул маблағларини давлат бюджети доирасида ташкил этишда фойда қисман ўз шаклининг бир қисмини солиқ кўринишига ўтказади. Энди давлат бюджетини ташкил этувчи иқтисодий воқелик сифатида бир маъноли “солиқ” ёки “солиқлар” эмас, балки фойда сўзи билан номланган ўз вужудида фойда мажмуасини акс этираётган иқтисодий воқелик бўлмиш фойда солиғида ўз аксини топади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фойда солиғининг моҳияти фойданинг бир қисмини мажбурий тўлов сифатида давлат бюджетига марказлаштирилишида юзага келадиган муносабатларда номаён бўлади.

Шундай экан фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларда яратилган қўшимча қийматнинг бир қисми фойдани қонун доирасида белгиланган чегараларда мажбурий тўлов сифатида давлат бюджети ихтиёрига ўтказилиши билан боғлиқ пул муносабатлари тушунилади.

Амалиётда солиқ қонуниятларидан келиб чиққан қолда фойда солиғи деганда корхона, ташкилот ва бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш фолиятидан қўлга киритилган фойдасидан ташқари қимматли қоғозлар операцияларидан (акция, облигацияларини чиқариш ва жойлаштиришдан олган девидентлар ёки фоизлар кўринишидаги даромадлар) даромадлар, шунингдек бошқа корхоналар фолиятига қатнашишдан қўлга киритилган даромадлар ҳам этиборга олинади. Умуман фойда солиғи тушунчаси корхона, ташкилот ва бирлашмалар фойдасининг марказлашган фойда (даромад)лар йиғиндисининг бир қисмини марказлаштирилиши билан боғлиқ муносабатларида х,ам ўз аксини топмоқда.

Солиқ тўловчи ўз фойдасининг бир қисмини фойда солиғи сифатида давлат бюджетига тўлар экан, бунинг эвазига у давлатдан шунга тенг бирон бир товар ёки хизмат олмайди. Умуман тўланган фойда солиғи солиқ тўловчининг давлатдан оладиган маблағлари ўртасидаги бевосита боғлиқликда юзага келмайди. Худди ана шу хусусиятга кўра фойда солиғи нархдан рухсатнома (линензия)лар ва воситачилик йиғимларидан фарқ қилади, чунки бўлар ўзига хос мажбурий ёки ихтиёрий тўлов қисобланади, бироқ ҳамма вақт давлат ташкилотларнинг фойдасини давлат тўгридан-тўғри солиқсиз мажбурий тўлов қилиб ололмайди. Қолаверса давлат хилма-хил мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг фойдасидан бюджетга даромад олиш учун Олий Мажлис тасдиқлаб берган фойда солиғидан фойдаланади. Демак, фойда солиғи солиқ муносабатларининг ўзига хос мустақил таркибий қисмидир. Унинг амал қилиши демократик асосда юзага келиши мумкин бўлган хуқуқий муносабатлар билан боғликдир.

Шундай қилиб, фойда солиғи пул муносабатини ифода этиб, бу муносабатларда бир томонда давлат ва иккинчи томонда солиқ тўловчилар, яъни корхона, бирлашма ва ташкилотлар туради. Шу муносабатларни ташкил қилишни давлат ўз қўлига олган, чунки фойда солиғи унинг учун бюджетга даромад бўлиб тушади, солиқ тўловчилар учун харажат бўлади. Давлат билан солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатни Олий Мажлис қонун асосида белгилаб беради. Бундай муносабатнинг белгилаб берилиши фойда солиғини

тўловчиларнинг розилигини англатади. Шунинг учун ҳам барча солиқ тўловчиларнинг Олий Мажлис томонидан белгиланиши икки томоннинг, яъни солиқ ундирувчи давлат билан солиқ тўловчилар ўртасидаги розиликнинг юксак демократик даражасининг амал этишидан далолат беради. Аммо томонларнинг келишиши ёки розилик даражаси шу Олий Мажлисда мутасадди ташкилот ва мутақассисларнинг таклифлари билан турли омилларни этиборга олган қолда тартиблаштирилиб турилиши мумкин.

Фойда солиқ муносабатларининг айрим амалий хусусиятлари қаторига куйидагиларни қам киритиш мумкин:

1. Солиқди ҳисоблашда корхонанинг молиявий аҳволи ва ишлаб чиқариш фаолияти ҳар тамонлама инобатга олиниши минтақадаги иш ҳақи коэффициентлари, яъни саҳроларда, сувсиз жойларда, тоғли туманларда фаолият кўрсатиб олинган фойда ва уни солиқ объекти доирасида этиборга олишда қўлланиладиган чегирмалар.
2. Республикамизда амал қилувчи регрессив, прогрессив ва пропорционал солиқ ставкаларининг ўзида турли фаолият даражасидан келиб чиққан ҳолда этиборга олиниши.
3. Фойда солиғини қисоблашда акция, облигациялардан ва улардан ташкари олинган даромадлар қамда бошқа корхоналар фаолиятида қатнашишдан кўрилган даромадларнинг қам фойда солиқ объектини шакллантиришда этиборга олиниши.
4. Яхши ишлайдиган ёки ишлаб чиқарияган маҳсулот (товарлар)ни экспорт қилиш, кичик бизнес корхоналарига нисбатан жорий этилган имтиёзлар, чегирмалар ва шу кабиларни.

Фойда солиғини ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти қам бениҳоят каггадир.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга (фойдага) эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Давлатимиз солиқ тизимида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб барқарор амал қилиб келаётган солиқ турларидан бири бу юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисобланади. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бевосита солиқлар таркибига киради яъни хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятига тўғридан тўғри таъсир қилади. Давлат бюджетига тушишига қараб эса умумбелгиланган солиқлар таркибига киради. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

1-диаграмма

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи миқдори ва бюджет даромадлари таркибидаги улуши динамикаси[41]

Юқоридаги расм маълумотлари асосида фойда солиғи миқдори ва бюджет даромадлари таркибидаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, 2013-2017 йиллар даврида фойда солиғи ўсиш тенденциясига эга, аммо бюджет даромадлари таркибидаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, фойда солиғи миқдори 2017 йилда 1475,5 млрд.сўмни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 436,7 млрд.сўмга яъни 1,42 баробарга кўпайган. Буни солиқ солинадиган базанинг кенгайиши билан изоҳлашимиз мумкин. Бюджет даромадлари таркибида фойда солиғининг улуши 2017 йилда 2,9 фоизни ташкил этиб 2013 йилга нисбатан 1,1 фоизга камайган. Буни солиқ ставкасининг йилдан-йилга камайтирилиши билан изоҳлашимиз мумкин.

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга оширадилар. Айрим тармоқлар юридик шахсларининг бирлашмалари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари мумкин.

Жами даромад билан солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган даромад (фойда) солиқ солиш объектидир.

[41] www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти маълумотлари

Ўзи ишлаб чиқарган товарларни (бажарган ишларни, кўрсатган хизматларни) эркин конвертация қилинадиган валютада экспорт қилувчи корхоналар экспортни ички бозор нархларидан паст нархларда амалга оширсалар, улар учун солиқ солинадиган база экспорт маҳсулоти реализация қилинган ҳақиқий нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Ушбу тартиб савдо-воситачилик ташкилотларига, шунингдек тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хом-ашё товарларини экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан татбиқ этилмайди.

Устав фондига қўшилган, умумий вазифаларни хал этиш учун бирлаштирилган бадаллар, пайлар ва аниқ мақсадга қаратилган бошқа молиявий маблағлар (капитал) ана шу вазифаларни ҳал этиш учун махсус тузилган юридик шахснинг даромадлари ҳисобланмайди ва солиқ солиш объекти бўлмайди.

Жами даромадга жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

Бундай даромадлар жумласига қуйидагилар киради:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан келадиган тушум;

2) асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни реализация қилишдан келадиган даромад;

3) фоизлар кўринишидаги даромадлар;

4) дивидендлар;

5) бошқа шахслардан бепул олинган мол-мулк;

Олинган грантлар даромад сифатида қаралмайди. Грант деганда корхонага давлат (ҳукумат), шунингдек ноҳукумат, хорижий, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан ижтимоий аҳамиятдаги мақсадларда, иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш, илмий-техник ва инновация дастурларини бажариш учун бепул, гуманитар пул кўринишидаги ёки моддий-техник ёрдам тушунилади. Грант маблағларидан қатъиян мақсадга мувофиқ фойдаланилади.

6) мол-мулкни ижарага (лизингга) беришдан келадиган даромад;

7) роялти;

8) текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан берилган субсидиялар бундан мустасно);

9) даъво муддати ўтказиб юборилган кредиторлик ва депонент қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

10) илгари чегириб ташланган харажатлар, зарарлар ёки шубхали қарзларнинг ўрнини қоплаш тариқасида олинган даромадлар;

11) валюта ҳисобварақларидаги курс бўйича мусбат фарқ;

12) фавқулодда даромадлар;

13) бошқа даромадлар.

Солиқ солинадиган даромадларни (фойдаларни) белгилашда жами даромаддан қуйидаги чегирмалар амалга оширилади:

– қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек божхона божлари суммалари;

– банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг кредитлари учун фоиз тўловлари суммалари, бундан банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирадиган инвестиция учун олган кредитлари бўйича фоизлар ҳамда тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар мустасно;

– чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз жалб этиладиган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз тўловлари суммалари;

– ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банкларнинг, кредит уюшмалари, суғурта ташкилотлари, видеосалонларнинг, видеокўрсатув, видео ва аудио ёзув пунктларининг, аукционлар, казиноларнинг, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказувчи ташкилотларнинг харажатлари бундан мустасно);

– белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловларининг суммаси;

– ижара ҳақи;

– асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

– чет юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматларининг қиймати;

– мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақига ҳисобланган суммалар;

– маҳсулотни (хизматларни) сертификатлаш ишларига хақ тўлаш харажатлари суммалари;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича хизмат сафари харажатлари суммалари;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича вакиллик мақсадларидаги харажатлар суммалари;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича реклама харажатлари суммалари;

– солиқ тўловчи фаолияти ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари;

– солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондини сақлашга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқлаган нормативларга мувофиқ қилинадиган харажатлар суммалари, шунингдек солиқ тўловчилар санаб ўтилган муассасаларни сақлашда улуш қўшиб қатнашиб, ана шу мақсадлар учун қиладиган харажатларининг суммалари;

– лизинг объектини сотиб олиш учун олинган кредитлар фоизлари ва бошқа белгиланган тўловлар суммалари;

– лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича лизинг тўлови таркибида тўланадиган даромади;

– қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасидаги ихтиёрий суғурта турлари бўйича харажатлар суммалари;

– қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа мажбурий тўловлар.

Шунингдек, қуйидаги харажатлар ва ажратмалар ҳам жами даромаддан чегириб ташланиши лозим:

1) банклар бўйича:

– кредит ресурслари учун тўловлар, операция харажатлари, пул маблағлари ва бойликларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари;

– мижозларнинг ҳисобварақлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

– таваккалчилик операциялари бўйича захира ҳисобидан ўчирилган умидсиз ссуда суммалари;

2) суғурта ташкилотлари бўйича:

– қайта суғурта шартномалари бўйича берилган тўлов суммалари;

– амал қилиши ҳисобот йили охиригача тугамаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича тўлов суммалари;

– суғурта ва қайта суғурта мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисобланган тўлов суммалари;

– ўтган йиллардаги суғурта ходисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммалари;

– суғурта ҳолатининг рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

– суғурта ташкилоти суғурта ходисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни (превентив тадбирларни) молиялашга сарфлайдиган маблағлар суммалари;

– суғурта ташкилотларининг захира фондлари бу ташкилотлар устав фондининг йигирма беш фоизига етгунига қадар суғурта ташкилотлари ўз даромадларининг йигирма фоизи миқдорида захира фондларига қиладиган ажратмалар.

Жами даромаддан чегириб ташланадиган харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар амалга оширилган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса, у фақат бир марта жами даромаддан чегирилиши мумкин.

Асосий воситалар сотиб олиш ва уларни монтаж қилишга, номоддий активлар сотиб олишга қилинган харажатлар, шунингдек бошқа капитал харажатлар амортизация тариқасида кейинги даврларда жами даромаддан чегириб ташланиши лозим.

Солиқ тўловчи (банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно) даъво муддати ўтганидан сўнг даромадлари товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) реализация қилиниши билан боғлиқ бўлган, илгари жами даромадга қўшилган умидсиз қарзлар бўйича чегирма қилиниш ҳуқуқига эга бўлади.

Молиявий жазо чоралари ва ҳисобланган пеня суммалари жами даромаддан чегириб ташланмайди.

Тадбиркорлик фаолиятида уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситалар реализация қилинганида вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегириб ташланади. Қимматли қоғозлар реализация қилинганида вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегириб ташланмайди. Иш хайвонлари ва кўп йиллик дарахтлардан фойдаланганда вужудга келган зарарлар фақат ана шу активлардан фойдаланишдан олинган даромаддан чегириб ташланади.

Асосий воситалар амортизация қилинади, ер бундан мустасно. Асосий воситаларнинг солиқ солинадиган давр мобайнида белгиланган нормалар доирасида ҳисобланган амортизация ажратмалари суммалари жами даромаддан чегириб ташланади.

Амортизация ажратмаларининг суммалари асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ва солиқ қонунчилигида белгиланган

амортизация нормалари (6-жадвал) асосида ҳисоблаб чиқилади. Амортизация муддати тугаганидан сўнг эскириш ҳисобланмайди.

6-жадвал

Асосий воситаларнинг амортизация нормалари[42]

	Асосий воситалар гуруҳлари	Амортизация нормаси, %
1.	Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентарь ва жиҳозлар. Компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20
2.	Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар. Саноатнинг барча тармоқлари, металл қуйиш корхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари. Офислар учун мебель	15
3.	Темир йўл, денгиз, дарё ва хаво транспорти воситалари.	4
4.	Бинолар, иншоотлар ва иморатлар	5
5.	Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар	10

Асосий воситаларни узоқ муддатга ижарага олган юридик шахслар ҳам ўзларига қарашли, ҳам ижарага олинган асосий воситалар юзасидан амортизация ажратмаларини ҳисоблайдилар. Бу ҳолда ижарага берувчи ижарага берилган асосий воситалар учун амортизация ажратмаларини ҳисобламайди.

Номоддий активларга қилинган харажатлар жами даромаддан эскириш тарзида ҳар ойда, юридик шахс томонидан уларнинг бошланғич қиймати ва улардан унумли фойдаланиш муддати (бироқ юридик шахснинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддат) асосида ҳисоблаб чиқарилган нормалар бўйича чегириб ташланади.

Унумли фойдаланиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йилга (бироқ юридик

[42] 5-БҲМС. Асосий воситалар.

шахснинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга) мўлжаллаб белгиланади.

Солиқ тўловчининг геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олишга тайёргарлик ишлари учун қилган харажатлари жами даромаддан амортизация сифатида, амортизация ажратмалари нормаси бўйича - ўн беш фоиз миқдорида чегириб ташланади. Солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли бўлмаган тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлари бўйича чегирмалар қилинмайди.

Агар маданий, спорт ва бошқа тадбирлар учун харажатлар солиқ тўловчининг асосий фаолияти доирасида ўтказиладиган бўлса, солиқ қонунчилиги қоидалари унга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 27-моддасига биноан ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар яъни, давлатга қарашли бўлмаган пенсия фондларига ажратмалар жами даромаддан чегириб ташланмайди. Солиқ қонунчилигида назарда тутилган, чегириб ташланиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи кўрилган зарарларни зарар кўрилган ҳисобот йилидан кейинги беш йил муддат давомида тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир.

Ўтган ҳисобот йилида ёки ўтган ҳисобот йилларида ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган зарарга (зарарларга) эга бўлган даромад (фойда) солиғи тўловчилар жорий йилдаги солиқ солинадиган даромадни (фойдани) кўрилган зарарларнинг тўлиқ суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришга хақлидир.

Тақсимлаб ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир навбатдаги йилда ҳисобга олинадиган жами суммаси солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий йилдаги солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) 50 %идан ошмаслиги керак.

Солиқ солинадиган база ўрни қопланиши керак бўлган зарар суммаси миқдорига фақат йил якунлари бўйича камайтирилиши мумкин. Бирдан ортиқ календарь йилда кўрилган зарарлар улар кўрилган кетма-кетликда тақсимлаб ўтказилади. Солиқ тўловчининг даромад (фойда) солиғидан озод қилинган даврдаги зарарлари кейинги даврларга тақсимлаб ўтказилиши мумкин эмас.

8.3. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси;

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ушбу бўлимга мувофиқ чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари.

Ушбу фойда суммаси Солиқ кодекси (14-43- моддалар) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5-февралдаги 54-сон карори билан тасдикланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда охирги молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ топилади.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофик корхоналар фаолиятининг охирги молиявий натижаларини ифодаловчи фойда (зарар)лар қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади.

1.Сотишдан олинган фойда (ЯФ)

ЯФ=Ст-Тс,

Бу ерда: Ст - соф тушум, Тс - сотиш таннархи

2.Асосий фаолиятдан олинган фойда (АФФ) ёки зарар (АФЗ)

АФФ(АФЗ)=ЯФ-ДХ+БД

Бу ерда: ДХ - давр харажатлари, БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа операцион даромадлар.

3.Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда(УФФ) ёки зарар (УФЗ)

УФФ (УФЗ)=АФФ(АФЗ)+МД-МХ

МД - молиявий фаолият даромади, *МХ* - молиявий фаолият харажатлари

4.Солиқгача фойда(сФ) ёки Зарарлар(сЗ)

сФ (сЗ)= *УФф (Уфз)*+Фф-Фз

Бу ерда: Фф - фавқулотдаги фойда Зф - фавқулотдаги зарар

5. Солиққа тортиладиган даромад (Стф)

Стф=сФ(сЗ)+Стх+Сбх-Счх-Д-Ф

Бу ерда: Стх - солиқ солиш базасига кайта кушиладиган харажатлар; Сбх - Ҳисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекинда келгусида чегирилиб борилади

харажатлар; Счх - солиқ базасидан ҳисобот даврида чегириладиган харажатлар, Д - олинган дивидентлар, Ф - олинган фоизлар.

6. Солиққа тортиладиган фойда (Стф) - бу солиққа тортиладиган даромаддан фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш учун имтиёз сифатида чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин коладиган фойда суммаси, яъни:

Стф=Стд-И

Бу ерда: И - имтиёз сифатида солиққа тортиладиган даромаддан чегириладиган харажатлар.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкаси 2017 йилда – 7,5 фоиз миқдорида, тижорат банклари учун солиқ ставкаси – 15 фоиз миқдорида эди[43].

Мамлакатимизда 2018 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йил 1 январдан бошлаб, фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг бирлаштирилди. Мазкур солиқ турларининг бирлаштирилиши муносабати билан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ягона ставкалари белгиланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланди. Бунда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкаси 2017 йилда амалда бўлган 15,5 фоиз яъни фойда солиғи – 7,5% ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи – 8% ўрнига 14 фоиз миқдорида белгиланди. Шунингдек, тижорат банклари учун солиқ ставкаси 2017 йилда амалда бўлган 23 фоиз яъни фойда солиғи – 15% ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи – 8% ўрнига 22 фоиз миқдорида белгиланди. Бунда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ёки ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан тўлиқ озод қилиш тарзидаги вақтинчалик имтиёзларга эга бўлган корхоналар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини имтиёз муддати тугагунга қадар икки баробар пасайтирилган ставка бўйича тўлайдилар.

2019 йилдан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи корхоналар учун 12 фоиз, тижорат банклари учун 20 фоиз этиб белгиланди[44].

---

[43] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699 сонли Қарори. www.lex.uz

8.4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар

Қуйидаги юридик шахслар даромад (фойда) солиғидан озод қилинади:

1) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;

2) шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси;

3) моддий маданий мерос объектларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;

4) Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси.

5) фонд биржасида эмиссиявий қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинган фойдаси.

Янги ташкил этилаётган бошқа корхоналар, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот- сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг йигирма беш фоизи миқдорида ва иккинчи йили эллик фоизи миқдорида солиқ тўлайди. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврнинг бир йили ўтгунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади;

10) ички ишлар органлари хузуридаги соқчилик бўлинмалари;

11) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар;

12) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта пули) тариқасида олинган маблағлар суммаси бўйича;

13) дивидендлар кўринишида олинган ва юридик шахсдан олиниб, унинг устав капиталига (фондига) йўналтирилган даромадлар бўйича;

---

[44] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори. www.lex.uz

14) Халқ банки - фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган даромадлар бўйича.

Янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар аввалдан амал қилиб турган юридик шахслар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари негизида тузилган юридик шахсларга (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан ташқари), шунингдек корхоналар ҳузурида тузилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар корхонадан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланмайди.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) қуйидаги суммага камайтирилади:

1) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат органлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

2) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

3) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда;

4) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига.

5) қўшимча фойда солиғини тўловчилар учун соф қўшимча фойда суммасига;

8.5. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари

Узоқ муддатли контрактларга тааллуқли даромадлар ва чегирмалар уларнинг амалда бажарилган қисми бўйича молия йили давомида ҳисобга олинади. Узоқ муддатли контрактнинг амалда бажарилганлиги молия йили охиригача қилинган харажатларни ушбу контракт бўйича жами харажатлар билан таққослаш орқали аниқланади.

Солиқ солиш мақсадида товар-моддий захираларни баҳолаш ва ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товар-моддий захираларни қўшимча баҳолаш суммаси товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) реализация қилинишига қараб, солиқ солинадиган даромад (фойда) таркибига киритилади.

Амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларнинг ижараси бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олганда ҳамда уни лизинг шартномасида белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига берганда лизинг (молиявий ижара) деб ҳисобланади. Бунда ижара муддати ўн икки ойдан ортиқ бўлиши ва лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ бўлиши лозим:

–лизинг шартномасининг муддати тугагач, асосий воситалар лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

–ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса;

–лизинг олувчи асосий воситаларни уларнинг бозор қийматидан паст нархда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги асосий воситалар қиймати асос бўлади;

–ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан кам бўлса;

–лизинг шартномасининг бутун даври учун лизинг тўловларининг жорий суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса.

Активлар реализация қилинганида уларни реализация қилишдан олинган тушум билан бу активларнинг қиймати ўртасидаги мусбат

фарқ активлар қийматининг ўсишидан олинган даромад ҳисобланади. Активларни реализация қилишдан олинган тушум билан бу активларнинг қиймати ўртасидаги манфий фарқ активларни реализация қилишдан кўрилган зарар ҳисобланади.

Активлар қийматига уларни олиш, ишлаб чиқариш, қуриш, монтаж қилиш ва ўрнатиш харажатлари, шунингдек уларнинг қийматини орттирадиган бошқа харажатлар қўшилади, солиқ тўловчи чегириш ҳуқуқига эга бўлган харажатлар бундан мустасно. Агар активларнинг фақат бир қисми реализация қилинса, унда активларнинг реализация қилиш пайтидаги қиймати қолган ва реализация қилинган қисмлари ўртасида тақсимланади.

Активлар бепулга ёки камайтирилган қиймат бўйича топширилганида топширувчи шахсга қарашли активларнинг қиймати вужудга келган харажатлар асосида, олувчи шахснинг даромадлари эса-кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин топширилаётган активларнинг таннархидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ортиб борувчи якун билан чиқарилган даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни, агар қонун ҳужжатларида бошқа тартиб белгиланмаган бўлса, солиқ рўйхатидан ўтган жойдаги солиқ органларига йил чоракларига оид ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларида топширадилар.

Юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комиссияси (тугатувчи) беш кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қилади. Юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинганидан сўнг солиқ тўловчи ўн беш кун ичида солиқ органига ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китоби, агар ушбу моддада бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг

ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари доимий муассаса жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятининг хусусияти ҳақидаги ҳисоботни (эркин шаклда), шунингдек юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китобини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этади. Бунда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китобида бюджетга тўланадиган соф фойдадан олинадиган солиқ суммаси алоҳида сатрда кўрсатилади. Фаолият календарь йил тугашидан аввал тугатилган тақдирда, бу ҳужжатлар фаолият тугатилганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши шарт.

Ҳисобот даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар,

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади.

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган

фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, шунингдек соф фойдадан олинадиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлайди.

Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган даромад қилинган харажатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегириб ташлангунига қадар тўлиқ миқдорда солиқ тўловчининг жами даромадига қўшилади. Солиқ солинадиган базани аниқлашда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойда олиш муносабати билан қилинган ҳамда ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар белгиланган тартибда ва миқдорларда чегирилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш пайтида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммасини ҳисобга олиш учун чет давлат ваколатли органининг тўлов хабарномаси, маълумотномаси ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асос бўлади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Фойда солиғи Ўзбекистонда қачон жорий қилинган?
2. Юридик шахслар фойда солиғини тўловчилари кимлар?
3. Резидент ва норезидент кимлар ва улар қандан тартибда солиққа тортилади?
4. Солиқ объекти ва солиққа тортиш базаси қандай аниқланади?
5. Корхонанинг молиявий фаолият натижалари фандай аниқланади?
6. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари

қайси мезонлар асосида табақалаштирилган?

7. Маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналар учун қандай ставкалар белгиланган?

8. Қандай юридик шахслар фойда солиғидан тўлиқ озод этилади?

9. Юридик шахсларнинг қандай фойдаси юридик шахслар фойда солиғини тўлашдан озод этилади?

10. Юридик шахсларнинг қандай харажатлари солиққа тортиладиган даромаддан камайтирилади?

11. Солиқ ҳисоботларини топшириш ва солиқни тўлаш тартиби қандай белгиланган?

12. Юридик шахслар қандай тартибда ва шаклда тахмин қилинаётган фойдаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар?

Топшириқлар

1. Корхоналар фойда солиғини ҳисоботини ўрганиб чиқиш.

2. Корхона фойда солиғи ҳисоботи ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида молиявий ҳисобот ўзаро боғлиқлини тўлиқ ўрганиш.

3. Солиқ кодексида фойда солиғи акс эттирилишини ўрганиш.

4. Молиявий натижаларни шакллантириш йўлларини тадқиқ қилиш.

5. Фойда солиғини ҳуқуқий асосларини тўлиқ ўрганиш.

6. Фойда солиғини корхона молиявий фаолиятига таъсирини тадқиқ қилиш

9-БОБ
Соддалаштирилган солиқ тизими. Ягона солиқ тўлови

Режа

9.1. Соддалаштирилган солиқ тизимининг иқтисодий аҳамияти

9.2. Ягона солиқ тўлови ва унинг амал қилиш жараёни

9.3. Ягона солиқ тўлови бўйича тақдим этилган имтиёзлар ва преференциялар. Ягона солиқ тўлови ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Таянч сўз ва иборалар

Микрофирма, кичик корхона, соддалаштирилган солиқ тизими, ягона солиқ тизими, ялпи тушум, бошқа даромадлар, солиқ базаси, солиқ юки.

9.1. Соддалаштирилган солиқ тизимининг иқтисодий аҳамияти

Иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозорларни товарлар билан тўлдириш, рақобат муҳитини яратиш, ишсизликка барҳам бериш мамлакат олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, кичик бизнес субьектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон “Кичик корхоналар учун ихчамлашган солиққа тортиш тизимига ўтишни қўллаш тўғрисида” ги қарорига асосан микрофирма ва кичик корхоналар солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибидан соддалаштирилган, яъни ихчамлаштирилган солиқ режимига ўтказилди. Бунда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш ёки умумбелгиланган тартибда солиқ мажбуриятларини бажариш ихтиёрий эканлиги қатъий белгиланди. Кичик корхоналар учун ягона солиқнинг ўрнатилиши солиқ ҳисоб-китобини тузишни осонлаштиради ҳамда улар бир нечта солиқ тури ўрнига фақатгина битта ягона солиқ бўйича солиқ идораларига солиқ ҳисоб-китобини топшириш имкониятига эга бўлдилар. Натижада корхона ҳисобчиларининг иши бирмунча осонлашди.

«Микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги кушимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3620-сонли Фармонига асосан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси, Республика йул жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш урнига ягона солиқ тўлови жорий этилди.

Бугунги кунда микрофирма ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ, бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси, Республика йул жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар 15,2 фоиз миқдорда тулаётган бўлса, мазкур Фармон бўйича 13 фоиз миқдорда биргина ягона солиқ тўлови жорий этилди. Бу билан умумий тулаётган солиқ ва мажбурий тўловлар ҳажми 2,2 фоизга камайди. Бу иқтисод қилинган маблағни корхона ўз ривожи йулида сарфлаши учун имконият яратилди. Бундай қулай имкониятлардан окилона фойдаланган корхона иқтисод қилинаётган маблағлар ҳисобига янги техника сотиб олишга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга, моддий базасини яхшилашга, ишчилар маошини оширишга, янги иш уринлари ташкил этиш ҳамда фаолиятини янада кенгайтиришга эришади.

Ушбу Фармоннинг яна бир ахамиятли томони шундаки, янги ташкил қилинган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани эса имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилди. Бу эса эндигина иш бошлаётган корхонанинг ривожи учун ахамиятлидир, чунки микрофирма ва кичик корхона илк даромадларини ўз фаолиятини тулик йулга солишга каратса, кейинчалик бюджет олдидаги ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириши ҳамда узининг моддий таъминотини шакллантиришга эришади.

Яна бир имконият–ягона солиқ тўловини тулайдиган микрофирма ва кичик корхоналар ижарага олган ер майдонлари учун ижара ҳақи тўлашдан озод қилиндилар.

Мамлакатимизда микро фирма ва кичик корхоналар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларнинг иқтисодиётини ривожлантиришдаги улуши солмоқли. Шу боис ҳам кичик бизнес субъектларини жадал суръатларда ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда уларнинг юртимиз иқтисодиётидаги улушини тубдан ошириш мақсадида давлатимиз рахбарининг «Микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги кушимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги ПФ-3620-сонли Фармонига асосан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси, Республика йул жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш урнига ягона солиқ тўлови жорий этилди.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қуйидагиларни тўлашни назарда титади:

1.Ягона солиқ тўловини;

2.Ягона ер солиғини;

3.Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни.

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш белгиланган фаолият турларини амалга оширувчи ягона солиқ тўловчилар ва ни тўловчилар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ Кодексининг 58-бобида назарда тутилган тартибда қатъий белгиланган солиқ тўлашлари шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқлар солиқ Кодексида назарда тутилган жами умумбелгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўрнига тўланади, солиқ Кодексининг 349-моддасида санаб ўтилганлар бундан мустасно.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими назарда тутилган солиқ тўловчиларга нисбатан қуйидагилар сақлаб қолинади.

1. Тўлов манбаида ундириладиган фойда солиғи;

2.Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

3. Акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда солинадиган акциз солиғи;

4. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

5. Божхона тўловлари;

6. Ягона ижтимоий тўлов;

7. Давлат божлари;

8. Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

9. Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар (ягона солиқ тўловини тўловчилар ва ягона ер солиғини бундан мустасно);

10. Автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

9.2. Ягона солиқ тўлови ва унинг амал қилиш жараёни

Ягона солиқ тўловини тўловчилар қуйидагилардир:

1) микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно;

2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар;

3)лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.

Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга;

ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқ тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга;

маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларининг сони бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар киради. Бунда:

ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак. Бунда солиқ Кодекси 355-моддасининг иккинчи қисми 2-бандида кўрсатилган даромадларга асосий (соҳа) фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича солиқ солинади.

Лотерея ўйинларини ташкил қилиш фаолияти билан бирга бошқа фаолият турларини амалга оширадиган юридик шахслар ушбу фаолият турлари бўйича қуйидагиларни тўлайди:

- агар улар микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирса – ягона солиқ тўловини ёки умумбелгиланган солиқларни;

- агар улар микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмаса, –умумбелгиланган солиқларни.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар, агар ушбу, камида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, ҳамда оилавий корхона мустасно, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун кейинги ҳисобот даври бошланишига камида бир ой қолганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ҳисобот йили тугаши билан белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширади. Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган тўловчилар томонидан, агар улар ҳисобот йили тугаши билан, белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмаган бўлса, ягона солиқ тўловини тўлаган ҳисобот даври учун амалга оширилади. Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш учун ягона солиқ тўловини тўловчилар йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай

солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

- умумбелгиланган солиқларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисоб-китобларни;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ҳисоблаб чиқарилган умумбелгиланган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани.

Умумбелгиланган солиқлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошиб кетган тақдирда ошган сумма бюджетга тўланиши лозим.

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси умумбелгиланган солиқлар суммасидан ошиб кетган тақдирда, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китобларсиз амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашни рад этиш кейинги солиқ даври бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида фақат навбатдаги солиқ даврининг бошидан амалга оширилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади, умумбелгиланган солиқлар тўланадиган фаолият турларида фойдаланилаётган ер участкалари бундан мустасно.

Ялпи тушум солиқ обьекти ҳисобланади

Солиқ мақсадида ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда қуйидагилар тушунилади:

- қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун – ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум;

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун – товар оборoти;

- мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

- воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун пул мукофоти суммаси;

- тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун – реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

- лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун – ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум;

- товарларни таннархидан ёки олиш баҳосидан паст баҳоларда реализация қилувчи, шунингдек товарларни текинга берувчи юридик шахслар учун — товарлар таннархи ёки уларни олиш баҳоси. Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга бериладиган товарларга татбиқ этилмайди;

2) бошқа даромадлар.

Узоқ муддатли контрактларни бажаришда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушадиган тушум ҳисобот даври мобайнида узоқ муддатли контрактларни ҳақиқатда босқичма-босқич ижро этишга оид қисмида ҳисобга олинади.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ

суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатишга оид бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно);

12) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

15) инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Қуйидагилар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган базадир:

1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;

3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;

4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;

5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатиш (ҳисобдан чиқариш) натижасида олинган бошқа даромадлар.

Солиқ солинадиган база чегирмалардан ташқари қуйидагилар учун камайтирилади:

1) автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари учун:

жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига;

2) лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун – ютуқ (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорига;

3) брокерлик ташкилотлари учун – битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

4) воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун – реализация қилинган товар улушида товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база қуйидагиларга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади:

- янги технологик асбоб-ускуналар олишга, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади;

- ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

Ягона солиқ тўлови ставкалари. Солиқ ставкаларининг табақаланиш мезонлари.

Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

7-жадвал

Ягона солиқ тўлови ставкалари[45]

т/р	Солиқ тўловчилар	%
1	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-7 бандларда кўрсатиб ўтилганларидан ташқари	4
2	Божхона расмийлаштирувчи бўйича хизматларни кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари)	5
3	Ломбардлар	25
4	Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	5
5	Тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек, воситачилик, топшириқ ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар	25
6	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар	13
7	Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага беришга ихтисослашган юридик шахслар (лизинг компанияларидан ташқари)	30

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига, солиқ солиш мақсадларида, ўтган ҳисобот йили якуни бўйича асосий фаолият тури савдо фаолияти, умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият ҳисобланадиган юридик шахслар киради.

Савдо фаолияти деганда – қайта сотиш мақсадида харид қилинган товарларни сотиш бўйича фаолият тушунилади.

Қўйидагилар савдо фаолияти сифатида қаралмайди:

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобланадиган товарларни реализация қилиш жумладан уларни мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган фирма дўконлари орқали реализация қилиш;

- комиссионер (ишончли вакил) томонидан воситачилик (топшириқ) шартномалари бўйича товарларни реализация қилиш, жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол – мулкни реализация қилиш;

[45] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори. www.lex.uz

- тайёрлов ва таъминот – сотиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар томонидан товарларни реализация қилиш;

Умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият деганда кулинария, шунингдек бошқа озиқ – овқат маҳсулотларини тайёрлаш, реализация қилиш ва ташкил этиш бўйича фаолият тушунилади.

Умумий овқатланиш асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият) ҳисобланган юридик шахслар Кодексда белгиланган тартибда ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловчилари ҳисобланадилар.

8-жадвал

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари[46]

т/р	Солиқ тўловчилар	%
1	Умумий овқатланиш корхоналари	
	Ахолиси 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	8
	Бошқа аҳоли пунктларида	6
	Бориш қийин бўлган ва тоғли ерларда	4
2	Чакана савдо	
	Ахолиси 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	Бошқа аҳоли пунктларида	2
	Бориш қийин бўлган ва тоғли ерларда	1
3	Жойлашган жойидан қатъий назар, алкоголли маҳсулот, тамаки маҳсулоти, бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ реализациясидан товар оборoти бўйича	4
4	Улгуржи савдо, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганлардан ташқари)	4
5	Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар, шунингдек, дорихоналар, қуйидаги жойларда жойлашган:	
6	Ахолиси 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
7	Бошқа аҳоли пунктларида	2
8	Бориш қийин бўлган ва тоғли ерларда	1

9.3. Ягона солиқ тўлови бўйича тақдим этилган имтиёзлар ва преференциялар. Ягона солиқ тўлови ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

[46] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори. www.lex.uz

Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир.

Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ҳисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтиради.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўлови қуйидагича тўланади:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

Юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган тушум солиқ тўловчининг ялпи тушумига тўлиқ миқдорда қўшилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган фойда солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида ҳисобга олинади.

Тўлов хабарномаси, чет давлат солиқ органининг маълумотномаси ёки чет элда солиқ тўланганлиги фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжат чет элда тўланган фойда солиғининг суммасини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари сифатида рўйхатдан ўтказилган янги ташкил этилган юридик шахслар ягона солиқ тўловини давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан жорий йил тугагунига қадар, 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар эса кейинги йил тугагунига қадар тўлайди.

Агар юридик шахслар ҳисобот йили якунлари бўйича солиқ Кодекси 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермасалар, улар келгуси йил бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтишлари керак, солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқ Кодекси 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермай қолинган ҳисобот йили тугаганидан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартиби танлаганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда ёзма билдириш тақдим этишлари шарт.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Солиқ амалиётида илк бор қачон соддалаштирилган солиқ режими жорий қилинган ва қайси меъёрий ҳужжат асосида?
2. Кичик бизнес субъектлари таркиби қайси мезонлар асосида белгиланади?
3. Ягона солиқ тўлови қачон жорий этилди?
4. Ягона солиқ билан ягона солиқ тўловининг фарқи нимада?
5. Ягона солиқ тўловини тўловчилари кимлар?
6. Ягона солиқ тўловига солиқ ставкалари қайси мезон асосида белгиланади?
7. Ягона солиқ тўлови бюджетга қайси муддатларда тўланади?
8. Ягона солиқ тўловини бюджетга кечиктириб тўлаш тартиби қандай?
9. Қандай ҳолатларда ягона солиқ тўловини бюджетга кечиктириб тўлашни солиқ органлари рад этиш мумкин?
10. 2007 йил 1 январга қадар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қандай солиқ режимида ишлаган?
11. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини ягона солиқ тўловини тўловчилар таркибига ўтишнинг аҳамияти ва зарурлиги

нимада?

12. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан ташқари яна қандай тўловлар, йиғимлар сақлаб қолинган?

13. Умумий овқатланиш фаолияти деганда нимани тушунасиз?

14. Ягона солиқ тўловини тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг солиққа тортиш объекти қандай аниқланади?

15. Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда ялпи тушум таркиби қандай аниқланади?

16. Ялпи тушум таркибидан нималар чегирилади?

Топшириқлар

1. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини солиқ амалиётида татбиқ этишнинг зарурлигини ўрганиб чиқиш.

2. Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларни ўрганиш.

3. Солиқ кодексида ягона солиқ тўловини акс эттирилишини ўрганиш.

4. Ягона солиқ тўловини ўз вақтида тўламаганлиги учун белгиланган молиявий жарималарни ўрганиш.

10-БОБ
Ягона ер солиғи

Режа

10.1. Ягона ер солиғини моҳияти ва тўловчилари

10.2. Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Солиқ имтиёзлари

Таянч сўз ва иборалар

Қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчилар, соддалаштирилган солиқ тизими, ягона ер солиғи, солиқ базаси, солиқ юки.

10.1. Ягона ер солиғини моҳияти ва тўловчилари

Қишлоқ хўжалик экинзорларидан унумли фойдаланиш, самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларида иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хиллаш мақсадида Президентнинг 1998 йил 10 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида ПФ-2086-сон Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 декабрдаги 539-сон қарорига биноан 1999 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди, у ягона ер солиғининг тўловчиси ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бюджет билан хдсоб-китоблари механизмларини такомиллаштирган тизимни белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ягона ер солиғини тўлашга ўтишлари муносабати билан барча умумдавлат солиқлари (алкоголли маҳсулотга акциз солиғидан ташқари) ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимларни, яъни даромад (фойда) солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва ер остидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи алкоголсиз ичимликлар мева шарбатларига доир акциз солиғи ҳамда бошқаларни тўламайдиган бўлишди.

Ягона ер солиғини тўловчилар божхона бож тўловини, давлат божини, лицензия йиғимларини, бюджетдан ташқари жамғармаларга

ажратмаларни, шунингдек алкоголли маҳсулотларга, акциз солиғини тулашлари мақсадга мувофиқ деб топилди. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сон кдрори билан жорий кдлинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитни ифлослантирадиган моддаларни ва чиқиндиларни чиқариб ташлаганлик (оқизиб юборганлик) учун бюджетга белгиланган тартибда тўловларни амалга оширадилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, ягона ер солиғини тўлашга ўтиш корхона ёки ҳокимият органларининг хоҳиши билан амалга оширилмайди. Меъёрий ҳужжатларга асосан қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари қаерда жойлашишидан ва ихтисослашидан қатъий назар, ягона ер солиғини тўлашга ўтишлари кўзда тутилган. Фақат қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сон қарорига мувофиқ, ўз ихтиёрларига кўра, бюджетга кичик корхоналар учун белгиланган соддалаштирилган ягона солиқ ёки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган ягона ер солиғини тўлашлари мумкин. Агар қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ўз хоҳишларига кўра, солиқ тўлашнинг соддалаштирилган ягона солиғини тўламоқчи бўлсалар, у ҳолда улар умумий олган даромадидан 5 фоиз миқдорида ягона солиқ тўловини тўлайдилар.

Фикримизча, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга икки солиқдан бирини танлаш ҳуқуқининг берилиши солиқларнинг тақсимот функциясига зид бўлиб, бунда айрим кичик корхоналар ҳокимиятнинг тегишли қарорларига асосланиб, анчагина ер майдонини олган ҳолда улардан унумли фойдаланмаслиги ҳамда корхона раҳбарининг тадбиркор эмаслиги ёки уқувсизлиги натижасида тегишли ҳисобот йилида даромадга эга бўлмаслиги мумкин. Бунинг оқибатида ягона ер солиғини тўлашга ўтган қишлоқ хўжалик кичик корхонаси фойдаланаётган ер майдони бўйича солиқ тўламайди. Чунки олинган ер майдони юқори бонитировкадан кам, ундан унумли фойдаланмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 декабрдаги 539-сон қарорига мувофиқ айрим тоифадаги хўжаликларнинг ягона ер солиғини тўлашга ўтмаслиги белгилаб қўйилган. Бундай корхоналар қаторига ўрмончилик, балиқчилик, овчилик хўжаликлари, илмий тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва бошқа тажриба хўжаликлари ҳамда мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган

ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари киради.

Президентнинг юқорида қайд этилган Фармонини амалга тадбиқ этиш орқали 1999 йилдан бошлаб республикамиз бўйича 23865 та қишлоқ хўжалик корхонаси ва фермер хўжалиги ягона ер солиғини тулашга ўтганлиги қайд этилади. Буларнинг умумий ер майдони лалми ва яйловлар билан қарийб 1 миллион гектарни, яъни қишлоқ хўжалик ерларининг 82,6 фоизини ташкил қилди. Шу билан бирга республикамиздаги 864 та хўжалик Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сон қарорига кура, 1999 йил ҳисобот даврида солиқ тўлашнинг янги тизимига ўтмай, белгиланган тартибда амалдаги солиқ ва йиғимларни тўлаш билан чегараланиб қолишди. Шу хўжаликлар 1038,3 минг гектар ер майдонидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Ягона ер солиғининг қўлланиши шуни кўрсатдики, бу тизим хўжаликларнинг ишини анча енгиллаштирди. Илгари улар 20 га яқин солиқни тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни солиқ идораларига топширишга мажбур бўлган бўлсалар, ягона ер солиғига ўтгандан сўнг, солиқ органларига 1 февралгача бир марта ягона ер солиғининг ҳисоб-китобини тақдим этиши билан чекланиб келишмоқда, холос.

Солиқ тулашнинг янги тизимини амалга оширишда анчагина саволлар туғилди ва уларни кейинги фаолият давомида аста-секинлик билан ҳал қилишга тўғри келди.

Айрим ҳолларда, баъзи корхоналар бош ҳисобчиларида солиққа тортишнинг бу янги тизимини моҳиятини тушунмаслик натижасида қишлоқ хўжалигидан ташқари бошқа фаолиятдан олинган даромад бўйича умумий тартибда солиқ ҳисобланади, деган ноўрин тушунчаларга дуч келишдилар. Аммо бу янги тизимнинг асосий моҳиятларидан бири шундаки, у корхоналарни, фермер хўжаликларини бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга, маҳсулотини хоҳлаган жойда сотишга, дехқон хўжаликларига, аҳолига ҳар бир хизматлар кўрсатишга ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқишни ташкил қилишга ундайди. Чунки, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик корхоналари қўшимча фаолиятдан олган даромади учун солиқ туламайди.

Маълумки, Вазирлар Махдсамасининг қарорлари билан машина-трактор парклари, пилла тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар солиқ тўлаш масалаларида кишлоқ хўжалиги корхоналарига тенглаштирилган эди. Аммо бу ташкилотлар қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари бўлмаганлиги сабабли, табиийки, улар ягона ер солиғи туловчи қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисобланмайди.

Мазкур қишлоқ хўжалик корхонларига ёрдам кўрсатувчи буидай корхоналар, илгаригидек умумий тартибда барча солиқ турларини тўлашлари кўзда тутилган.

Ягона ер солиғини жорий қилишдан мақсад қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорилигини ошириш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини меҳнатининг пировард натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бирхиллаштиришдан иборатдир.

Қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради:

- ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

- қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

- янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ягона ер солиғини тўловчилар бўлади.

10.2. Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Солиқ имтиёзлари

Ягона ер солиғини тўлашда Вазирлар Маҳкамаси ўз фармонлари ва Йуриқномалари орқали солиқ солинмайдиган ерларни ва имтиёзларни алоҳида ажратиб кўрсатиб берган. Буларга қуйидаги ер участкалари киритилгандир, яъни:

- қишлоқ ахрли пунктларини умумий фойдаланишдаги ерлари;
- ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;
- спорт иншоотлари, стадионлари, спорт майдонлари, сув хдвзалари lex ник спорт турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-согломлаштириш мнжмуалари эгаллаган ерлар;

- янгидан узлаштирилаётган ва мелиоратив яхшилаш жараёнида бўлган мавжуд суғориш ерлари, лойиҳада кўзда тутилган муддатга, лекин бошланган пайтдан бошлаб беш йилдан ошмаслиги керак;
- таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари банд этган ерлар;
- янги кўчатлар экилган тутзорлар, беш йил муддатга;
- янги боғлар ва узумзорлар банд этган ерлар ҳосил бера бошлайдиган пайтга қадар;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ солиқ солинмайдиган бошқа ерлар.

Шунингдек амалдаги қонунчиликдан келиб чикмаган ҳолда ягона ер солиғидан қуйидагиларнинг озод этилиши ҳам кўзда тутилгандир, яъни:

- янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан фермер хўжаликлари, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 2 йил муддатга;
- қорақўлчилик соҳасининг наслчилик товар ва бурдоқчилик хўжаликлари 3 йил муддатга, 1999 йил 1 январдан бошлаб;
- юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга;
- даромад (фойда) солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод этилган бошқа қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари.

Умуман олганда ягона ер солиғини тўловчилар мустақил равишда, ер майдони, база ставкалари ва тузатиш коэффициентларидан фойдаланган ҳолда уни ҳисоблайдилар.

Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам фойдаланадиган ерларда уларнинг майдонлари ер тузиш хизмати томонидан ўтказиладиган ер ҳақида маълумотлари, ерлар инвентарлаш ва қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини асбоблар ёрдамида ўлчаш материаллари, шунингдек ихтисослаштирилган лойиҳалаш ва тадкдқот ташкилотлари ўтказилган текширувларнинг бошқа материаллари билан тасдиқланиши амалга оширилгандан сўнг солиқ тўловчини ҳисоблаш мумкин.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳажми қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган ер солиғининг ҳисобланган суммаси ер участкаси жойлашган ердаги туман бюджетига ўтказилади. Аммо қишлоқ хўжалик товар ишлаб

чиқарувчилари ерларининг шаҳар ва қўргонларининг маъмурий чегараларида жойлашган жойи учун эса ягона ер солиғи тўловчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман бюджетига тўланади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқдрувчиларига йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган пайтдан кейинги ойдан бошлаб туланиши таъминланади.

Айрим ҳолларда ер участкаси олиб қўйилган (кичрайтирилган), сотиб олинган, сотилган ҳолларда солиқни ундириш сотилган ойдан бошлаб тухтатилади (қисқартирилади).

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиғи бўйича имтиёз белгиланганда улар ушбу хукуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқни тўлашдан озод этиладилар. Ушбу солиқ буйича имтиёзга доир хуқуқ тўхтатилганда улар ушбу хукуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ер солиғини умумтартибда тўлашлари шарт. Агар ўтган солиқ даври якунлари бўйича ягона ер солиғи тўловчи юқоридаги шартларга жавоб бермаса, солиқ тўловчи жорий солиқ даврининг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши керак.

Ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллаш учун солиқ тўловчи ҳар йили жорий солиқ даврининг 1 февралига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улушини аниқлашда бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солиқ солиш объектидир.

Солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган базадир.

2018 йил учун ягона ер солиғининг ставкаси 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Ягона ер солиғи ставкаси[47]

Тўловчилар	Норматив қийматга нисбатан ставка, фоизларда
Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар	0,95

Изоҳ: Ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг "Ўздаверлойиҳа" Ўзбекистон давлат илмий-лойиҳа институти томонидан белгиланади.

Эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида вужудга келган ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига бўлган ҳуқуқ вужудга келган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан бошлаб камайтирилади.

Юридик шахсларда ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганда солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб камайтирилади. Ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқ тугатилган тақдирда, солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ тугатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб кўпайтирилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига солиқдан имтиёз белгиланганда улар солиқни ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб тўлашни тўхтатадилар. Солиқ имтиёзлари бекор қилинган тақдирда улар ер солиғини ушбу ҳуқуқ бекор қилинган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлашни бошлайдилар.

Ягона ер солиғи суммаси ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майигача тақдим этилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер

[47] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ҳамда 2019-2021 йилларга бюджет мўлжаллари ПҚ-4086 сонли Қарори. www.lex.uz

участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.

Ягона ер солиғини тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:
ҳисобот йилининг 1 сентябригача - йиллик солиқ суммасининг 30 %и;

ҳисобот йилининг 1 декабригача - солиқнинг қолган суммаси.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи қачон жорий этилган. Унинг аҳамияти қандай?
2. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғини тўлашга ўтишлари билан улар қандай солиқлар ва йиғимларни тўлашдан озод этилди?
3. Қандай юридик шахслар ягона ер солиғининг тўловчилари ҳисобланади?
4. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият тури билан шуғулланганда ҳам ягона ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишадими?
5. Ягона ер солиғининг объекти ва базаси қандай аниқланади?
6. Ягона ер солиғининг ставкалари қайси мезонлар асосида табақалаштирилади?
7. Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қандай ерлар киради?
8. Ягона ер солиғини тўлашдан кимлар озод этилади?
9. Ягона ер солиғини ҳисоблаш тартибини аниқланг?
10. Солиқ бўйича ҳисоб-китоблар қайси муддатда солиқ идораларига топширилади?
11. Ҳисобланган солиқ суммалари қайси муддатда бюджетга ўтказилади?

Топшириқлар

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи солиқ амалиётида татбиқ этишнинг зарурлигини ўрганиб чиқиш.
2. Ягона ер солиғи бўйича имтиёзларни ўрганиш.
3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш.
4. Ягона ер тўловини ўз вақтида тўламаганлиги учун белгиланган молиявий жарималарни ўрганиш.

11-БОБ
Қатъий белгиланган солиқ

Режа

11.1. Қатъий белгиланган солиқни тўловчилари ва ўзига хос хусусиятлари

11.2. Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби

Таянч сўз ва иборалар

Якка тартибдаги тадбиркорлар, қатъий белгиланган солиқ, фаолият турлари рўйхати, солиқ базаси, солиқ юки.

11.1. Қатъий белгиланган солиқни тўловчилари ва ўзига хос хусусиятлари

Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

якка тартибдаги тадбиркорлар,

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширишда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқни тўловчи бўлади.

Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фаолиятнинг қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган қисмига доир солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган фаолият билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва умумбелгиланган ёки ушбу бўлимда белгиланган солиқларни тўлашлари шарт.

Асосий фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқни тўловчилар бўлган юридик шахслар бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган даромадлар бундан мустасно.

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга солиқ Кодексида назарда тутилган тартибда умумбелгиланган солиқлар ёки ягона солиқ тўлови жорий этилади.

11.2. Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган объектдир.

Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Солиқ даври — бир ой.

Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

янги ташкил қилинаётган (бошловчи) солиқ тўловчилар томонидан — давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай;

фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан — ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

Солиқ солиш объекти ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш:

юридик шахслар томонидан — ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — солиқ Кодекси 375-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайдилар:

1) божхона тўловлари;

2) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ — сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;

4) акциз солиғи — акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;

5) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

6) давлат божи;

7) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Агар якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ солинадиган мол-мулкка ва (ёки) ер участкасига эга бўлсалар, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва (ёки) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган келгуси иш куни тугагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида тақдим қилинган ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида даромадларнинг ҳамда амалга оширилган товар операцияларининг ҳисобини юритишлари шарт.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари қуйидагилардир:

- чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари;

- Товар чеклари дафтари.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорни солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари охирги ёзув киритилган пайтдан эътиборан беш йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сақланади ва улар рақамланган, ип ўтказиб боғланган ҳамда тегишли давлат солиқ хизмати органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

- савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, бундан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно, — йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

- тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ҳар ойнинг якунлари бўйича ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солиқ тўловчининг фаолиятни амалга ошириш жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

Фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай ҳар ойда, солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қилса, қатъий белгиланган солиқ энг юқори ставка бўйича тўланади.

10-жадвал

Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари[48]

№	Фаолият турлари	1 ойда сўмларда			
		Тошкент шаҳри	**Нукус шаҳри ва вил. марк. шаҳарлари**	**Бошқа шаҳарлар**	**Бошқа аҳоли пункт**
1.	Чакана савдо				
	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари	1 000 000	750 000	400 000	300 000
	Қишлоқ хўжалик товарлари	400 000	200 000	100 000	50 000
	Газета, журнал ва китоб маҳсулотлари	500 000	250 000	200 000	50 000
2.	Маиший хизматлар	350 000	200 000	100 000	50 000
3.	Хусусий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шу жумладан, миллий ширинликлар ва нон маҳсулотлари ва бошқалар	300 000	200 000	100 000	50 000

[48] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори. www.lex.uz

4.	Болалар ўйин автоматлари	300 000	200 000	100 000	50 000
5.	Фаолиятнинг бошқа турлари	300 000	200 000	100 000	50 000

*) деҳқон хўжалигида парваришланган, ҳам тирик кўринишдаги, ҳам уларни сўйиб, хом ва қайта ишланган кўринишдаги маҳсулотлар сифатида чорва моллари, қуёнлар, нутриялар, балиқ, паррандани, шунингдек натура ва қайта ишланган кўринишда асаларичилик ва деҳқончилик (гулчиликдан ташқари) маҳсулотларини сотиш бундан мустасно. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан олинган белгиланган намунадаги маълумотнома фуқарода деҳқон хўжалигининг мавжудлигини тасдиқлайди.

11-жадвал

Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари

т/р	Фаолият тури	Мазкур фаолият турини характер-ловчи физик кўрсатгичлар	Физик кўрсатгич бирлигига ҳар ойда (энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларда)			
			Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри ва вилоят марказ-ларидаги шаҳарлар	Бошқа шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
1	Автотранспортни вақтинча сақлаш жойлари (юридик шахслар)	Эгаллаган майдон (1 кв.м)	0,1	0,06	0,05	0,04
2	Болалар ўйин автоматлари (юридик ва жисмоний шахслар)	Жихозланган ўринлар (бир бирликда)	3,0	2,0	1,5	1,0

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қатъий белгиланган солиқнинг тўловчилари кимлар?
2. Қатъий белгиланган солиқнинг тўловчилари қандай ҳолатда бошқа тўловларни тўлаши мумкин?
3. Қатъий белгиланган солиқнинг ставкалари қайси мезон асосида табақалаштирилади?
4. Қатъий белгиланган солиқнинг ставкалари қайси давлат

органи томонидан белгиланади?

5. Қатъий белгиланган солиқ миқдорини бюджетга тўлаш даври қандай?

6. Қандай ҳолатда деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилинганда қатъий белгиланган солиқни тўлашмайди?

7. Солиқ даврида тадбиркор касал бўлганда ёки оилавий шароит туфайли ишламаганда солиқни тўлаши қандай тартибда амалга ошади?

8. Тадбиркор ижарага олинган воситалар билан фаолиятни амалга оширганда мол-мулкини ижарага берувчилар тўғрисида солиқ идораларига қандай тартибда маълумотнома тақдим этади?

Топшириқлар

1. Тадбиркор фаолиятини вақтинча тўхтатганда ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини ўрганиб чиқиш.

2. Жисмоний шахс бир нечта фаолият тури билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганда тўлайдиган солиқлар таркибини ўрганиш.

3. Қатъий белгиланган солиқлни тўлаш ҳисоботи ва регистрларни ўрганиш.

12-БОБ
Қўшилган қиймат солиғи

Режа

12.1. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти
12.2. Солиққа тортиш объекти ва солиқ солинадиган база
12.3. Солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзлари
12.4. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
12.5. Ҳисобварақ-фактурани тўлдириш тартиби

Таянч сўз ва иборалар

Юридик шахс, қўшилган қиймат солиғи, экспорт, ҳисобварақ-фактура, солиқ солинадиган оборот, солиқ солинадиган импорт, охирги истеъмолчи.

12.1. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти

Ҳар қандай буюм, нарса, воқеликни чукур билиш учун унинг моҳиятини чуқур тушуниб етмоқ зарур. Қўшилган қиймат солиғини ҳам бошқа солиқлар каби моҳияти, яъни солиқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни ифодалашда ўз аксини топади. Шундай экан, қўшилган қиймат солиғининг моҳиятини шакллантиришда уни қатъий доимий такрорланиб турадиган муносабат деб тушунишимиз лозим. Қўшилган қиймат солиғининг доимий такрорланиб туриши уни иқтисодий категория сифатида намоён булиши билан боғлиқ, шу боис қўшилган қиймат солиғининг фақат қиймат категорияси орқали мақсадга мувофикдир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳар қандай иқтисодий категория аввало қиймат категорияси сифатида шаклланади, сунг бундай воқелик ҳаракати иқтисодий муносабатларда ўз ифодасини топади.

Қўшилган қиймат солиғи эса бундан истисно эмас. Шундай қилиб қўшилган қиймат солиғи иқтисодий категория сифатида яратилган жами ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. У меҳнат маҳсулидир. Қўшилган қиймат солиғининг юзага келиши яратилган қийматнинг тақсимотига асосланади. Бу ўз вақтида молиявий муносабатларда ва уни ҳаракатга келтирувчи жараёнларда тўлиқ ўз ифодасини топади. Шу боис қўшилган қиймат солиғининг юзага келиши ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир этиши бевосита қийматнинг яратилиши билан боғлиқдир. Қўшилган қиймат солиғининг (ҚҚС) яратилиши бир вақтнинг ўзида узига хос унга мос солиқ муносабатларини юзага келтиради ва унинг

такомиллаштирилиб борилишини таъминлайди. Шундай экан, қўшилган климат солиғининг моҳияти бошқа солиқларга мансуб муносабатлар доирасида шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Амалиётда ҚҚС деганда бевосита бюджетга тушадиган мажбурий пул тўлови тушунилади. Бу эса ҚҚСни бошқа солиқ турларига тенглаштирилаётганлигидан далолат бериши, қолаверса ҚҚСни моҳияти бошқа солиқ турларига боғлиқ ҳолда бефарқ деб таърифланишига сабаб бўлиши мумкин.

Бунда солиқларни гуруҳлаш орқали уларнинг моҳияти ва аҳамиятини асослашга эҳтиёж қолмаган бўлар эди. Шуни этиборга олиш жоизки, ҚҚС билвосита солиқларнинг функционал элементидир. Унинг тўловчилари истеъмолчилар бўлиб ҳисобланади. ҚҚСни ана шундай табиатидан келиб чиққан ҳолда, унинг моҳиятини ифодаловчи даражада таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, ҚҚС - бу товарлар, ишлар хизматларни реализация қилиш жараёнида юзага келадиган пул муносабатлари доирасида янги ҳосил қилинган қийматнинг бир қисмини бюджет даромадига истеъмолчилар ҳисобидан мажбурий тўлов сифатида ундирилишидир. Бир қисмини давлат ҚҚС давлат ихтиёрига истеъмолчилар томонидан яратилган янги қийматни бир қисмини соф даромад сифатида ундирилиши аниқданди. ҚҚС мажбурий тартибда Олий Мажлис томонидан тасдикданган ва ҳуқуқий қонунлар билан таъминлангандир.

Шундай экан, ҚҚСни тўламасликка, солиқ объектини камайтириб кўрсатишга ҳуқуқий шахсларнинг ҳаққи йук. ҚҚСни тўлаш хўжалик субъекти билан давлат ўртасидаги молиявий муносабатларни бозор иқтисодиёти давридаги асосий шакли, даромадларни бир қисмини хўжалик субъектлари билан давлат ўртасида тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

ҚҚСнинг моҳиятини ифодалашда унинг энг аввало мажбурий тўлов сифатида изоҳлашга ҳаракат қилувчи иқтисодчилар йўқ эмас. Тўғри, ҚҚСни тўлашда мажбурийлик бор, лекин бу мажбурийлик демократиянинг олий тимсоли бўлмиш Олий Мажлис қарори, яъни қонун билан киритилади ва ҚҚСни тўловчилари билан давлатнинг энг асосий талаблари эътиборга олинади. Демак ҚҚСдаги мажбурийлик ҳуқуқий демократик меъёрлар асосида Олий Мажлис томонидан киритилади. Ваҳоланки, мажбурийлик бошқа солиқ турларига ҳам хос хусусиятдир. Қолаверса бюджетга бошқа махсус жамғармаларга тўловлар ва ажратмалар ҳам мажбурийлик характерига эга. Шундай қилиб ҚҚС ўз мохиятига кўра, узоқ

йилларга мўлжалланган мажбурийлик муносабатларини ифодалайди.

Масалан, собиқ советлар даврида оборот солиғи 62 йил ўзгармасдан иқтисодиётга хизмат қилди. Бизнинг мустақил Республикамизда ҚҚС ҳам ана шундай узоқ йилларга хизмат қиладиган оддий, ҳаммага тушунарли билвосита солиқ бўлиши керак. Бунинг учун улар Республика иқтисодиётига хос хусусиятларни тулиқ ифода эта оладиган ва илмий асосланган бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг ривожланиши эркин бозор муносабатлари билан ифодаланадиган бўлса, давлат билан бозор муносабатлари шароитида ишлайдиган корхона, бирлашма ва ташкилотлар ўртасидаги муносабат фақат ҳуқуқий муносабат асосида булиши тақозо этилади. Бундай муносабатлар қисман ҚҚС билан амалга оширилади.

Шундай қилиб хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҚҚС - бу иқтисодий қиймат категорияси бўлиб, маълум бир иқтисодий муносабатни ўзида шакллантиради. Бундай иқтисодий муносабат қиймат ҳаракати билан ўз ифодасини топади, Аввало ҚҚС - бу жами ижтимоий маҳсулотнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. ҚҚСнинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти, унинг таъсир доираси билан белгиланади. Унинг ҳосил бўлиши ва ишлатилишининг узига хос механизми (тўлашнинг шартлиги, тўлов муддатлари ва мулкдорларнинг қайд қилиниши) унга маблағларни жамлашнинг солиқ усулига оид бошқа белгиларни касб этади.

ҚҚС бизнинг Республикамизда солиқ турларининг таркибида етакчи ўрин эгаллаб барча иқтисодий кўрсатгичларни ҳаракатга келтириши билан ҳам ажралиб туради. ҚҚС бир тараққиёт босқичидан иккинчи боскичига ўтишнинг маҳсули бўлиб ҳисобланмайди. У кишилик жамиятининг, ишлаб чиқариш жараёнлариниш шакллангирилиб бориши билан боғликдир.

ҚҚС ўзининг номини ўзгартириши мумкин, лекин ўз табиатини ўзгартира олмайди. ҚҚС ўз моҳияти жиҳатидан илгари амал қилиб келган оборот солиғига ўхшаб кетади. Оборот солиғи марказлашган соф даромад деб ҳисобланиб, қатьий равишда бюджетга ўтказиларди ва хўжаликда ошиқча фонд бўлишига йўл қўймас эди, хўжалик ҳисоби тамойилларини мустаҳкамлаш манбаи бўлиб хизмат қилади. Унинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти бениҳоя катга бўлиб, бюджетни мустаҳкамлаш манбаи сифатида хизмат кдлади. Оборот солиғи асосан давлат белгилаган баҳолар сифатида ҳисобланар эди. Корхона ва ташкилотларга ўз товар ва хизматларига баҳоларни ўзлари белгилаши ҳуқуқи берилганлиги давлат қулидан бу ҳуқуқни

олиб қўйди. Натижада оборот солиғи тубдан ўзгартирилиб, қўшилган қиймат солиғи ёш, мустақил республикамизнинг солиқ тизимига кириб келди.

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солиқлар орасида ҚҚС муҳим ўрин тутмоқда. Билвосита тусдаги бу солиқ бюджет тушумлари орасида жуда катта қиёсий салмоққа ҳам эга.

ҚҚС кўпгина мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда катта рол ўйнамоқда. Уни савдода солиққа тортишнинг муваффақиятли чораси деб тан олиниб ҳам келинмоқда. Шу солиқ, шарофати билан экспорт солиғини аниқ белгилаш ва қайтариш шарафига эга бўлинмоқда. ҚҚС ташқи савдога ва техник усулларга нисбатан нейтрал ўрин тутади. Бундан ташқари, бизнес юритишнинг шакл ва усуллари ҚҚСга таъсир ўтказмайди. ҚҚСни шу тариқа ижобий баҳолаш мумкин, зеро ресурсларни тақсимлаш чоғида бозор воситалари учун танлаш эркинлигини берувчи иқтисодиёт шароитида юқорида айтилган шартлар ҚҚСнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Юқорида айтилган ижобий томонлардан ташқари ҚҚС ниҳоятда барқарордир, чунки ставка ўзгариши даромадлар кўпайиши ёки камайишига таъсир этмайди. Бунинг устига, операциялар ўтказиш чоғида ундириладиган оддий солиқ булган ҚҚС солиққа тортишнииг ишончли ва нисбатан осон тушуниладиган воситаси сифатида солиқ, муносабатлари таркибида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат солиқ муносабатлари доирасига қўшилган қиймат солиғини ундириш, балки шу ундиришда муҳим рол ўйнаши мумкин бўлган нисбий кўрсаткични, яъни уни ставкасини маълум бир миқдорда белгиланиши тақозо қилинмоқда. Қолаверса солиқ тўловлари бевосита солиқ ставкасига, уни белгиланиш тартибига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Умуман солиқ ставкасининг ўтган даврнинг биринчи босқичида шартли қилиб белгиланиши иқтисодий-ижтимоий тараққиётига салбий таъсири билан алоҳида ажралиб туради. Аввало унинг 30 фоиз қилиб белгиланиши солиқ муносабатлари доирасида ҚҚС бўйича умумдавлат бюджет тушумларини анчагина оширган бўлса ҳам, бундай нисбий кўрсаткич бошқа тўғри солиқ тўловлари ҳаракатларини секинлаштирилишига сабаб бўлди. Чунки ҚҚС бюджет тушумлари орасида энг катта салмоқда эга эди. Шунингдек 1992 йилда (январь) қабул қилинган «Корхоналар, бирлашма ва ташкилотлардан ундириладиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ унинг ундирилишида турли миқдорий кўрсаткичлар

иштирок этган (5-чизмага қаралсин).



5-чизма. ҚҚС ставкасини юзага келтиришда иштирок этувчи кўрсаткичлар

Қўшилган қиймат ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хом-ашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир. Табиийки, ишлаб-чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида қўшилган қиймат яратилади.

Қўшилган қиймат солиғини давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилиш ғояси дастлаб XX асрнинг бошларида юзага келди. Бу таклифни биринчи марта Германия бюджет амалиётида жорий этишни 1919 йилда Вильгельм фон Сименс илгари сурди.

Қўшилган қиймат солиғини амалиётга жорий этиш ва ундириш механизми биринчи марта француз молиячиси М.Лоре томонидан ишлаб чиқилди. Аммо қўшилган қиймат солиғи М.Лоренинг таклифидан сўнг ўтган 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида тажриба учун таклиф этилган шаклда қўлланилди. Францияда қўшилган қиймат солиғи ҳақиқатда 1968 йилдан бошлаб жорий этилди.

XX асрнинг 70-йилларида қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларининг солиқ амалиётида жорий қилинди. Бунинг асосий сабаби ва ҳуқуқий асоси бўлиб, Европа иқтисодий ҳамжамияти томонидан ҳамжамиятга аъзо мамлакатларда қўшилган қиймат солиғини ундиришни тартибга солишнинг ҳуқуқий меъёрларини умумлаштириш тўғрисидаги махсус Директиванинг

қабул қилиниши ҳисобланади. Мазкур Директива 1977 йилда қабул қилинди ва унда эгри солиқларнинг асосий тури сифатида қўшилган қиймат солиғи эътироф этилди.

Қўшилган қиймат солиғига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шундаки, солиққа тортишнинг объекти бўлиб, нафақат ички бозордаги товароборот, балки мамлакат корхоналарининг ташқи бозорларидаги товаробороти ҳам ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда, кўпчилик ҳолларда, қўшилган қиймат солиғини «Европача» солиқ деб ҳам аташади. Бунинг асосий сабаблари шундаки,

биринчидан, қўшилган қиймат солиғи дунёда биринчи марта Европа давлати бўлган Францияда жорий этилди;

иккинчидан, 1977 йилда қабул қилинган Директивага асосан қўшилган қиймат солиғи бир вақтнинг ўзида Европанинг бир неча давлатларида жорий этилди;

учинчидан, қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнларни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнади.

Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат бюджетларининг даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил қилади.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда солиқ тушумларининг таркибида эгри солиқларни юқори салмоққа эга эканлигининг асосий сабабларидан бири, бу мамлакатларда солиқ ставкаларини умумлаштирил-ганлиги ва солиққа тортиш базасини ўзаро уйғунлаштирилганлиги ҳисобланади. Бу масаланинг Ўзбекистон Республикаси учун амалий аҳамиятга эга эканлиги шундаки, мамлакатимиз товароборотининг сезиларли қисми Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон Республикаларига тўғри келади. Ҳозирга қадар мазкур мамлакатлар ўртасида қўшилган қиймат солиғи ставкаларини умумлаштириш ва солиққа тортиш базасини уйғунлаштириш масаласи ҳал қилинмаган. Бу эса, ушбу мамлакатлар

ўртасидаги ўзаро ташқи савдо муносабатларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи 1992 йилдан буён амал қилмоқда. Ушбу солиқ оборотдан олинадиган солиқ ва сотувдан олинадиган солиқлар ўрнига акциз солиғи билан биргаликда киритилган. Бу солиқ оборот солиғидан фарқли равишда фақат қўшилган қийматдан ундирилади. Оборот солиғи марказлашган соф даромад деб ҳисобланиб, қатъиий равишда бюджетга ўтказилади ва хўжаликда ортиқча фойда бўлишига йўл қўймас эди.Оборот солиғи бир маротаба умумий оборотдан олинар эди Оборот солиғи асосан давлат белгилаган баҳолар сифатида ҳисобланар эди. Корхона ва ташкилотларга ўз тавар ва хизматларига ўзлари белгилаши хуқуқи берилганлиг давлат қўлидан бу хуқуқни олиб қўйди. Натижада оборот солиғи тубдан ўзгартирилиб, қўшилган қиймат солиғи ёш, мустақил Республикамизни солиқ тизимига кириб келди.

ҚҚС ўзининг номин ўзгартириши мукин лекин ўз табиятини ўзгартира олмайди. Хўжалик ҳисоби томойинларини мустаҳкамлаш манбаи бўлиб хизмат қилади. Унинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти бениҳоя катта бўлиб бюджетни мустаҳкамлаш манбайи сифатида хизмат қилади.

Қўшилган қиймат солиғи эса ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ҳар бир босқичидан олинади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида қўшилган қиймат солиғи ҳозирга қадар ўзининг муҳим ўрнини ва амалий аҳамиятини сақлаб келаяпди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги қарорига кўра 2008 йилда қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи 28 фоизни, эгри солиқлар таркибида эса 56 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган. Ушбу кўрсаткичлар қўшилган қиймат солиғини бюджет даромадларининг асосий манбаи эканлигини билдиради

12.2. Солиққа тортиш объекти

Қўшилган қиймат солиғининг тўловчилари бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ушбу солиқни бюджет олдида ҳисоб-китобини амалга оширувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар тушунилади. Жумладан:

1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;

2) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар (ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно);

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси).

Нотижорат ташкилотлар (тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари мустасно) ҳамда солиқ солишнинг соддатлаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишмайди.

Солиқ қонунчилигида назарда тутилган ҳолда ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

Товарларни (ишлар, хизматларни) импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар импорт қилинаётган ана шу товарлар бўйича солиқ тўловчилари ҳисобланадилар.

Солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

солиқ солинадиган оборот;

солиқ солинадиган импорт.

Товарларни (иш ва хизматларни) реализация қилиш айланмаси *деганда* – юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) қиймати тушунилади, яъни юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) учун маблағи келиб тушиши давридан қатъий назар корхона қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет олдида ҳисоб-китобларни амалга ошириши шарт.

Солиқ солинадиган импорт деганда эса – Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар ҳисобланади (қўшилган қиймат солиғидан озод этилган импорт товарлардан ташқари

ҚҚС га тортиладиган айланмага қуйидагилани киритилиши амалдаги қонунлардан кўзда тутулган, яъни:

1) мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан:

товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш);

устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса;

мол-мулкни бепул бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахс фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарсасини бериш;

заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар солиқ Кодексига мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

3) мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш;

4) тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш;

5) мол-мулкни оператив ижарага бериш;

6) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

Шу билан биргаликда қуйидагилар солиққа тортиладиган оборотга киритилмайди:

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган унинг ўз эҳтиёжлари учун товар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун;

3) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

4) гаров қийматига эга бўлган қайтариладиган тарани, шу жумладан шиша идишни жўнатиш. Қайтариладиган тара маҳсулот

солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади;

5) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкида бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш;

6) тугалланмаган қурилишнинг асосий воситалари, номоддий активлари ва объектларини бепул асосда бериш;

7) банкларнинг мол-мулкни ўз филиалларига бериши;

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулкий ҳуқуқларни бериш;

9) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш;

12) объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш.

Солиққа тортиладиган объектлар ички имкониятлардан ёки давлат бюджетининг даромадларни динамик ўчишидан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис томонидан берилган ваколатли ижро Давлат органлар томонидан ўзгартиришлар киритиш мумкин. Бундай ўзгартиришлар ваколатли давлат органлар томонидан қабул қилинадиган қарорларда, низомлардан ёки йўриқномалар ўз аксини топган ҳолда солиқ тўловчиларига етказдирилади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш айланмасига, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлса, қўшилган қиймат солиғи солинади.

Қуйидаги шартлар ёхуд улардан бири мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса ва битим натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқарилмайдиган бўлса (юклаб жўнатилмайдиган ва ташилмайдиган бўлса);

жўнатиш ёки ташиш бошланган пайтда товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ишларни, хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, агар:

1) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса. Бундай ишлар, хизматлар жумласига, хусусан, қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари, шунингдек кўчмас мулкни ижарага бериш киради;

2) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчар мулк (транспорт воситалари бундан мустасно) билан боғлиқ бўлса;

3) хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм, маданият, санъат, таълим, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўрсатилаётган бўлса;

4) ишларни, хизматларни сотиб олувчи фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган бўлса. Ишларни (хизматларни) сотиб олувчи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида, бундай асос бўлмаган тақдирда эса, юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жой, юридик шахснинг доимий фаолият кўрсатадиган ижро этувчи органи жойлашган ер, агар ишлар (хизматлар) муайян доимий муассаса орқали бажарилган (кўрсатилган) бўлса, ушбу доимий муассаса жойлашган ер асосида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиб турган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди сотиб олувчининг фаолияти амалга ошириладиган жой ҳисобланади. Ушбу бандниг қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

– интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ ўтказилган ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқи берилганда;

– маслаҳат бериш, аудиторлик, юридик (адвокатлик), бухгалтерлик, реклама, инжиниринг хизматлари, шунингдек ахборотга ишлов бериш хизматлари кўрсатилганда. Инжиниринг хизматлари жумласига маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнига тайёргарлик, саноат,

қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектлар қурилиши ҳамда улардан фойдаланилишга тайёргарлик бўйича муҳандислик-маслаҳат бериш йўсинидаги хизматлар, лойиҳалаш олди ва лойиҳалаш хизматлари (техник-иқтисодий асосларни, лойиҳа-конструкторлик ечимларини тайёрлаш ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар) киради. Ахборотга ишлов бериш хизматлари жумласига ахборот массивларини тўплаш ва умумлаштириш, тизимлаштириш ҳамда бу ахборотга ишлов бериш натижаларини фойдаланувчилар тасарруфига тақдим этиш хизматлари киради;

– ходимлар бериш агар ходимлар сотиб олувчи ўз фаолиятини амалга ошираётган жойда ишлаётган бўлса;

– кўчар мулк ижарага берилганда, транспорт воситалари бундан мустасно;

– товарларни (ишларни, хизматларни) олиш бўйича воситачи (ишончли шахс), шунингдек ушбу қисмда назарда тутилган хизматларни амалга ошириш учун шартноманинг (контрактнинг) асосий иштирокчиси номидан жалб этувчи шахс хизматлари кўрсатилганда;

– чет эллик алоқа операторлари томонидан алоқа хизматлари кўрсатилганда;

Агар ишларни, хизматларни реализация қилиш бошқа асосий ишларни, хизматларни реализация қилишга нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга бўлса, асосий ишлар, хизматлар реализация қилинган жой ёрдамчи реализация қилиш жойи сифатида эътироф этилади.

Солиқ солинадиган база:

1.Реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

2.Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

3.Товарлар қайта ишлашга берилган хомашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг

қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида.

4.Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

5.Пудрат ёки иккиламчи пудрат ташкилотлари томонидан объектлар қуриш учун қурилиш пудрати шартномаси тузилган тақдирда, бажарилган ва тасдиқланган ишларнинг пудратчи (ёрдамчи пудратчи) ва буюртмачининг солиқ солиш мақсадида реализация қилинган деб ҳисобланадиган материаллари қиймати киритилган, ушбу бўлимда белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

6.Қурилиш-монтаж, таъмирлаш ва таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш учун шартнома тузилганда, агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш вазифаси буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

7.Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар бўлган савдо корхоналари импорт қилган товарлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

8.Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

9.Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

10.Мол-мулк молия ижарасига, шу жумладан лизингга берилган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи

суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

11.Тугалланмаган қурилиш объекти реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, тугалланмаган қурилиш объектини реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

12.Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, экспедиторнинг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, мукофот тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

13.Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизмат учун пул мукофоти (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

14.Воситачилик шартномасига, топшириққа биноан ишончли шахс ёки комитент Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи қўшилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

16.Гаровга қўювчи гаров мол-мулкини гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига топширган тақдирда, гаровга қўювчининг солиқ солинадиган обороти миқдори гаровга олувчи томонидан реализация қилинган мол-мулк қийматидан келиб чиққан, бироқ қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда мазкур гаровга қўйилган мол-мулкка олинган заём маблағлари суммасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Гаровга топширилган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича гаровга қўювчининг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Кейинчалик реализация қилиш учун юридик шахслар томонидан давлат резервидан олинган, нархлари давлат томонидан тартибга солиниши белгиланган товарлар бўйича солиқ солинадиган база реализация қилиш нархи ва давлат резервидан олинган нарх ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинганда солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ киритилмаган ҳолда аниқланади.

Қайтариладиган тара солиқ солинадиган оборотга киритилган тақдирда, тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур таранинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади.

12.3. Солиқ ставкалари ва имтиёзлари

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси 1992 йилда 30 фоизни ташкил қилгани ҳолда, бугунга қадар бир-неча марта ўзгартирилди. Жумладан, 1996 йилда 17 фоизни, 1997 йилда 18 фоизни, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари турларига (ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари) эса камайтирилган 10 фоизли ставка белгиланди. 1999 йилда республикада қўшилган қиймат солиғининг 3 хил ставкаси (20%, 15%, ва 0%) амалда қўлланилди. Фақат 3 та банд, яъни экспорт, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига бериладиган минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари ҳамда дипломатик ваколатхоналар ва унга тенглаштирилган ваколотхоналарга реализация қилинадиган товар (иш ва хизмат)лар “0” ставкаси бўйича солиққа тортилди. 15% ли қўшилган қиймат солиғи ставкаси эса ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари ҳамда импорт қилинадиган тирик мол ва буғдой каби маҳсулотларга нисбатан белгиланди.

2000 йилдан ҳозирги кунгача солиқ Кодексига кўра республикамизда 20 фоизли ва “0” фоизли ставка қўлланилиб келинмоқда. Умуман олганда “0” ставка деганда корхона ишлаб чиқараётган товарларнинг (бажарилган иш, хизматларнинг) қийматига қўшилган қиймат солиғи қўлланилмайди, яъни “ноль” га тенг дегани.

Қуйидагиларга “0” даражали ставка бўйича солиқ солинади:

•Товарларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган ишларнинг (кўрсатиладиган хизматларнинг) эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортига, (қимматбаҳо металлар бундан мустасно) шу жумладан, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларига етказиб берилишига, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

Айрим МДҲ давлатларида бу тартиб бошқача. Масалан: Арманистонда Тожикистонда, Туркманистонда МДҲ давлатларидан ташқарига экспорт солиққа тортилмайди, “0” ставка ҳам қўлланилмайди. Қозоғистонда эса МДҲдан ташқарига экспорт “0” ставкада солиққа тортилади.

Экспорт қилинган товарларни қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш масаласида Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасида давлатлараро билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган бўлиб, аммо ратификация қилинмаган (тасдиқланмаган) ҳолатларда имтиёзни қўллашнинг иложи бўлмайди, яъни имтиёз қўллаш учун қонуний асос бўлмайди.

Ҳозирги вақтда Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова, Россия, Қозоғистон билан ҳам билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган. Шартномада келишилган давлатлар божхона ҳудудларида товарлар (иш ва хизматлар) экспорт қилинганда “0” ставкадаги қўшилган қиймат солиғини қўллаш кўзда тутилган.

•Чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товар (иш ва хизмат)ларга.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис хизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ноль даражали ставка қўлланилиши татбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва дипломатик ваколатхоналарига тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади;

•сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация ва газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларга;

•хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган транзит юкларини ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматларга, жумладан йўловчилар, багажлар ва почтани халқаро йўналишда ташиш.

2006 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига “0” ставка бекор қилинди.

Қўшилган қиймат солиғидан озод бўлган (имтиёзли) оборотлардан фарқли “0” ставка қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи товарларнинг таннархига олиб борилмасдан, ҳисобга киритилади.

Агарда ҳисобот даврида ҳисобга киритилиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасидан “0” ставкада ҳисобланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси қиймати жиҳатидан кўп бўлса, у ҳолда ошиқча сумма солиқ тўловчининг бошқа солиқ ва тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, унга белгиланган тартибда қайтарилади.

Қўшилган қиймат солиғини қоплаш (яъни қайтариш) тартиби 2003 йил 13 майдаги ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга ундириладиган тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган (30-сонли баённома) “Хўжалик юритувчи субъектларга қўшилган қиймат солиғи бўйича юзага келган манфий фарқни қоплаш тўғрисида” ги Низом асосида олиб борилади. Ушбу Низом Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 6 июнда 1246-сон билан тасдиқланган.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича салбий қолдиқни пайдо бўлиши муаммоси асосан маҳсулотини экспорт қилувчи йирик корхоналарда кузатилади. Масалан: Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатининг – 1 ойлик ортиқча тўлови 100 млн. сўм, Навоий тоғ-кон металлургия комбинатида – 200 млн.сўм, Қабул Текстайлз – Ўзбек қўшма корхонасида – 30 млн. сўм (бу корхонада экспорт жами сотилган товарларнинг 90 фоизни ташкил қилади). Бу муаммо “0” ставкада солиққа тортиш натижасида ортилган маҳсулотга қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаслигини ва олинган материалларга қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олиниши оқибатида юзага келади.

Қўшилган қиймат солиғининг ватани ҳисобланган Францияда қўшилган қиймат солиғи бўйича тўртта ставка амал қилади, яъни стандарт ставка, қисқартирилган ставка, оралиқ ставка ва оширилган ставка.

Стандарт солиқ ставкаси 19,6 фоиз қилиб белгиланган. Бу ставка ўзгача ставкалар қўлланилиши кўзда тутилган операциялардан ташқари барча операцияларга нисбатан қўлланилади. Пасайтирилган ставка (2,2; 5,5%) озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпчилиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун, китоблар ва дори-дармонлар учун амал қилади. Шундай пасайтирилган ставка айрим хизмат турларига: туризм ва меҳмонхона хизматлари, юк ва йўловчи ташиш, томоша тадбирлари, корхоналарнинг ходимларига бериладиган овқатларга тегишлидир. Оралиқ ставка газ, электр, иссиқсув, кўмир, нефть маҳсулотлари, спирт, кофе каби товарларни солиққа тортиш учун қўлланилади. Оширилган ставка (22,0%) айрим маҳсулот турларига, жумладан, автомобиллар, кино-фото товарлар, тамаки маҳсулотлари, парфюмерия, қимматбаҳо мўйналарга нисбатан қўлланилади.

Буюк Британияда қўшилган қиймат солиғининг учта ставкаси амал қилади: 0, 8,0 ва 17, 5 фоиз. Ноль даражасидаги солиқ ставкаси товарларнинг 17 та гуруҳига, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув таъминоти ва канализация, кўзи ожизлар учун мўлжалланган китоблар ва қўлланмалар, ёқилғи ва иситиш, транспорт воситалари, халқаро хизматлар, кийим-кечак ва пойафзал, хайр-эҳсонларга нисбатан қўлланилади. 8 фоизли ставка таъминотнинг коммунал турлари борасидаги хизматларга нисбатан қўлланилади. 17,5 фоизли ставка товарлар (иш ва хизматлар) нинг барча бошқа турларига нисбатан қўлланилади.

Испания Қироллиги мамлакатида қўшилган қиймат солиғининг стандарт ставкаси 16 фоизни ташкил этади. Пасайтирилган ставкалар, яъни 0 фоизли ставка – экспорт билан боғлиқ товар ва хизматлар учун; 4 фоизли ставка – биринчи навбатдаги зарур товарлар учун (нон, ғалла, сут, тухум, мевалар, сабзавотлар, китоблар, газеталар, дори-дармонлар, муниципиал уйлар, ногиронлар учун машиналар ва ҳ.к.); 7 фоизли ставка – озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жой қурилиши, транспорт, туризм учун, 28 фоизли ставка эса зеб-зийнат буюмлари ва автомобиллар бўйича белгиланган.

Россия Федерациясида қўшилган қиймат солиғи 20 фоиз, 10 фоиз ва 0 фоизли қилиб белгиланган. 0 фоизли ставка товарлар (иш ва хизматларнинг) айрим турларига, 10 фоизли ставка – озиқ–овқат ва болалар товарларига, 20 фоизли ставка эса товарлар (иш ва хизматлар)нинг бошқа турларига нисбатан қўлланилади.[49]

[49] Абдурахмонов О. Хорижий мамлакатларда солиқ тизимлари. Ўқув қўлланмаси. –Т.: ТДИУ нашр., 2003.

Солиқ бўйича имтиёзлар таркиби: молиявий хизматлар кўрсатишлар билан боғлиқ имтиёзлар; ижтимоий йўналишдаги имтиёзлар; бож, йиғимлар ва лицензия тўловлари ундириладиган хизматлар бўйича имтиёзлар; давлат томонидан катта аҳамиятга эга бўлган йўналиш бўйича фаолият ва соҳа турларига берилган имтиёзлар.

2019 йилдан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати эълон қилинди. Унга кўра:

1. Гўшт (мол, қўй, товуқ), шунингдек, хайвонлар (қорамол ва парранда) тирик ҳамда уларни сўйиш маҳсулотлари.
2. Балиқ.
3. Картошка.
4. Пиёз.
5. Тухум.
6. Гуруч (барча навлари).
7. Шакар, шу жумладан импорт қилинган.
8. Нон маҳсулотлари (нон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда чакана ва улгуржи реализация қилишда имтиёз қўлланилади).
9. Сут.

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидаги реализация қилиш айланмалари озод этилади:

1) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи ва йиғимлар ундириладиган хизматлар (ҳаракатлар);

2) мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;

3) беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;

4) дафн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;

5) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;

6) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган маҳсулотлари;

7) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открыткалар, конвертлар;

8) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

9) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари. Ушбу имтиёзни олиш учун тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги хулосаси асосдир;

10) шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари. Шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари жумласига йўловчилар ташиш бўйича автомобиль ва электр транспорти билан шаҳар доирасида муайян йўналишлар бўйича қатнов жадвалига биноан кўрсатиладиган хизматлар киради. Ушбу банднинг қоидалари умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчилар ташиш транспорти ёки темир йўл ва автомобиль транспортида ходимларни ишдан ва (ёки) ишга ташиш бўйича хизматларга, юридик ва жисмоний шахслар буюртмалари асосида шаҳар атрофида тадбирлар ўтказиш учун ташиш бўйича хизматларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;

11) олий, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар;

12) тиббий ва ветеренария хизматлари (косметология хизматлари бундан мустасно), шунингдек дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар. Ушбу банднинг қоидаларини қўллаш мақсадларида:

– тиббий хизматлар жумласига тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизмати кўрсатиш, диагностика, профилактика ва даволаш хизматлари, гомеопатик, стоматологик хизматлар, тиш протезлари тайёрлаш бўлимлари ва кабинетлари, наркология амбулаториялари, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитария ва эпидемияга қарши кураш йўналишидаги

лабораториялар ҳамда бўлинмалар, бошқа тиббий ҳамда тиббий-санитария йўналишидаги муассасалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар киради;

– ветеринария хизматлари жумласига ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асалариларни, ҳайвонот боғларидаги, тажрибаҳоналардаги ва бошқа шу кабилардаги жониворларни) касалликлардан муҳофаза қилиш ва уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг яхши сифатли чорвачилик маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонларга ва инсонга хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш тадбирлари киради;

13) ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати;

14) санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хизматлари:

15) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);

16) Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар. Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар жумласига лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш ҳамда уларни тасарруф этиш бўйича хўжаликлар, ер ресурслари ва давлат кадастри, уй-жой фондидан фойдаланиш, уни сақлаш ва таъмирлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг бевосита аҳоли томонидан ҳақ тўланадиган хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларга хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари орқали ҳақ тўлаш киради;

17) Давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

18) Ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти;

19) Ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлов бўлинмалари хизматлари;

20) Бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника ишлари;

21) Давлат резервининг товар-моддий захиралари, улар янгиланаётганда;

22) Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техника воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

23) Инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топширилаётган мол-мулк;

24) Оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари.

25) Давлат мулкини ижарага бериш бўйича хизматлар.

Солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

1) кредитлар, заёмлар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, кредитлар, заёмлар бериш, кафилликлар (кафолатлар), шу жумладан банк кафолатлари бериш;

2) депозитлар қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан вакил банкларда ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

3) тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;

4) миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

5) юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозлар депо-ҳисобварақларини, шу жумладан вакил депозитарийларини очиш ҳамда юритиш;

6) қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда қимматли қоғозлар реестрини юритиш бўйича операциялар, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

7) қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни (пайларни) реализация қилиш;

8) клиринг операциялари;

9) аккредитивлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

10) пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;

11) чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;

12) касса операциялари (банкнот ва тангаларни қабул қилиб олиш, бериш, қайта ҳисоблаб чиқиш, майдалаб бериш, алмаштириш, саралаш ва сақлаш);

13) молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоиз тариқасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

14) форфейтинг ва факторинг операциялари;

15) ломбард операциялари (гаровга қўйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш);

16) жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг оборoти.

17) мижозларнинг ҳисоб рақамларига банклар томонидан электрон масофали хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш хизматлари бўйича суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган суғурта қилиш бўйича хизматлар бу хизматлар натижасида:

1) суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

а) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;

б) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича воситачилик ҳақи ва тантьемалар;

в) суғурта агенти, суғурта ва қайта суғурта брокери, сюрвейер ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларининг хизматлари учун воситачилик ҳақи;

г) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича суғурта тўловлари улушининг қайта суғурталовчилар томонидан тўланадиган тўловини;

д) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича учинчи шахслардан суброгация (регресс) тартибида талаб қилиш бўйича даромадлар;

е) суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари (актуарийлар, ажастерлар, сюрвейерлар, ассистанс хизматлари ва шу сингарилар) кўрсатган хизматлардан олинадиган даромадлар;

ж) қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича депо мукофотларига ҳисобланган ҳамда қайта суғурта қилдирувчи томонидан қайта суғурталовчига ўтказилган фоизлар;

з) ҳаётни суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта қилдирувчилар тақдим этган заёмлардан олинадиган даромадлар;

и) суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолиятидан олинадиган даромадлар, шу жумладан суғурта резервлари ва суғурта фондлари маблағларини инвестициялашдан олинадиган даромадлар;

к) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича франшизларни қоплашдан олинадиган даромадлар;

л) қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган, суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинадиган даромадлар;

м) қайта суғурта қилиш шартномалари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, улар бўйича суғурта мукофотларининг қайтариб берилган қисми суммалари;

н) бевосита суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинадиган бошқа даромадлар;

2) суғурта қилдирувчи (наф олувчи) қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

а) суғурта тўлови (суғурта товони);

б) превентив тадбирлар ўтказиш учун бериладиган маблағлар;

в) суғурта қилиш шартномаси зарарсиз амал қилиши учун суғурталовчи тўлайдиган маблағлар;

г) суғурта қилиш шартномасига мувофиқ бошқа маблағлар.

Қуйидаги товарларни импорт қилиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

1) жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кирилаётган товарлар;

2) чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар рас мий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан уларнинг ўзлари билан бирга яшаётган оила аъзолари шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда инсонпарварлик ёрдами тариқасида олиб кирилаётган товарлар;

4) давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида олиб кирилаётган товарлар;

5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) маблағлари, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган товарлар;

6) дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган хом-ашё. Мазкур имтиёз олиб кирилаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқарилаётган тайёр дори воситаларига тадбиқ этилмайди;

7) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади;

8) инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида олиб кириладиган мол-мулк;

9) ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари;

11) қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч.

12.5. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби

Қўшилган қиймат солиғининг тўланган суммалари ҳудудий божхона органларининг депозит ҳисобварақларига кирим қилиниб, кейин улар Республика бюджетининг даромадига қайд этилиши керак. Бунда, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоблаб ёзилган бўнак тўловлари суммалари тўловчи томонидан ҳудудий божхона органларининг депозит ҳисобварақларига кирим қилиниши керак. Кўрсатилган суммалар юк келишига қараб тузатилади, сўнгра улар республика бюджетининг даромадига қайд этилади.

Божхона органлари уч кун давомида ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини республика бюджетининг даромадига ўтказадилар. Божхона органлари қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисоблаб ёзилиши ва ўз ҳисобварақларидан республика бюджетининг даромадига ўз вақтида ўтказилиши учун жавобгардирлар.

Ортиқча тўланган ёки ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаси ўттиз кун ичида қайтарилиши ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилиши керак.

Тўловчи ортиқча тўланган ёки ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайтаришни талаб қилиб, улар тўланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб бир йил давомида мурожаат қилиши мумкин. Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайтариш божхона органларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганда амалга оширилади:

- тўловчининг ёзма аризаси, унда ортиқча тўлаш ёки ундиришнинг сабаблари кўрсатилади, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитлари берилади;
- унга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ва ундирилган божхона юк декларацияси;
- ижро этилиши тўғрисида ваколатли банк белгиси қўйилган, тегишли қўшилган қиймат солиғи суммаларини тўлашга доир тўлов ҳужжати;
- товарларнинг чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилгани тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган товарларга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайтариш умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини қайтаришнинг бошқа қоидалари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 2000 йил 29 июнда 02/8-27-сон билан тасдиқлаган Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисида йўриқномага кўра (рўйхат рақами 947, 14 июль 2000 йил) тартибга солинади.

Қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик декларант (тўловчи) зиммасига юкланади. Қўшилган қиймат солиғи белгиланган тартибга мувофиқ тўланмаган тақдирда тегишли тўловларнинг суммалари божхона органлари томонидан уларни тўлаш учун жавобгар шахслардан сўзсиз тартибда, божхона қонунлари томонидан белгиланган миқдорда пеняни ҳисоблаб ёзиш билан ундирилади. Қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисоблаб ёзилиши ва бюджетга тўланиши устидан назоратни божхона органлари божхона ва солиқ қонунларига мувофиқ амалга оширадилар.

Корхоналар қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Солиқлар тўғрисидаги қонунларнинг тўғри қўлланилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Қўшилган қиймат солиғини тўғри ҳисоблаб чиқарилгани ва ўз вақтида тўланиши бўйича жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига юкланади. Қўшилган қиймат солиғи тўланмаган тақдирда белгиланган тартибга мувофиқ тўланиши лозим бўлган тўловлар суммаси солиқ қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня ҳисобланган ҳолда солиқ органлари томонидан ундирилади. Қўшилган қиймат солиғини тўғри ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш устидан назоратни солиқ органи солиққа оид қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

12.5. Ҳисобварақ-фактурани тўлдириш тартиби

Ҳисобварақ-фактура товарларнинг юклаб жўнатилиши, ишларнинг бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши санасидан кечиктирмасдан ёзилади.

Ҳисобварақ-фактурада кўрсатилиши лозим:

1) ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзилган санаси;

2) ҳисобварақ-фактура илова қилинадиган, юклаб жўнатиладиган товарлар ҳужжатлари (шартномалар) рақами ва санаси;

3) солиқ тўловчи ва харидорнинг номи, манзили ва СТИРи, халқ хўжалиги тармоқлари умумдавлат таснифномаси (ХХТУТ) бўйича тармоқ коди;

4) комиссия шартномаси асосида ёзиладиган ҳисобварақ-фактуралар бўйича, ҳисобварақ-фактура юк жўнатувчининг қўшимча реквизитлари билан тўлдирилади, бунда ҳам номи, манзили ва СТИРи, халқ хўжалиги

тармоқлари умумдавлат таснифномаси (ХХТУТ) бўйича тармоқ коди кўрсатилади.

Жадвалли шаклни тўлдиришда қуйидагиларни қайд этиш керак:

1-устунда - товарлар номи (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар баёни);

2-устунда - мазкур товар бўйича қабул қилинган ўлчов бирлиги (дона, килограмм, метр ва шу кабилар) ва ишлар, хизматлар бўйича ўлчов бирлиги;

3-устунда - ҳисобварақ бўйича юклаб жўнатиладиган товарнинг миқдори (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажми), у юзасидан қабул қилинган ўлчов бирликларидан келиб чиқиб;

4-устунда - товарнинг шартнома (контракт) бўйича ўлчов бирлигида ҚҚСсиз нархи;

5-устунда - ушбу номдаги товар жами сонининг ҚҚСсиз қиймати (3-устун х 4-устун);

- агар ҳисобварақ-фактура бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар)га ёзиб бериладиган бўлса, унда бу ишлар (хизматлар)нинг қиймати ҚҚСсиз кўрсатилади ва 3 ҳамда 4-устунлар тўлдирилмайди;

- агар корхона акцизланадиган маҳсулот ишлаб чиқарса, ҳисобварақ-фактурага қўшимча устун киритилади, унда акциз ставкаси ва суммаси акс эттирилади;

6-устунда - қўшилган қиймат солиғи ставкаси (20 ёки 0 фоиз); агар товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚСдан озод қилиш мавжуд бўлса, оддий чизиқ тортиб қўйилади;

7-устунда ушбу товар (иш, хизмат) бўйича тегишли ставкаларга кўра ҳисобланган ҚҚС суммаси; агар товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚСдан озод қилиш мавжуд бўлса, оддий чизиқ тортиб қўйилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслар 6 ва 7-устунларда қўшилган қиймат солиғи суммаларини кўрсатмайдилар ва "Қўшилган қиймат солиғи суммасисиз" штампини қўядилар (ёки ёзиб қўядилар) ва 8-устунни тўлдирмайдилар.

8-устунда - товар (иш, хизмат) ҳар бир турининг ҚҚС қўшилган қиймати (ёки солиқдан озод қилинадиган ёки ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиганлари бўйича - ҚҚСсиз) кўрсатилади, амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслар 8-устунни тўлдирмайдилар.

Ҳисобварақ-фактуранинг якунловчи сатрида 5, 7 ва 8-устунлар бўйича суммалар жамланади. Ҳисобварақ-фактура раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ва корхона муҳри билан тасдиқланади.

Агар хўжалик юритувчи субъектлар товарлар олиб чиқишда юкхатларни ҳисобварақ-фактурага алмаштирса, "ишончнома бўйича товар олиш" тўғрисида белги тўлдирилади.

Бунда, агар хўжалик юритувчи субъектлар, товарларни етказиб беришга ҳисобварақ-фактураларни ёзишдан ташқари, "ишончнома бўйича олингани" тўғрисида белги қўйилган юкхатларни тўлдирсалар, ҳисобварақ-фактурада мазкур белгилар тўлдирилмайди. Уларнинг ҳақиқатда олинганлиги далолатномалар, маълумотномалар ёки бошқа шундай ҳужжатлар билан тасдиқланадиган бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҳам мазкур белгилар тўлдирилмайди.

Агар битим шартларига кўра мажбурият хорижий валютада кўрсатилса, ҳисобварақ-фактурада кўрсатиладиган суммалар хорижий валютада кўрсатилиб, Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги - ҳисобварақ-фактура ёзилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича қайта ҳисобланган сўмларда акс эттирилиши мумкин.

Асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектларини (тугалланмаган қурилишни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган) сотиш чоғида ҳисобварақ-фактуранинг жадвал шаклини тўлдиришнинг хусусиятлари:

1-устун "Товарлар (ишлар, хизматлар) номи"да - асосий воситалар, номоддий активлар ёки тугалланмаган қурилиш объектларининг номи кўрсатилади;

2-устун "Ўлчов бирлиги"да - ўлчов бирлиги кўрсатилади;

3-устун "Миқдори" - тўлдирилмайди;

4-устун "Нархи"да - асосий воситалар ёки номоддий активларнинг қолдиқ қиймати кўрсатилади. Тугалланмаган қурилиш объектлари учун уларнинг ҳақиқий таннархи кўрсатилади;

5-устун "Етказиб бериш қиймати"да – солиқ қонунчилигига биноан белгиланган солиқ солинадиган айланма миқдоридан ҳисоблаб чиқилган қўшилган қиймат солиғи суммасини унга киритган ҳолда сотиш нархи кўрсатилади;

6 ва 7-устунлар "ҚҚС"да - солиқ ставкаси ва солиқ қонунчилигига биноан белгиланганини ҳисобга олган ҳолда солиқ солинадиган айланма миқдоридан ҳисоблаб чиқарилган сумма кўрсатилади.

Бунда 7-устун, агар солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солинадиган айланма мавжуд бўлса, тўлдирилади. Агар солиқ солинадиган айланма мавжуд бўлмаса, яъни 4-устун суммаси 5-устунда кўрсатилган суммадан катта ёки унга тенг бўлса, 7-устун тўлдирилмайди;

8-устун "Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати"да - солиқ қонунчилигига биноан белгиланган солиқ солинадиган айланма миқдоридан ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат суммасини унга киритган ҳолда сотиш нархи кўрсатилади. Бунда 8-устун, агар 5-устунда кўрсатилган нарх 4-устунда кўрсатилган суммадан катта бўлган тақдирда тўлдирилади.

Асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш объектлари текинга берилганида ҳисобварақ-фактураларни тўлдириш юқорида баён этилган тартибга айнан ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Ишлар (қурилиш, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳа-қидирув, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар) бажариш ёки хизматлар (транспортга доир, мол-мулкни ижарага бериш, алоқа хизматлари ва бошқалар) кўрсатиш билан шуғулланадиган корхоналар ҳисобварақ-фактура ёзиш чоғида белгиланган шаклга мувофиқ, ишлар (хизматлар) ижрочиси ҳамда буюртмачи сифатида барча реквизитларни тўлдиришлари керак.

Юқорида айтилган корхоналар томонидан жадвал шакли тўлдирилганида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

1-устунда: товарлар (ишлар, хизматлар) номи - бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) тавсифланади;

2-устунда - пул ифодасида ўлчов бирлиги кўрсатилади;

3-“Миқдори” ва 4-“Нархи” устунлари тўлдирилмайди;

5-“Етказиб бериш қиймати” устунида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми қўшилган қиймат солиғисиз кўрсатилади;

6-устунда ҚҚС ставкаси кўрсатилади;

7-устунда ҚҚС суммаси кўрсатилади;

8-устунда бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади.

Агар ишлар бажараётган, хизматлар кўрсатаётган корхоналар кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтса, 6 ва 7-устунларда қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайди ҳамда “ҚҚССиз” штампини қўяди (ёки ёзиб қўяди) ва 8-устунни тўлдирмайди.

Агар ишлар бажараётган корхоналарда буюртмачига имзо чекиш учун тақдим этилган, бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисобварақ-фактурада ҳисобварақ-фактуранинг белгиланган шаклида акс эттирилган барча мажбурий реквизитлар (ушбу ҳужжатни ёзишга асос бўлган шартноманинг рўйхат рақами ва санаси, номланишлар, манзиллар, СТИР, ХХТУТ бўйича тармоқ коди) мавжуд бўлса, ҚҚС ставкаси ва суммаси алоҳида

ажратилган, ҚҚС тўламайдиганлар бўйича “ҚҚСсиз” белгиси қайд этилган бўлса, бундай корхоналар қўшимча равишда ҳисобварақ-фактура ёзмаслиги керак. Бунда “бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисидаги маълумотнома - ҳисобварақ-фактура” ҳисобварақ-фактура бўлиб ҳисобланади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўшилган қиймат қандай таркиб топади?
2. Қўшилган қиймат солиғи илк бор қайси давлатда ким томонидан жорий этилган?
3. Қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти қандай?
4. Қўшилган қиймат солиғини қандай шахслар тўлайди?
5. Қўшилган қиймат солиғи объекти қандай аниқланади?
6. Солиққа тортиладиган оборот деганда нимани тушунасиз?
7. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари ва уларни қўллаш тартиби қандай?
8. Ноллик ставка қайси товарлар (иш ва хизматлар)га нисбатан қўлланилади?
9. Қандай товарлар ва маҳсулотлар (ишлар хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод бўлади?
10. Ноллик ставка билан имтиёз ўртасида қандай тафовутлар мавжуд?
11. Ҳисобварақ-фактуралар қандай тўлдирилади ва унда қўшилган қиймат солиғи қайси пунктларда кўрсатилади?
12. Импорт товарларга қўшилган қиймат солиғи қайси формула орқали аниқланади?

Топшириқлар

1. Қўшилган қиймат солиғи бўйича чет давлатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш.
2. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш ва ҳисоботни тақдим этиш тартибини ўрганиш.
3. Импорт қилинадиган иш ва хизматларга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш формуласини аниқланг.

13-боб. Акциз солиғи

Режа

13.1. Акциз солиғининг солиқ тизимида ва давлат бюджети даромадларидаги ўрни

13.2. Акциз солиғини тўловчилар таркиби ва солиқ солиш объекти

13.3. Солиқ ставкалари ва имтиёзлари

13.4. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш

Таянч сўз ва иборалар

Юридик шахс, акциз солиғи, экспорт, ҳисобварақ-фактура, давлат бюджети, бюджет даромадлари, акцизости товарлар, солиқ базаси.

13.1. Акциз солиғининг солиқ тизимида ва давлат бюджети даромадларидаги ўрни

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими доирасида юзага келган янги иқтисодий муносабатлар янгича иқтисодий муносабатларни шакллантиришда актив иштирок этадиган солиқ турларини илмий ва амалий жиҳатдан асосланиш заруриятини тугдирмоқда. Ана шундай солиқ турларидан бири акциз солиғи бўлиб ҳисобланади. Акциз солиғи мамлакатимиз олимлари томонидан назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган натижада уни амалиётда шаклантиришда турлича ёндошувлар асос қилиб олинмоқда. Бундай ёндошувлар узининг икки хусусияти билан кузга ташланиб келинмоқда, яъни:

- акцизли товарларни аколи истеъмол даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши;
- акцизли товарларга нисбатан ўрнатиладиган солиқ ставкалари миқдорининг ўзгарувчанлиги;
- акцизли оборотнинг аниқланишининг тартиби ва бошқалар.

Бундай хусусиятлар ўз навбатида акциз солиғи доирасида ечилмаган анчагина муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Шундай муаммолардан бири акциз солиғининг моҳиятини очиш орқали уни солиқ муносабатлари доирасида ва давлат бюджетининг тўлиқлигини таъминлашдаги ўрнини белгилаш билан боғлиқ бўлмоқда.

Акциз солиғи турли иқтисодий ривожланиш босқичларида бўлган қатор давлатларда билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга акциз солиғи ҳозирги кунда жаҳон солиққа тортиш амалиётида муваффақиятли

қўлланилмоқда. Акциз солиғининг қадим даврлардан ҳозирги кунга қадар бундай кенг тарқалишининг асосий сабаби, унинг фискаллик аҳамияти ва йиғувчанлик даражасининг юқорилигидадир. Бу ҳақда, ҳатто 1666 йилда француз иқтисодчиси Ф.Дэмэзон таъкидлаб ўтган эди: «акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир»[50].

Акциз солиғининг моҳияти аввало солиқ ундирувчи ва солиқ тўловчилар уртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам уни моҳиятини шу икки субъект: тўловчи ва ундирувчи ўртасида юзага келадиган доимий муносабатлар доирасида ифодалаш зарур. Аммо акциз солиқ моҳияти аввало шу солиқ воқелиги табиатини ифодалаш заруриятини тақозо этади.

Акциз солиқ воқелигининг табиати ҳар қандай иқтисодий воқелик табиатига ўхшашдир. Чунки иқтисодий воқеликлар табиати уларни ташкил этиш манбаларида тўлиқ ўз аксини топади. Шундай экан, мавжуд турли иқтисодий категорияларнинг асл манбаи қўшимча қиймат бўлганлиги каби акциз солиғининг асл манбаи ҳам қўшилган қийматдир. Лекин, бошқа иқтисодий категориялар манбаи ўз қадамини бирламчи тақсимот доирасида топса, акциз солиғи шу қўшимча қийматни истеъмол доирасига чиқарилган қисмининг бир бўлаги шаклида топмоқда. Акциз солиғи бирламчи тақсимотда эмас, балки иккиламчи такримотда намоён бўлади ва ўз моҳиятининг ана шу доирада ифодаланишини тақозо этади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, акциз солиғи товар ва хизмат нархига устама куринишида ундирилсада, у истеъмолчи томонидан юзага келтирилган пул маблаглари ҳисобидан тўланади. Ана шу пул маблағларининг ҳам асл манбаи қўшилган қиймат бўлиб ҳисобланади. Бу эса акциз солиғининг доимий такрорланиб турадиган иқтисодий воқелик деб тушунмоғимизни тақозо этади. У ўз мажмуасига кура бошқа солиқ турлари каби молия иқтисодий категориясининг таркибий компонентидир. Чунки акциз солиғига бошқа иқтисодий қиймат категориялари каби доимий қайтарилиб турадиган пул муносабатларида намоён бўлади. Қолаверса, пул муносабатлари мазмунининг ўзига хос жиҳатларини очиш орқали акциз солиғининг моҳиятини шакллантириш мумкин. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бошқа солиқ турлари каби акциз солиғининг моҳиятини давлат бюжетини тўлдириб турувчи восита ёки қурол сифатида кўришлик ушбу солиқни пул муносабатлари

[50] Малов В.Н., Кольбер Ж.Б. Абсолютистская бюрократия и французское общество. – М.: 1991. – с. 90

доирасида намоён бўлишлигини инкор этиш билан тенгдир. Чунки ҳар қандай иқтисодий воқеликлар ҳаракатига турли восита ва қуроллар орқали таъсир этиш мумкин. Солиқ тўловларини восита ва қуроллар орқали тартибга солиш мумкин, аммо уларга таянган ҳолда вокеалик моҳиятини очиш мумкин эмас. Қурол ва восита (ёки айрим хрлларда ричаг ва механизм деб ишлатиладиган сўзлар мажмуаси) иқтисодий воқеаликлардан пул муносабатлари доирасида самарали фойдаланиш имкониятини яратади ёки уларни тартиблаштиришни такоза эттиради, холос.

Бу борада шуни айтиш жоизки, акциз солиғининг моҳияти доимо эгри солиқлар доирасида урганиб чиқилади. Шу сабабли, унинг ҳам иқтисодий моҳияти қўшилган қиймат солиғининг моҳиятига яқиндир. Бу яқинлик давлат билан юридик шахслар ўргасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали намоён бўлади. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам махсус ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши миллий даромаднинг бир қисми бўлиши пул маблағларини давлат бюджетига сафарбар қилишда намоён бўлади. Шунингдек бундай солиқларга узига хос фискал иқтисодий категория сифатида ҳам қаралади.

Улар орқали давлат бюджети даромадларининг салмоқди қисми ташкил этилмоқда, улар узларига мансуб функциялар орқали ишлаб чиқаришга, унинг ўсишини рағбатлантиришга, сармоянинг жамғариш жараёнини кучайтиришга ҳамда аҳолининг тўлов қобилятини яхшиланишига ва шу каби тадбирларни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Акциз солиғи ўз моҳиятига кўра, товар баҳосига киритилувчи ва охирги истеъмолчи томонидан туланадиган эгри солиқдир. Унинг ижтимоий- иқтисодий моҳияти фақат тақсимот даражасига қараб ифодаланади ва такомиллаштирилади.

Бюджет тушумини таъминлаш орқали акциз солиғининг иқтисодий моҳияти халқ хўжалик манфаатларини қондиришга кўпроқ маблағлар жалб эттирилишида намоён бўлса, унинг ижтимоий моҳияти аҳолининг, яъни асосий истеъмолчиларнинг тулов қобилиятларининг ошишида ўз ифодасини топади. Бу эса акциз солиғи объектлари (акциз ости товарлари)ни қисқартирилишида, солиқ ставкаларини пасайтирилишида, аҳоли тўлов қобилиятининг ўсишида ўз аксини топади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, субъектлар акциз солиғи истеъмолчилари сифатида ҳам юзага келиши мумкин.

Ушбу солиқ бўйича енгилликларнинг берилиши товарлар харид

қилиш учун олинадиган кредит ресурсларининг қисқартирилишига, бу эса ўз вақтида, молиявий натижаларнинг ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, акциз солиғи ижтимоий муҳитни ҳам яхшилаш имкониятларини молиявий натижаларнинг ўсиши орқали таъминланиши мумкин. Акциз солиғининг такомиллаштирилиши ижтимоий-иқтисодий муҳитни яхшиланишига ва истеъмол даражасини оқилона ташкил этишга олиб келади.

Шундай қилиб, акциз солиғининг моҳияти объектив пул маблаглар тақсимот доирасида юзага келадиган айрим ижтимоий-иқтисодий муносабатларни юзага келтиришда ўз аксини топади. Лекин шу билан бирга таъкидлаш лозимки, акциз солиғи фақат қиймат тақсимотида юзага келадиган пул муносабатларида ўз ижтимоий-иқтисодий моҳиятини шаклланатиради.

Акциз солиғи ҳам барча солиқ хиллари каби мажбурий тўлов бўлсада, бундай мажбурийлик Олий Мажлис томонидан демократик тамойилларга амал қилган ҳолда қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топгандир. Аввало акциз солиғи мажбурий тўлов сифатида давлатнинг манфааатини кўзда тутган ҳолда демократик меъёрлар асосида Олий Мажлис томонидан тартиблаштирилиб турилади. Шунииг учун ҳам акциз солиғи ўз моҳиятидан келиб чиқиб узоқ йилларга мўлжалланган мажбурийлик муносабатларини ифодалайдиган бошқа солиқ хилларидан ҳисобланиш объекти ва бюджетга ундирилиш тартиби билан фарк қилса ҳам, ташкил этишларининг асл манбалари жиҳатидан фарқ қилмайди. Акциз солиғининг моҳиятини очишда унинг асл манбасига эътиборни каратиш зарур. Чунки акциз солиғини моҳиятини очишда унинг асл манбаси муносабатларнинг реал мажмуасини ифодалайди. Шунингдек, акциз солиғини ташкил этувчи асл манба объектив пул муносабатларининг базис тушунчасига киради ва ҳуқуқий меъёрлар билан мустаҳкамлангандир. Бу борада шуни айтиш керакки акциз солиғини такомиллаштирншга оид чора тадбирлар, уни аниқлаш объектининг ўзгартирилиб турилиши, акцизли товарлар сонининг оширилиши ёки камайтирилиши унинг моҳиятини ифода эта олмайди. Акциз солиғининг бундай хусусиятлари қонунлар ва солиқ сиёсати орқали белгиланиб давлат олдида турган вазифаларнинг ҳал этилишида омил сифатида намоён булишлигини ифодалайди, холос.

Шундай қилиб, акциз солиғи пул муносабатларини ифода этиб, бу муносабатлар доирасида уни тўловчи сифатида истеъмолчилар ва давлат туради. Уни туловчи истеъмолчилар билан давлат ўртасидаги муносабатлар ва уларни ташкил этиш демократия тимсоли бўлмиш

Олий Мажлис томондан тартиблаштирилиб турилади. Чунки акциз солиғи бюджет даромадини ташкил этувчи энг асосий манба бўлиб ҳисобланади. Бюджет даромадини манбаи сифатида ташкил этишда юзага келадиган муносабатлар акциз солиғига хос ва бошқа иқтисодий воқеликларга мансуб бўлмиш функциялар орқали ўз моҳиятини тўлиқ ечиб келмокда. Унга ҳам тақсимот ва назорат функцияси мансубдир. Фақат шу функциялар унинг мавжуд иқтисодий вокеликлар доирасида ҳаракат чегарасини ва моҳиятини очиб беради.

Акциз солиғининг тақсимот функцияси ва унинг ҳаракат чегараси солиқларнинг (яъни, кенг маънодаги) моҳиятидан келиб чиқади, яъни ижтимоий маҳсулотни, уни таркибий қисми бўлмиш миллий даромадни тақсимоти билан боғлиқ бўлган ва таъминлаб берувчи муносабатлардан.

Акциз солиғига хос бўлмиш тақсимот функцияси ижтимоий маҳсулотни мустақил элементларининг тақсимотида ва қайта тақсимотида юзага келади. Шу доирада юзага келадиган такримот акциз солиғини бошқа солиқлардан уларок, фарқлаш имкониятини яратиб беради. Чунки ҳар қандай иқтисодий воқеликни ижтимоий маҳсулот доирасида ўзига хос мустақил тақсимот функцияси марказлаштирадиган пул фондларини ташкил этиш орқали ўз моҳиятини мазмунли кенг маъноли доирада ифодалайди. Бундай элемент солиқларни барча белгиларига жавоб беради ва улар билан ўзаро боғлиқликда солиқлар моҳиятини кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган пул муносабатлари оркдли мазмунан бойитиб боради.

Акциз солиғининг пул муносабатлари доирасида норматив хусусияти билан ажралиб турганлиги уни назорат функцияси намоён бўлганлигини ифодалайди. Назорат функциясининг реализация шакли акциз солиғининг миқдорий жиҳатларини ахборотлар орқали молиявий кўрсаткичларнинг ташкил этилишида ўз аксини топади.

Иқтисодий жараёнларни қиймат кўрсаткичлари орқали бахрлаш ва ўлчаш акциз солиғининг назорат функциясининг узига хос хусусиягида акс этди. Чунки акцизли оборот акциз солиқ объектини ифодаласа, истеъмол фондлари ва кредит ресурслари эса уни ҳаракатга келтирувчи асосий манбалари бўлиб ҳисобланади. Унинг яна бир ўзига хос хусусияги кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида таъсир этувчи омил сифатида намоён булишлигидир. Бу эса акциз солиғидан кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёни турли босқичларида назорат воситаси сифатида

фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Акциз солиғи функциясининг энг асосий вазифаси солиқ қонуниятларига тулиқ ва ўз вақтида итоат этишни, солиқ тўлов тўлиқлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Акциз солиғининг назорат функцияси амалда Давлат солиқ хизмати органи ходимлари томонидан амалга оширилиб келинаётган фаолиятнинг назарий асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, акциз солиғининг назорат функцияси, унинг тақсимот функцияси билан ёнма-ён олиб борилиши орқали ушбу солиқнинг амалда намоён булиш вазифалари мажмуасинн ифодалайди.

Акциз эгри солиқларини энг асосий таркибий қисми бўлиб, у товар (хизмат) нархига, кушимча устама куринишида ундириладиган ва бевосита истеъмолчилар томонидан туланадиган иқтисодий категориядир. Акциз солиғини устама шаклида қўллаш уни бошқа иқтисодий категориялар билан ўхшаш нарса деб тушунмаслик лозим. Мисол учун «савдо устамаси», «устама хақи» каби тушунчалардан мазмунан фарқ қилади. Хатто уни белгилаш тартиби нафакдт улардан хатто бошқа эгри ва тўғри солиқ турларидан ҳам бевосита фарқ қилади.

Акциз солиғи солиқ тизимининг таркибий қисми бўлиб солиқ сиёсатининг шакллантирилишида алоҳида урин эгаллайди. Чунки акциз солиғи бозор иқтисодиётини шакллантириши шароитларида турли миқдорларда ундирилиб давлат бюджетининг даромад қисмининг энг катта ҳиссасини ташкил қилмоқда.

Акциз солиғини аниқлаш тартиби бошқа солиқ хилларидан уларок фарқ қилиши аввало тезкорлик билан қисқа вақт ичида бюджетга кўчирилиши ва бюджет туликдигини таъминланш унинг ролини иқтисодий воқеалар ичида ошириб келмоқда. Шундай кдлиб акциз солиғи, баъзи товарларнинг истеъмол қилинишини чеклашда, кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган харажатлар урнини конлашда, янги-янги магистрал йўлларни қуриш ва шунта дойр харажатларни коплашда ута муҳим эканлигидан келиб чиққан ҳолда унга бўлган заруриятни бозор иқтисодиёти шаройтида тобора ошириб келмоқда. Хатто акциз солиғини айрим муносабатлар доирасида қўллаш (яъни автомобил сотиб олиш, товарларни экспорт ва импорт кдлишда) орқали бюджет дефицитини бартараф этиш, давлат валюта тушумини ошириш имкониятлари яратиб берилмоқда.

Акциз солиғининг узига хос хусусияти шундаки, у қўшилган қиймат солиғи каби товар (хизмат) нархига устама кўринишида

намоён бўлсада, ундан аниқланиш усуллари орқали фарқ қилади, чунки акциз солиқ суммаси ўз таркибида нафакат товар (хизмат) нархини, балки узининг бирламчи ҳажмини ҳам ифодалайди (Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикасида қонунлаштирилган). Акциз солиғининг бундай тартиби давлатнинг солиқ сиёсати билан белгиланган. Акциз солиқ, хджмининг ушбу тартиби бошқа тараққий этган мамлакатларда нисбатан амал қилаётган тартибдан ўлароқ, фарқ қилади. Мисол учун айрим бир давлатларда истеъмол солиғи, яъни хар бир харид учун солиқ хизмат кўрсатишда оборот солиғини аниқланиш тартиб ва усуллари бизда амал қилаётган акциз солиғини аниқлаш тартибидан фарқ қилади. Аммо иқтисодиётнинг барқарорлаштирилиши, давлат бюджети дефицитининг баргараф этилиши бевосита ушбу солиқни аниқлаш ёки белгиланиш тартибига крнуний равишда ўзгартириш киритиши мумкин. Бу борада шуни айтиб ўтиш жоизки, акциз солиғига 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашма ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳамда бозор муносабатларига ўтиш билан 1992 йил 14 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга асосан, 1992 йилдан бошлаб жорий этилган бўлса ҳам, у узига хос хусусиятларга эгадир.

Аввало у оммавий харидоргир товар ва хизматлар ҳамда зеб-зийнат, буюмларининг муайян доирасига нисбатан қўлланилади. Аммо ривожланган мамлакатларда эса акциз солиғи умумий солиқ сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, бюджет даромадларини тўлдириш мақсадида жорий этилган бўлса, унда бизда амал қилинаётган акциз солиғи умумий тамойиллари жиҳатидан бошқа давлатлардагидан деярли фарқ қилмайди. Чунки мулкчилик шаклидан қатъий назар акциз солиғига тортилиши белгиланган товар ва маҳсулотлар ишлаб чик,арувчи барча юридик шахслар акциз солиғи тўловчилари ҳисобланади.

1992 йилда инфляция юқори бўлганлиги сабабли иккинчи даражали эҳтиёж молларига қатъий ставкаларда (абсолют кдйматларда) акциз солиғи белгиланади. Чунки, бу даврда нархнинг фарқи эвазига олинаётган даромаднинг бир қисми солиққа тортилмай қолмоқда эди. Шу сабабли, 1993 йил январ ойидан бошлаб, қатъий ставкалар ўрнига фоизли ставкалар қўлланила бошлади. Натижада солиқ объектининг ҳажми ўзгаришга мос равишда солиқ суммасининг ўзгариши, солиқ суммасининг аниқ ҳисобланиши ва бюджетга ундирилишини таъминланди. Шу тариқа акциз солиқ

миқдори товарнинг ишлаб чиқариш харажатларии, фойдани, акциз солиғи миқдорини ўз ичига олган, сотиш нархидан келиб чиқиш ҳолда аниқланишига асос солинди. 1993 йил январ ойидан бошлаб ушбу тартиб акциз солиғига тортилувчи барча маҳсулотларга нисбатан қўлланилиб келинмоқда.

Акциз солиғи билвосита солиқ ҳисобланиб, мамлакат ички бозорини ҳимоялашда ва зеб-зийнат буюмлари, ҳаётий эҳтиёж бўлмаган товарларга нисбатан нархни тартибга солишда кенг қўлланилади. 2003 йилдан бошлаб акциз солиғини ҳисоблаш тартибида туб ўзгаришлар юз берди ва алкоголли маҳсулотларга нисбатан республикамизда биринчи марта қатъий акциз солиғи ставкалари белгилаш амалиёти жорий этилди.

Шундай қилиб, юқорида номи тилга олган қонун акциз солиғини қўллаш учун асос солди ва соф даромаднинг бир қисми сифатида у бюджетга марказлаштирилиб келинмоқда.

Акциз солиғини ундириш учун ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- Солиқ кодекси
- “Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 33-сонли қарори. 16.02.2011
- “Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумот шаклини тасдиқлаш ҳақида” Давлат солиқ қўмитасининг 2074-сонли қарори. 27.01.2010 ва бошқалар.

13.2. Акциз солиғини тўловчилар таркиби ва солиқ солиш объекти

Акциз солиғидаги товарларни ишлаб чиқарувчилар ва акциз солиғи солинадиган товарларни муомала соҳасида сотувчи ёки истеъмолчи ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан сотиб олувчилар мулкчилик шаклларидан қатъий назар акциз солиғининг туловчилари бўлиб ҳисобланадилар. Бу эса акциз солиғининг тўловчиларини солиқ муносабатлари доирасида ва иктисодий тараққиётни таъминлашдаги масъулиятларини тобора ошириб келмоқда. Чунки акциз солиғи солинадиган товарлар халқ хужалигининг энг нуфузли тармоқларида ишлаб чиқарилмоқда.

Улар томонидан ишлаб чиқарилган акцизли товарлар бевосита муомала соҳасига тушади. Бу эса акцизли товарларнинг истеъмолчилар томонидан сотиб олинишини ва пул тушумларининг банк тизимларига бир тартибда тушишини тартиблайди.

Акциз солиғи бозор иқтисодиёти тараққиётини таъминлашда солиқ муносабатларининг активлигини оширишда муҳим рол ўйнамоқда. Истеъмолчига етиб бораётган қандай акцизли товар баҳоси таркибидаги иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаракатини пул муносабатлари орқали амалга оширишда муҳим ва мураккаб муаммоларни бажариб келмоқда. Акциз солиғининг бошқа солиқлар билан ўзаро боғлиқдаги ва ривожланиш жараёни бирмунча мураккаб вазиятда амалга ошаётган булсада, иқтисодий тараққиётни халқ хўжалигининг нуфузли тармоқлари орқали таъминлашга имконият туғдирмоқда.

Республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг илк босқичи ишлаб чиқаришнинг қисқариши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, пулнинг қадрсизланиши ва бошқа бир қатор зиддиятли хусусиятларга эга булган чуқур иқтисодий торлик акциз солиғи орқали тартибга солинади. Чунки ана шундай вазият юзага келганда бутун оғирлик маркази асосан давлат бюджети зиммасига тушганлиги солиқ оғирлигининг акциз солиғига юклатилишини тақозо этган эди. Давлат бюджети харажатларининг аввалги (бозор иктисодиётига ўтиш босқичига қадар) таркибига хос бўлмаган ёки фавқулоддаги ҳолатга хос бўлмаган баъзи бир тўловлар ортиғи билан амалга оширилишида (яъни айрим товар ва хизматлар баҳосининг қимматлашуви муносабати билан улар баҳосининг маълум миқдорини компенсация қилиш, кам таъминланган аҳоли гуруҳларини иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, бюджетдан таъминланадиган ҳақ тўлаш миқдорини мунтазам равишда қайта кўриб чикдш объектив заруриятига айланганда) акциз солиғи бюджет даромадини тартибга солувчи восита сифатида солиқ муносабатлари доирасида муҳим ўрин эгаллайди.

Бундай шароитларда акциз солиғидан кенг фойдаланиш, солиқ ставкасининг миқдорини нисбатан акцизли товарлар бўйича ошириш, солиқ имтиёзларининг тўғри солиқлар бўйича маълум даражада қисқартирилишини объектив тарзда вужудга келтирди. Ушбу ҳолат ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга имконият туғдириб берди.

Республика олдида турган иктисодий-ижтимоий муаммоларни ечиш ва такомиллаштиришда асосий мақсад солиқлар буйича оғирлик марказини акциз солиғига юклатиш ва шу орқали корхоналар ихтиёрида қоладиган даромад (фойда)ни ошириш (шу кўрсаткичларга нисбатан солиқ ставкасини пасайтириш ва шу ставкаларни пасайтирувчи коэффициентларни қўллаш йўли билан)

имкониятлари яратиб берилди.

Бундай чора-тадбирлар асосан акциз солиғи ёрдамида корхоналарнинг моддий ва пул ресурсларидан фойдаланишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш, солиқ оғирлигини камайтириш ва бюджет даромадларига мувофиқ равишда корхоналар даромад (фойда)ларининг оширилишини назарда тутади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, иқтисодий тараққиётни таъминлашда акциз солиғи факдт ижобий омил сифатида солиқ муносабатларида майдонга чиқади. Аммо бошқа солиқ хиллари ҳам ўз вақтида акциз солиғидан кам бўлмаган ижобий таъсирчанлик билан иқтисодий тараққиётни таъминлаб келиши сир эмас, албатта. Шунингдек, иқтисодиётни такомиллаштиришда бошқа иқтисодий категорияларнинг ўрни жуда каттадир. Лекин акциз солиғи бозор конъюктурасига тез мослашуви билан ажралиб турганлиги боис айрим иқтисодий усишлари юз берганда унга таяниш орқали солиқ оғирлигини мақбуллаштириш ва иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишини амалга ошириш мумкин.

Акцизланадиган товарлар ишлаб чиқарадиган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик шахслар акциз солиғи тўловчилари ҳисобланади. Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида корхоналар ҳам тушунилади.

Акциз тўланадиган товарлар олиб кирувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар акциз солиғини тўловчилар ҳисобланади. Бунда, агар қонун ҳужжатларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, исталган манфаатдор шахс тўловчи учун божхона тўловларини тўлашга ҳақлидир.

Акциз солиғи билвосита солиқ кўринишида бюджетга киритиладиган (олинадиган), нархда ва қўшилган қиймат солиғи солиш базасида ҳисобга олинадиган соф даромаднинг бир қисмидир. Акциз солиғи ставкалари ва акцизланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан етказилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра рўйхатлар ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи божхона хизматлари томонидан сўмларда ундирилади ва ҳар 5 кунда республика бюджетига кирим қилинади. Олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга акциз солиғининг ҳисоби ва унинг бюджетга келиб тушиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизматининг ҳудудий бошқармалари амалга оширади.

Солиқ объекти таркиби: қатъий солиқ ставкалари белгиланган маҳсулотлар бўйича-сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан натурадаги ифодаси; ўз ичига акциз ва қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда юклаб жўнатилган товар қиймати.

Солиқ солиш объекти вужудга келадиган корхона ва жисмоний шахсларгина акциз солиғи тўловчилари ҳисобланадилар.

Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқармайдиган шахс (Масалан Женерал моторс АЖ диллерлари) тўловчи қилиб белгиланиши мумкин.

Қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объектдир:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан: товарни сотиш (жўнатиш);

Солиқ солинадиган база ҳар бир товар бўйича алоҳида белгиланади.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун, инсонпарварлик ёрдами ва беғараз техник кўмак сифатида, шунингдек хайрия мақсадлари учун акциз тўланадиган товарларни давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишга;

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб

кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда акциз солинадиган товарлар рўйхати кенгдир. Буларга пахта ёги, гуруч, совун ва бошқалар. Шундай қилиб, акциз солиғининг асосий хусусияти бузилмоқда. Акциз солиғи шундай товарларга солиниши керакки, уларга талаб уларнинг нархига боғлиқ бўлмаслиги керак. Бу зеб-зийнат маҳсулотлари ва одам ва халқ саломатлигига зарар етазувчи товарлар. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда акциз солиғи оборотдан солиқ ролини утамоқда, айнакса, товарлар импорт қилинаётганда.

Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

13.3. Солиқ ставкалари ва имтиёзлари

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

а) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

б) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

в) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;

- давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга;

г) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга;

д) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

2019 йилда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланган (12-жадвал):

12-жадвал

2019 йилда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи ставкалари[51]

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	Фоиз-ларда	бир ўлчов бирлигига, сўмда
1. Этил спирти (1 дал. учун)		9800
2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун) - табиий равишда ачитилган натурал винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда) - бошқа винолар		 7700 13200
3. Коньяк (1 дал тайёр маҳсулот учун)		92500 (40%дан юқори 152400)
4. Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун)		84500 (40%дан юқори 140300)
5. Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)		9200
6. Фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папиroслар (1 минг дона учун)		117900
7. Заргарлик буюмлари	25	
8. "Женерал Моторс Ўзбекистон" АЖ ишлаб	3	

[51] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори. www.lex.uz

чиқарган автомобиллар		
9. Мобил алоқа хизмати	15	
10. Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
11. Нефть маҳсулотлари (1 тонна учун):		
Аи-80 бензини		32143
Аи-91, Аи-92, Аи-93 бензини		35343
Аи-95 бензини		40898
дизель ёқилғиси		27340
ЭКО дизел ёқилғиси		28425
Авиакеросин		5058
Дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи		20700
12. Табиий газ, шу жумладан, экспорт	15	
13. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ ("Ўзтрансгаз" АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), шу жумладан, экспорт	26	
14. Полиэтилен гранулалар	25	
15. Охирги истеъмолга сотиш бўйича		
Бензин, 1 л учун		285
Дизел ёқилғиси, 1 л учун		285
Суюлтирилган газ, 1 л учун		285
Сиқилган газ, 1 куб учун		360
Бензин, 1 т учун		378480
Дизел ёқилғиси, 1 т учун		346275
Суюлтирилган газ, 1 т учун		540645

Қатъий миқдорларда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиши ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

"Женерал Моторс Ўзбекистон" АЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газга акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Қимматбаҳо металларга доир акциз солиғини тўловчилар, унинг ставкалари ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

13.4. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш бошқа божхона тўловларини тўлашдан олдин ёки у билан бир вақтда амалга оширилади. Тўлдирилган ҳужжат билан бирга тақдим этилган, тўлашга қабул қилинганлиги тўғрисида банк белгиси бўлган тўлов топшириқномаси тўловчи томонидан акциз солиғи тўланганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларга акциз солиғининг суммаси республика бюджетига кирим қилинади.

Давлат божхона қўмитаси ҳудудий божхона бошқармаларининг қарорига кўра тўловчига, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 16 мартда 03/8-78-сон билан тасдиқланган Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашни тақдим этиш тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 697, 1999 йил 8 апрель) мувофиқ товарларнинг божхона расмийлаштируви санасидан бошлаб 2 ойдан ошмайдиган муддатга акциз солиғини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилиши мумкин.

Тўловчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

1. Жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;
2. Жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;
3. Кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни бўлиб ҳисобланади.

Ўн кунлик тўловлар бўйича акциз солиғининг келиб тушган суммаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтда солиқни “Ҳисоблаб ёзиш” ва “Тўлаш” устунларида акс эттирилади.

Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоб рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади: корхоналар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) - ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмасдан ҳар

ойда; микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик ва 9 ой якунлари бўйича, ўн кунликларга тақсимлаган ҳолда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида.

Дам олиш (ишланмайдиган) ёки байрам кунига тўғри келадиган акциз солиғини тўлаш муддатлари, тегишинча, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатлари ҳам дам олиш ёки байрам кунидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Ҳисобот даври мобайнида ўн кунлик тўловлар билан киритилган акциз солиғи суммалари тегишли ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасида ҳисобга олиниши керак.

Ортиқча киритилган акциз солиғи суммалари бўлғуси тўловлар ҳисобига киритилади ёки унинг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб Давлат солиқ хизмати органи томонидан 30 кун ичида тўловчига қайтарилади (агар бюджетга тўловлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса). Ортиқча келиб тушган акциз солиғи суммаси ўттиз кун ичида қайтарилиши ёки келгуси тўловлар ҳисобига киритилиши керак.

Улар тўланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб бир йил давомида тўловчи ортиқча тўланган ёки ундирилган акциз солиғи суммалари қайтарилишини талаб қилиб, мурожаат этиши мумкин.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш божхона органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш билан амалга оширилади:

1. Тўловчининг ёзма аризаси, унда ортиқча тўлаш ёки ундириш сабаблари кўрсатилади, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитлари берилади;

2. Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш учун асос бўлган божхона юк декларацияси;

3. Ижроси тўғрисида банк белгиси қўйилган, акциз солиғининг тегишли суммаларини тўлашга оид тўлов ҳужжати;

4. Товарлар (ишлар, хизматлар) чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилгани тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган (зарур ҳолларда) товарга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади. Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтаришнинг бошқа қоидалари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 29 июнда 02/8-27-сон билан тасдиқланган Ортиқча тўланган ёки

ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 947, 2000 йил, 14 июль, Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 13-сон)га биноан тартибга солинади.

Акциз солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритилади. Акциз солиғининг бюджетга киритиладиган ҳисоблаб чиқарилган суммаси харидорлар ва буюртмачилардан олинадиганларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади. Бюджетга акциз солиғи суммасини тўлаш бюджетга тўловларга доир қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Акциз маркаларини харид қилиш чоғида бошқа жорий активларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Маҳсулотни маркалаш учун акциз маркаларидан фойдаланишга қараб бухгалтерия ёзуви амалга оширилади: давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ва бошқа жорий активларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Солиқ тўловчилар акциз солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва ўз вақтида тўланиши учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Акциз солиғининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик тўловчилар ва декларантлар зиммасига юкланади.

Тўловчи томонидан акциз солиғи бўйича бюджет олдидаги мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда божхона хизматлари тегишли суммаларни, шунингдек муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириш куни ҳам қўшилади, 0,5 фоиз миқдорида пеняларни ундирадилар.

Олиб кириладиган товарлар бўйича ундириладиган акциз солиқларининг бюджетга кирим қилиниши устидан назоратни божхона органлари амалга оширади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Акциз солиғи қачон жорий этилди?
2. Акциз солиғи тўловчилар қандай гуруҳланади?
3. Акциз ости товарларини аниқлаш мезонлари қандай?
4. Акциз солиғи объекти нималардан иборат?
5. Акциз солиғининг базаси қандай аниқланади?

6. Акциз солиғини тўлашдан кимлар озод этилган?

7. Акциз солиғи ставкалари ва акцизости товарлар рўйхати ким томонидан белгиланади?

8. Акциз солиғини ҳисобга олиш тартиби қандай?

9. Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқишнинг хусусиятлари нимада?

10. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

11. Акциз маркалари нима ва у қачон жорий этилган?

12. Қандай ҳолатда акцизга тортиладиган товарлар маркаланмайди?

Топшириқлар

1. Акциз солиғи бўйича чет давлатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш.

2. Акциз солиғини тўлаш ва ҳисоботни тақдим этиш тартибини ўрганиш.

3. Бюджет даромадларини тўлдиришда акциз солиғи бўйича вужудга келаётган муаммоларни тадқиқ қилиш.

14-БОБ
Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

Режа

14.1. Мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти уни юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўловчилари таркиби

14.2. Солиқ объектини аниқлаш

14.3. Солиқ ставкалари ва имтиёзлари

14.4. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Таянч сўз ва иборалар

Юридик шахс, мол-мулк, мол-мулк солиғи, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, белгиланган муддатларда ишлатилмаган объектларга солиқ.

14.1. Мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти уни юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўловчилари таркиби

Хўжалик субъектлари ўз фаолиятларияи юргизишда меҳнат маҳсули бўлмиш мулкдан кенг фойдаланади. Умуман иқтисодий формациялардан қаътий назар жамият ўзига зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлардан кенг фойдаланилади. Аввало меҳнат воситалари деб маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган меҳнат куроллари ҳамда шу ишлаб чикдришда бевосита қатнашмайдиган лекин унинг учун маълум шароитлар яратиб уни ташкил қилишга узоқ муддат хизмат қиладиган мулкларга айтилади. Уларга иморатлар, жиҳозлар, транспорт воситалари, уй-жой ишноотлари ва бошқалар киради.

Юридик шахсларнинг мол-мулкларининг асосий хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддат хизмат қилади ва шу билан бирга ўзининг дастлабки жисмоний кўринишини сақлаб қолади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган шароитларни яратиб беришда узоқ муддат қатнашса ҳам аста-секин эскириб боради ва эскирган қисмини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига амортизация ажратмаси кўринишида қисман-қисман ўтказиб боради. Шунинг учун ҳам корхоналар ушбу мол-мулклардан фойдаланиш жараёнида, уларни тўғри ва унумли ишлатиб, имкони борича кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, ҳар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмнинг рентабеллик даражасини оширилишини таъминлашга ҳаракат қилишади. Шунингдек, мавжуд қонунчиликка кўра барча корхоналар

мол-мулклари учун бюджетга солиқ тўлаш мажбуриятига ҳам эгадир. Бу солиқлар суммаси мол-мулкларнинг миқдорига қараб мутаносиб равишда ўзгариши мумкин, яъни мол-мулкларнинг қиймати ошган сари солиқлар суммаси ҳам ошиб боради. Бундай солиқ сиёсати корхоналар диққатини ортиқча асосий ва айланма маблаглардан воз кечишига ва энг зарур бўлган мол-мулкларнигина олиб қолиб, улардан унумли фойдаланишга қаратади.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш босқичида мол-мулк солиғини рағбатлантириувчи ва корхоналарни тежамкорликка ундовчи хусусиялари инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, у жорий этилди ва сунгги йилларда қабул қилинган қонунлар орқали унинг айрим жиҳатлари такомиллаштирилиб турилди.

Мол-мулк солиғи тўловчилари бўлиб хўжалик юритишда, мулкчиликда ёки оператив тарздаги бошқарувда мол-мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятларига ана шу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган ҳамма турдаги корхоналар ҳисобланади.

Мол-мулк солиғини туловчи бўлган корхоналар солиқни ўзларининг юқорида санаб ўтилган асосий воситаларидан тўлашади. Шунингдек, мол-мулк солиғи лизинг шартномасига кўра сотиб олинган воситалар номоддий активлардан ҳам тўланади. Албатта, барча асосий воситаларнинг лизинг бузилиши учун унинг ижара муддати асосий хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлиши; ижарачи асосий воситаларни ижара тугаганидан сўнг белгиланадиган нарх бўйича харид қилиш ҳуқуқига эга бўлиши; ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара тугалланганидаги қолдиқ қиймати уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг 20 фоизидан камини ташкил этиши; ижарага олинган бутун давр учун жорий туловларнинг суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлиши зарур.

Ўзбекистонда корхоналар фаолиятини солиққа тортиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг жорий қилиниши бўлди. Мол-мулк солиғи дастлаб, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” ги Қонунига асосан жорий этилди ва шу билан бирга

корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондларига тўлов ҳамда транспорт воситаларига солинадиган солиқ бекор қилинди.

Ҳозирги вақтда ушбу солиқнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ҳамда бошқа солиқ қонунчилиги билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон солиқ тизимида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўғри солиқлар таркибига киради ва моҳиятига кўра бу солиқ асосий фондлар шаклидаги ресурсларга нисбатан белгиланган солиқ ҳисобланади. Мазкур солиқ бўйича тушумлар суммаси тўлиқ маҳаллий бюджетларга тушади ва у бюджетнинг барқарор даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодчи олим Б.Умаров мол-мулк солиғига таъриф бера туриб “мол-мулкларни солиққа тортиш корхонани солиқ билан тартибга солиш бўлиб, махсус ҳуқуқий тартибга эга” дея эътироф этиб ўтган[52].

Яна бир ёш иқтисодчи олимлардан А.Х. Исламкулов мол-мулк солиғи биринчи навбатда чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи, иккинчи томондан корхона фаолиятини тартибга солишга хизмат қилувчи молиявий дастаг ҳисобланади, деб эътироф этган[53].

Мамлакат солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий қилишдан кўзланган мақсад *биринчидан*, корхоналар ўзларининг хўжалик фаолиятини юритишда ортиқча ва фойдаланилмаётган мол-мулкини сотишга қизиқишини уйғотиш бўлса, *иккинчидан*, корхоналар балансидаги мол-мулкдан самарали фойдаланишни рағбатлантиришдан иборат. Чунки, корхоналарнинг маънавий ва жисмоний томондан эскирган асосий воситаларини янги, илғор технология-ускуналар билан янгилаши ишлаб чиқарилаётган товарларнинг баҳосини арзонлаштиради ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг балансидаги барча мулклардан солиқ тўлашга мажбур қилиш уни ортиқча бино,

---

[52] Умаров Б. Корхоналар мол-мулкини солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари (Ўзбекистон Республикаси материаллари асосида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2002. – 14 б.

[53] Исламкулов А. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2012. – 15 б.

иншоотлар, машина ва ускуналардан қутилишига ундайди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантиришга, маҳсулот таннархини пасайтиришга ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Шунингдек, мол-мулк солиғи даромад ва мулк тақсимотидаги номутаносибликни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши юқори салмоққа эга эмас. Ҳозирги вақтда ушбу солиқнинг тушуми Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг солиқли даромадларида 2,3 – 4,5 фоиз оралиғини ташкил этмоқда (13-жадвалга қаранг).

13-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғинининг улуши, (фоизда)[54]

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Давлат бюджети даромадларида жами солиқлар тушуми	100	100	100	100	100
Жами Давлат бюджети даромадларида мол-мулк солиғининг улуши	2,6	4,4	5,1	4,2	4,5
шу жумладан, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг улуши	2,3	3,9	4,7	3,9	4,5
Жами мулкий солиқлар тушумида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг улуши	86,0	90,1	92,6	92,3	92,8
Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши	7,1	7,7	7,9	7,8	7,8

Жадвал маълумотларига кўра жами мулкий солиқлар тушумида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг улуши 2015 йилда 2011 йилга нисбатан 6,8 пунктга ошганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатни солиққа тортиш тартибларини янада такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳламоқ керак. Бунга бир хил аҳамиятли ва самарасиз бўлган имтиёзларни бекор қилинаётганлигини мисол келтириш мумкин.

[54] Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

Корхоналар мол-мулкини солиққа тортиш. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ва “Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги йурикномага мувофик амалга оширилади. (МЮ №1107-модда, 11,03,2002 йил)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг норезидентларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг фаолияти солиқ Кодексининг 20-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассаса орқали амалга ошириладиган фаолият деб эътироф этилади.

Қуйидагилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар бўлмайди:

- нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилардир;
- солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Шу билан бирга агар солиққа тортишнинг алоҳида тартиби урнатилган юридик шахслар асосий фаолият куриниши билан бир каторда бошқа фаолият куринишлари билан шуғулланса, у ҳолда улар булим ҳисобини юритишлари ва қонунчиликка мувофик мол-мулк солиғини тўлашлари шарт.

14.2. Солиқ объектини аниқлаш

Қуйидаги мол-мулк солиқ солиш объектидир:

1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;

2) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига муайян қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради;

3) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар киради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш кўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

асосий воситалар бўйича – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича – тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг ***норезидентлари*** учун қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ қайси асосий воситалар бўйича ҳисоб юритаётган бўлса, ўша асосий воситалар;

ушбу доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, мазкур норезидентларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк солиқ солиш объектидир.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан мулк қилиб олинган (реализация қилинган) кўчмас мулк объекти тўғрисидаги маълумотларни ушбу объектлар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ер участкалари солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди.

Мол-мулк солиғи суммаси асосий воситаларнинг **қолдик** қийматига тўғридан-тўғри боғлиқ экан, уни тўғри аниқлаш жуда мухимдир. Шунингдек, колдик қиймат жамгарилган амортизация суммасига ҳам боғлиқ, шу билан боғлиқ ҳолатда мухим бўлган амортизация меъёрларини тўғри белгилаш масаласи туради. Бу ерда ҳам шуни ҳисобга олиш керакки, агар корхона Солиқ Кодексида урнатилган услуб (тенг тўғри чизикли) дан фаркланувчи амортизация усулини ўз ҳисоб сиёсатига биноан танласа, у ҳолда УзР СК 23-моддасига мувофик солиққа тортиш мақсадларида фақат тенг тўғри чизикли усул билан амортизацияни ҳисоблашга тўғри келади.

Бошқача қилиб айтганда, агар корхона тенг тўғри чизикли усулдан фаркли амортизация усулини ўз ҳисоб сиёсатига мувофик танласа, унга амортизацияни икки марта ҳисоблашга тўғри келади: 1-маротаба – ҳисоб сиёсатида тасдикланган усул билан бухгалтерия ҳисоби учун, 2-маротаба тенг тўғри чизикли усул билан солиқ ҳисоби учун.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектларига нисбатан ушбу **мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати солиқ солинадиган базадир.** Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий

ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Ҳар ҳисобот даври сунгида тўловчилар ҳисобот даври учун мулкнинг ҳақиқий ўртача йиллик колдик қийматидан келиб чиққан ҳолда йил бошидан бошлаб усувчи натижа билан мол-мулк солиғини ҳисоблайдилар ва молиявий ҳисоботлар тақдим қилинадиган муддатларда солиқ хизмати органларига ҳисоб-китобни тақдим қиладилар. Кўрсатилган ҳисоб-китоблардан келиб чикиб ҳисобланган мол-мулк солиғи суммаси чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим қилиш учун урнатилган кунгача беш кунлик муддатга туланади.

Солиққа тортиш объекти бу қурилиш пудратчилар ёки хўжалик услубида амалга оширилаётганлигидан қатъий назар, қурилиш объектнинг ўрнатилган муддатларда тугалланмаган қиймати (капитал қурилишга сметалар, смета - молиявий ҳисоб-китоблар ва бош китобга кўриб чикилган бино ва иншоотларни фойдаланишга олиш, жихозлар, асбоб-ускуналар, инвентарлар ва бошқа буюмларни қуриш бўйича харажатлар), шунингдектугалланмаган ҳисоби счётида (ўрнатилган муддатларда тугатилмаган объектлари кисмида) ҳисобга олинувчи 3-шакл (бадарилган иш ҳажми ва харажатлар тўгрисида маълумотнома) бўйича шакллантирилган, буюртмачи томонидан киритилган статистик ҳисоботдаги объект бўйича ҳажми ҳисобланади. Қурилишнинг ўрнатилган муддати амалдаги СНИП 1.04. 03-85 “Корхона бино ва иншоотлар қурилиши давомийлигининг меъёрларига мувофик ташкилотлардан қурилиш лойихасини (ККЛ) таркибидаги лойихавий ташкилот томонидан аниқланадиагн объект қурилишнинг меъёрий муддати ҳисобланади. Лойихавий ташкилотлар лойиха-смета ҳужжатида тайёргарлик ишларнинг даври белгиланган ҳолда қурилиш давомийлигининг меъёрларини кўрсатишга мажбурлар.

Лойиха-смета ҳужжатида қурилиш давомийлигидан меъёрлари мавжуд бўлмаса, буюртмачи лойиха ташкилотидан аниқ объект

бўйича қурилиш давомийлигининг меъёри тўгрисида маълумотнома олишга мажбур.

14.3. Солиқ ставкалари ва имтиёзлари

Корхоналар мол-мулки 2019 йилдан бошлаб 2% ставка бўйича солиққа тортилади.

Ставка мол-мулкни кайта баҳолаш ҳисоби билан унинг колдик қийматига нисбатан белгиланади.

Кайта баҳолаш ташкилот асосий фондларининг қиймати амалдаги баҳоларга мувофик келиши учун ўтказилади.

Бунда “1-январ ҳолатига асосий фондларни йиллик кайта баҳолашни ўтнказиш тартиби тўгрисидаги низом”га мувофик кайта баҳолаш мақсадларида ташкилотларнинг асосий фондлари деганда:

- хусусий асосий фондлар;
- ўрнатиш учун жихозлар;
- тугатилмаган қурилиш объектлари;
- узоқ муддатга арендаланган асосий воситалар, шу жумладан узоқ муддатли лизинг бўйича олинган асосий воситалар.

Асосий фондлар қийматини кайта баҳолаш кайта баҳолашни амалга ошириш давридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда 1-январ ҳолати бўйича хар йилда (жорий йилнинг 1- февралигача) ўтказилади.

Кайта баҳолашда асосий воситаларнинг тўлик тиклаш қиймати, яъни объектларни яратиш (қуриш), ташиш, ўрнатиш (монтаж) харажатлари, шунингдек, импорт қилинадиган объектлар учун божхона тўловлари ва ҳ.к.ларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд бозор нархлари (тарифлари) бўйича уларни намунавий янги объектларга тўлик алмаштириш вазиятида корхона томонидан амалга оширилиши керак бўлган харажатларнинг тўлик қиймати аниқланади.

Асосий воситаларни тўлик тиклаш қиймати ташкилот карашлари бўйича ёки кайта баҳолашни ўтказиш даврида 1-январдан мураккаблашувчи намунавий баҳоланган янги объектларнинг ҳужжат билан тасдикланган бозор нархлари бўйича алоҳида объектларнинг қийматини тўгридан-тўгри кайта ҳисоблаш йўли билан (тўгридан-тўгри кайта баҳолаш методи) ёки асосий фондларнинг кўриниши бўйича дифференциаллаштириш орқали ва уларни яратиш даврларига боғлиқ ҳолда асосий фондлар қийматини ўзгартириш бўйича индексларни қўллаш орқали алоҳида обьектларни бошлангич (тикланувчи) қийматини индексациялаш йўли билан (индекс методи) аниқланади.

Бунда асосий фондларнинг бир турдаги объектлари бўйича (маркалари хусусиятлари ва ҳ.к. бўйича) ягона метод қўлланади.

Кайта баҳолаш ташкилотлар томонидан мустақил ёки мутахассислар қонунчиликка мувофик баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган экспертларни жалб қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектлари қиймати кайта баҳолашга тааллукли эмас.

Кўрсатилган имтиёзлар савдо-воситачилик корхоналари, шунингдек эркин конвертирланган валютага пахта толаси, пахта қоғози, нефт, нефт маҳсулотлари, газ конденсатлари, табиий газ, электр энергия, кимматбаҳо рангли ва кора металларни экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналари учун қўлланилмайди.

14.4. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчи - Ўзбекистон Республикасининг резиденти томонидан амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар тўлайдилар.

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 10 январигача, янги ташкил қилинганлари эса - давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг

тўртдан бир қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Солиқ даврида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда давлат солиқ хизмати органлари томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасанинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солинадиган мавжуд мол-мулк тўғрисидаги маълумотномани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. Тақдим этилган маълумотнома асосида давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобини ўн кун ичида амалга оширади ва тўлов хабарномасини ёзиб беради;

Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулкка эга бўлган норезидентларига кўчмас мулк жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчининг ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида тўлов хабарномасини ёзиб беради.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йилда бир марта, солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тўланиши керак.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Мол-мулк солиғи қачон жорий этилган ва уни жорий этишдан кўзланган мақсад нима?
2. Мол-мулк солиғини давлат бюджети даромадлари таркибидаги аҳамияти қандай?
3. Мол-мулк солиғини тўловчилари кимлар?
4. Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган корхоналар асосий фаолиятидан ташқари бошқа фаолият билан шуғулланганларида мол-мулк солиғини тўлашадими?
5. Мол-мулк солиғининг объекти ва базаси қандай аниқланади?
6. Корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати қандай тартибда топилади?
7. Мол-мулк солиғи ставкалари қандай белгиланган?
8. Маҳсулотини экспорт қилаётган корхоналарга мол-мулк солиғини ҳисобланиши қандай тартибда амалга оширилади, агарда экспорт ҳажми маҳсулотни сотишда 40 фоизни ташкил этган бўлса?
9. Мол-мулк солиғидан кимлар имтиёзга эга?

Топшириқлар

1. Солиқ идораларига мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китоб топшириш муддатларини ўрганиш.
2. Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун мол-мулк солиғини тўлаш тартибини ўрганиш.
3. Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини тўлаш тартибини ўрганиш.

15-БОБ
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи

Режа

15.1. Ер солиғи жорий этилишининг иқтисодий моҳияти

15.2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар таркиби

15.3. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг солиқ объекти ва солиқ солинадиган база

15.4. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари

15.5. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича имтиёзлар

15.6. Ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби

Таянч сўз ва иборалар

Юридик шахс, ер, ер солиғи, ер участкаси, жамоа қишлоқ хўжалик суғориладиган ер, балл бонитети.

15.1. Ер солиғи жорий этилишининг иқтисодий моҳияти

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилиш пуллидир.

Ер солиғи давлат бюджети ва солиқ тўловлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам у иқтисодий категориялар туркумига киради.

Ер солиғининг иқтисодий моҳияти мазмунини очишда давлат бюджети мол-мулк солиқ тўловчилари ўртасидаги юзага келадиган кўп қиррали муносабатларнинг характерини ўрганиш лозим. У айрим тўғри солиқлардан фарқли ўлароқ маҳаллий солиқлар гуруҳига киради.

Ер солиғи маҳаллий солиқлар гуруҳида бўлса ҳам, унинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар эса вилоят ҳокимликлари томонидан жорий этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ер солиғи давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини юргизишда ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Республика Олий Кенгаши 1993 йил 6 майда «Ер солиғи тўғрисида» қонун қабул қилиниши орқали ерга бўлган эгалик муносабатларини тубдан ўзгартирди. Аҳолининг кенг қатлами ердан фойдаланишда энг асосий мақсад ернинг унумдорлигини ошириш, ерга тўғри ишлов бериш ва ердан олинган маҳулотларни халқ манфаатларининг кондирилишига жалб этиш бўлиб ҳисобланмоқда.

Ердан унумли фойдаланиш, уни ҳосилдарликдаги мавқеини ошириш асосан солиқ муносабатлари орқали амалга оширилиши бу борада оқилона солиқ сиёсатининг юргизилишини тақозо этади. Лекин ер солиғини жорий этиш ер қонунчилиги билан белгиланади. Чунки ер қонунига мувофиқ ерларни тоифаларга бўлиши ва унда асосан ер унумдорлигининг эътиборга олиниши ерга нисбатан ўзига хос солиқ муносабатларини юргизишни тақозо этади.

Мамлакатимизда «Ер тўғрисида»ги қонунга асосан ер солиқ муносабатлар янги поғонага кўтарилди ва ер солиғини солиқ тизимидаги аҳамияти анча оширилди. Ерга эгалик қилиш ҳам эндиги кунда солиқ муносабатлари орқали тартибга келтирилиб турилмоқда. Бу эса ер солиғини бюджет ихтиёрига тўлиқ ва белгиланган муддатларда ундирилиши учун ҳам замин яратиб берди. Шунингдек ушбу қонунга мувофиқ, ерларнинг ўнта синфга булиниши асосланди ва унинг негизида солиқ ставкаларининг белгиланиши таъминланди.

Ер солиғининг амал қилишини ҳуқуқий жиҳатдан асосланганлиги бозор иқтисодиёти шароитида ер солиғининг моҳиятини тубдан ўзгартирди. Ер солиғининг ер синфларига қараб дифференциялаштирилган гизиминиг жорий этилиши ҳар бир жамоа ва ширкат хўжаликлари ва фермерлар томонидан ердан унумли фойдаланишга имкон яратади. Натижада бюджет даромадида нафақат ер солиғи тўловларини динамик ошиши кузатилди, балки бир вақтнинг ўзида ернинг ҳосилдорлиги ошди. Жамоа ва ширкат хўжаликлари томонидан ҳам харажат қилиш орқали катта даромадларни қўлга киритила бошлади. Агар 1993-1998 йилларда жамоа хўжаликларининг 50 фоизидан ортиғи ердан ҳосил олиш мақсадида катта ҳаражатларни амалга ошириб кўзда тутилган даромадларни қўлга киритишга тулиқ эришмаганликлари туфайли жамоа хўжаликларига нисбатан ўзгачароқ солиқ муносабатларининг қўлланишига сабаб бўлди (яъни фойда солиғини рентабеллик даражаларига нисбатан ундириш, ерга нисбатан амал қилувчи солиқларни ҳисоблашда ва бюджетга ундиришда хаддан ташқари имтиёзларнинг жорий этилиши ва хоказолар шулар жумласидандир).

Бу борада шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ерга нисбатан саёз солиқ муносабатларини 1998 йилга қадар амал қилиши ер майдонларидан фойдаланишда унинг сифат даражасига салбий таъсир этди. Охир оқибат ер майдонларидан узоқ муддатларда фойдаланиб келинганлиги, унинг эгаларига кўзда тутилган натижаларни қўлга киритилишига имкон беради. Тупроқда эррозия содир булиши ёки ернинг турланиши бир вақтнинг ўзида катта-катта молиявий

ресурсларни жалб этилишини талаб этди. Бундай шароитларда ерга нисбатан оқилона солиқ тизимини жорий этиш муҳим ҳолга айланиб қолди.

Тупроқ эррозиясини бартараф этиш, ер унумдорлигини ошириш учун маълум молиявий маблағлар талаб қилинди. Кайсики, улар ернинг мелиоратив ҳолатини аниқлашда, суғориш иншоотларини қуришда, зовурларни ўтказишда ва таъмирлашда ишлатилишини тақозо этади.

Янги хўжаликларнинг ташкил қилиниши қурилиш ишларининг кенгайиши ер заҳираларининг камайишига ҳам олиб келди. Суғориладиган ер майдонлари ҳам йилдан-йилга қисқартириб борилади.

Табиийки, бундай юзага келган шароитда ер майдонларидан ижара шартлари асосида самарали фойдаланиш муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлади.

Шунингдек, ердан пул тўлаб фойдаланиш, ижара ҳақи, ернинг норматив баҳоси ер тўловининг шаклларини юзага келтиради. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга ижарадорликдан ташқари, ҳар йили ер солиғини тўловчиси бўлади. Ижарага берилган ерлар учун ижара ҳақи ундирила бошланди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолларда ер участкаларини харид қилиш ва ўз эгалигига сотиб олиш учун, шунингдек банк кредитини, ерни гаровга қўйиб олиш учун, ернинг норматив баҳоси ўрнатилиши ерга бўлган муносабатда туб ўзгариш ясади.

Натижада Республикамиз ҳудудида ерни мулк қилиб, эгалик қилиш, фойдаланиш учун ёки ижарага берилган юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқароликга эга бўлмаган шахслар ер солиғи ва ижара ҳақи тўловчилари сифатида солиқ муносабатларини активлаштирадилар.

Амалда ер солиғини ва ижара ҳақини ундириш объектлари бўлиб юридик шахслар ва фуқароларга берилган ер участкалари (кишлоқ хўжалик ерлари, фуқароларга шахсий ёрдамчи хўжалигини юритиш, индивидуал уй-жой қурилишини олиб бориш, боғдорчилиқ полизчилик ва чорвачилиқ уй-жой, дала ҳовлиси, тадбиркорлик фаолияти ва ўзга мақсадлар учун берилган ер участкалари; саноат, транспорт, алоқа, бошқа моддий ишлаб чиқариш соҳалари ва ноишлаб чиқариш соҳаси корхоналари учун ерлар) ҳисобланади.

Умуман ер солиғи, белгиланган тартибда юридик шахс ва фуқароларга мулк сифатида тасарруфлик қилиши, эгалик қилиш ва

фойдаланиш учун берилган солиқ солинадиган ер майдони, шу жумладан, бино ва иншоотлар билан банд бўлган майдондан, шунингдек бино ва иншоотларга қараш учун зарур бўлган ер участкаларидан бир йилга мўлжаллаб ундирилиши шакллантирилди. Шунингдек қанча юридик шахслар ёки фуқаролар алоҳида фойдаланса, унда ер солиғи бундай участканинг ҳар бир кисми бўйича алоҳида қилиб ҳисоблаб чиқиладиган бўлди. Бу шахслар ва фуқаролар биргаликда фойдаланадиган ер майдони уларнинг алоҳида тасарруфида бўлган бинолар майдонига пропорционал равишда солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун улар ўртасида такримланиши таъминланди.

Юридик шахслар ва фуқароларнинг умумий эгалигида бўлган биноларга, хизмат кўрсатувчи ер участкаларига ер солиғи, уларнинг бу бинолардаги улушига тенг равишда ҳисоблаб чиқарилади.

Бу борада шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақ тўлашлари мумкин. Аммо ижара ҳақи таърифларининг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкадан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса бир ставка миқдорда бўлиши керак. Шундай қилиб, ер солиғини шакллантириш бевосита унинг тўловчилари томонидан юргизиладиган фаолиятига ҳам боғлиқдир. Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишда ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар. Шунингдек белгиланган тартибда ягоиа солиқ тўланадиган солиқ тўлашнинг соддалаштириш тизимига ўтган кичик корхоналар, ҳам ер солиғи бўлиб ҳисобланадилар. Аммо юзага келтиришда солиқ объектларини тўғри изохдаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юридик шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект бўлиб ҳисобланади:

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- кишлоқ ёки ўрмон хўжалиги юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш

учун берилган ер участкалари;

- корхоналар бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалики қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

Жисмоний шахслар учун солиқ солинадиган ер участкаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкаларини;
- якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик кдаишга берилган ер участкаларини;
- жамоа богдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкаларини;
- хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерларни;
- мерос бўйича хадя қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой, ва ховли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкаларини;
- қонун ҳужжатларида белгилаиган тартибда мулк қилиб олинган ер участкаларини;
- тадбиркорлик фаолияти юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаларини. Буларнинг ҳаммаси солиқ объектини юзага келтирувчи актив кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

15.2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар таркиби

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчиларидир.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

Қуйидагилар ер солиғини тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган ер участкалари

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объектидир.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари жумласига қуйидагилар киради:

- майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар;

- аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

- коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дафн этиш жойлари, маиший чиқиндиларни йиғиш, қайтадан ортиш ва саралаш жойлари, шунингдек чиқиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар).

Ер участкасининг солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).

15.3. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг солиқ объекти ва солиқ солинадиган база

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган **ер участкалари солиқ солиш объектидир.**

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

- аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари жумласига қуйидагилар киради:

- майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар;

- аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

- коммунал-маиший ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва уларни утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар);

- заҳира ерлар.

Ер участкасининг солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).

15.4. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари

Ер солиқ ставкалари Ўз. Рес. Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланади. Ернинг асосий фойдаланиш мақсадига ва солиқ тўловчиларнинг категориясига қараб ер солиқ ставкалари бир неча турларга бўлинади:

- жамоа қишлоқ хўжалик суғориладиган ерлардан фойдаланганлик учун;

- лалмикор экинзорлар, буз ерлар ва кўп йиллик кўчатзорлардан фойдаланганлик учун;

- суғорилмайдиган ҳашакзорлар ва яйловлардан фойдаланганлик учун;

- қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан фойдаланганлик учун;

- Тошкент шаҳар ер участкаларидан фойдаланганлик учун;

- шаҳар ва қўрғонларда ер участкаларидан фойдаланганлик учун;

- корхона, муассаса ва ташкилотлардан қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун.

Корхоналар ва фуқаролар учун ер солиқ ставкалари алоҳида-алоҳида белгиланади. Шаҳарлар ва шаҳар қўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баробар миқдорида ундирилади.

Суғорилмайдиган пичанзор ва яйловлар учун олинадиган ер солиғи ставкалари энг паст қилиб белгиланган солиқ ставкаларидир.

Ер солиқ ставкалари маъмурий ва саноат марказларига нисбатан ер участкаларининг жойлашган жойига қараб қишлоқ хўжалик ерлари учун белгиланган ставкага ўсиб борувчи коэффицентлар қўлланилади:

1. Тошкент шаҳри атрофида 20 кмгача жойлашган бўлса-1,3 коэф-нтда.
2. Вилоят марказлари атрофида 15 кмгача жойлашган бўлса-1,2 коэф-нтда.
3. Туман марказлари атрофида 10 кмгача жойлашган бўлса-1,15 коэф-нтда.
4. Шаҳар атрофида радиуси 5 кмгача жойлашган бўлса-1,1 коэф-нтда.

Ер участкаси мулкдорининг, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет балли пасайган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашгунига қадар белгиланган ставкалар бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида тўланади.

15.5. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича имтиёзлар

Ер солиғи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари — ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

3) янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари — давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга;

4) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради:

1) боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар), жамоа гаражларининг ерлари;

2) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари, бундан хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар мустасно. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари жумласига давлат қўриқхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма қўриқхоналарининг (овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма қўриқхоналари бундан мустасно), табиий питомникларнинг ер участкалари киради;

3) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — тегишли муассасалар ва

ташкилотларга белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;

4) рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар;

6) сув фонди ерлари. Сув фонди ерлари жумласига сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари ҳамда бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ажратилган минтақа ерлари киради;

7) электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

8) умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

9) маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш объектлари эгаллаган ерлар;

10) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;

11) умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўллар станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган иҳота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

12) шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

13) спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

14) аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари: магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармоқларидаги кузатиш қудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

15) магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, трубопроводларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

16) магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

17) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

18) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида;

19) консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида;

20) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

21) юридик шахс балансида бўлган ва хўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар;

22) иҳота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Иҳота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари

бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган иҳота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар;

23) қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;

24) мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;

25) янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Кўзда ўтказилган янги кўчатлар учун бериладиган имтиёз муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтказилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади;

26) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Ушбу бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади.

15.6. Ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби

Календарь йил солиқ давридир.

Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базада (ҳисобланган солиқ суммасида) солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда юридик шахслар бир ойлик муддат ичида давлат солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этиши шарт.

Солиқ даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этади.

Ер солиғини тўлаш, юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

Солиқ даври мобайнида ер солиғи тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар — солиқнинг қолган суммаси.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ер солиғини юридик шахслардан ундиришнинг сабаби нимада?
2. Ер солиғининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистонда қачон шаклланган?
3. Ўзбекистонда ер фонди қандай таркиб топган?
4. Кимлар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишади?
5. Алоҳида солиқ режимига ўтган юридик шахслар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишадими?

6. Ер солиғини ундириш объекти нима?

7. Солиқ ставкалари қандай мезонлар асосида белгиланади?

8. Қандай ерлар солиқ солинмайдиган ер участкалари ҳисобланади?

9. Қандай юридик шахслар ер солиғидан озод қилинади?

10. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш муддатлари қандай белгиланган?

Топшириқлар

1. Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисобот шаклини ўрганиш.

2. Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи бўйича ўз вақтида тўламаганлиги учун молиявий жарималарни ўрганиш.

3. Солиқ бўйича имтиёзлар таркибини ўрганиш.

16-БОБ
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (тарихий қараш)

Режа

16.1. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар

16.2. Солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари

16.3. Солиқни ҳисоблаш тартиби

16.4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш муддатлари

Таянч сўз ва иборалар

Юридик шахс, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, соф фойда, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот.

16.1. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилари бўлиб тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисобланар эдилар.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

Қуйидагилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланмасдилар:

а) нотижорат ташкилотлари. Бунда тадбиркорлик фаолиятидан даромад олувчи нотижорат ташкилотлари ушбу фаолият бўйича солиқни умумбелгиланган тартибда тўлайдилар.

б) солиқ солишнинг соддлаштирилган тартиби ўрнатилган юридик шахслар (агар уларда қонунчиликка биноан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мажбурияти юзага келмаса).

16.2. Солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблашда солиқ солиш объекти бўлиб, ҳисобланган фойда солиғи чегирилганидан кейинги соф фойда (даромад) ҳисобланарди. Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси юқорида кўрсатилган ҳисобот шаклининг 260-сатрида акс эттириларди.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг энг юқори ставкаси солиқ солиш объектининг 8 фоизи миқдорида белгиланган[55] эди. 2018 йилга келиб ушбу солиқ тури юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи билан бирлаштирилди.

16.3. Солиқни ҳисоблаш тартиби

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблашда солиқни тўловчилар учун солиқ солиш базаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланарди:

а) балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлмаганлар учун – соф фойда;

б) балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлганлар учун – тўғриланган соф фойда ҳисобланади.

Тўғриланган соф фойда қуйидаги формула асосида аниқланади:

Сф+Хис-С,

бу ерда

Сф - соф фойда;

Хис – ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича амалдаги харажатлар;

С - даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоб қилинган суммаси, у даромад (фойда) солиғининг белгиланган ставкаси ва ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича амалдаги харажатлари суммасидан келиб чиқиб ҳисобланарди (Хис х даромад (фойда) солиғи ставкаси : 100);

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани қўллаш мақсадида ижтимоий инфратузилма объектларига соғлиқни сақлаш, болалар мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактаблари киради. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солиш базаси ва белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланади.

---

[55] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699 сонли Қарори. www.lex.uz

Бунда, агар балансида ижтимоий инфратузилма объектлари мавжуд бўлган солиқ тўловчида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича амалдаги харажатлари:

- ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасига тенг ёки ундан кўп бўлса, солиқ тўланмайди;

- ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича ҳақиқатдаги харажатлар фарқи сифатида аниқланади.

16.4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш муддатлари

Чорак давомида солиқ тўловчилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг бюджетга жорий тўловларини амалга оширадилар. Жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар тахмин қилинаётган солиққа тортиладиган соф фойда (даромад) ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқадилар ҳамда жорий чорак биринчи ойининг 5 кунига қадар давлат солиқ хизмати органларига жорий тўловлар унга мувофиқ ҳисоблаб ёзиладиган маълумотнома тақдим этадилар.

Йилнинг ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан олган даромади (фойдаси) энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган юридик шахслар, шунингдек ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно), улар ишлаб чиқаришининг мавсумий характердалигини ҳисобга олиб, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи тўловларини жорий тўловларни тўламасдан ҳар чоракда, йил бошидан ўсиб борувчи якун билан, олдинги чораклар учун ҳисобланган солиқ суммаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширадилар.

Жорий тўловлар ҳар бир ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, солиқ чораклик суммасининг учдан бир қисми ҳажмида амалга оширилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китоблар рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда ўсиб борувчи якун билан ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил

якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида ҳақиқатда шаклланган солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб тақдим этилади.

Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасини тўловчилар бюджетга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари белгиланган кундан бошлаб 5 кун давомида тўлайдилар.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи бўйича юритилади. Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити ва солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети бўйича акс эттирилади.

Ўтказилган солиқ суммалари бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи маҳаллий бюджетга ўтказиларди.

Солиқ қонунчилигини бузганлик учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгар бўлардилар.

Солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат Давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қандай юридик шахслар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг тўловчилари ҳисобланишади?
2. Корхона бир неча фаолият тури билан шуғулланса ушбу солиқнинг тўловчиси бўла оладими?
3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг объекти ва базаси қандай аниқланади?
4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси неча фоизни ташкил этади?

5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкасини қандай ҳолатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий ҳокимияти органлари томонидан белгиланади?

6. Табақалаштирилган ставкаларни белгилаш учун нималарни олдиндан белгилаб олиш лозим?

7. Солиқ ҳисоботлари қачон солиқ органларига топширилади?

8. Солиқни бюджетга тўлаш муддатлари қачон амалга оширилади?

Топшириқлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 453-сон қарорига кўра ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоблаб тартибини ўрганиш.

2. Корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини бюджетга тўламаслик ҳолларини ўрганиб чиқиш.

3. Солиқ бўйича имтиёзлар таркибини ўрганиш.

17-БОБ.
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Режа

17.1. Солиқ тўловчилари таркиби
17.2. Солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари
17.3. Белгиланган имтиёзлар
17.4. Солиқни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари

Таянч сўз ва иборалар

Юридик шахс, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

17.1. Солиқ тўловчилари таркиби

Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш тартиби солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган тўловчиларнинг айрим тоифаларига татбиқ этилмайди.

Бунда, агар солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган тўловчилар асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб олиб боришлари ва шу фаолиятда фойдаланиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари керак.

Сувдан фойдаланиш жойида юридик шахслар, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойидан қатъи назар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдилар.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб берувчи юридик шахслар ўз фаолиятида ишлатиладиган сув учунгина солиқ тўловчилар ҳисобланади.

17.2. Солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари

Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ер усти манбаларига киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер юзасидаги бошқа ҳавзалар ва сув манбалари, турли хил канал ва ҳовузлар.

Ер ости манбаларига киради: артезиан қудуқлар ва скважиналар, вертикал ва горизонтал зовур тармоғи.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади. Сувдан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларини суғориш учун фойдаланадиган ёрдамчи хўжаликларга эга юридик шахслар, шунингдек илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2699 сонли Қарорига мувофиқ 2017 йилда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари қуйидаги жадвалдаги миқдорларда белгиланган (14-жадвал):

14-жадвал

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари[56]

№	Тўловчилар	1 куб. метр учун ставка (сўм)	
		Ер усти сув ресурслари манбалари	Ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари (2-6-бандларда кўрсатилганларидан ташқари), деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар), шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланадиган жисмоний шахслар	120	150
2.	Саноат корхоналари (3-6 бандлардан ташқари)	360	430
3.	Автотранспорт воситаларини ювишга ихтисослаштирилган корхоналар	1200	1500
4.	Электр станциялари	30	50
5.	Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	60	80
6.	Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар		

[56] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086 сонли Қарори. www.lex.uz

	- алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича - бошқа мақсадларда	19040 120	19040 150

Мазкур корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни солиш тизимидан (солиқ солишнинг умумбелгиланган ёки соддалаштирилган тартиби) қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган тартибда тўлайдилар.

17.3. Белгиланган имтиёзлар

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод этилади:

а) нотижорат ташкилотлари, ана шу фаолиятда ишлатилган сув ҳажмидан келиб чиқиб, сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчилардан ташқари. Солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлари деганда қуйидагилар тушунилади: фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, харажатларни қоплаш учун белгиланган сметалар доирасида дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар; хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

1) ижтимоий-хайрия ёки тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни кўзламайдиган, таъсис ҳужжатларида таъкидланган бошқа мақсадлар учун барпо этилганлари;

2) молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилот ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлашлар бундан мустасно);

б) ер ости минерал сувларидан даволаш мақсадларида фойдаланадиган соғлиқни сақлаш муассасалари, улар минерал сувлардан савдо тармоғида сотиш учун фойдаланадиган ҳоллар бундан мустасно;

в) фармацевтика фаолияти билан шуғулланадиган ва сувдан доривор воситалар тайёрлашда фойдаланадиганлар;

г) атроф муҳитга зарарли таъсири олдини олиш мақсадида чиқариб ташланадиган ер ости сувлари учун (ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув ҳажмларидан ташқари).

Масалан, сизот сувларнинг сатҳини пасайтириш мақсадида чиқариб ташланадиган зовур сувлари;

д) унинг учун бюджетга солиқ тўлаган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

е) фойдали қазилмалар қазиб олиш билан йўл-йўлакай ва шахтадан сувни чиқариб ташлаш учун олинган ер ости сувлари учун, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган сув ҳажмларидан ташқари;

ж) агрегатлар ишлаши учун сувдан фойдаланганлик учун гидроэлектростанциялар;

з) бирламчи фойдаланганлик учун ҳақ тўланган сувдан иккиламчи фойдаланувчилар (масалан, суғориш учун коллектор-зовур тармоғидаги сувдан фойдаланиш);

и) фаолиятнинг асосий тури бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчилар шўрланган ерларни суғоришга сувдан фойдаланганлик учун. Солиқ имтиёзи ёрдамчи қишлоқ хўжалигига эга юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади;

к) умумий ишловчиларининг камида эллик фоизи ногиронлар бўлган, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмаси мулкида бўлганлари, савдо-сотиқ, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардан ташқари;

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

17.4. Солиқни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар томонидан, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва ташкил этмайдиган)дан ташқари, тасдиқланган ставкалар бўйича амалда олинган солиққа тортиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан умуман хўжалик бўйича ўтган йилда 1 га суғориладиган ерга сарфланган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоб:

1) юридик шахслар (деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ шакл (15-иловадаги шакл бўйича) бўйича солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда;

2) микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик, 9 ой якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан солиқ қонунчилигига мувофиқ шакл бўйича ойма-ой тақсимланган ҳолда, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

3) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (деҳқон хўжаликларидан ташқари) томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ шакл бўйича (15-иловадаги шакл бўйича) солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда давлат солиқ хизмати органларига ўсиб борувчи якун билан тақдим этилади.

Деҳқон хўжаликларига (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тўғрисида тўлов хабарномалари давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилнинг 1 майидан кечиктирмай тақдим этилади.

Сувни марказлаштирилган водопровод тармоғидан оладиган юридик шахслар "Сувоқава" тизими корхоналари билан солиштириш жараёнида олинган сув ҳажмини аниқлаштириш чоғида сув ҳажмидаги фарқни солиштириш амалга оширилган давр учун ҳисоб-китобларда акс эттирадилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ қуйидаги муддатларда тўланади:

1. Юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) - ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунигача;

2. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан (деҳқон хўжаликларидан ташқари) - ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача.

3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг умумий суммаси чоракда энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган юридик шахслар солиқни чоракда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тўлайдилар. Бунда, микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисоб-китобларни солиқ қонунчилигига мувофиқ шаклда тақдим этадилар.

Солиқ тўловчилар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) жорий йилнинг 15 январига қадар сувдан фойдаланиш жойидаги

давлат солиқ хизмати органларига солиқни белгиланган лимитдан келиб чиқиб ёки сув етказиб бериш шартномасига кўра ҳар ойда ёки ҳар чоракда тўлашлари тўғрисида билдирувнома юборадилар.

4. Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни йилда бир марта - ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар тўлайдилар.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа юридик ва жисмоний шахслар фойдаланган сув ҳажмини олинган сувнинг умумий ҳажмидан чиқариб ташлайдилар, бунда 1 гектар суғориладиган ерни суғоришга сув сарфининг умуман хўжалик бўйича ўртача миқдоридан келиб чиқилади. Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган тақдирда, солиқлар, йиғимларнинг бошқа турлари бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризаси бўйича ўттиз кун ичида қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисоби ўтказилади.

Сув ер ости ва юзадаги манбалардан келиб тушадиган сув тармоғидаги сувдан фойдаланилганда солиқ манбалар бўйича белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланади. Шаҳар ва туманларнинг давлат солиқ хизмати органлари сув етказиб берувчи корхоналардан водопровод тармоғига юзадаги ва ер ости манбаларидан келиб тушадиган сув ҳажмлари нисбати тўғрисидаги маълумотларни олишлари ва мазкур маълумотларни солиқ тўловчиларга етказишлари керак.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бинолар бир қисми, айрим хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага топширилганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни "Сувоқава" тизими корхоналари ёки сув хўжалиги органлари ёхуд бошқа корхоналар билан сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган ижарага берувчилар тўлайдилар.

Бино (хона)ни ижарага олган ва ўзлари сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мустақил равишда тўлайдилар. Амалдаги корхоналар ва ташкилотлар ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарадиган юридик шахслар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайдилар. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни улар учун ушбу ишлар бажариладиган корхона ва ташкилотлар тўлайдилар. Янги қурилиш

майдончасида қурилиш ишларини бажариш чоғида қурилиш пайтида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни қурилиш ташкилоти тўлайди.

Мулкчилик ва бўйсуниш шаклидан қатъи назар иссиқ сув ва буғ узатувчи корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни улар томонидан юзадаги ва ер ости манбаларидан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатилган сув ресурслари ҳажми учун тўлайдилар.

Юридик шахсларнинг бюджет билан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларининг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

1. Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади: давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети; бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

2. Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади: бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети; пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан давлат солиқ хизматининг юқори органлари ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгалар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг тўғри ҳисоблаш ва тўланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари кимлар?
2. Жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўла олишадими?
3. Солиққа тортиш объекти қандай тартибда аниқланади?
4. Солиқ ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади?
5. Солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида ўрнатилган?
6. Қандай юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқдан озод этилади?
7. Деҳқон хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун

солиқни бюджетга тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?

8. Солиқ қайси муддатда давлат бюджетига ўтказилади?

9. Бонуслар нима?

Топшириқлар

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни давлат бюджетига таъминлаб берадиган асосий солиқ тўловчилар таркибини ўрганиб чиқиш.

2. Солиқ кодексида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан имтиёзлар таркибини ўрганиш.

18-БОБ
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ

Режа

18.1. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиш объектлари
18.2. Солиқ ставкалари ва белгиланган имтиёзлар
18.3. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Таянч сўз ва иборалар

Юридик шахс, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ.

18.1. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиш объектлари

Солиққа тортиш мақсадида ер ости бойликлари деганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб оладиган ҳамда фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва қазиб олиш мумкин бўлган макон, фойдали қазилмалар деганда - иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига эга геологик ҳосилалар қаралади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген ҳосилалардан фойдаланиш, шунингдек чақноқ тошлар хомашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини йиғиш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

Таркибида рангли, нодир, асл, қора металлар ва бошқа минерал хомашё бўлган рудаларни бир корхона қазиб олиб, уни бундан кейин қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берса (экспорт бундан мустасно), қазиб олинадиган рудани қайта ишлайдиган ва солиқ ставкаси белгиланган тайёр маҳсулот чиқарадиган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади. Масалан, Олмалиқ мис қазиб олиш корхонаси таркибида мис бўлган, қазиб олинган рудани бойитиш фабрикасига беради, фабрика бойитилган рудани Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводига топширади. Комбинат тайёр маҳсулот - тозаланган мис чиқаради, солиқ ставкаси ҳам унга белгиланган. Мазкур ҳолатда рудани қазиб олувчи корхона эмас, балки тозаланган мисни олганлик учун комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади.

Руда қайта ишлаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юклаб жўнатилган ёки экспорт қилинган тақдирда рудани қазиб олган корхона солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагилар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш объектлари ҳисобланади:

1) Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажми (шу жумладан йўл-йўлакай олинадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда.

Қазиб олинган руда таркибидан, асосий фойдали қазилмадан ташқари, унга доир ставкалар белгиланган бошқа хомашё ажратиб олинган тақдирда йўл-йўлакай олинадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Қазиб олинган фойдали қазилма ёки унинг бир қисми корхона томонидан бошқа материалларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш учун хомашё ҳисобланган тақдирда солиқ ушбу хомашёни қазиб олишнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиқиб, тасдиқланган ставкалар бўйича тўланади.

Ҳисобот ойида қазиб олинган, лекин тўлалигича ёки қисман сотилмаган фойдали қазилмалар ҳажми учун солиқ сотилган маҳсулотнинг ҳисобот ойи ёки сотиш амалга оширилган бундан олдинги ой учун ўртача ҳисобланган қийматидан келиб чиқиб тўланади.

Газ қазиб чиқарувчи корхоналар учун солиққа тортиш объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган сотиш баҳоси бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолда, бирламчи тайёргарликдан ўтган қатламдан қазиб олинган табиий газ (тозаланмаган газ) ҳажми ҳисобланади.

2) Техноген ҳосилалар ҳажми (минерал хом-ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари) ажратиб олинган асосий фойдали қазилманинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақиқий сотилиш қиймати бўйича, бунда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилади. Техноген ҳосилаларга шу жумладан технологик ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча ишлатилмаётган минерал хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари киради.

3) Тўпланган чақноқ тош хом-ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларининг ҳисоб қиймати.

Йиғиш деганда чақноқ тош хом-ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини табиий очиқ жойлар, табиий ер ости бўшлиқлари (ғорлар), ишлатиб бўлинган карьерлар, кон қазиш саноати уюмлари, дарё қайирларида кончилик

ва бошқа махсус иш турларини бажармасдан, ер остининг бир бутунлигини бузмасдан олиб тўплаш тушунилади.

18.2. Солиқ ставкалари ва белгиланган имтиёзлар

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454 сонли Қарорига мувофиқ 2018 йилда ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари миқдорлари белгиланган. Ҳар бир ер остидан олинадиган фойдали қазилма учун алоҳида турдаги солиқ ставкалари белгилаб қўйилди (15-жадвал).

15-жадвал

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари

Солиққа тортиш объектининг номи	**Солиқ солинадиган базага нисбатан, фоизда**
1. Асосий ва қўшимча фойдали қазилмалар олинишига нисбатан солиқ ставкалари	
Энергия манбалари:	
Табиий газ	30,0
Утилизация қилинган табиий газ	9,0
Ер остидан қазиб олинган газ	2,6
Нобарқарор газ конденцати	20,0
Нефть	20,0
Кўмир	4,0
Рангли ва ноёб металлар:	
Тозаланган мис	8,1
Молибденли саноат маҳсулоти	4,0
Концентрантланган қўрғошин	4,0
Металл рух	4,0
Вольфрам концентрати	10,4
Уран	10,0
Асл металлар:	

Олтин	5,0
Кумуш	8,0
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зиб-зийнат учун тошлар хом-ашёси	24,0
Қора металлар:	
Темир	4,0
Кон-кимё хом-ашёси:	
Тош (овқатга ишлатиладиган) туз	3,5
Калий тузи	3,5
Натрит сульфат	3,5
Фосфоритлар (графитларда)	5,0
Карбонат хом-ашёси (оҳақтошлар, доломитлар)	3,5
Глауконит	3,5
Минераль пигментлар	4,8
Кон-руда хом-ашёси:	
Плавик шпатли концентрат	21,2
Табиий графит	8,0
Иккиламчи бойитилмаган кулранг каолин	7,9
Кварц – дала штапли хом –ашёси	6,5
Шиша хом –ашёси	3,0
Бетонитли лой	4,8
Тальк ва тальк тоши	4,0
Талькомагнизит	4,0
Минерал буёқлар	5,7
Воллостанит	4,0
Асбест	4,0
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт	4,0
Барий концентрати	4,0
Металлургия учун норуда хом-ашёси:	
Ўтга чидамли, қийин эрувчан, қолиблаш гилмояси	4,0
Оҳактошлар, доломитлар	4,0
Кварц ва кварцитлар	6,5
Қолиплаш қумлари	4,0
Норуда қурилиш материлалари:	
Цемент хом-ашёси	5,0
Табиий безактошдан блоклар	5,0

Мармар ушоғи	5,0
Гипс тоши, ганч	5,0
Керамзит хом –ашёси	5,0
Ғишт – черепитса (қумоқсимон, лёссимон жинслар, зичловчи сифатида лёсслар, қумлар ва бошқалар)	5,0
Гипс ва ангидрит	5,0
Арраланадиган, харсангтош ва шағал учун тошлар	5,0
Қурилиш қумлари	5,0
Тош-шағал аралашмаси, шағал аралашмаси, майда тошлар, шағал	5,0
Қумтошлар	5,0
Чиғаноқ	5,0
Сланецлар	5,0
Аглопорит	5,0
Бошқа кенг тарқалган фойдали қазилмалар (маргеллар, аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	5,0
2. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом-ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген ҳосилалардан фойдаланганлик ҳуқуқи учун	асосий фойдали қазилма бойлигини қазиб олганлик ставкасидан 30 %

Қуйидагилар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод этиладилар:

а) ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганувчи юридик ва жисмоний шахслар;

б) геологик, минералогик ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий иш олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар;

в) ҳамма жойда тарқалган фойдали қазилмаларни уларга берилган ер участкалари доирасида белгиланган тартибда, ўз хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун қазиб олишни амалга оширувчи ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар.

Солиқ қонунчилигига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ўз ҳудудида қазиб олинган ва ишлатиладиган кенг тарқалган фойдали қазилмалар ҳажми ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга жорий этилишидан аввал қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчиларга тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

18.3. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблар қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

юридик ва жисмоний шахслар (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланган шакл бўйича солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – биринчи чорак, ярим йиллик, 9 ой якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан солиқ қонунчилигига мувофиқ шакл бўйича ойма-ой тақсимланган ҳолда, йил якунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда давлат солиқ хизмати органларига ўсиб борувчи якун билан тақдим этилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни юридик шахслар қуйидаги тартиб ва муддатларда тўлайдилар:

а) фойдали қазилмаларни қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун – ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг йигирманчи кунига қадар;

б) рангли тош хом-ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаганлик учун ҳар чоракда ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай.

Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланган шакл бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар.

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар йилига бир маротаба, кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай, давлат солиқ хизмати органларининг хабарномаси бўйича ҳисоб-китобни уларга тақдим этадилар ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайдилар.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ умумдавлат солиғи ҳисобланади ва республика бюджетига киритилади.

Юридик шахсларнинг ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби бюджетга

тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади: давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети; бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади: бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети; пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган ҳолда, бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз бўлмаган тақдирда, ушбу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида қайтарилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан давлат солиқ хизматининг юқори органлари ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари кимлар?
2. Жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўла олишадими?
3. Солиққа тортиш объекти қандай тартибда аниқланади?
4. Солиқ ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади?
5. Солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида ўрнатилган?
6. Қандай юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқдан озод этилади?
7. Деҳқон хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни бюджетга тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?
8. Солиқ қайси муддатда давлат бюджетига ўтказилади?
9. Бонуслар нима?
10. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушуми асосан

қайси ер ости қазилма бойликлари ҳиссасига тўғри келади?

11. Республикамизда энг йирик солиқ тўловчилар жумласига қайси корхоналар киради?

12. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумининг асосий қисми республикамизнинг қайси ҳудудлари ҳиссасига тўғри келади?

13. Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортиш объекти ва базаси қандай аниқланади?

14. Қайси мезонлар асосида солиқ ставкалари табақалаштирилади?

15. Ҳозирги вақтда ер ости қазилма бойликларнинг нечта турига нисбатан солиқ ставкалари белгиланган?

Топшириқлар

1. Ер қаъридан фойдаланганда ва чув ресурсларидан фойдаланганда солиққа тортишнинг зарурлигини ўрганиш.

2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни давлат бюджетига таъминлаб берадиган асосий солиқ тўловчилар таркибини ўрганиб чиқиш.

3. Солиқ кодексида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан имтиёзлар таркибини ўрганиш.

4. Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар солиқ мажбуриятларини амалга ошириш тартибини ўрганиб чиқиш.

19-боб. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий ажратмалар

Режа

19.1. Ягона ижтимоий тўлов.

19.2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар

19.3. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар

19.4. Республика йўл жамғармасига йиғимлар

19.5. Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар

Таянч сўз ва иборалар

Юридик шахс, ягона ижтимоий тўлов, Пенсия жамғармаси, Йўл жамғармаси, ажратма.

19.1. Ягона ижтимоий тўлов

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўлов қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

1) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ортиқча олинган суммалар.

5) ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

7) қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

- давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловларга ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилмайди.

Ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона ижтимоий тўловни тўлаш ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

16-жадвал

Ягона ижтимоий тўлов ставкалари[57]

Т/р	**Тўловчилар**	**Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, фоизда**
1.	Бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар; қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлса, ўша юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари	25
2.	1-бандда назарда тутилмаган бошқа тўловчилар	12

Ягона ижтимоий тўлов қуйидагича тақсимланади:

1. 16-жадвалдаги 1-банд бўйича:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 99,2%;
- Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига - 0,4%;

[57] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори. www.lex.uz

- Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига – 0,4%.

2. 16-жадвалдаги 2-банд бўйича:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 98,4%;
- Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига - 0,8%;
- Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига – 0,8%.

2017 йил учун фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси суғурта бадаллари ставкаси 2016 йилда амал қилган 7,5 фоиз ўрнига 8 фоиз миқдорида белгиланган эди. 2019 йилдан ушбу тўлов бекор қилинди.

19.2.Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари пенсия ёшига етганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий ёрдам олиш бўйича конституциявий ҳуқуқга эгадирлар. Ушбу ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминот тўғрисида»ги Қонунида ҳам белгилаб берилган.

Пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини самарали ташкил қилиш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўлашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 444-сонли қарори билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағ тўплаш ва маблағ тўлиқ тушиши устидан назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилди ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар солиқларга тенглаштирилди. Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг йиғма бюджети таркибига киритиладиган бўлди ҳамда Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазолар қўлланилиши, шу жумладан тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пеня ҳисобланиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағлар тўплаш тартиб қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги

"Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 498-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида 2004 йилгача амалга оширилиб келди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибларини соддалаштириш мақсадида, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалар, бандлик фондига ажратмалар ва касаба уюшмалари жамғармасига ажратмалар биргаликда ягона ижтимоий тўлов номи билан юритиладиган бўлди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

- юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

- оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс;

Қуйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

- нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

- ягона солиқ тўловини ва (ёки) ягона ер солиғини тўловчи юридик шахслар.

умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

Соф тушум бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-

монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги ҳақ суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун – товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун – агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ Кодексининг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

6) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

бошқа даромадлар;

ҳаётни суғурталаш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари), қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари,

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар қуйидагича тўланади:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратманинг объекти ва базаси қуйидагича белгиланган.

19.3. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сонли “Ўзавтойўл давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятни ташкил этиш масалалари тўғрисида” ги қарорига асосан 2003 йил 1 октябридан бошлаб йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги Республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари тугатилди ва уларнинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси тузилди. Ушбу жамғармага маблағларни йиғиш ва уни назорат қилиш вазифаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси зиммаларига юклатилди.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс;

Қуйидагилар Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

ягона солиқ тўловини ва (ёки) ягона ер солиғини тўловчи юридик шахслар;

ихтисослаштирилган йўл хўжалиги бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажарганлик учун олинган даромадлар қисми бўйича.

умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

Соф тушум Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базаси қуйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномаси бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича

воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги мукофот суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ Кодексининг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

6) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

солиқ Кодексининг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар;

ҳаётни суғурталаш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари), қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари, шунингдек солиқ Кодекси 150-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган даромадлар.

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар солиқ солинадиган базадан ва тасдиқланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатдан кечиктирмай тақдим этилади.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар қуйидагича тўланади:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

19.4. Республика йўл жамғармасига йиғимлар

Республика йўл жамғармаси йиғимларига қуйидагилар киради:

- автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

- чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим.

Автотранспорт воситаларини олувчи ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб киришни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим тўловчилардир.

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг эгалари ёки фойдаланувчилари ушбу воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим тўловчилардир.

Йиғимлар учун солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтиш.

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари двигателининг от кучидаги қуввати ёки автотранспорт воситаларининг қиймати;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганида ёки унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганида чет давлатларнинг автотранспорт воситалари.

Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўлашдан қуйидагилар озод қилинадилар:

1) ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган енгил автомобилни ва (ёки) мотоаравачани олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлар;

2) яқин қариндошларидан ҳадя шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар;

3) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуришни амалга оширувчи ихтисослаштирилган йўл хўжалик бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар — мазкур ишларни амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган автотранспорт воситалари бўйича;

4) фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияга эга бўлган автотранспорт корхоналари — йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналишли таксилардан ташқари);

5) юридик шахслар — қирқ тоннадан ортиқ юк кўтарадиган, олинган кон автосамосваллари бўйича;

6) ҳомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобилларни олган (сотиб олган) болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, ногирон болалар учун марказлар, қариялар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари;

7) юридик шахслар — автотранспорт воситаларини битта тизим (давлат ва хўжалик бошқаруви органи) ичида балансдан балансга бепул ўтказишда;

8) қайта ташкил этиш натижасида автотранспорт воситасини олган ҳуқуқий ворис;

9) автотранспорт воситаларини юридик шахсларга лизингга бериш учун олувчи лизинг берувчилар.

Автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда қуйидаги ҳолларда ундирилади:

1) автотранспорт воситалари олди-сотди, алмаштириш, ҳадя, бепул бериш шартномаси асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олинганда;

2) автотранспорт воситалари юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дивидендлар сифатида олинганда;

3) автотранспорт воситалари лизингга бериш учун олинганда, Йиғим тарафларнинг ёзма келишувига кўра лизинг берувчидан ёки лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, йиғим лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг мазкур лизинг (иккиламчи лизинг) шартномаси предмети бўлган автотранспорт воситаси қайта рўйхатдан ўтказилаётганида такроран йиғим ундирилмайди;

4) автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганда.

Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилмаган ҳолда автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ёки техник кўрикдан ўтказиш амалга оширилмайди.

Чет давлатлар автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим чет давлатнинг автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кираётганида ундирилади.

19.5. Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар

Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари ва маблағларидан фойдаланиш йўналишлари ҳисобланади:

- Жамғармага келиб тушаётган маблағларни кейинчалик улардан қонунчиликка мувофиқ мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади), шунингдек тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) мақсадида фойдаланиш учун жамлаш;

- тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ мактабгача таълим муассасаларини, шу жумладан болалар суҳбатлашиш жойларини, ўйин майдончаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ва ҳудудларни ўраш ишларини молиялаштириш;

- умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни, шу жумладан идоравий бўйсунувдагиларни, қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шу жумладан, зарур

ҳолатларда ўқув корпусларини ўқув устахоналари ва лабораториялар билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш;

- тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни молиялаштириш;

- тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория корпуслари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини молиялаштириш;

- тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш;

- замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тасдиқланган нормативлардан келиб чиқиб, таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория, илмий ва ишлаб чиқариш ускуналари, мусиқа чолғу асбоблари, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа элементлари билан, шунингдек ўқув мебеллари ва асбоб-анжомлари билан жиҳозлашни (тўлиқ жиҳозлашни) молиялаштириш;

- замонавий талаблар ва белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, диагностика ва даволаш ускуналари, компьютер техникаси ҳамда бошқа тиббий аппаратлар, махсус мебель ва анжомлар билан жиҳозлашни ҳамда доимий равишда тизимли қайта жиҳозлашни молиялаштириш;

- замонавий талаблар ва белгиланган нормативлардан келиб чиқиб, болалар мусиқа ва санъат мактабларини энг янги мусиқа ва чолғу асбоблари ва махсус ускуналар, ўқитишнинг техник воситалари, ўқув мебеллари ва анжомлари билан жиҳозлашни молиялаштириш.

- тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ илмий-тадқиқот муассасаларининг бино ва корпусларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш.

2-диаграмма

Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг 2018 йил кўрсаткичлари



Қуйидагилар Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмалардан тушадиган маблағлар;

- «таълим» ва «соғлиқни сақлаш» соҳаси моддалари бўйича алоҳида сатр билан ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари маблағлари;

- халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

- хайрия қилувчилар — юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

- Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар (тўловчилар) Жамғармага мажбурий ажратмаларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланадиган тўлов объекти ва ставкаларидан келиб чиққан ҳолда йўналтирадилар.

Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот тизимида очиладиган ғазначилик ҳисоб рақамларида жамланади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ягона ижтимоий тўлов тўловчилари бўлиб кимлар ҳисобланишади?
2. Ягона ижтимоий тўлов маблағлари қандай тартибда жамғармаларга тақсимланади?
3. Ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадалини объекти ва базаси қандай аниқланади?
4. Ягона ижтимоий тўловдан қандай чегирмалар назарда тутилган?
5. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадаллари қандай тартибда ҳисоблаб чиқарилади?
6. Микрофирма ва кичик корхоналар ягона ижтимоий тўловни қайси муддатда тўлашади?
7. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил этилган?
8. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларнинг тўловчилари бўлиб кимлар ҳисобланади?
9. Ягона солиқ тўловини тўловчилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратма тўлашадими?
10. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларнинг объекти ва базаси қандай топилади?
11. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади?
12. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари неча фоизни ташкил этади?
13. Жамғармага тўловларни ҳисоблаш тартиби қандай амалга оширилади?

Топшириқлар

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ташкил топиш манбаларини ўрганиб чиқиш.
2. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини тўлаш тартибини ўрганиш.

20-боб. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари

Режа

20.1. Солиқсиз даромадлар таснифи

20.2. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркиби ва тузилиши

20.3. Республика бюджетининг солиқсиз даромадлари: давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган даромадлар, давлат қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлар ва бошқалар

Таянч сўз ва иборалар

Давлат бюджети, солиқсиз даромадлар, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган даромадлар, давлат қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлар.

20.1. Солиқсиз даромадлар таснифи

Бюджет даромадларини солиқсиз тўловлари ҳақида иқтисодий адабиётларда иқтисодчиларимиз томонидан назарий ва амалий фикрлар юритилмаган бўлсада, уни бюджет даромадлари таркибидан умумий ҳиссасидан қатъий назар, иқтисодий-ижтимоий жараёнларни тартибга солишда, солиқ муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамланиб борилишига, бюджет тўлов тўлиқлигини бюджет бўғинлари ўртасида таъминлашда бениҳоят катта аҳамият касб этади.

Шуни айтиш жоизки, иқтисодий адабиётларда бюджет даромадларининг солиқсиз тушуми “бюджет йиғимлари” деб юргизилиб келинмоқда. Аммо бюджет даромадларининг бундай талқин қилиниши бюджет даромадлари таркибини, унинг тузилиш асосларини тўлиқ ифодаламайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 50-моддаси “Давлат бюджети даромадларини шакллантириш” таркибида:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар;
- мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини ва чет давлатларга ажратилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Шунинг учун ҳам биз бюджет даромадларини солиқли ва солиқсиз тушумларини бир-биридан фарқини билишимиз зарур.

Биринчидан, назарий жиҳатдан қонун доирасида илгаридан белгилаб қўйилган солиқ турлари ва мажбурий хусусиятга эга бўлган йиғимлар йиғиндиси бюджет даромадларини солиқли тушуми тушунилади. Яъни улар амалий услубий таъсирида харажатга келади. Бундай тушумларнинг ўрни жамиятнинг, ижтимоий-иқтисодий тузуми билан белгиланади. Қолаверса, агарда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми бозор иқтисодиёти билан ифодаланар экан, бюджет даромадининг солиқли муносабатлари билан аниқланади ва ривожлантирилиб борилади. Шундай экан, бюджет даромадини солиқли тушумлари давлатнинг функцияларини маблағ билан таъминлашдаги етакчилигини ифодалайди.

Шунинг учун ҳам бюджет даромадларининг солиқли тушумлари солиқ солиш тизимининг барча элементларидан тўлиқ фойдаланади.

Аммо бюджет даромадларини солиқсиз тушумлари солиқ солиш тизимининг алоҳида элементларига ўз харажат доирасида дуч келиши мумкин, яъни тўлов субъекти, объекти, манбаи ва бирлигига. Ушбу тўловни ҳаракатга келтиришда ставка, имтиёз, декларация ва шу каби элементлар эътиборга олинмайди. Шундай қилиб, бюджет даромадларининг солиқсиз тушумлари деганда ташкилий жиҳатдан тузилиш усуллари йиғиндисига эга бўлмаган эркин номажбурий тушумлар йиғиндиси тушунилади.

Бюджет даромадларининг солиқсиз тушумларини муҳим хусусияти шундаки, улар айрим ҳолларда субвенция ёки субсидия орқали ҳам намоён бўлиши ва турли звеноли бюджет даромадларини тўлиқлигини таъминлашда намоён бўлади. Бундан ташқари, шу усуллар ёрдамида бюджетга тушган тушумлар орқали солиқли тушумларга имтиёзлар берилиши мумкин бўлади.

Шундай қилиб, бюджет даромадларини солиқсиз тушумлари таснифини уларни моҳиятига кўра гуруҳлаш мумкин.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқсиз тушумларини ташқи ва ички тушумларга бўлиш мумкин.

Ташқи тушум мамлакатда бюджет дефицитини кучайиши, иқтисодий-ижтимоий ўсиш кўрсаткичларини турли омиллар таъсирида пасайиши сабабли чет эл юридик ва жисмоний шахслардан ёрдам тариқасида пул маблағлари тушиши мумкин. Бундай тушумлар моддий ва номоддий қиймат кўринишларида ҳам бўлиши мумкин, яъни мамлакат ичкарисига инвестицион капиталларни киритиш ёки таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини амалга

ошириш орқали ўз аксини топади. Икки ҳолатда ҳам давлат бюджет даромадлари ва харажатларини ташқи манбалар ҳисобида тартибга солиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, уларга чет эл мамлакатларининг юридик ва жисмоний шахсларидан келган қайтарилмайдиган пули ёки мулкий тушумлар, чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар ва ҳ.к.

Ички тушумларига юқорида номлари тилга олинган манбалар киради, яъни: мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари, давлат молиявий активлари ва бошқа активлар жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар, юридик ва жисмоний шахслардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент – юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар ва ҳ.к.лар бюджет даромадларини солиқсиз тушумлари жуда хилма-хилдир. Уларни биз юқорида атрофлича айтиб ўтдик. Бозор иқтисодий муносабатлари тикланиши хилма-хил фаолият ва мулк шаклидаги корхона (ташкилот)ларни умумдавлат чора-тадбирларини молиялаштиришда қатнашишлари ижтимоий-иқтисодий зарурат тусига кириб бормоқда. Ҳозирги молиявий танқислик, асосан бюджет танқислигини эътиборга олиб солиқсиз тўловлар хайрия хусусиятлари билан билвосита намоён бўлмоқда. Бундай ишларни амалга оширилиши бюджет маблағларини тежамкорлик билан сарфланишга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Чунки бозор иқтисодиётининг дарахтсимон структурасига хизмат қиладиган хилма-хил солиқсиз тузилишларини иқтисодий чегараларини кенгайтириб бориш имкониятларини давлат томонидан яратиб берилиши катта молиявий ресурсларни жойларда ташкил этилиши орқали халқ манфаатлари йўлида ишлатилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси солиқсиз даромадлар таснифини ўзида тўлиқ акс эттирмаган бўлсада, улар бюджет даромадини ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Солиқсиз даромадларни аксарият кўринишлари мажбурий хусусиятга эга бўлмаган ҳолда бюджетга ундирилиши амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса солиқсиз тушумларни доимий фискал хусусиятга эга бўлмаганлигидан далолат беради. Шунингдек, солиқсиз даромад тушумлари доимий амал қиладиган ставкаларида ундирилмаслиги, улардан тушумини илгаридан режалаштириш орқали бюджет даромадларини бир маромда тўлдирилиб турилишига таъсир ҳам этади. Агарда уларни эътиборга олиш орқали бюджет даромадларини

режалаштириш зарур деб топилганда, унда солиқсиз даромадларни олдинги йил тушум динамикасини эътиборга олинган ҳолда режа тахминлари (шартли) эътиборга олиниши мумкин.

Шуни эътиборга олиш керакки, бюджетни солиқсиз даромадларини конкрет тушумлари бўйича ставкаларини фоизларда ёки абсолют миқдорларда юридик ва жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки бошқа давлат бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларига таянилган ҳолда белгилаш кўзда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда изоҳлаш мумкинки, солиқсиз тўловлар икки шаклда бюджет даромадига ундирилиши мумкин:

- мажбурий;
- ихтиёрий.

Солиқсиз мажбурий даромадлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқий ҳаракатларни юзага келиши билан ташкил этилиш ва бюджетга белгиланган тартиб ва муддатларда ундирилиши мумкин.

Солиқсиз ихтиёрий даромадлар юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий-ижтимоий ўсишларининг негизида юзага келиши мумкин. Лекин бундай тўлов кутилмаган ва конкрет белгилаб қўйилмаган муддатларда ўз ҳаракатини топиши мумкин. Шунинг учун ҳам уни юзага келишини ва иқтисодий чегараларини ҳар эҳтимолга қарши белгилаш мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, солиқсиз даромад элементлари барча даражадаги бюджетлар учун ягона бўлиши мумкин. Шунингдек, уларнинг конкрет кўриниши бюджет таснифи доирасида аниқланади.

Шундай қилиб, бюджетнинг солиқсиз даромадларини хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларни таснифлаш мумкин (3.2-чизмага қаралсин).

3.2-чизма. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари

3.2-чизмага чуқур назар ташлаш орқали қуйидаги хулоса чиқариш мумкин, яъни солиқсиз даромадлар давлат ихтиёридаги мулкни уни ихтиёрига қонун доирасида ўтказилган мулкларни сотишдан олинган маблағлар, хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар, жарима ва санкциялар ҳисобида тушадиган маблағлар мажмуаси доирасида юзага келадиган пул муносабатлари йиғиндисини ўзида акс эттиради.

20.2. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркиби ва тузилиши

Бюджет даромадларини ташкил этишда оз миқдорда бўлсада солиқсиз даромадлардан ташкил топишини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бюджет даромадларининг солиқсиз даромадлари, бюджет даромадларининг солиқли даромадларини ҳисоблаш ва ундирилишидан фарқланади. Шу боис уларни алоҳида хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги қонун ҳужжатлари амал қилган ҳолда айтиш мумкинки, унинг таркибига қуйидагилар киради:

- давлат мулкидан фойдаланишдан олинган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатилган тўловли хизматлардан келган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғри сидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий чораларни қўллаш натижасида олинган маблағлар, жумладан, жарималар, мусодаралар, компенсациялар ва давлат субъектларига етказилган зарарларни тиклаш бўйича олинган маблағлар ва мажбурий ундирилган бошқа маблағлар;
- молиявий ёрдам кўринишидаги даромадлар (бюджет ссудалари ва бюджет кредитларидан ташқари);
- бошқа солиқсиз даромадлар.

Бюджет даромадларининг таркибига тушумларнинг қуйидаги кўринишлари ҳисобга олиниши мумкин:

- давлат мулкини вақтинчалик фойдаланишга бериш натижада ижара ҳақи ёки бошқа кўринишда олинадиган маблағлар;
- кредит муассасаларидаги ҳисобварақларда бюджет маблағларининг қолдиғи бўйича фоизлар кўринишида олинадиган маблағлар;
- давлатга тегишли мол-мулкни гаровга ёки ишончли бошқарувга беришдан олинадиган маблағлар;

- қайтариш ва хаў олиш асосида бошқа бюджетларга, хорижий давлатларга ёки бошқа юридик шахсларга берилган бюджет маблағларидан фойдаланганлик учун ҳақ;

- давлатга қисман тегишли бўлган хўжалик жамиятлари устав капиталининг ҳиссасига ёки акциялар бўйича дивидендларга тўғри келадиган фойда кўринишидаги даромадлар;

- давлат унитар корхоналари фойдасининг бир қисми (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);

- давлатга тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинадиган қонунчиликда кўзда тутилган бошқа даромадлар.

Давлат бюджетини ташкил этувчи даромадларига бошқа солиқсиз манбалар ҳам киради. Улар қуйидагилардан иборат:

- Нотариал хизматлар кўрсатилганлиги учун олинадиган давлат пошлиналари.

- Автомашиналарни Давлат рўйхатидан ўтказганлигидан кейин ундириладиган йиғимлар.

- Хўжалик судлари томонидан даъво аризаларини кўриб чиқиш учун олинадиган давлат пошлиналари.

- Конфискация қилинган ва эгасиз мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар.

- Давлат мулкини сотишдан ва хусусийлаштиришдан олинадиган даромадлар.

Маълумки, Давлат нотариал идоралари томонидан аҳолига еки юридик шахсларга турли хизматлар кўрсатилади. Шу кўрсатилган хизмат пошлиналари ундирилади. Жумладан, ҳужжатларни тасдиқлагани учун, шартномаларни тасдиқлагани учун ва бошқа нотариал хизматлари учун олинадиган маблағлар Давлат номидан кўрсатилган хизматлар учун пошлиналар олинганлиги сабабли бевосита давлат бюджетига ўтказилиб келинади. Аммо шу хизматлар кўрсатувчи идоралари манфаатдорлигини ошириш учун пошлиналарнинг 20% уларнинг ўзларида қолдирилади, қолган 80% эса Давлат бюджетига ўтказилади.

Автотранспорт воситалари алоҳида рўйҳатдан ўтказилганлиги ва алоҳида давлат назоратига олиб боришини талаб қилади. Шу сабабли алоҳида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун белгиланган тартибда тўловлар давлат бюджетига ўтказилади.

Айтиш жоизки, бунда юридик шахс ҳисобланадиган корхона ва ташкилотлар ўртасидаги юзага келиши мумкин бўлган баҳслар (низолар) хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади. Шу суд

хизматлари учун Давлат пошлиналари жорий этилган. Бу пошлиналар ҳам Давлат бюджетига даромадига олинади. Хўжалик судларини моддий техникавий базасини мустаҳкамлаш учун бу маблағларнинг бир қисми уларнинг ўз иҳтиёрида қолдирилади. Амалдаги қонунчиликка кўра корхона ва ташкилотлар томонидан айрим қонун коидалар бузилган тақдирда, шунингдек айрим мол-мулк эгасиз қолиб кетган бўлса, бу маблағлар давлат бюджетига ўтказиб берилади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, конфискация қилиш тўғрисида суд қарори қабул қилингандан сўнг бу маблағлар давлат бюджетига ўтказилишидан олдин шу конфискация қилган орган учун 20% миқдорда маблағ қолдирилади ва бу маблағлар мақсадга мувофиқ фойдаланиши кўзда тутилади.

Давлат бюджети, унинг даромадлар қисмини шаклланишида асосий ўрин тутган солиқлар, солиқсиз тўлов ва йиғимлар ҳамда божхона тўловлари иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиб туришда катта аҳамиятга эгадир.

20.3. Республика бюджетининг солиқсиз даромадлари: давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган даромадлар, давлат қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлар ва бошқалар

Амалдаги қонунларга асосланган ҳолда ҳозирги кунда солиқсиз даромадлари рўйҳати ҳамма даражадаги бюджетлар учун ягона бўлиб ҳисобланади. Айтиш жоизки, солиқсиз даромадлар бюджет таснифи билан белгиланади.

Уларга:

Биринчидан, давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкини сотиш ёки ижарага бериш, шунингдек хўжалик фаолиятини юритишдан олинган даромадлар киради, яъни:

Шу жумладан:

- давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгаликидаги мулкни фойдаланишга - беришдан олинган даромадлар;

- давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлар;

- давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкни ижарага беришдан, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалиги мақсадларидаги ерлар учун ижара тўловидан олинган даромадлар ;

- вақтинчалик буш турган бюджет маблағларини банк ва кредит ташкилотларида фойлаштиришдан олинган фоизлар ;

- хизмат кўрсатиш ва давлат харажатларини коплашдан олинган даромадлар ; - давлат ва маҳаллий ташкилотлардан тўловлар;

- давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкдан ёки хўжалик фаолиятидан олинадиган бошқа тушумлар.

Иккинчидан, давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкни сотишдан олинган даромадлар киради, яъни:

- давлат мулки бўлган корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан олинган тушумлар ;

- квартираларни сотишдан тушумлар ;

- давлат ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини, транспорт воситалари ва бошқа ускуна-жихозларни сотишдан олинган даромадлар;

- мусодара қилиниб давлат ва маҳаллий ҳокимият эгалигига ўтган эгасиз мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар.

Учинчидан, давлат захираларини сотишдан олинган даромадлар киради.

Тўртинчидан, ер ва номоддий активларни сотишдан олинган даромадлар киради.

Бешинчидан, давлатга карашли бўлмаган манбалардан капитал трансфертлар тизимлари киради.

Олтинчидан, жарима жазоларини қўллаш етказилган зарарни коплаш учун ундириладиган маблағлар (фоизлар) киради, шу жумладан:

- стандартлар ва техник шартлардан четланган ҳолда тайёрланган маҳсулотни ишлаб чиқарганлик ва сотганлик учун тушумлар суммаси ;

- жиноятлар қилиш ва моддий бойликлар камомадида айбдор бўлган шахслардан ундириладиган суммалар.

Еттинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган даромадлар, шу жумладан:

- давлат кредитлари бўйича фоизлар ;

- давлат захираларини сотишдан олинган даромадлар;

- марказлаштирилган экспертдан тушумлар суммаси;

- ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган бошқа тушумлар.

Саккизинчидан, бошқа турли носолиқ тушумлари .

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари нималардан иборат?

2. Давлат бюджетини ташкил этувчи даромадларига бошқа солиқсиз манбалар нималардан иборат?

3. Давлат бюджетининг йиғилган солиқсиз даромадлари қайси мақсадларга ишлатилади?

4. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинган даромадлар деганда нимани тушунасиз?

5. Давлат қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлар қандай шаклда бўлиши мумкин?

Топшириқлар

1. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари моҳиятини ўрганиш.

2. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини ошириш йўналишларини ўрганиб чиқиш.

III-ҚИСМ.
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИ

21-БОБ.
Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ

Режа

21.1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва унинг ўзига хослиги

21.2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиқ солиш объекти ва солиққа тортиладиган база

21.3. Солиқ ставкалари табақаланиши ва имтиёзлари таркиби

21.4. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

21.5. Норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқ ундириш жараёни

21.6. Декларациялаш тартиби

Таянч сўз ва иборалар

Жисмоний шахс, даромад, даромад солиғи, декларация, солиқ имтиёзлари.

21.1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва унинг ўзига хослиги

Жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлашни ташқил қилиши ва фойдаланилиши бозор иқтисодий шароитида рағбатлантириш тизимида марказий ўрин тутади. Ҳозирги шароитда бозор иқтисодиёти механизмининг таъсирчанлиги, инсон омилининг кучайиши ушбу масалалар қандай ҳал этилишига кўп жихатдан боғликдир. Мазкур муаммони ҳал этиш борасидаги изланишларнинг асосий йўналиши иш ҳақини солиқ объекти сифатида солиқ тизимига қўшиб олишдан иборатдир. Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини ташқил этиш тартиби корхоналарнинг даромадини яратишнинг турли хилдаги вариантлари учун, яъни «фойдали» ва «пудрат» вариантлари учун бир хил эмас. Бу ўринда шуни қайд қиламизки, меҳнатга ҳақ тўлашни қандай тамойилга кўра шакллантириш масаласини корхонанинг меҳнат коллективи ҳал қилади (фақат давлат ташкилотларидан ташқари).

Бунда меҳнатга ҳақ тўлашни миқдори иккита қисмдан асосий ва қўшимча иш ҳақидан ҳосил бўлади. Асосий иш ҳақи маҳсулот

таннархига қўшилади. Қўшимча иш ҳақи эса фойда ҳисобига шаклланади. Шуни айтиш керакки ҳар бир иш ҳақи турини ташқил этишда алоҳида нормативлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кўп мулкчилик тизимига ўтилиши иқтисодий полиформизмни юзага чиқариб, хилма – хил даромадларни шакллантиради. Уларни шартли равишда икки бўгинга ажратиш мумкин: бу – бозор ва нобозор. Нобозор муносабатлар-нинг ўзида ҳам икки жихат бор. Бири – маъмурий тизим белгилари бўлса, иккинчиси умумиқтисодий, инсонпарварлик муносабатларидир.

Даромад бозор қонунларига биноан ишлаб топилган даромад бўлиб, унинг миқдори иқтисодий ресурсларнинг нақадар самарали ишлатилишига, аниқроги яхши иқтисодий натижага эришишга боғлиқ бўлади. Даромад миқдорлари чекланган эмас, чунки уни ишлаб топиш учун етарли шарт – шароит мавжуд. Даромад таркибан тадбиркорлик даромади, мулкдан кедган даромади ва бозор талабига қараб ишловчи корхона ва ташкилотлардан тегадиган иш ҳақидан иборат.

Фаолият юргизиш орқали даромадлар асосий олинган бўлса нотижорат даромади уларнинг ҳосиласи иккиламчи даромаддир. Шу сабабли бозор даромади қанчалик кўп бўлса, ўз ҳисобидан шаклланган, нотижорат даромадлар ҳам ортиб боради.

Иқтисодда ресурсларининг иштирокига кўра, нотижорат даромадлари мазмунан турлича бўлсада, унинг асосий тури тадбиркорлик даромадлари бўлади. Уни тадбиркорлар синфи ўзлаштиради. Иқтисодий ислохотлар жараёнида ишчи, деҳқон ва хизматчилар орасидан тадбиркорлар бу турли катта кичик фирма сохиблари ва уларнинг шерикларидан иборат бўлса, кенг маънода фермер ва якка тартибда ишловчилардан ташқил топади. Тадбиркорларнинг ўз кобилятларини ишга солиб, капитал сарфлаб, риска боргани учун топадиган пул ва даромадлар улар бойлигининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Тадбиркорликдан бозор даромади келса, ёлланиб ишлаш меҳнат даромадини беради, у ҳам бўлса иш ҳақидир. Унинг миқдори меҳнат самарадорлигига боғлиқ, чунки бозор иқтисодиётида ҳар қандай даромад ресурсларини накадар унумли ишлатишнинг натижаси бўлади. Улар унумли ишлатилса, даромад ортади ва аксинча. Шу сабабли иш ҳақи миқдори меҳнат унумдорлик даражасидан келиб чиқади. Бу қоида моддий ишлаб чиқариш соҳалари (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва хоказо)даги иш ҳақи ишлаб чиқаришда яратилган даромадларнинг бюджет орқали тақсимланишига боғлиқ бўлади. Шу сабабли

бюджетдан молиялаштирилувчи ташқилот ва муассасалардаги иш ҳақи бюджетдан имкониятларидан келиб чиқади ва давлат томонидан қайта кўриб турилади.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғини замонавий даражага кўтариш қўйидаги вазифаларни ҳал қилишда мухим роль ўйнайди, яъни:

- ишчи ва хизматчилар даромадини тинимсиз ошиб боришига ва уни давлат томонидан тартиблаштириб турилишига;
- жисмоний шахсларга қонунлар доирасида турли уриндошлик иш жойларини юзага келтириш орқали уларнинг даромадларини ошириб боришига;
- жисмоний шахсларга турли фаолиятлар билан шуғулланиш орқали кўпроқ даромадларни қўлга киритилишига;
- жисмоний шахсларга чегараланмаган даражада даромад олиш имкониятини яратилиши йулида янги инфраструктураларни юзада келтириш ва уларда ишлаш учун жисмоний шахсларни жалб этишга ва хокоза.

21.2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиқ солиш объекти ва солиққа тортиладиган база

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ни тўловчилар ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари солиқ солиш объектидир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган, солиқ Кодекси 58-бобига мувофиқ, қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди.

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига мувофиқ жисмоний шахсларнинг жами даромадига қуйидагилар киради:

1) меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;

2) мулкий даромадлар;

3) моддий наф шаклидаги даромадлар;

4) бошқа даромадлар.

Юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади деб ҳисобланмайди:

1) ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга мувофиқ сут ва бошқа даволаш-профилактика озиқ-овқати, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш;

2) касаба уюшмалари қўмиталари амалга оширадиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмалари аъзоларига бериладиган моддий ёрдамлар, касаба уюшмалари қўмиталарининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар бундан мустасно;

3) ишчиларни иш жойига келиш ва қайтиш билан боғлиқ хизмат транспортини сақлаш ҳаражатлари;

4) диний расм-русум ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш ҳаражатлари, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа ҳаражатлари;

5) ходимга ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш бўйича ҳаражатлари;

6) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёҳуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкини кўчириб бориш, турар жой ижараси билан боғлиқ ҳаражатлар;

7) хизмат сафарлари чоғидаги компенсация тўловлари:

8) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида компенсация тўловлари (компенсациялар):

доимий иши йўлда кечадиган ёки сайёр ва (ёки) кўчиб юриш билан боғлиқ ходимга;

хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун, хизмат сафарларидан ташқари;

дала таъминоти;

амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар);

9) майиб бўлиш ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ зарарни қоплаш бўйича қуйидаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарар унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча ҳаражатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида;

жабрланувчиларнинг маиший парвариши учун қўшимча ҳаражатлар тариқасидаги ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида;

ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасидаги жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

10) боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар; боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасидаги марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар;

11) ўқув юрти билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича пулли-контракт асосда талабанинг таълим олиши учун ўтказиладиган тўловлар.

12) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳисобварағига муқобил хизмат шартномаси бўйича ўтказиладиган маблағлар;

13) жисмоний шахсларни мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш турлари бўйича суғурта мукофотлари. Бунда жамғариб бориладиган суғурталаш турлари бўйича мазкур мукофотлар муддати бир йилдан

кам бўлмаган суғурталашда жисмоний шахсларнинг даромади бўлиб ҳисобланмайди;

14) юридик шахсдан — иш берувчидан:

ёш оилалар аъзолари томонидан уй-жой олиш учун олинган маблағлар;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банклар томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган ипотека кредити бўйича бошланғич бадал сифатида қурувчи шахс томонидан олинган маблағлар.

Уй-жой олинган (мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

15) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган меҳнат шартномаларига ёки фуқаровий-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар деб эътироф этилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадларга рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, ишланмаган вақти учун ҳақ тўлаш, компенсация қилиш хусусиятига эга тўловлар киради.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган меҳнат шартномаларига ёки фуқаровий-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар деб эътироф этилади.

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловларга қуйидагилар киради:

1) йиллик иш натижалари бўйича тақдирлашлар, бир йўла бериладиган мукофотлар;

2) юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қоидасида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

3) касбий маҳорат, мураббийлик учун тариф ставкалари ва маошларга қўшимчалар;

4) таътилига ҳар йилги қўшимча ҳақлар;

5) кўп йил ишлаганлик учун тақдирлашлар ва тўловлар;

6) рационализаторлик таклифи учун тўлов.

7) меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар.

1. Компенсация қилиш хусусиятидаги тўловларга қуйидагилар киради:

1) табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига устамалар;

3) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

4) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар;

5) доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар;

6) юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланадиган суммалар;

7) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;

9) хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

10) ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун

ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганликлари муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

11) хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

12) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ортиқча олинган суммалар;

13) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлашга қуйидагилар киради:

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ:

а) йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътилдан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

б) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

в) ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътилларга ҳақ тўлаш;

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

2) асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;

3) донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;

5) қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;

6) бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойида лавозим бўйича маоши миқдорлари маълум бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш;

7) юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи;

8) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;

9) меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

11) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

12) юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;

15) юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар;

16) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар;

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига қуйидагилар киради:

1) фоизлар;

2) дивидендлар;

3) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

4) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар. Мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади. Мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкни реализация қилиш қиймати, кўчмас мулк бўйича эса, инвентаризация қиймати ҳамда реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади;

5) саноат мулки объектларига, селекция ютуғига берилган патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади;

6) роялти;

8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

Моддий наф шаклида олинадиган даромадлар ҳисобланади:

1) юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

2) солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текинга, шу жумладан ҳадя шартномаси асосида берилган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати;

3) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳисоблаб чиқарилган қиймати ўртасидаги салбий тафовут;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

5) жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

6) иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи юридик шахсдан товарлар (ишлар, хизматлар) олган тақдирда, ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати уларни олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жисмоний шахс юридик шахсдан акциз тўланадиган товарлар ёки қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) олса, бундай товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида акциз

солиғининг ва қўшилган қиймат солиғининг тегишли суммаси ҳисобга олинади.

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига қуйидагилар киради:

1) пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар;

2) стипендиялар;

3) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

4) донорлик учун пул мукофотлари;

5) алиментлар;

6) ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак қурти, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

7) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар қиймати;

8) мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

9) ютуқлар;

10) грант берувчидан олинган грантлар, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар;

11) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

12) яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар;

13) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

14) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

15) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

16) моддий ёрдам тариқасида:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;

ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар;

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;

мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар.

17) қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

18) ишламайдиган пенсионерларга юридик шахс томонидан тўланадиган тўловлар;

19) суғурта товони суммалари;

20) маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пул тўловлари.

21.3. Солиқ ставкалари табақаланиши ва имтиёзлари таркиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086 сонли Қарори ҳамда Солиқ кодексининг 181-моддасига биноан, 2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахснинг даромадларига, бундан дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадлар мустасно, 12 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

2019 йилдан Ўзбекистон Республикасининг резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга 5 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

2018 йилда ундирилган даромад солиғи ставкалари 17-жадвалда акс эттирилди.

17-жадвал

2018 йилда жисмоний шахслар даромад солиғи ставкалари[58]
(тарихий қараш)

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг1 баравар миқдоригача	0 фоизи
Энг кам иш ҳақининг1 бараваридан (+1 сум) 5 баравар миқдоригача	Даромад суммасининг 7,5 фоизи
Энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдоридан (+1 сум) дан 10 баравар миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг 5 баравар миқдоридан олинадиган солиқ +4 бараваридан ошадиган сумманинг 16,5 фоизи
Энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан (+1 сум)дан ва ундан юқори миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг 10 баравар миқдоридан олинадиган солиқ +10 бараваридан ошадиган сумманинг 22,5 фоизи

Солиқ солинадиган даромадларга қўйидаги даромадлар киритилмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

- фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари – тўлалигича;

- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари – энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

- бошқа ҳолларда – солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

2) йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

---

[58] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли Қарори. www.lex.uz

3) ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

6) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

7) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

8) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

10) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;

11) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар, бундан:

қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини);

яшаш учун мўлжалланмаган жойларни;

кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда, уй-жойларни реализация қилишдан олинадиган даромадлар мустасно.

12) уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно. Мазкур даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади;

13) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

14) юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совғалар;

илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги ёрдам.

15) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно;

16) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;

17) жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклардаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар;

18) халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан — грант олувчидан олган грант суммаси;

19) меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидаги тўловлар;

20) олинган алиментлар;

21) фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари;

22) қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

23) уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

24) давлат пенсиялари;

25) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

26) фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари;

27) юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига — юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади;

28) қуйидаги жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартирали уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришни ушбу мақсадлар учун кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банкларнинг кредитлари ҳисобидан амалга ошираётган қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

Ушбу бандда кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

29) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари.

30) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномаси бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадлар, агар мазкур улушлар, пайлар ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса.

31) пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари.

32) акциядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятидан олган даромадлари.

Қўйидагилар жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан тўлиқ озод қилинади:

1) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

2) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

3) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

5) халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари — агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

6) концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар — ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;

7) якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган шахслар — якка тартибдаги тадбиркор билан тузилган меҳнат шартномасига кўра бажарган ишлари учун олган даромадлари бўйича.

Шунингдек қўйидаги солиқ тўловчиларнинг ҳар бир тулик ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлари жисмоний шахслар даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинади;

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

4) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси

ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

5) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Имтиёз ҳар бир бола учун Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

6) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;

7) болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, биргаликда яшашга тааллуқли қисмида — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида берилади.

Фуқаролар солиқ имтиёзидан маҳрум бўлганда 15 кун ичида бу ҳақда корхона, муассаса, ташқилотни шунингдек ўзидан солиқ ни ушлаб коладиган жисмоний шахсни, ёхуд солиқ органини (агар солиқ миқдорини шу орган ҳисоблайдиган бўлса) хабардор қилишлари керак.

Даромад солиғини ҳисоблашда чет эллик жисмоний шахсларга нисбатан маълум даражада фарклар ёки ажралиб турувчи хусусиятлари ҳам бўлиши мумкин. Мисол учун, чет эллик жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шу йурикномага мувофиқ равишда, Ўзбекистон Республикасининг ҳалкаро шартномаларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ ка тортилади.

- резидент Ўзбекистон Республикасининг фуқароси каби жисмоний шахслар даромадидан солиқ тулайди. Унинг манбаи Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромади бўлиб ҳисобланади.

21.4. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини, шунингдек энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йилнинг 1 январидаги ҳолати инобатга олинади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш белгиланган солиқ солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиққан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлари тўғрисида декларация топширганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация

рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инобатга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушбу бўлимда назарда тутилган имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар.

Солиқ агентлари жисмоний шахснинг талабига биноан унга даромадларининг суммалари ва турлари ҳақида, шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома беришлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг якуний суммаси жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари

бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ агентлари:

1) солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида, асосий иш жойи бўйича даромадлар олган жисмоний шахслар бундан мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт, унда қуйидагилар акс эттирилади:

солиқ тўловчининг — жисмоний шахснинг идентификация рақами;

солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи манзили;

ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси;

солиқ агентининг идентификация рақами;

солиқ агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили);

2) йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан қуйидаги муддатларда тўланади:

пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда, иш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда солиқни тўлаш амалга оширилмайди;

тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида, агар бундай тўловга қонун ҳужжатларида рухсат берилган бўлса.

Агар юридик шахснинг банк ҳисобварағида иш ҳақини тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларни бюджетга ўтказиш учун маблағлар етарли бўлмаса,

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи банк ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларга мутаносиб суммада бюджетга ўтказилади.

21.5. Норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқ ундириш жараёни

Чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солинади.

Резидент - чет эллик жисмоний шахсдан Ўзбекистон Республикаси фуқароси сингари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Норезидент - чет эллик жисмоний шахслардан тўланган жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Солиқ солиш мақсадида норезидент жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент сифатида ёки доимий муассаса билан боғлиқликда бўлмаган норезидент шахс сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент жисмоний шахс доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари бўйича солиқ тўловчи ҳисобланади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундириш тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида, бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

21.6. Декларациялаш тартиби

Бозор иқтисодиёти шароитда жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган турли фаолиятларни тўғри ҳисобга олиш фақат улар томонидан қўлга киритиладиган даромадлар доирасида назоратга олиниши мумкин. Шу боис жисмоний шахсларни жами йиллик даромадини ҳисобга олиш орқали деклорация тузиш мухимдир.

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари киради:

- мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;
- фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;
- асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;
- солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Солиқ тўловчилар даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ўтган солиқ даври учун даромадлар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача декларация тақдим этади.

Чет эллик жисмоний шахс — Ўзбекистон Республикасининг резиденти ушбу бобда белгиланган тартибга мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган даромад келтираётган фаолиятини календарь йили ичида тугатган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда жорий солиқ даврида ҳақиқатда олган даромадлари тўғрисидаги декларация мазкур жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетишидан бир ой аввал тақдим этилиши лозим. Агар чет эллик жисмоний шахс

— Ўзбекистон Республикасининг резиденти жорий йилнинг 1 февралига қадар доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётган бўлса, жорий йил учун даромадлар бўйича декларация тақдим этилмайди.

Тақдим этиш тартиби белгиланган даромадлар тўғрисидаги декларация бўйича ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқни тўлаш декларация топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида амалга оширилади.

Грант олган жисмоний шахс даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшираётганда грант бўйича олинган даромад суммасини, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи миқдорини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг тегишли хулосасини кўрсатади.

Мол-мулкини ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинмаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома топширишга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши

мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнидан кечиктирмай солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тўланган сана қуйидагилардир:

- юридик шахслар ёки жисмоний шахслар томонидан банкдаги ҳисобварағидан тўлангани тақдирда — уларнинг банкдаги ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун;

- жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари киритилган тақдирда — банк кассасига маблағлар тўланган сана.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак.

Декларация бўйича қўшимча ҳисобланаган солиқ суммасини бюджетга тўлаш муддати қуйидагича:

1. Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тугаган солиқ давридан кейинги йилнинг **1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.**

2. Жисмоний шахс- Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банкдан чет эл валютасини тўлаши мумкин. Бунда, жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари, даромадлар амалда олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг белгилаган курси асосида Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. Мол-мулкни ижарага беришдан даромад оладиган жисмоний шахслар тақдим этилган дастлабки декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугаши билан солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган сумма ўртасидаги тафовут солиқ тўловчидан ундирилиши ёки келгуси йилнинг 15 мартигача унга қайтарилиши керак.

4. Солиқ тўловчининг ҳисобварағидан маблағлар кўчирилган кун юридик шахслар томонидан, шунингдек банкда ҳисобварағига эга жисмоний шахслар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш санаси ҳисобланади, бошқа ҳолларда эса, шу жумладан жисмоний шахслар учун – кредит муассасаларининг кассасига маблағлар киритилган сана ҳисобланади.

5. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши лозим.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қандай шахсларни жисмоний шахслар деб аташади?
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджет даромадлари таркибида қандай аҳамиятга эга?
4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўловчилари кимлар?
5. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларига қайси даромад турлари киради?
6. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қайси мезонлар асосида белгиланади?
7. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар таркибига қандай даромадлар киради?
8. Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларига солиқ ставкалари қандай белгиланади?
9. Норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида қандай тартибда солиқ ставкалари қўлланилади?
10. Қайси жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида солиқдан озод этилади?

11. Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига қандай ставкада солиқ белгиланади?

Топшириқлар

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг моҳиятини ўрганиш.

2. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортиш тартибини ўрганиб чиқиш.

3. Солиқ имтиёзларини ўрганиш.

22-БОБ
Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ (тарихий қараш)

Режа

22.1. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг амалиётга киритилиши ва унинг иқтисодий аҳамияти. Солиқни тўловчилар таркиби ва солиқ объекти

22.2.Солиқ ставкалари ва солиқни ҳисоблаш тартиби.

22.3.Солиқ ҳисобини юритиш тартиби ва уни тўлаш муддатлари

Таянч сўз ва иборалар

Жисмоний шахс, транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, солиқ имтиёзлари.

22.1.Транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг амалиётга киритилиши ва унинг иқтисодий аҳамияти. Солиқни тўловчилар таркиби ва солиқ объекти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрда қабул қилинган 490 – сонли Низоми орқали Йурикноманинг келгуси нашрига қуйидаги ўзгаришлар киритилган: транспорт воситалари бўйича туланадиган жисмоний шахсларнинг мол – мулк солиғи урнига транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилгиси ва суюлтирилган газ истеъмоли учун туланадиган солиқ жорий этилди.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар охирги истеъмолчиларга:

бензин ва дизель ёқилғисини реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар;

газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар.

Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида:

автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари деганда автомобилларга компрессор воситасида газ тўлдириш, автомобилларга ёқилғи қуйиш ва автомобилларга газ қуйиш шохобчалари тушунилади;

охирги истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш **солиқ солиш объектидир.**

Бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳажми **солиқ солинадиган базадир.**

22.2.Солиқ ставкалари ва солиқни ҳисоблаш тартиби

Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президент қарори билан белгиланади, унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади[59]:

18-жадвал

Бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган чегаравий солиқ ставкалари

Солиқ тури	**Ставкалар**	
	Ёқилғи қуйиш шахобчаларидан олинганда, 1 литр учун	**Бошқа ҳолатда олинганда, 1 тонна учун**
Истеъмол учун солиқ		
Бензин	232,5	308850
Дизел ёқилғиси	232,5	282500
Суюлтирилган газ	230,0	436300
Сиқилган газ	1 куб метр учун 305	

Солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади ва жисмоний шахс - харидорга бериладиган чекда алоҳида сатр билан кўрсатилади.

Солиқ суммаси жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ва газ учун маблағ тўланиши билан бир вақтда ундирилади.

Солиқ суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

[59] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли Қарори. www.lex.uz

N = V x St,

буерда:

N – ҳисоблаб ёзилган солиқ;

V – сотилаётган бензин, дизель ёнилғиси ёки газнинг натурал ифодадаги ҳажми;

St– солиқ ставкаси.

Ҳисоблаб чиқарилган ва ушланган солиқ суммаси хўжалик юритувчи субъектлар учун тушум деб ҳисобланмайди ҳамда бошқа тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ солиш объекти ёки базаси бўлмайди.

22.3.Солиқ ҳисобини юритиш тартиби ва уни тўлаш муддатлари

Солиқ тўловчилар сотилган бензин, дизель ёнилғиси, газ ҳисоби ҳамда ҳисобланган солиқ суммалари ҳисобини алоҳида юритадилар.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби "Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича - "Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ" илова ҳисобварағида юритилади, солиқни ўтказиш "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи бўйича акс эттирилади.

Ундирилган солиқ маҳаллий бюджетга Ўзбекистон Республикаси бюджетлари даромад ва харажатларининг тегишли таснифига кўра бўлим ва параграфга тўланади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси транспорт воситалари учун реализация қилинадиган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг нархида ҳисобга олинади. Бензин, дизель ёқилғиси ва газдан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилганда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисобланган суммаси солиқ тўловчининг харажатларига киритилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган ҳолда ҳар чоракда, солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Ҳисоб-китоб бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахс жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади, бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилиш ҳоллари

мустасно. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинганда ҳисоб-китоб автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кундан кечиктирмай, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган ерда ҳар ўн кунда амалга оширилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқни бюджетга бевосита тўловчилар кимлар?
2. Солиқ солиш объекти ва базаси қандай аниқланади?
3. Бензин, дизель ёнилғиси ва газни сотиш деганда нима тушунилади?
4. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкалари қайси давлат органлари томонидан белгиланади?
5. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида белгиланади?
6. Солиқ суммаси қайси формула ёрдамида топилади?
7. Солиқ суммаси жисмоний шахслардан қайси вақтларда ундирилади?
8. Солиқ тўловчилар солиқ идораларига жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиғи бўйича қайси муддатда ҳисобот топширади?
9. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ тушуми қайси бюджетга тушади?

Топшириқлар

1. Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларидаги маълумотларнинг хаққонийлиги бўйича жавобгарликни ўрганиш.
2. Солиқ ҳисоботини тўлдириш тартибини ўрганиб чиқиш.
3. Солиқ имтиёзларини ўрганиш.

23-БОБ
Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи

Режа

23.1. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг иқтисодий аҳамияти ва ҳуқуқий асослари

23.2. Ер участкаларини ижарага олишнинг ҳуқуқий асослари ва мулк ҳуқуқи.

23.3. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг тўловчилари, солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ солинадиган ер участкалари таркиби.

23.4. Ер солиғи бўйича жисмоний шахсларга тақдим этиладиган имтиёзлар.

23.5. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари, уни ҳисоблаш, бюджетга ундириш тартиби ва уни тўлаш муддатлари.

Таянч сўз ва иборалар

Жисмоний шахс, ер, ер солиғи, ер участкаси, солиқ имтиёзлари.

23.1. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг иқтисодий аҳамияти ва ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда бозор муносабатларини янада тикланиб ривожланиб бораётган бир шароитда солиққа тортиш тизимининг самарали модели узлуксиз қидирилмоқда. Замонавий солиқ муносабатларини такомиллаштириш ҳозирда ўта муҳим ва мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, мамлакатимиз ривожланишининг муҳим устувор йўналиши сифатида солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг белгиланиши бежиз эмас. Мамлакатимизда амалдаги оширилаётган солиқ тизимидаги ўзгаришлар жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, ер участкаларини ижарага олиш, мулк ҳуқуқи ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, солиқ тизимидаги ўзгаришларни объектив жараён сифатида барча соҳа корхоналари билан бирга жисмоний шахслар фаолияти соҳаларига ҳам таъсирини холисона ўзгаришларни тақозо этади. Иккинчидан, солиқ тизимидаги ўзгаришлар жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ташкил этиш жараёнларига ҳам ўзининг ўзини таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммолардан билиш ва тегишли хулосалар чиқариш амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга алоҳида эътибор берилганлигини эътироф этиш жоиздир. Бу солиқ тизимига ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғига қўйиладиган янгича талабларга ўзига хос ёндошувларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жисмоний шахслардан олинадиган солиқ, шу жумладан, ер солиғи муҳим аҳамиятга эга. Айтиш жараёни ўтиш даврининг илк йилларида (1990 йил) “Ер тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унга биноан ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг пуллик бўлиши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач 1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан “Ер солиғи тўғрисида”ги қонун қабул қилинди унда солиқ солишнинг объектлари ва субъектлари имтиёзлар солиқ тўлаш тартиби ва хоказолар анча батафсил белгилаб берилди. Қонун 1994 йил 1 январдан амалга киритилди. Қонунда ерлардан ноқишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланадиган юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг ундириш тартиблари белгилаб берилди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигини устувор ривожлантириш зарурлигини эътиборга олиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи корхоналар (ташкилотлар) учун қонунни жорий этиш 1995 йил 1 январгача кечиктирилди. Шундай қилиб, ер солиғининг жорий этилиши билан мамлакатда ер муносабатларини тартибга солишнинг чинакам иқтисодий воситалари пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси қабул қилиниши (1997 йил 24 апрел) ва 1998 йил 1 январдан кучга киритилиши билан ер солиғининг замонавий ҳуқуқий асослари яратилди. Ҳозирги кунда эса ер солиғи 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан ундирилади ва ҳуқуқий тартибга солинади. Бу қонун ўз тузилиши, вазифаси, мақсади ва тамойили ва услубий асосларига эгадир. Шу қонун асосида ер солиғи ҳам ифодасини топди. Ер солиғи ушбу қонун асосида маҳаллий солиқлар таркибига киритилиб, маҳаллий бюджетга тушрилиши эътироф этилган. Иқтисодий моҳиятига кўра ер солиғи тўғри солиқ ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларга хос солиқ тури ҳисобланади. Ўтган даврларда ер солиғи солиқ тизими ичида даромад таъминлаган бир манба бўлган. Бунинг асосий сабаби

ўша даврларда жамият структураси билан ер орасида яқин бир алоқанинг мавжуд бўлиши ҳисобланади.

Ўтган асрларда, саноат ривожланиши давридан олдинги жамиятларда ҳам мулкнинг ер ва бино шаклида сақланиб қолиши ва солиққа тортиладиган манбаларнинг чекланганлиги натижаси ер солиғининг давлат даромадлари таркибидаги даражасини ортишига йўл очган. Фақат маьлум бир даврлардан сўнг ижтимоий иқтисодий структурада юзага келган, ўзгаришлар, хусусан саноатнинг ривожланиши, илм-фан тараққиёти янги солиқ манбаларини юзага келтирди. Ҳозирги кунда ер солиқларидан таьминланган даромаднинг паст бўлишига қарамасдан ушбу солиқлар солиқ тизимларида ўз ўрнига эгадир.

Ер солиғи давлатга даромад таьминлаш функцияси билан бирга даромад ва мулк тақсимотидаги номутаносибликни йўқотишда муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортар экан, бундан фискаль манфаатдорликни эмас, балки солиқлар орқали қишлоқ хўжалигини бошқариш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, шунингдек уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўзлайди. Буни қишлоқ хўжалигини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Солиқ кодексига кўра ўз мулкида, эгалигида, фойдаланишида ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғининг тўловчилари бўлиб ҳисобланишади.

23.2. Ер участкаларини ижарага олишнинг ҳуқуқий асослари ва мулк ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

23.3. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг тўловчилари, солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ солинадиган ер участкалари таркиби

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилиш пуллидир.

Ушбу солиқдан бюджетдан ундириладиган солиқ тури бюджет даромадларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ер солиғи давлат бюджети ва солиқ тўловлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам у иқтисодий категориялар туркумига киради.

Ер солиғи маҳаллий солиқлар гуруҳида киритилсада, унинг ставкалари Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар эса вилоят хокимликлари томонидан жорий этилади.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Ер солиғи тўловчиларини солиқ идоралари ҳар йили йил бошига ҳисобини олиб боради.

Жисмоний шахслар учун ер солиғи объекти ер участкаларидир. Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объектидир:

1) деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкаларининг майдонига доир маълумотлари солиқ солинадиган базадир.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкаларининг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Хизмат юзасидан берилган чек ерларнинг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ўз ходимларига ер участкалари берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади.

23.4. Ер солиғи бўйича жисмоний шахсларга тақдим этиладиган имтиёзлар

2008 йилдан амал қилиб келаётган Солиқ кодексига асосан, ер солиғидан қуйидагилар озод қилинадилар:

2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

3) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

4) I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

5) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади;

6) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ндан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

7) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар. Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача;

10) шахслар — уларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича — ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга.

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслардан юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда уларга солиқ Кодексининг 290-моддасиданазарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

23.5. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари, уни ҳисоблаш, бюджетга ундириш тартиби ва уни тўлаш муддатлари

Берилган ерлардан икки йил мобайнида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар миқдорда ундирилади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифатида ёмонлашувига кадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳар ва шаҳар кургонларининг маъмурий чегараларида жойлашган кишлок хўжалиги ахамиятига молик ерлар учун ер солиғи кишлок хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Жисмоний шахслар ер солиғи бўйича имтиёзга эгалиги ёки эга эмаслигидан қатъий назар, майдони давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилганидан кўп бўлган ер участалари учун ер солиғининг 1,5 ошувчи коэффеценти билан тулайдилар.

Ер участкасининг жойлашишига караб кишлок жойлари учун ер солиғи ставкасига қуйидаги коэффецентлар қўлланилади:

Тошкент шаҳри атрофида 20 км радиусда- 1,30

Кораколпогистон Р-каси, вилоятлар марказлари 15 км радиусда-1,20

Туманлар марказидан 10 км радиусда-1,15

Бошқа шаҳарлар 5 км радиусда-1,10

Агар ерлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти органларининг карорига мувофик ижарага олинган бўлса, жисмоний шахслар ер солиғи урнига ижара ҳақи тулайдилар.

Ер участкаларигача бўлган масафа шаҳарлар ва туман марказлари маъмурий чегарасидан автомобил йуллари бўйича аниқланади. Ер участкаси икки шаҳар якинида жойлашаган бўлса, шаҳарларнинг функционал вазифаларига мос келадиган энг катта коэффицентдан фойдаланилади, бир ахоли пункти ёки кишлок хўжалик корхонаси ва ташкилот атрофида ягона ставка белгилаш мақсадида улар ҳудуднинг кандай кисми кайси зонага киритишига караб уларни бутунлай шаҳар атрофидаги зонага киритиши ёки мазкур зонадан бутунлай чиқариб ташлаш мумкин.

Ижара ҳақи тарафларнинг келишуви асосида белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан кишлок хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланганда эса – бир ставка миқдорида булиши лозим. Дехкон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғи ҳисоблаб

чиқариш чогида ер солиғи ставкаларига ер сифатига боғлиқ ҳолда қуйидаги коэффицентлар қўлланилади:

- тупрок бонитети 40 балгача бўлса – 0,75,
- тупрок бонитети 41 балдан 70 балгача бўлса-1,0
- тупрок бонитети 70 балдан ортиқ бўлса-1,25,

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик мақсадида фойдаланилаётган ерлар учун солиқ ставкаси юридик шахсларга белгиланган ставкада қўлланилади.

23.5. Ер солиғи ҳисоблаш ва уни бюджетга ундириш тартиби. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғини тўлаш муддатлари

Жисмоний шахсларнинг ер солиғининг солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чикилади.

Жисмоний шахсларнинг ер солиғининг ҳисоблаш учун солиқ идоралари шаҳар, туман ер фонди маълумотлари хокимликларнинг карорлари асосида ҳамда уйма уй юриб ўтказилган текширишлар асосида ер участкалари майдонини аниқлаб чиқадилар.

Жисмоний шахсларнинг ер солиғи ҳар йилнинг бошида солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чикилади ва тўлов хабарномаси ёзилади.

Календарь йил солиқ давридир.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ушбу имтиёзларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этади.

Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Йил мобайнида ер участкаси майдони ўзгарганда ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганида (бекор қилинганда) давлат солиқ хизмати органлари мазкур ўзгаришлардан кейин бир ой ичида ер солиғини қайта ҳисоб-китоб қилишлари ҳамда солиқ тўловчига ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари керак.

Ер солиғи ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан қатъи назар, ер

участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади.

Йил мобайнида ажратилган ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслар томонидан ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади.

Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, ер солиғини тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади).

Ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёз ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланмайди. Ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар бекор қилинган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди.

Белгиланган тартибда берилган ер участкалари учун ер солиғи ер участкасидан фойдаланиш фактидан қатъи назар, жисмоний шахслар томонидан тўланади.

Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар амалга оширилади.

Ер участкалари учун кайси пайтдан бошлаб ҳақ тўлаш керак ва мулк ҳуқуқи алоҳида турган биноларга ўтиш чогида ушбу мажбуриятлар қачон тугаланади? Мунозара ҳозирга кадар давом этяпти. Баъзи мутахассислар фикрича, юридик ва жисмоний шахслар бинолар ва иншоотлар сотилиши чогида улар эгалаган ер учун солиқни харидор ушбу участкага доир ҳуқуқини рўйхатдан ўтказмагунига кадар тўлашлари керак. Уйлашимизча, бу Солиқ кодексига зид келади. 103-модданинг учинчи кисмида мувофик ер участкаси олиб қуйилган (камайтирилган), ҳақи тулаб кайтариб олинган, соитилган тақдирда солиқ ундириш у амалга оширилган ойдан эътиборан тухтатилади (камайтирилади). Кодексининг ушбу меъёрига кура, ундаги бинолар ва иншоотлар сотилиши натижасида ер участкаси камайган тақдирда, тегишинча, ушбу ойда солиқ суммаси ҳам камаяди. Худди шу тартиб хариб қилувчи томонга ҳам таълукли, яъни унда алоҳида турган биноларни харид қилиш пайтидан мажбуриятлар юзага келади. Ҳисобварак-фактура ва қабул қилиш топшириш далолатномасини имзолаш санаси бинолар ва иншоотларни харид қилиш (сотиш) санаси ҳисобланишига эътибор каратиш лозим. Бирок амалдаги тажрибанинг кўрсатишича, харидор ва сотувчи хар доим ҳам ер участкасига доир ўз ҳуқуқларини кайтадан рўйхатдан ўтказавермайди. Ана шунда ер доир тўловлар бўйича мажбуриятлар ижроси масаласи хал этилмай колаверади. Шу сабабли ер участкаларига доир ҳуқуқнинг ўтиш

пайтини, бинобарин, улар учун солиқ туланишини ҳам ойдинлаштирадиган меъёрни киритиш мақсадга мувофик бўлади.

Президентнинг 2005 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметри тўғрисида» ПҚ-244-сон карори билан юридик ва жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкалари 1,5 бараварига индексацияланган. Бундай кўпайтиришнинг бир кисми шу билан шартланганки, ер солиғи ставкалари сумда белгиланган ва уни инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда индексациялар лозим. Бундан ташкари, кейинги йилларда солиқ юкини бевосита солиқлардан ер солиғи мухим урин тутадиган ресурс солиқларига кайта тақсимлаш тамойили кузга ташланмоқда.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғининг тўловчилари кимлар?
2. Жисмоний шахсларнинг қандай ерлари солиқ солиш объекти бўла олади?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари қандай белгиланади?
4. Жисмоний шахслар берилган ерлардан фойдланмаган ҳолатда қандай тартибда улардан солиқ ундирилади?
5. Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан қандай тартибда солиқ ундирилади?
6. Қандай тоифадаги фуқаролар ер солиғидан озод этилади?
7. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи қайси давлат органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади?
8. Ер солиғи бўйича тўлов хабарномалари солиқ тўловчиларга қайси муддатгача етказилади?
9. Ер солиғи қайси муддатда маҳаллий бюджетга тўланади?

Топшириқлар

1. Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларидаги маълумотларнинг хаққонийлиги бўйича жавобгарликни ўрганиш.
2. Деҳқон хўжаликлари ер солиғини бюджетга тўлаш тартибини ўрганиб чиқиш.
3. Солиқ имтиёзларини ўрганиш.

24-БОБ
Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

Режа

24.1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва унинг аҳамияти

24.2. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг тўловчилари, солиққа тортиш объекти ва солиқ ставкалари

24.3. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар

24.4. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби

Таянч сўз ва иборалар

Жисмоний шахс, мол-мулк, мол-мулк солиғи, кўп қаватли квартира, солиқ имтиёзлари.

24.1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва унинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, жисмоний шахслар бюджет билан узвий солиқ муносабатларидан бири – бу уларнинг мол-мулкига солиқнадиган солиқ орқали амалга оширилади. Солиқ кодексининг 272-277-моддаларида ушбу турдаги солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, имтиёзлар, солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, солиқ ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиблари белгиланган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ маҳаллий солиқлар таркибига киради. У ижтимоий-иқтисодий моҳиятига кўра, икки вазифани бажаришга хизмат қилади:

- бюджет даромадларини шакллантириш. Ушбу жараён кўп ҳолларда фискал тартибда солиқ тушумлари деб эътироф этилади;
- жисмоний шахслар тасарруфидаги мол-мулкидан самарали фойдаланишга хизмат кўрсатиш. Ушбу вазифа ҳам аксарият ҳолатларда ушбу солиқ тури солиқ тўловчиларни рағбатлантириш мумкинлиги илгари сурилади.

Ушбу вазифалар солиқ функцияларига тенглаштирилмайди, аммо солиқ функцияларини жозибадорлигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис қайд этилган биринчи вазифа барча солиқ тўловчилар учун тушунарли бўлиб, у ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Солиқ кодексига биноан жисмоний шахслар

даромадидан бир қисми бу жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ шаклида бюджет даромадларига ундирилади. Бюджетга ундириладиган мазкур солиқ бюджет даромадларини шакллантиришда тақсимот функциясини бажаради. Бу солиқнинг жисмоний шахслар тасарруфидаги мол-мулкидан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатиш ҳолатини назорат остига олиш бевосита солиқларни назорат функциясини амал қилишдан дарак беради. Бунда ҳам солиқ тўловларини мол-мулкка нисбатан шакллантирилиши, унинг хусусиятидан келиб ундирилиш тартиби, солиқ тўловчиларга имтиёзларни яратилиши солиқ тўловчиларини рағбатлантириш мумкинлигини англатади. Рағбатлантириш мол-мулкни инвентаризация қийматини инобатга олинишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси бир катор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг тахлили уларнинг бир бирига ва тилга олинган коидага мувофик келмаслиги кўрсатди, шунингдек таърифларнинг ноаниқ эканлигини аниқлади, уларга хорижий инвесторлар Ўзбекистон иқтисодиётига капитал қуйиш учун тусиклар сифатида караши мумкин.

Чунончи, Конституция 53-моддасининг иккинчи кисмида назарда тутилишича, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган холларда ва тартибдагина мулкидан махрум этилиши мумкин.

Шу боис ҳам бундай тартибни «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун 32-моддасининг 1-банди мол-мулкни кўпайтиришни чеклашга ва уни куймасликни назарда тутади.

Фуқаролик кодекси 166-моддасининг учинчи кисмига кура, мулкдорнинг мол-мулкини олиб қуйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган холлардагина йул қуйилади. Мазкур ҳолда қонун чиқарувчи «қонунлар» атамаси қуйилади. «Норматив-ҳуқуққий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига кура, Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг карорлари улар сирасига киради. Шу тарика, Фуқаролик кодексининг мазмунидан келиб чикилса, Сенат маъқуллаши ва Президент имзоси бўлмаса ҳам, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси каророни қабул қилиш йули билан мол-мулкни мусодара қилиш мумкин.

Ривожланган демократик мамлакатларда ҳар кандай шаклдаги мулкни мажбуран олиб қуйиш фақат суднинг карорига кура юз беради. Мазкур тамойил ҳар бир шахснинг ўз мулкини четдан

қилинадиган узбошимчаликдан судда химоялаш ҳуқуқини таъминлайди. У ўз нуктаи назарини химоя қилиш, шунингдек мутаносиб компенсацияни талаб этиш имкониятини беради.

Иқтисодиёт асосларини эркинлаштириш ва мулкчилик турли шаклларининг, шу жумладан хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳуқуқий таъминоти бозор иқтисодиётига ўтишнингэнг мухим шартларидан бири ҳисобланади. Ана шу мақсадларда Ўзбекистонда мулк ҳуқуқини таъминлашни кафолатлайдиган бир катор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади.Улар сирасига Конституция, Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун ва бошқа ҳужжатларни киритиш мумкин.

Мол-мулк солиқ тўловлари бўйича имтиёзга эга жисмоний шахслар, шубҳасиз, кам солиқ тўлайдилар. Инвентаризация қиймати нисбатан паст мол-мулкга эга бўлган солиқ тўловчи жисмоний шахслар бу солиқни кам тўлашлари табиий ҳолдир ва аксинча ҳам бўлиши мумкин.

Ривожланган демократик давлатнинг тажрибаси шуни исботлайдики, давлат барча шаклларга мансуб мулкнинг ҳар кандай ташки хуружлардан дахлсизлигини таъминлайдиган, уни олиб қуйиш усуллари эса фақат қонунлар билан чекланадиган ва фақат суд карорига кура юз берадиган холлардагина жамиятнинг гуллаб-яшнашига эришилади. Мазкур ҳолат мулк ҳуқуқининг исбот талаб қилмайдиган коидаси ҳисобланади ва хусусий капитал манфаатларини куриклашга хизмат қилади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида тўғри, реал солиқлар – мол-мулк солиқларининг роли сезиларли даражада ошди. Ўзбекистонда бу солиқлар гуруҳига қуйидагилар тегишлидир: мол-мулк солиғи ва ер солиғи.

Бир томондан бу солиқлар солиққа тортиладиган объектнинг ташки бклгилари олинади в мақсадша мувофик субъектнинг даромадлигига боғлиқ булмайди. Бошқа томондан сунгги йилларда мол-мулк солиқлари кўпчилик ҳолларда даромад солиғига кушимча сифатида қаралмоқда ва тўғридан-тўғри бўлмаса-да, тўловчининг даромадлилиги ҳисобша олинмоқда.

Мол-мулк солиқларининг узига хос хусусияти бозор муносабатлари ривожланиши микёсида намоён бўлади. Мантикан келиб чиққан ҳолда, олдин тўлов манбасига киритилмаган ихтиёрий даромад охир-оқибат аниқ мулк (ҳашаматли уй, катта ер участкаси ва ҳоказолар) шаклида шакиллантирилади, давлат эса, ривожланган

иқтисодиёт орқали юкори даромадга эга бўлган шахслар солиқ юкини кучайтиради.

Мол-мулк солиқлари, шу билан бирга “санитар” солиқлар деб ҳам юритилади, яъни улар кучар ва кўчмас мулкдан канчалик самарали фойдаланишидан қатъий назар ундирилади.

Давлат томонидан мол-мулк солиқларига нисбатан юкори ставкаларнинг қўлланилиши мулкдорлар томонидан хусусий объектларга нисбатан эҳтиёткоронв муносабатларда булишга олиб келади ва самарасиз фойдаланилаётган жиҳоз, транспорт ва ер участкаларидан кутулиш заруриятини юзага келтиради. Шу аснода, Ўзбекистонда мол- мулк солиғи солиқ тўловчи томонидан мазур мулк фойдаланилмаётганлигидан қатъий назар унлирилади. Мол-мулк солиқлари минтакавий бюджетларнинг асосий даромад манбаси ҳисобланади ва бу айнан маҳаллий ҳокимликлар томонидан уларга нисбатан эътибор кучли эканлигидан далолат беради.

24.2. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг тўловчилари, солиққа тортиш объекти ва солиқ ставкалари

Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ хусусида тўхталиб ўтар эканмиз, бунда уларнинг тўловчилари кимлар бўла олишини ҳам кўрсатиб ўтиш муҳимдир. Ушбу саволга жавобни Солиқ кодексидан қидириш муҳимдир (1-чизма).



1-чизма. Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар

Айтиш жоизки, республикамизда солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бу солиқни тўловчиси бўлиб ҳисобланиши мумкин бўлади.

Амалиётда айрим ҳолатларда кўчмас мулки мавжудлиги мулкдорларнинг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмайди.

Бундай вазиятда мазкур мол-мулк қайси шахс эгалигида ёки фойдаланишида бўлса, ўша шахс бу солиқнинг тўловчиси ҳисобланади.

Юқорида зикр этилганларни умумлаштириш орқали айтиш мумкинки, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган жисмоний шахслар мол- мулк солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Мол-мулк эгаси ким бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросими, бошқа давлат фуқаросими ёки фуқаролиги бўлмаган шахсми, Ўзбекистоннинг резидентими ёхуд норезидентими, мол-мулкнинг эгаси сифатида мазкур солиқнинг тўловчиси ҳисобланади.

Жисмоний шахслар учун уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, бинолар ва иншоотлар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади. Ушбудан келиб чиқиб, уни янги модулини яратилиши мол-мулк солиқ объектига янгича мазмун беради (2-чизма).

Мол-мулкка солинадиган солиқ объектини аниқлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Солиқ кодексига кўра, бундай объектларни 2-чизмадаги тарзда кўрсатиш мумкин.



2-чизма. Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ объектлари

Амалиётда жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиниши базасини тушунмай туриб, уни ҳисоблаб бўлмайди.

Айтиш жоизки, жисмоний шахслар мол-мулкига солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати солиқ тўловчилар учун солиқ солинадиган база ҳисобланади. Бу солиқ объектлари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланади. Амалда жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмай қолган тақдирда, мол-мулкини қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган шартли қиймати солиқ солинадиган база сифатида қабул қилиниши мумкин. Шуни ҳам айтиш жоизки, битта жисмоний шахс бир неча солиқ солиш объекти бўйича солиқ тўловчи

бўлиши ҳам мумкин. Бунда солиқ солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилиши зарур бўлади.

Россия Федерацияси амалиётида бу масала қандай эътироф этилишини билиш учун солиқ соҳасидаги етук олимлардан бири Льжова фикрига эътиборга лойиқ. Шу ўринда, деб таъкидлайди, олима: "... жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилари бўлиб, солиққа тортиш объекти сифатида тан олинадиган мол-мулк мулкдорлари бўлган жисмоний шахслар ҳисобланади." Олима фикрини давом эттириб, 1992-2001 йиллар давомида Россияда солиққа тортиш предмети бўлиб, икки гуруҳ – иморатлар ҳамда автомобиллардан ташқари транспорт воситалари ҳисобланганлигини, Россия Федерацияси Солиқ кодексининг "Транспорт солиғи" номли 25-боби қабул қилиниши муносабати билан барча транспорт воситалари жисмоний шахслар мол-мулки солиғига эмас, транспорт солиғига тортилаётганлигини маълум қилади. "Бугунги кунда жисмоний шахслар мулкдорлигида бўлган қурилишларнинг қуйидаги кўринишлари солиққа тортиш объектига тегишлидир: турар жой уйлари; квартиралар; дачалар; гаражлар; бошқа қурилишлар, иншоотлар ва иморатлар.

...Жисмоний шахслар мол-мулкига солиқ базаси ҳар йилнинг 1 январига бўлган ҳолат бўйича инвентаризация қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади".[60]

Юқорида кўриб ўтилган транспорт солиғи бўйича қуйидаги маълумотларни солиқ соҳасидаги таниқли олим А.И.Косолапов ёзади: "Солиқ тўловчилар бўлиб, солиққа тортиш объекти сифатида эътироф этиладиган транспорт воситалари Россия қонунчилигига мувофиқ қайд қилинган жисмоний шахслар тан олинади.

...Солиққа тортиш объекти сифатида Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ ўрнатилган тартибда қайд қилинган автомобиллар, мотоцикллар, мотороллерлар, автобуслар ва бошқа пневматик ва гусеницали ҳолда юрувчи машина ва механизмлар, самолётлар, вертолётлар, теплоходлар, яхталар, парусли кемалар, катерлар, моточаналар, моторли кемалар, гидроцикллар, ўзи юрмайдиган (шатакка олинадиган кемалар) ва бошқа сув ҳамда ҳаво транспорт воситалари эътироф этилади".[61]

Россия Федерациясининг "Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, солиққа тортилишга жисмоний шахслар мулкдорлигида турган қурилишлар, иншоотлар ва иморатлар

[60] Льжова Н.Л. Налоги и налогообложение в России. Учебник. - М.:, Дело, 2006. 281-282-с.

[61] Косолапов А.И. Налоги и налогообложение. Учеб.пос. - М.:, Дашков и К°, 2005. 597-598-с.

тегишлидир. “Бироқ Қонун қурилиш, иншоот ёки иморатлар турларига айнан нималар қайси предметлар киришини аниқламаган. Бу турлича талқин этишларга ҳамда охир-оқибат солиқ тўловчи ҳуқуқларини поймол қилишларни юзага келтиради”.[62]

Солиқ соҳасидаги етук олимлардан бири В.Г. Пансков жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилари кимлар бўлиши мумкинлигини батафсилроқ ёритган: “Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилари бўлиб, федерал қонунчиликка мувофиқ Россия Федерацияси ҳудудида мулкида турар жой уйлари, квартиралар, дала ҳовлилар, гаражлар ва қурилиш, иншоот, иморатларга эга бўлган жисмоний шахслар, яъни Россия Федерацияси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади”.[63]

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг юқорида келтирилган рўйхатдаги солиқ солиш объектлари рўйхати йиллар давомида такомиллаштирилиб келинди. Бу тадрижий жараённи кўз олдимизга келтириш учун ўтган давр маълумотларига эътибор қаратиш етарли.

Аввалги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 89-моддасига мувофиқ, солиқ солинадиган мулкка, жумладан: 1) уй-жойлар; 2) квартиралар; 3) боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари аъзоларининг чорбоғ ва боғ уйлари; 4) гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар, шунингдек, автомобиллар, моторли қайиқлар, вертолётлар, сатоваретлар ва бошқа транспорт воситаларига (пневматик юришга асосланган автомобиллар, мотоцикллар ҳамда бошқа ўзи юрар машиналар ва механизмлар бундан мустасно) эга бўлган жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилари ҳисобланар эди. Кўриниб турибдики, цивилистика нуқтаи назаридан санаб ўтилган мол-мулк “фуқаролик ҳуқуқларининг объекти” сифатида кўриб чиқилар эди, бунда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 83- моддаси бўйича ёндашадиган бўлсак, дастлабки тўртта бандда кўрсатилган мол -мулк кўчмас мулкка, бошқалари эса -кўчар мулкка кириши аниқ. Ушбу барча “фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари” Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 89-моддасига мувофиқ, истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳисобланади. Мазкур моддада айтиладики: “Қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста -секин емирилиб борадиган ашёлар (бинолар, ускуналар, транспорт воситалари ва ҳк.) истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳисобланади”.[64] Буни билиш муҳим, қонун

[62] Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. – М.: Инфра-М, 2006. С. 185.
[63] Пансков В.Г. Налоги и налоговая система Российской Федерации. –М.:,Финансн и статистика, 2006. 394-с.
[64] Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 1996 йил 29 август.

чиқарувчи белгилаганидек, (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 83-84- моддалари), кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим; кўчар мулкка нисбатан ҳуқуқни рўйхатга олиш эса, бу қонунда бевосита кўрсатилган вақтда талаб этилади. Ҳозир ҳам амалда бўлган бу каби қоидалар баробарида кучини йўқотган моддаларни ҳам эслатишимиз керак. Масалан, илгари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 90-моддасида санаб ўтилган транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилиши лозим эди.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, аввалги меъёрий ҳужжатларда ҳозиргиларига қараганда мукаммалроқ ифодаланган таърифлар ҳам учрайди. Хусусан, аввалги 1994 йил 20 апрелда тасдиқланган 42/32-сонли "Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномада бундай солиқ солинадиган мол-мулк рўйхатини батафсил берган эди. Жумладан, "иморатлар" тушунчаси "саройлар, ёрдамчи бинолар, айвонлар" сифатида таърифланган эди.

"Солиқ ҳуқуқи нуқтаи назаридан "солиқ солиш объекти" ва "солиқ солиш предмети" тушунчаларини фарқлаш зарур. Бу фарқ айни жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиққа нисбатан янада яққол намоён бўлади, у солиқнинг объектини аниқлайди ва у билан маълум ҳуқуқий алоқада, жумладан мулк ҳуқуқий муносабатларида бўлади".65 Бу масалада шунга эътибор қаратишимиз керакки, 1998 йил 13 январдаги 392-сонли Йўриқнома 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (89- моддаси)дан фарқли равишда шундай белгиланган эдики, солиқ "ўз ихтиёрида ... ...га эга бўлган жисмоний шахслар томонидан тўланади" (нуқталар ўрнида солиқ солиш предметлари санаб ўтилади). Бу ундан ҳам илгарироқ, 1993 йилдаги Қонунда мустаҳкамланган эди. Юқоридаги Йўриқноманинг 5.3-банди шуни белгилаган эдики, солиқ бўйича имтиёзлар фақат товар - мулк имтиёз олувчининг ўз мулки бўлган ҳоллардагина берилади. Ушбу қоида ҳозирда ҳам ўз кучини сақлаб қолган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 декабрдаги 478-сонли қарори билан тасдиқланган "Жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган бино ва иншоотларни қайта баҳолаш тўғрисида"ги Низомнинг 4-бандида шундай дейилган: "Фойдаланиш учун қабул қилинган ва маҳаллий техник рўйхатдан ўтказиш идорасида рўйхатга олинган, жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган уй-жойлар, квартиралар, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари аъзоларининг чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар,

[65] Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. –Т.: "Консаудитинформ", 2001. 222-бет.

бинолар ва иншоотлар солиқ солиш учун баҳолаш объекти ҳисобланади”.

Солиқ солиш объекти ва предмети тушунчаларини солиқ ҳуқуқи нуқтаи назаридан Л.Б.Хван шундай таърифлайди:

“Солиқ солиш объекти - бу субъектнинг солиқ тўлаш мажбуриятини шарт қилиб қўювчи юридик далиллардир (мазкур ҳолатда мулкчилик ҳуқуқида мол-мулкка эгалик қилиш бундай юридик далил ҳисобланади).

Солиқ солиш предмети (атама мазмунига кўра солиқ солиш объектига яқин) - бу тегишли солиқнинг ундирилишини асослаб берувчи далилий хусусиятдаги белгилардир. Масалан, уй, квартира каби мол-мулк учун мулкчилик ҳуқуқи объект бўлади, уй ёки квартиранинг ўзи эса солиқ солиш предмети ҳисобланади”.66

Қўшни мамлакат бўлмиш Қозоғистон Республикасининг 1995 йил 24 апрелдаги 2235-сонли “Солиқлар ва бюджетга тўланадиган бошқа мажбурий тўловлар тўғрисида”ги Қонунининг 131-моддасида мол-мулк солиғини тўловчиларга мулкчилик, мулкни ишончли бошқариш, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқариш ҳуқуқидаги солиқ солиш объектига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар киритилган.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига мувофиқ “Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг аввалги нашрига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди: жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғининг транспорт воситалари қисми бўйича тўланадиган солиқнинг ўрнига транспорт воситалари учун ишлатиладиган бензин, дизель ёқилғиси ва газдан ундириладиган солиқ киритилди”.67

Кўриниб турибдики, бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар мол- мулкини солиққа тортиш объекти бўлиб, фақат кўчмас мулкларгина ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 декабрдаги 478-сонли қарорига мувофиқ жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган уй-жойлар, квартиралар (жумладан, хусусийлаштирилган квартиралар), гаражлар, бошқа иморатлар, биноларни баҳолаш ва қайта баҳолаш учун ягона функционал кўрсаткич - иморат, бино умумий майдонининг квадрат метри белгиланади. “Солиқ солиш бирлиги деганда, солиқ солиш базасини миқдорий жиҳатдан

---

[66] Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. –Т.: "Консаудитинформ", 2001. 223-бет

[67] Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. 306 —бет.

баҳолаш учун фойдаланиладиган солиқ солиш кўламининг бирлиги тушунилади”.68

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, уларни солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси умумбелгиланган тартибда етказади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида солиқ юкининг ҳам, бюджетга солиқ тушумларининг ҳам асосий қисми аста-секинлик билан даромад (фойда)га солинадиган солиқларидан ресурс ва мол-мулк солиқларига ўтказиб борилиши керак. Шу мақсадда ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда ер солиғининг ставкалари йилма йил аниқ ошириб борилиши тушунарли ҳолдир. Сиртдан қараганда, ставкалари ўз ўрнида сақланаётган мол-мулк солиғи ҳам, солиқ базаси бўлмиш мол-мулк қийматининг қайта баҳоланиши (асосан, оширилиши) эвазига юқоридаги вазифани бажаришда қатнашади.

2017 йил учун жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699 сонли Қарорига мувофиқ белгилаб қўйилди (4-жадвал).

19-жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари[69]

Солиқ солинадиган объектларнинг номи	**Мол-мулкнинг кадастр қийматига нисбатан солиқ ставкаси (%да)**
1. Турар жойлар, квартиралар (бундан умумий майдони 200 кв.метрдан ошиқ бўлганлари мустасно), дала ҳовли қурилмалари ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар	0,2
2. Шаҳарларда жойлашган, умумий майдони қуйидагича бўлган турар жойлар ва квартиралар: - 200 кв.м.дан ошиқ ва 500 кв.м.гача бўлган - 500 кв.м.дан ошиқ бўлган	 0,25 0,35
3. Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м.дан ошиқ бўлган турар жойлар ва квартиралар	0,25

[68] Пепеляев С.Г. и др. Основи налогового права. –М.: Финанси и статистика, 2000.

[69] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли Қарори. www.lex.uz

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадига солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг кадастр қиймати кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб белгиланади, бироқ 42 000,0 минг сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Изоҳ:

1. Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича органлар белгиланган кадастр қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 210 000,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда – 90000,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулк шартли қийматининг икки баравари миқдоридан келиб чиқиб ундирилади.

2. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш мақсадида солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг 60 кв.м. ҳажмида белгиланади.

Демак, кўриниб турибдики, ҳар бир нарсанинг мустаҳкамлиги ва самарали ишлаши унинг пойдеворига, унга қўйилган тамал тошига боғлиқ экан, ўзига хос хусусиятларига эга жисмоний шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда, уни такомиллаштирилиб боришда, шу жумладан солиқ тўловчилар манфаатларини инобатга олишда аввало ушбу солиқ тўловчилари, объекти, базаси, ставкалари масалаларига доимий ойдинлик киритиб бориш зарур.

24.3. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 93-моддаси билан тартибга солинади. Ундан келиб чиқиб, имтиёзлар мулкдорларнинг танланишига биноан, фақат бир мол-улк объектига тааллуқлидир.

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган иморатлари, бинолари ва иншоотларига солиқ солинмайди:

- "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг;
- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибига

кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

- қаҳрамон оналар, шунингдек ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;
- Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг);
- I ва II гуруҳ ногиронларининг;
- муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг - хизматни ўташ даврида;
- ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда яradор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг);
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг, ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этаётганда яradор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг.

Бир вақтнинг ўзида амалиётда жисмоний шахсларнинг юқоридаги тоифаларига тегишли бўлган мол-мулкидан улар тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланишлари ёхуд бу мулкни юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришлари мумкин. Бундай ҳолда бу мол-мулкларга нисбатан тегишли солиқ имтиёзлари қўлланилмайди.

Мол-мулк солиғи бўйича солиқ солиш объектлари жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилган ёхуд улар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорларга ижарага берилса, у ҳолда жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда тўлашлари лозим бўлади (3-чизма).



3-чизма. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар

Кўрсатиб ўтилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танлашига биноан, имтиёз олиш ҳуқуқини берувчи зарурий ҳужжатлар тақдим этилганда мол-мулкнинг фақат бир объектига тааллуқли бўлади. Бунда имгиёзлар мол-мулк солиғи бўйича имтиёз олувчининг мулки бўлган ҳоллардагина тақдим этилади.

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулк бўлган пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган энг кам миқдор умумий майдоннинг 60 кв. метри ҳажмида белгиланади.

Йил давомида тўловчиларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда улар кўрсатилган тўловлардан ана шу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб озод этиладилар.

Йил ўртасида мол-мулк солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқини йўқотганда солиқ солиш ушбу ҳуқуқ йўқолган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

24.4. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 95 - моддасида акс эттирилган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар ҳуқуқига эга бўлган шахслар зарур ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадилар.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи уларнинг ҳар йил 1 январдаги ҳолати юзасидан техник инвентаризациялашнинг ҳудудий кадастр бюролари тақдим этадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган, қайта баҳоланганидан кейин қайта ҳисоб-китоб қилинган мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи ҳар бир мулкдор томонидан ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулкдан солиқ меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон бўлган ҳолларда мол-мулк солиғи ундириш улар йўқ қилинган ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

Мол-мулкка мулк ҳуқуқи тақвимий йил давомида бир мулкдордан бошқасига ўтганда солиқни биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 январидан бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошигача тўлайди, янги мулкдор эса – мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди.

Тақвимий йил давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда мол-мулк солиғи ана шундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Бу солиқни солиқ даври учун тўлаш тенг улушларда ҳар ҳисобот йилида икки марта, биринчи марта 15 июнга қадар, иккинчи марта эса 15 декабрга қадар амалга оширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш усули – кадастрли усул ҳисобланиб, солиқни бундай усул билан тўлашнинг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, мол-мулкка унинг ташқи белгилари, мўлжалланаётган даромад асосида солиқ солиниши боис, солиқни тўлаш вақти даромадни олиш вақти билан ҳеч қанақа боғлиқ эмас ва шу муносабат билан мол-мулк солиғини тўлаш учун юқорида кўрсатиб ўтилган қатьий муддат белгиланади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 95-моддаси).

Айтиш жоизки, солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон қилинган, бузиб ташланган ҳолатларда, бу солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан бошлаб тўхтатилади. Ниҳоят календар йил мобайнида имтиёз ҳуқуқи вужудга келганда, жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқни қайта ҳисоб-китоб қилишда ушбу ҳуқуқ вужудга келган ой инобатга олинади.

Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ миқдорига (суммасига) мол-мулкнинг инвентаризация қиймати ва ушбу солиққа нисбатан ўрнатилган солиқ ставкаси бевосита таъсир кўрсатади. Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ механизмида юқоридаги реал вазият, хусусан, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш тарзи, менталитети, даромадлари даражаси, мол-мулкка нисбатан асрлар давомида шаклланган миллий муносабатлар ҳисобга олинган. Шундай бўлсада, ушбу солиқ турини ривожлантириш орқали бюджет даромадларини янада тўлдириб бориш учун кенг имкониятлар яратилиши мумкин бўлади.

Шу ўринда яна шуни таъкидлаш жоизки, агар жисмоний шахс, яъни солиқ тўловчи томонидан ортиқча суммалар тўланган бўлса, солиқ ва йиғимлар бўйича қарзлар мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига қайд этилиши мумкин бўлади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилари ҳисоби давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар бир йилнинг 1 январидаги ҳолат бўйича шаҳар ва туманлар бўйича,

техник инвентаризациялаш ҳудудий кадастр бюросида мавжуд бўлган иморатлар эгалари тўғрисидаги маълумотларга биноан ўтказилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўғри ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари, хусусан “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига асосан участка давлат солиқ инспекторлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

Участка инспектори ишининг бошқалардан фарқ қиладиган хусусияти унинг солиқ тўловчиларга жуда ҳам яқинлигидадир. Солиқ органларининг юридик шахслар билан ишлайдиган ходимлари асосан бухгалтерлар билан мулоқотда бўладилар, улар эса озми-кўпми саводли мутахассислар, катта жамоаларнинг вакилларидир. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш ходимларининг эса шахсан ҳар бир киши билан ишлашига тўғри келади. Бўлим ходимлари амалда тез-тез оддий ҳақиқатни тушунтиришларига тўғри келади, ҳолбуки уларни ҳамма билиши керак. Ишнинг хусусияти айни шундай. Участка инспекторлари фаолиятининг самарасини, биринчидан, унга бириктирилган участкадаги солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунларини бузиш ҳоллари камайишига, иккинчидан, уларнинг қонунларни қанчалик билишларига ва аҳолининг солиқ маданиятига қараб баҳолаш мумкин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғининг тўловчилари кимлар?
2. Жисмоний шахсларнинг қандай мол-мулклари солиқ солиш объекти ва базаси ҳисобланади?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари кимнинг қарори билан белгиланади?
4. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкаси 2017 йилда неча фоиз қилиб белгиланган?
5. Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича инвентаризация қиймати бўлмаса солиқ ундириш қандан тартибда амалга оширилади?
6. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи суммаси қайси давлат органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади?
7. Тўлов хабарномаси қайси муддатгача участка солиқ инспекторлари томонидан солиқ тўловчиларга етказилади?
8. Мол-мулк солиғидан кимлар солиқдан озод этилади?

9. Пенсионерларнинг неча квадрат метр мол-мулки қиймати солиққа тортилмайди?

10. Йиллик ҳисобланган мол-мулк солиғи қайси муддатда бюджетга тўланади?

Топшириқлар

1. Солиқ кодексида келтирилган моддалар бўйича жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғини ўрганиш.

2. Солиқ имтиёзларини ўрганиш.

Глоссарий

Автомобиль воситаларини сотиб олиш солиғи - уларни сотиб олувчи, алмаштирувчи,лизингга олувчи ва устав фондига бадал сифатида киритувчи юридик шахслар ва алоҳида тадбиркорлар томонидан туланади. Солиқни ҳисоблаш сотиш баҳоси (қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар чегирилган)асосида амалга оширилади. Енгил автомобилларни шахсий фойдаланиш мақсадида сотиб олувчи фуқаролар бу солиқни тулашдан озод қилинади.

Автомобиль йуллари фойдаланувчиларидан олинадиган солиқ - корхона ва тадбиркорликнинг маҳсулот (иш,хизмат)ни сотишдан олган тушумлари ҳисобидан туланади. Солиққа тортиладиган база (асос)дан қўшилган қиймат солиғи, акцизлар ва бошқа солиқларнинг суммаси чегирилади. Умумий фойдаланишга мулжалланган, йулларни сақлашга хизмат қиладиган ихтисослаштирилган йул корхоналари бу тўловни тулашдан озод қилинади.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни тахлил қилиш - унинг умумий суммаси ва турлари бўйича ҳақиқий миқдорини белгиланган меъёрлар билан таккослашдан бошланади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги - уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сумига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

Айланма маблағларни иммобилизациялаш коэффициенти - дебиторлик карзининг айланма маблағлардаги улушини кўрсатади.

Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган айланиш тезлиги - айланма маблағлар ўртача йиллик суммасининг бир кунлик сотилган маҳсулот қийматига нисбати сифатида аниқланади.

Акцизлар - кенг истеъмол товарлари ва хизматлардан олинадиган эгри солиқларнинг тури. Акциз туланадиган товарлар ишлалб чиқараётган ёки бундай товарларни импорт килаетган юридик ва жисмоний шахслар бюджетга акциз солиғини тулайди. Акциз туланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкаслари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланади. Бундай товарлар жумласига ароқ, ликер-ароқ маҳсулотлари, коньяк, шампан виноси, пиво, тамаки маҳсулотлари, енгил автомобиллари, зеби-зийнат буюмлари, нефть маҳсулотлари ва шу кабилар киради.

Акцизости товарлар - акцизлар ўрнатилган (белгиланган) товарлар.

Асосий воситалар -бу узоқ вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ) ўзгармас шаклда ишлайдиган, қиймати бирлик учун белгиланган чегарадан юқори, ўз қийматини қисмлаб йўқотадиган моддий-ашёвий бойликдир.

Асосий иш жойи – иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимнинг меҳнат дафтарчасини юритиши шарт бўлган иш жойи;

Асосий фаолият тури – юридик шахснинг умумий реализация қилиш ҳажмидаги тушум улуши устунлик қиладиган фаолияти;

Асосий фаолиятидан олинган фойда - асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс, асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадларёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади.

Баланс ликвидлиги - корхонанинг бошқа корхона ва ташкилотлар билан иқтисодий алокалар даражасини кўрсатади. Куриниб турибдики, баланс ликвидлиги молиявий мустахкамлик сингари, корхоналар молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Баланс -лотинча "bis"-икки марта, "banh"-тарози палласи сузларидан таркиб топган бўлиб, том маънода икки пала деган маънони англатади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Баланс нетто -қийматдаги тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилган баланс бўлиб, буни "тозалаш" дейилади.

Баланснинг реаллиги - моддалар объектив вокеликка мувофик келишини англатади.

Баланснинг тўғрилиги -баланс тузишда асосланилган ҳужжатларнинг тулалиги ва сифат билан таъминланади.

Биржа солиғи - биржа оборотидан олинадиган солиқ пропорционал ставкалар бўйича олиниб,унинг даражаси битимлар суммасига нисбатан 1% дан 2,5% гача тебранади. Бу солиққа тортиш объекти бўлиб, фонд биржасидаги қимматбаҳо қоғозлар оборoти ҳисобланади.

Бож декларацияси - миллий қонунчиликнинг талабларига мувофик расмийлаштирилган, ўзида чегарадан утаётган юклар (экспорт ёки импорт қилинаётган товарлар, йўловчи юки, унинг қўлидаги юки, бойликлар ва валюталар) тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган ҳужжат.

Бож пошлиналари - истеъмол солиқларнинг таркибига киради. Уларнинг мақсади даромад олиш бўлмасдан, балки ички бозорни,миллий саноатни ва кишлок хўжалигини химоя қилишдир. Импорт қилинадиган товарларнинг баҳоси билан ички бозордаги худди шунга ухшаш товарларнинг баҳосини тенглаштирилиши лозим.

Бож пошлиналарининг ставкалари - ҳукумат томонидан урнатилиб, ягона ҳисобланади ва чегарадан товарларни олиб утувчи шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгармасдир.

Бюджетдан ажратиладиган субсидия – давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет ҳисобидан бериладиган пул маблағлари;

Грант – давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларга беғараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига беғараз асосда бериладиган мол-мулк;

Давлат солиқ инспекцияларининг вазифалари ва функциялари - 1) солиқ тўловчиларнинг (хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам кушиб ҳисобланганда) тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш; 2) солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоботи ва балансларини, солиқ ҳисоб-китобларни, ҳисоботларни, декларациялар ва тўловларни ҳисоблаш ва тулаш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш, шунингдек фойда, даромад, солиққа тортишнинг бошқа объектларини тўғри аниқланганлиги ва ҳисобланганлигини бўйича бу ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш.

Даромад солиғи бўйича жарималар - ушбу солиқ туланмаганда, тўлиқ тўланмаганда ёки тулаш тартиби бузилганда (риоя қилинмаганда), пулни ундириш, моддий таъсир кўрсатишдан иборат. Корхона, ташкилот, муассасалар ва тадбиркор сифатида кайддан ўтган жисмоний шахслардан солиқ ўз вақтида тегишли бюджетга ўтказилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов муддатидан кейинги кундан бошлаб тўланган кунгача (бу кун ҳам кушилади) 0,7% миқдорида пеня ундирилади.

Даромадлар тўғрисида декларация - ўтган давр мобайнида олинган даромадлар, мулклар ва уларга тегишли бўлган солиқ чегирмалари ҳамда имтиёзлари тўғрисида солиқ тўловчининг расмий аризаси. Жисмоний шахсларни солиққа тортишда асосий молиявий ҳужжат бўлиб,улардан олинадиган даромад солиғининг ҳажмини аниқлаш учун фуқароларнинг даромадлари унда кайд этилади.

Даромадлардан олинадиган солиқ - фойда солиғидан ташқари акциялар, облигациялар ва бошқа кимматбаҳо қоғозлар бўйича (давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича олинган даромадлардан ташкари) олинган дивидендлар ва фоизлардан, казинолар, видеосалонларнинг даромадларидан, ўйин автоматларининг даромадларидан, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан олинган даромадлардан корхона ва ташкилотлар томонидан туланади.

Дебиторлар - харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар, бунак тўловлари, ходимлар билан ҳисоб-китоблар, шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоблар, уюшган корхоналар билан ҳисоб-китоблар, таъсисчилар ва бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар.

Дебиторлик ва кредиторлик карзларининг тузилиши - ҳар бир тур карзларнинг умумий суммасида канча фоизни ташкил этиши билан ифодаланади.

Дивиденд – акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади;

Доимий ҳаракатдаги активлар гурухига - балансдаги барча пул маблағлари ва киска муддатли молиявий қуйилмалар, яъни қийматли қоғозлар киради.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ - бу солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали казилмалар казиб олишни, шунингдек, фойдали казилмалар казиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фоидаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмонии шахслар тулайдилар.

Ер солиғи - ер эгалари, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқ. Ер солиғининг миқдори ер эгалари, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар хўжалик фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлмасдан, балки бир йил учун ер бирлигига нисбатан баркарор тўловлар куринишида урнатилади.

Ер учун тўловларнинг шакллари - ер солиғи, ижара ҳақи ва ернинг норматив баҳосидан иборатдир. Ернинг эгалари,ернинг мулкдорлари ва ердан фойдаланувчилар йиллик ер солиғига тортилади.Ижарага берилган ер учуй ижара ҳақи олинади.

Жисмонии шахслардан олинадиган маҳаллий солиқлар - ер учун тўловлар (ер солиғи, ер учун ижара ҳақи), реклама солиғи, маҳаллий йиғимлар (биржада амалга оширилган битимлар бўйича йиғим, маҳаллий аукцион ва лотария уйинларини ўтказиш ҳуқуқи учуй лицензия йиғими, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим ва бошқа мақсадли йиғимлар) дан иборат.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар - даромад солиғи, фуқароларнинг мулкидан олинадиган солиқлар (транспорт воситаларисолиғи, мол-мулк солиғи, уй-жой солиғи, мерос тариқасида утадиган мулкдан олинадиган солиқ), тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмонии шахслардан олинадиган кайд этиш йиғими, бошқа солиқ, йиғим ва тўловлардан иборат.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ - умумдавлат солиқларининг таркибига кириб, бюджет даромадларининг мухим манбаларидан бири ҳисобланади. Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмонии шахслар бу солиқнинг тўловчилари ҳисобланади. Солиқ прогрессив характерга эга.

Жон солиғи - ҳар бир солиқ тўловчидан тенг суммаларда олинадиган солиқ.

Жорижий валюта операцияларидан олинадиган солиқ - ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда кенг таркалган солиқ тури. Хорижий валюта билан бўладиган ҳар кандай операциядан олинади. Солиқнинг ставкаси битим қийматининг 1% дан 25% гачасини ташкил этиши мумкин. Масалан, Кенияда - 1%, Бразилияда -25%.

Захиралар ва сарфлар - ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, кайта сотиладиган товарлар, булажак даврлар ҳаракатлари.

Ижара (лизинг) тўлови – ижарачи (лизинг олувчи) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўлайдиган сумма;

Ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади – бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган ижара (лизинг) тўлови суммаси билан ижара (лизинг) объектининг қийматини қоплаш суммаси ўртасидаги фарқ кўринишидаги ижара (лизинг) тўловининг бир қисми;

Ижтимоий солиқлар - иш ҳақи ва ишчи кучига нисбатан қўлланиладиган солиқлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий таъминотга бадалларидан (ажратмаларидан) иборат.

Йиғимлар - қонун актларига мувофик белгиланган тартибла ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташкари фондларга ўтказиладиган мажбурий бадаллар. Уларнинг таркибига савдо-сотик қилиш учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлариб юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тухташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар киради.

Йилнинг соф фойдаси - бу солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида колади.

Импорт-экспорт солиғи - солиққа торишнинг куринишлари-дан бири: ташки савдони давлат томонидан тартибга солиш воситаси (чораси). Солиққа тортиш объекти бўлиб белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланган товарларнинг бож қиймати ёки огирлик ва миқдор бирликларида ифодаланган товарларнинг сони ҳисобланади.

Имтиёзли солиққа тортиш - жисмоний ёки юридик шахслардан тулик ёки қисман озод этиш.

Инвестицион солиқ кредити - Солиқ тўловчи томонидан маълум бир ҳудуднинг ижтимоии - иқтисодии ривожланиши бўйича жуда мухим буюртмани бажарганлиги ёки шу ҳудуд ахолисига жуда мухим хизматни тақдим этганлиги учун маҳаллий ҳокимият органлари томонидан солиқ суммаси доирасида бериладиган енгиллик, имтиёз (солиқ тўловини кечиктирилиши). Бу кредит солиқ тўловчи ва маҳаллий маъмурият уртасида тузиладиган солиқ битими билан расмийлаштирилади.

Инвестицион фаолиятда пул окимлари ҳаракати - асбоб-ускуналар, бино-иншоотларни, кимматли қоғозларни, (карз мажбуриятларини ҳам, компания акцияларини ҳам) сотиб олиш ва сотиб юборишни кўзда тутади

Инвестициялар - юридик жихатдан мустақил бўлган корхонага муддат (бир йилдан кам бўлмаган) давомида кушимча фойда олиш, таъсир этиш доирасини сотиб олиш мақсадларида ёки шу сохада ўз фаолиятини ташкил қилгандан кура уни шунда қуйиш (сарф этиш) авзалрок бўлганлиги учун капитални жойлаштиришни англатади. Фойда (даромад) олиш ва ижобий ижтимоии самарага эришиш мақсадида пул маблағлари, мақсадли банк омонатлари, акциялар ва бошқа кимматбаҳо қоғозлар, технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар, кредитлар, бошқа ҳар хил мулклар ёки мулкий ҳуқуқлар ҳамда интеллектуал боиликларни тадбиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари объектларига қуйилишининг барчаси инвестициялар ҳисобланали. Инвестицияларнинг молиявий, реал, ялпи, соф, хусусий ва давлат каби турлари булиши мумкин.

Инсонпарварлик ёрдами – аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун аниқ мақсадли беғараз кўмаклашиш. Инсонпарварлик ёрдами дори воситалари ва тиббий аҳамиятга молик буюмлар, халқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек ихтиёрий равишдаги хайр-эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан инсонпарварлик ёрдами юкларини ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш тариқасида берилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ваколатли ташкилотлар орқали тақсимланади;

Истеъмол солиғи - бир неча мамлакатлардаги солиқлар гурухи, даромад сарф қилинаётган пайтда олинади. Қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар аша шундай солиқ таркибига киради. Бож пошлиналарини ҳам истеъмол солиқлари каторига киритиш мумкин. Бу солиқларнинг айримлари давлат фойдасига олинса, бошқа бир кисми маҳаллий бюджетларга бориб тушади.

Йўл фондини шакллантирувчи солиқлар - ёқилги-мойловчи материалларни сотишдан олинадиган солиқ, автомобиль йулларидан фойдаланувчилардан олинадигансолиқ, транспорт воситараларининг

эгаларидан олинадиган солиқ ва транспорт воситаларини сотиб олганлик учун туланадиган солиқдан иборат.

Иш фаоллиги солиғи - бир неча хорижий мамлакатларнинг (масалан АҚШда) солиққа тортиш амалиётида қўлланилиб, ўз таркибига икки элементни олади: 1) корхонанинг умумий йиллик оборотини солиққа тортиш (одатда 1,0% дан 2,5 % гача): 2) иш ҳақи фондини солиққа тортиш.

Иш ҳақи солиғи - юридик шахслардан иш ҳақи харажатларига нисбатан ва ходимларнинг иш ҳақидан маълум фоизда олинади.

Ишлаб турган капиталнинг чаққонлик коэффициенти - Бу корхонанинг захиралари ва харажатларини, корхонанинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжини копловчи узлик маблағлар манбаларига булиш билан аниқланиб, корхонанинг моддий айланма маблағлари билан уни копловчи узлик манбаларнинг узаро нисбатини ифодалайди.

Ишларни (хизматларни) экспорт қилиш – ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

Касб солиғи (касбий солиқ) - маҳаллий ҳокимият органлари томонилан тадбиркорлик фаолиятининг барча турларидан ҳар йили олинадиган тўғри (бевосита) солиқлардан бири. Масалан, Францияда касб солиғи (касбий солиқ)нинг ставкасини ҳисоблашда база сифатида кўчмас мулк ижарасининг қиймати, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган барча асбоб-ускуналарнинг қиймати (субъектнинг ўз мулкими ёки ижарага олганма ва бундан қатъий назар), иш ҳақи фондининг қиймати ва бошқалар хизмат қилади.

Квотатив солиқлар - даромад ёки мулк қийматининг пулдаги ифодасига нисбатан урнатиладиган ва сунг маъмурий бирликлардан тортиб то алоҳида солиқ тўловчилар уртасида тақсимланадиган солиқлар.

Корпорацияларнинг даромадидан олинадиган солиқ - даромад солиғи ва фойда солиғининг (айрим мамлакатларда) урнига барча компанияларнинг фойдасидан олинадиган қатъий фоиз. Барча корпоратив орган ва нокорпоратив ассоциацияларга суммаларидан ҳам солиқ олишни такозо этади.

Корхонанинг айланма маблағлари - унинг айланма фондларда, муомала фондларида ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағларидир.

Корхонанинг рентабеллиги нисбий кўрсаткич бўлиб - корхона фаолияти самарадорлик даражасини ифодалайди.

Кредит ташкилотлари – тегишли лицензияга эга бўлган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари;

Кредиторлик ва дебиторлик карзлари нисбатининг коэффициенти - кредиторлик карзининг дебиторлик карзидаги улушини кўрсатади

Курс бўйича фарқ – миллий валютага нисбатан чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан чет эл валютасида амалга оширилган операцияларда вужудга келадиган (ижобий, салбий) фарқ;

Қайта ишлашга берилган хомашё ва материаллар – буюртмачига тегишли хомашё ва материаллар бўлиб, буюртмачи уларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга беради ҳамда тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот кейинчалик буюртмачига қайтарилади;

Қўшилган қиймат солиғи - ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларининг барча боскичларида яратилган қўшилган қиймат бир кисмининг бюджетга олиш шакли. Товарлар ва хизматлардан олинадиган эгри (билвосита) солиқларнинг таркибига киради. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация ва импорт қилиш обороти қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект ҳисобланади.

Лицензия - у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш, хўжалик ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятнинг турини амалга ошириш, товарларнинг маълум бир тури ва миқдорини экспорт ёки импорт қилиш, олиб чиқиш ёки ўтказиш кетишга давлат ёки махаллия бошқарув органларининг расмий рухсати (розилиги). Савдо қилиш ҳуқуқи ёки лотарея ва махаллии аукционларни ўтказиш учун лизцензия уч нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха ижарачига (ўтказувчига, шуғулланувчига) берилади, иккинчиси туман солиқ инспекциясига йулланади, учинчи нусха эса тегишли карор, хат ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда туман ёки шаҳар маъмуриятининг иш жилдида сакланади. Лицензия олиш учун мурожаат этаётган жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканликлари тўғрисида гувоҳномага эга булишлари шарт.

Мақсадли солиқ имтиёзи - хўжалик юритувчи субеъкт томонидан давлатнинг мақсадли ижтимоий, иқтисодий, нивестицион ва бошқа дастурларнинг бажарилганлиги учун солиққа тортиш ҳажмининг пасайрилиши. Инвестицион солиқ кредитидан фаркли

равишда узаро манфаатдорлик (узаро фоидалилик) асосида минтакавии бюджетга бориб тушувчи солиқ суммалари доирасида ижроя ҳокимияти органлари томонидан ҳар кандай корхонага берилиши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар - маҳаллий бюджетга олинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурий тўловлари. Уларнинг таркибига қуйидагиларни киради: мол-мулк солиғи, ер солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ, савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тухташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар.

Махсус бож пошлиналари - бож пошлиналарининг куринишларидан бири бўлиб, агар мамлакатга олиб кирилаетган товарлар шунга ухшаш товарларни ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ўзидагиларга зарар етказадиган бўлса, химоя воситаси бўлиб хизмат калади. Бошқа мамлакатларнинг дискриминацион ҳаракатларига нисбатан жавоб тарикасида ҳам қўлланиши мумкин.

Маҳсулот сотишдан олинган фойда ялпи фойда - бу сотишдан олинган соф тушумдан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини олиш билан аниқланади.

Молиявий барқарор корхона - активлар (асосий фондлар, номоддий активлар, айланма маблағлар)га қуйилган маблағларни ўз маблағлари ҳисобига коплайдиган, ноурин дебиторлик карзларига йул куймайдиган ҳамда ўз мажбуриятларига ўз вақтида тулайдиган кархона.

Молиявий барқарорлик - ўз ва қарз маблағлари нисбати билан аниқланади.

Молиявий қарамлик коэффициенти - молиявий карамлик ва молиявий кийинчиликлар хавфининг кўпайиши ёки камайишини кўрсатади.

Молиявий фаолиятда пул окимлари ҳаракати - хусусий капитал ва мажбуриятлар моддаларини киритиб, акционерлардан молиялаштиришни олиш ва улар томонидан қуйилган инвестицияларни кайтариб олиш ва кредиторлардан карз олиш ва кейинчалик мажбуриятларни коплашдан иборат.

Мол-мулк – эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш предметлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул

маблағлари ва қимматли қоғозлар ҳамда номоддий объектлар. Объектларни мол-мулк жумласига киритиш фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

Муддати ўтган дебиторлик карзи коэффициенти - дебиторлик карзида унинг муддати ўтган кисми кандай улушга эгалигини кўрсатади.

Мулк солиғи (мулкий солиқ) - ўз такибига кўчмас мулк (ер, бинолар) солиғини ва шахсий мулк (асбоб ускуналар, захиралар) солиғинт олади. Маҳаллий ҳокимият органлари фойдасига ҳисобланиб, кўпгина мамлакатларда улар даромадларнинг асосий банбаи ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда бу солиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқларга бўлган.

Мулкий солиққа тортиш - солиқ тўловчининг мулкидан, кўп холларда унинг капиталидан олинадиган солиқлар тизими. Одатда прогрессив характерга эга - мулкнинг улчами (ҳажми, миқдори) ошишига караб солиқнинг ставкаси ҳам ортади.

Мутлок ликвидлик коэффициенти - корхонанинг накд пул маблағлари билан киска муддатли мажбуриятлар ўртасидаги нисбат билан аниқланади ва киска муддатли корхона мажбуриятларни корхонанинг накд пул маблағлари билан копланиш даражасини ифодалайди.

Номоддий активлар - ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан бинолар, иншоатлар, аклий мулк, товар захиралари, ихтиролар, "ноу-хау" ва бошқалардан фойдаланишга доир мулкий ҳуқуқдир.

Оборот солиғи - шилаб чиқаришнинг якуний боскичида халқ истеъмоли учун ишлаб чиқарилган товарларнинг қийматидан олинадиган солиқ тури.

Оила аъзолари – эр (хотин), ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ва болалар, шу жумладан фарзандликка олинганлар;

Оператив ижара – молиявий ижара шартномаси бўлмаган мулкий ижара (ижарага бериш) шартномаси асосида мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш;

Операцион фаолиятда пул окимлари ҳаракати - пул эквивалентида сифатланган соф даромад моддаларини операцион фаолиятдан натижаларини ўз ичига олади.

Прогрессив солиқ - солиққа тортиш базасининг ошиши билан солиқ ставкаларининг кўтарилиши характерладиган солиқ тури.

Прогрессив солиққа тортиш - солиққа тортилган сумманинг усишига мос равишда солиқ ставкаси ҳам ортадиган солиққа

тортиш тизими. Улар қуйидаги шаклларда мавжуд бўлади: 1) оддий прогрессия –даромадларининг барча суммаси учун солиқнинг ставкаси даромаднинг усишига мувофик усади (ортади); 2) мураккаб прогрессия - даромад кисмларга булинади ва уларнинг хар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади. Даромаднинг ҳар бир кейинги кисми учун солиқнинг ставкаси олдингисига нисбатан юкорирок бўлади.

Пропорционал солиқ - солиқ шаклида олиниши мумкин бўлган сумма солиққа тортиш базасининг улчамига (миқдорига, ҳажмиага) пропорционалдир. Бу солиқ ягона ставкали солиқлар жумласига киради.

Пропорционал солиққа тортиш - солиқнинг ставкаси солиқ тўловчи даромадларнинг ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг даромалига нисбатанфоизда урнатилади.

Пул маблағлари - кассадаги, валюта маблағлар, киска муддатли қуйилмалар, кайта сотиб олинган ўз акциялари.

Пул окими тахлилининг асосий вазифаси - молиявий маълумотларни чукур урганиш асосида имкониятлардан фойдаланиш даражасига иқтисодий ташхис қуйишдан иборатдир.

Пулли капитал даромадларидан олинадиган солиқ - дивидентлар, акцияларнинг фоизлари, банкдаги омонатлар бўйича фоизлар,заёмлар бўйича ютуклар ва бошқа шунга ухшаш бир неча даромадлардан олинади. Австрия, Канада, Испания, Франция каби мамлакатларда амал қилади. Пулли капиталнинг эгасига даромад берилаётган пайтда солиқ ушлаб колинади. Солиқнинг ставкаси 20% дан 40% гачатебранади.

Реал солиқ - солиқ тўловчиларининг айрим мулкларини солиққа тортиладиган тўғри солиқлардан иборатдир.

Реализация қилиш – сотиш, айирбошлаш, беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига топшириш. Ҳисобварақ-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, товарлар жўнатилганлигини (топширилганлигини), ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи квитанциялар, чеклар ва бошқа ҳужжатлар реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатлардир;

Регрессив солиқ - солиққа тортиладиган даромаднинг ошиши билан солиқ ставкасининг пасайиши характерлидир. Бундай солиқлар

тоифасига, хусусан, эгри (билвосита) солиқларни киритиш мумкин. Регрессив солиқларнинг юки (огирлиги) бойларга нисбатан камбагал катламлар учун огиррок деб саналади. Масалан, қўшилган қиймат солиғини тулаш учун камбагаллар бойларга нисбатуз даромадларининг кўпроқ кисмини (ҳиссасини) сарфлайдилар. Пропорционал солиқ ҳам регрессив булиши мумкин.

Регрессив солиққа тортиш - солиқ асоси (базаси) нинг усиб бориши билан солиқ ставкасининг пасайишини такоза этади. Солиқ ундириш огирлиги даромадга тескари пропорционалдир: даромад канча кам бўлса, солиқ тўловчи учун солиқнинг огирлиги шунча огирдир. Ҳозирги пайтда қўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши билан эгри (билвосита) солиқларнинг регрессивлиги кучайиб бормоқда.

Резидентлар - календарь йилида мамлакатда 183 кундан кам бўлмаган муддатда яшаган, Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган ва бўлмаган солиқ тўловчилардан иборат. Шу мамлакат резидентларининг даромадлари (шу мамлакат ҳудудида ва ундан ташкарида олинганлари ҳам) шу мамлакатда солиққа тортилиши шарт.

Рентабеллик - фойда олиш даражаси, сарфланган харажат ёки капитал ҳисобига тўғри келадиган фойда ҳажмини белгилайди.

Роялти – қуйидагилар учун ҳар қандай турдаги тўловлар: а) фан, адабиёт ва санъат асарларидан, шу жумладан электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, аудиовизуал асарлардан ҳамда турдош ҳуқуқлар объектларидан, жумладан ижролар ва фонограммалардан фойдаланганлик ёхуд улардан фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун; б) саноат мулки объектига, савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, махфий формула ёки жараёнга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи патентдан (гувоҳномадан) ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли ахборотдан (ноу-хаудан) фойдаланганлик учун;

Савдо фаолияти – қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият;

Сармоя қуйилмалари - хўжалик ёки пудрат усулида амалга оширилаётган тугалланмаган қурилиш қиймати, шунингдек, асосий подани ташкил этиш, геология-кидирув ишларига сарфлар вакорхоналарга бунак.

Сармояни иммобилизациялаш коэффициенти - хўжалик маблағлари умумий суммасида дебиторлик карзининг улушини кўрсатади.

Солиқ асоси (базаси) - умумий ҳолда белгиланган солиққа тортиш даври мобайнида маълум ҳудуддаги солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объектларининг йигиндиси.

Солиқ бадаллари (тўловлари) - солиқ қонунчилиги бўйича белгиланган тартибда ва муддатда солиқ тўловчилар томонидан туланадиган, ҳисобланган ёки қатъийлаштирилган суммалардир. Уларни ҳисоблаш тартиби хар бир солиқ тури бўйича қонунга биноан аниқланади.

Солиқ имтиёзи - солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тулик ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади.

Солиқ инспекциялари - Давлат солиқ қўмитасининг ягона тизими таркибига кирувчи тузилмавий бирлик. Уларнинг таркибий тузилиши функционал белгига кура аниқланади. Бунинг асоси сифатида турли белгилар: мулкчилик шакли, хўжалик фаолиятининг тури, тўловлар ҳажми, солиқларнинг турлари ва ҳ.к.лар олиниши мумкин. Фуқароларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун солиқ инспекцияси назорати остида бўлган ҳудуд участкаларга бўлинади.

Солиқ инспекцияси - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ягона тизимига кирувчи таркибий тузилма бирлиги. Инспекцияларнинг таркибий тузилиши функционал белгиларга караб белгиланади: мулкчилик шакли; хўжалик фаолиятининг тури; тўловлар ҳажми ва бошқалар.

Солиқ қонунчилиги - давлатда солиқларнинг тури, уларни ундириш механизми ва солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ва тухтатишини тартибга солиб турувчи юридик меъёрлар йигиндиси; молиявий ҳуқуқ институти. Солиқ ҳуқуқи давлатнинг ижтимоий – иқтисодий тузилиши (қурилиши), унинг вазифаси ва функциялари билан белгиланади.

Солиқ кредити - минтақавий солиқ органи томонидан корхонага бериладиган ва тегишли шартнома билан расмийлаштириладиган кредит. Одатда инвестициялар ва инновацион харажатларни амалга ошириш учун кайтарувчанлик ва ҳақлилик асосида берилади.

Солиқ қарзи – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан ушбу Кодексда белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар;

Солиқ назорати - юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тулик ва ўз вақтида туланишини таъминлаш устидан назорат. Назорат текширув ишларини амалга ошириш давомида бевосита корхонанинг ўзида (ҳужжатли текширув) ёки корхоналар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этиладиган ва солиқ органи ихтиёрига келиб тушадиган банк ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳисоб-китоблари асосида (камерил текширув) амалга оширилиши мумкин. Корхоналар устидан доимий назоратга солиқ органларида хар бир солиқ тури ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва келиб тушиш устидан оператив бухгалтерия ҳисобини жорий этиш орқали эришилади.

Солиқ огирлиги (юки, «зулми») - давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб (кўрсатиб) берадиган энг умумлашган кўрсатгич. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва даромадларда солиқ ажратмаларининг салмогини (ҳиссасини) кўрсатувчи, бозор иқтисодиёти-нинг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган улчам. Солиқ йиғимларининг жами миллий маҳсулотга нисбати билан аниқланади.

Солиқ органлари - солиқ қонунчилигига риоя қилиш, мамлакатнинг қонунларига мувофик белгиланган (урнатилган) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, уларнинг тулик ва ўз вақтида бюджетга ўтказалиши устидан назоратни таъминловчи ягона мустақил марказлаштирилган тизим.

Солиқ органларининг мажбуриятлари - солиқ органлари ав уларнинг ходимлари мамлакат Конституциясига, корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилинадиган унингт бошқа қонунларига қатъий риоя қилишлари, тижорий сирни ва бошқа сирли маълумотларни сақлашлари лозим.

Солиқ полицияси - ҳуқуқни мухофаза қилувчи орган. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради: солиқ жиноятлари ва ҳуқуқ-бузарликларининг келиб чиқишини олдини олиш, огохлантириш ва аниқлаш (бир вақтнинг ўзида солиқ полицияси органлари аниқланган бошқа иқтисодий жиноятлар тўғрисида ҳуқуқни мухофаза қилувчи тегишли органларга маълумот беришлари шарт); давлат солиқ қўмитаси фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш, унинг ходимларини хизмат бурчларини бажаришдаги ҳуқуққа қарши

ҳаракатлардан химоя қилиш; солиқ органларидаги коррупцияни олдини олиш, огохлантириш ва аниқлаш.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби;

Солиқ ставкаси - солиққа тортиш бирлигига тўғри келувчи солиқнинг ҳажми (миқдори, даражаси). Қатъий солиқ ставкалари даромадларга богик бўлмаган ҳолда солиққа тортиш бирлига нисбатан абсолют суммаларида урнатилади. Пропорционал ставкалар даромаднинг ҳажмига (миқдорига) боғлиқ бўлмаган ҳолда унга нисбатан бир хил фоизларда белгиланади. Прогрессив солиқ ставкалари солиққа тортиладиган даромад ҳажмининг ортиши билан ошиб боради. Регресив солиқ ставкалари эса, аксинча, даромаднинг ортиб бориши билан пасаяди.

Солиқ тизими - мамлакат доирасида (ҳудудда) тўловлардан (юридик ва жисмоний шахслардан) белгиланган тартибда олинадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар ҳамда улар таркибий тузилишининг шакл ва услублари йигиндиси.

Солиқ тулагунгача олинган фойда - бу умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда, плюс фавқулотда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади.

Солиқ тўловчиларини ҳисобга олиш (қайтадан ўтказиш) - солиқ тўловчилар мажбурий равишда (тартибда) Давлат қўмитасининг органлари ҳисобдан (кайтдан) ўтиши шарт. Бунда банк ва бошқа кредит ташкилотлари солиқ тўловчилар томонидан уларнинг солиқ органлари ҳисобдан (кайтдан) ўтганлигинитасдикловчи маълумотномани тақдим этганларидан сунгина уларга ҳисоб - китоб ва бошқа хиосб варакларини очишда ҳам беш кунлик муддат ичида уларга (солиқ тўловчиларга) хабар бериши керак.

Солиқ тушумлари - Молия вазирлиги томонидан тасдикланган бюджет даромадлари ва харажатлари классификациясининг даромадлар кисмидаги ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга мулжалланган кием, банд, код ва моддага мувофик ваколатли банкларнинг ҳисоб- китоб счётига ёзиладиган, ҳисобланган ва ҳақиқатда келиб тушган солиқ бадаллари (тўловлари) ва молиявий санкциялар.

Солиқ ҳисоб - китоблари - юридик шахслар томонидан қонунда кўзда тутилган муддатларда бухгалтерия ҳисоботи билан биргаликда солиқ органларига тақдим этилиб, ўзида маълум ҳисобот даври мобаинида туланиши лозим бўлган ҳисобланган тўловлар суммасини акс эттиради. Солиқ суммаларини ҳисоблаш тартиби солиқ қонунчилигига кура ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида- алоҳида белгиланган.

Солиқ юрисдикцияси - давлат солиқ органларининг ҳуқуқий мсалаларни ва солиқ ҳуқуқбузарлиги тўғрисидаги ишларни хал қилиш бўйича қонунга биноан (ёки бошқа меъёрий ҳужжатга кура) белгиланган ваколатлари йигиндиси. Бу ваколатлар икки мезон бўйича аниқланади: 1)резидентлик; 2) ҳудудийлик. Булар, ўз навбатида солиққа тортиладиган даромадларнинг таркибини аниқлаб беради. Барча мамлакатларда бу мезонларни қўллашда ягоналик бўлмаганлиги учун икки марта солиққа тортиш муаммоси вужудга келади. Мезонларни танлаш ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатлари билан боғликдирю Айрим мамлакатлар амалиетида бу мезонлар турли вариантларда комбинация қилиб қўллаш кенг таркалган. Масалан, АКШ ва Буюк Британияда асос сифатида резидентлик мезони олинса-да, у мамлакатларнинг аниқ манфаатларига боғлиқ равишда ҳудудийлик мезони билан тулдиради. Лотин Америкаси мамлакатларида эса солиқ юрисдикцияси афзаллик билан ҳудудийлик мезонини қўллаш орқали амалга оширилади. Бу тартиб Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг солиқ амалиетида ҳам мухим ахамият касб этади.

Солиқлар - қонунда белгиланган тартибдаги ставка бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан ва фуқаролар (юридик ва жисмоний шахслар)дан давлат томонидан давлат ёки маҳаллий бюджетга олинадиган мажбурий тўловлар.

Солиқлар классификацияси - солиқларнинг ундириш услуби, қўлланиладиган ставкаларнинг характери, солиқ имтиёзлари, солиққа тортиш манбаи ва обеъктикаби белгилар бўйича гурухларга ажратилиши (булиниши).

Сотиб олиш солиғи - давлат даромадларини кўпайтириш ёки айрим товарларни ишлаб чиқаришни чеклаб қуйиш мақсадида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган айрим товарлардан олинадиган солиқ. Одатда экспортга мулжалланган товарлардан олинмайди.

Сотиш солиғи - товарларнинг сотиш қийматига нисбатан фоизларда белгиланади ва ишлаб чиқарувчи томонидан туланади. Акцизларнинг куринишларидан иборат.

Сотишдан олинадиган солиқ - айрим хорижий мамлакатларда (масалан, АКШнинг айрим штатларида) қўлланилади ва истеъмолчидан олинадиган эгри (билвосита) солиқни ўзида гавдалантиради, одатда бу солиққа истеъмол товарлари (ресторанлар бундан мустасно) тортилмайди.

Соф тушум – товарлар (ишлар, хизматлар) нархида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғини ҳамда акциз солиғи суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум;

Соф фойда – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда;

Тақсимланмаган фойда солиғи - алоҳида солиқ тўловчи сифатида тан олинган акционерлик компаниялари, банклар ва бошқа институтлар фойдасининг дивидентларга тақсимланмаган кисмидан олинади.

Таннарх – маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймат баҳоси. Таннарх бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади;

Товар оборoти – муайян давр ичида савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида товарларни сотишдан олинган (олиниши лозим бўлган), пулда ифодаланган маблағлар;

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум – реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган (олиниши лозим бўлган) маблағлар суммаси, шу жумладан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш ёки қарзни узиш ҳисобига тушадиган мол-мулк қиймати;

Товарларни экспорт қилиш – Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қайта олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш;

Тўғри (бевосита) солиқлар - даромад солиғи, фойда солиғи, ресурс тўловлари, мол-мулк солиғи ва бошқалардан иборат бўлиб, уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тўлов кобилияти - хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маблағларни етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади.

Тўлов манбаи – солиқ тўловчига тўловларни амалга оширувчи юридик шахс;

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри – солиқ тўловчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими;

Уй-жой солиғи - кўчмас мулк солиғининг куринишларидан бири бўлиб, бу солиқа уй-жойга эга бўлганлар тортилади. Масалан, Францияда қўлланиб келмоқда.

Умидсиз қарз – суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз;

Умумий капиталнинг чаққонлик коэффициенти - бу корхонанинг умумий айланма активларини унинг молмулки кимматига булиш йули билан аниқланиб, у корхонанинг умуман маблағлар билан таъминланганлигини ва ўз мажбуриятларидан кутилиш салохиятини кўрсатади. Бу кўрсаткичга корхонанинг мол-мулкини таркиби - узлик манбалар ва корхона мажбуриятлари уртасидаги узаро нисбат таъсир кўрсатади.

Фавқулодда ҳолатлар – тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), бошқа табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар бўлиб, қабул қилинган мажбуриятлар шулар туфайли бажарила олмайди;

Фойда - абсолют кўрсаткич бўлиб, у корхоналар фаолияти самарасини ифодалайди

Фойда солиғи - хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасидан олиниб, бюджетнинг асосий даромадларидан бири ҳисобланади. Бу тўғри (бевосита) солиқдир. Унинг суммаси солиқ тўловчи корхонанинг якуний молиявий натижасига боғлиқ бўлади. Молия йилида солиқ солинадиган фойдага эга бўлган юридик шахслар фойда солиғини тўловчилар ҳисобланади. Ялпи фойда билан маълум чегирмалар уртасидаги фарк сифатида хисоланган фойда солиққа

тортиш объектидир. Фойда солиғи барча солиқлар тулангандан сунг корхона ихтиёрига колган фойда ҳисобидан туланади.

Фоизлар – ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинган даромад, шу жумладан облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек депозит қўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларидан олинган даромад;

Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар) - бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси, плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида аниқланади.

Хусусий капитал -корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи мухим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ҳисобланмаган солиқлар суммаси - назоратни амалга оширишда объектив ва субъектив характердаги кўп омилларга боғликдир: а) солиқ инспекцияси ходимларининг малакасига; б) солиқ қонунчилигини солиқ тўловчиларга тушунтириш ишларининг олиб борилиш даражасига; в) корхоанларнинг қонунга итоаткорлигига ва ҳ.к. бошқа шароитлар тенг бўлган такдирда энг мухим омил бўлиб, солиққа тортиш базаси (асоси) нинг улчами ҳисобланади. Солиққа тортиш базаси (асоси) канча катта бўлса, назоратни амалга ошириш жараёнида солиқларни кушимча ҳисоблаш ва солиқ тўловчиларга молиявий жазоларни бериш имконятини шунча кўп бўлади.

Ҳужжат билан тасдиқланган харажатлар – операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар.

Шахсий солиқлар - тақдим этилган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда даромаднинг улчамига (миқдорига, ҳажмига) мувофий олинадиган тўғри солиқлардир.

Эгри (билвосита) солиқлар - хўжалик актлари ва оборотлари ҳамда молиявий операциялардан келиб чиқади. Бу солиқларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, бож пошлиналари, кимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялардан олинадиган солиқ ва бошқалар киради. Эгри (билвосита) солиққа тортишда шу солиқни тулаши керак бўлган ва шу солиққа тортилиши лозим бўлган юридик ва жисмонии шахслар турлича шахслардир.

Юридик шахслардан олинадиган солиқлар - қўшилган қиймат солиғи, корхона ва ташкаилотларнинг даромади (фойдаси) дан олинадиган солиқ, акцизлар, йул фондларини шакллантириш учун манба сифатида фойдаланиладиган солиқлар, корхона мол-мулки солиғи, ер учун тўловлар, реклама солиғи, биржада амалга оширилган

битимлардан олинадиган йиғим, маҳаллий аукцион ва лотореяларни ўтказиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими, бошқа солиқ, йиғим ва мажбурий тўловлардан иборат.

Ютуқ – лотереялар, ўйинлар, танловлар, мусобақалар (олимпиадалар), фестиваллар ва шу каби бошқа тадбирларда олинган, натура ҳолида ёки пулда ифодаланган тўловлар, совринлар ва бошқа даромадлар;

Яқин қариндошлар – эр, хотин, ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, боболар, бувилар, неваралар;

Яширин солиқ – истеъмолчи томонидан бевосита туланмайдиган, лекин унга мулжалланган товарнинг баҳоси таркибига уни огохлантирмасдан, унга хабар бермасдан, унга билдирмасдан киритилган солиқ. Масалан, бож пошлинаси.

Тестлар

1. Солиқ – бу:

A) *бюджетга тўланадиган мажбурий тўловдир (йиғимлар)

B) солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатдир

C) давлат ихтиёрига олинадиган солиқдир

D) давлат бюджетининг асосий воситасидир

2. Солиқ тизими бу:

A) *Давлат томонидан урнатилган барча солиқлар, йиғимлар ва бошқа бюджетга ундириладиган мажбурий тўловлар мажмуаси бўлиб, уларнинг шакл ва тузилиши методларини ташкил этади

B) Давлат солиқ хизмати органлари

C) Жами солиқлар,солиқ органи хизмати ва солиқ муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормалар

D) Солиққа тортишнинг шакли ва усуллари

3. Солиқ сири бу - ..... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчи тўғрисида олинган ҳар қандай маълумотлар

B) солиқ тўловчининг ўзи ошкор этган ёки унинг ёзма розилиги билан ошкор этилган маълумотлар

C) солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар

D) юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) тўғрисидаги маълумотлар

4. Молиявий жазо чоралари кимга нисбатан қўлланилади.

A) *Солиқ қонун ҳужжатларини бузганлиги учун солиқ тўловчиларга нисбатан

B) Маъмурий орган ходимларига ва солиқ ходимларига нисбатан

C) Солиқ полицияси ходимларига нисбатан

D) Солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 51-модда нима назарда тутилган?

A) *Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбурдирлар

B) Бюджетига тушадиган маблағларни таъминлашда инспекторлар мажбурдирлар

C) Солиқ умумдавлат ва маҳаллий бюджетларга тушиши кафолатланади

D) Солиқ интизомига риоя этилмаганда фуқаролар жавобгарликка тортилади

6. Бюджетдан маблағ олувчиларни молиялаштириш иқтисодий таснифга биноан харажатлар нечта гуруҳ бўйича амалга оширилади?

A) *4 та

B) 6 та

C) 5 та

D) 2 та

7. Ўзбекистон Республикасида амалдаги тартибга солувчи солиқлар нечта?

A) *4 та

B) 3 та

C) 5 та

D) 6 та

8. Қуйидагилардан қайси бири тартибга солувчи даромадлар бўла олмайди?

A) *Юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиғи

B) Акциз солиғи ва ҚҚС

C) Экология солиғи ва ҚҚС

D) Жисмоний шахслар даромад солиғи

9. Давлат бюджети даромадлари таркибида кайси гурух солиқ тушумлари катта улушга эга?

A) *Билвосита солиқ

B) Билвосита тушумлар

C) Тўғри солиқ тушумлари

D) Экология солиқ тушумлари

10. Эгри солиқлар таркибида кайси солиқ тури катта ҳиссага эга?

A) *Акциз

B) Мол -мулк

C) Экология

D) Даромад

11. Жисмоний шахслар даромади солиғи қайси гуруҳга киради?

A) *Бевосита солиқлар

B) Билвосита солиқлар

B) Ўзгармайдиган солиқлари

B) Ўзгарувчан солиқлар

12. Ер солиғи қайси гуруҳга киради?

A) *Ресурс солиғи

B) Билвосита солиқ

C) Умумдавлат солиғи
D) Маҳаллий солиқ

13. Божхона божлари қандай тўловлар гуруҳига киради?

A) *Эгри солиқлар
B) Тўғри солиқлар
C) Ресурс тўловлари
D) Бевосита солиқлар

14. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет даромадининг асосий манбаи нима ҳисобланади?

A) *Солиқлар
B) Мулкни сотишдан
C) Пул тушумлар
D) Банк кредитлари

16. Қуйидагилардан қайси бири қўшилган қиймат солиғининг ҳусусиятларини ифодалайди?

A) *Эгри солиқ, Бюджет даромади манбаи, Тартибга солувчи солиқ
B) Эгри солиқ, тўғри солиқлар
C) Бюджет даромади манбаи, тартибга солувчи солиқ
D) Бюджет даромадини тенглаштирувчи солиқ

17. Маҳаллий бюджетлар даромад манбаини нотўғрисини кўрсатинг?

A) *Бошқарувчи даромадлар
B) Солиқлар ва маҳаллий йиғимлар
C) Тартибга солувчи даромадлар
D) Солиқли, солиқсиз тўловлар

18. Дотация ва субвенция кайси даромад манбаига киради?

A) *Тартибга солувчи
B) Бириктирилган даромадлар, бошқарув
C) Бошқарув ва фойда
D) Молиявий тенглаштириш

19. Ўбекистон Республикаси Солиқ кодекси қачон қабул қилинган?

A) *1997 йил, апрель
B) 1992 йил, сентябрь
C) 2002 йил, март
D) 1998 йил, сентябрь

20. Аниқ бир солиқ турини ҳисоблаш тартибини белгилашда асосий нарса бу ... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *солиққа тортиш объектларидир

B) Билвосита солиқларни рағбатлантириш

C) Билвосита солиқлар ҳисобланади

D) Бевосита солиқларни тартиблаштириш

21. Бевосита солиққа тортиш объектларига ..... киритиш мумкин. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *жами турдаги ресурслар, даромадларни мол-мулкини

B) айрим товарларни сотишдан олинган пулни

C) товарларни улгуржи сотиш нархини

D) корхона фойдасидан мақсадли ажратмаларни

22. Эгри солиққа тортиш объектларига ..... кириши мумкин. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *айрим товарлар ва хизматларни сотишдан олинган пул айланмасини

B) айрим хизматлардан тушган нақд пул

C) айрим товарларни сотишдан тушган пул айланмасини

D) айрим хизматларни кўрсатишдан тушган пул айланмасини

23. Ўз аҳамиятига кўра кўра бюджет даромадлари .... бўлинади. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Умумдавлат ва маҳаллий солиқларга

B) Унитар ва маҳаллий солиқларга

C) маҳаллий солиқларга

D) Минтақа ва давлат солиқларига

24. Маҳаллий солиқлар буткул ..... тушади. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *маҳаллий бюджетга

B) билвосита бюджет даромадларига

C) билвосита қобилиятли даромадларига

D) бюджетдан ташқари жамғармаларга

25. Бюджетга ундириш шаклига кўра солиқлар ..... бўлинади. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларга

B) тўғри (бевосита), марказлашган солиқларга

C) эгри (билвосита) солиқларга

D) тўғри ва марказлаштирилган.

26. Эгри солиқлар ..... оширади. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қуйинг?

A) *товар (хизматлар, иш) нархини

B) хизмат ва иш нархини

C) хизмат ва товар баҳосини

D) хом-ашё қийматини

27. Эгри солиқларни хақиқий тўловчилари ..... ҳисобланади. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *товарлар ва хизматларнинг истеъмолчилари

B) Юридик ва жисмоний шахслар

C) хизматлар истеъмолчилари

D) Жисмоний шахслар ва корхоналар

28. Солиқлар иқтисодий категория сифатида ..... билан чамбарчас боғланган. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Давлат бюджети

B) Маҳаллий бюджет даромадлари

C) Махсус жамғармалар

D) Суғурта рисклари

29. Иқтисодчи олимлар А.Ваҳобов ва З.Сирожиддиновалар фикрига кўра солиқлар қандай вазифаларини бажаради?

A) *Фискал ва рағбатлантирувчилик

B) Назарий ва рағбатлантирувчилик

C) Бошқарувчанлик ва таваккалчилик

D) Рағбатлантирувчилик ва таваккалчилик

30. Бюджет даромадлари ..... манбалардан шаклланади. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *солиқ ва солиқдан ташқари манбалар

B) солиқ ва йиғимли тушум

C) Фуқарони шахсий даромади

D) даромад ва соф фойда

31. 2002 йилда умумдавлат солиқларидан қайси бири маҳаллий солиқларга беркитиб қўйилган эди?

A) *сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

B) ер остидан фойдаланганлик солиғи

C) қўшилган қиймат солиғи

D) жисмоний шахслар даромад солиғи

32. Календар йил бу ..... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг..

A) *солиқ даври

B) тўловлар вақти

C) солиқларни ҳисоблаш муддатидир

D) солиқларни йиғиш муддатидир

33. Йилнинг чораги бу ..... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *ҳисобот давридир

B) солиқни ҳисоблаш давридир

C) солиқларни йиғиш давридир

D) Солиқларни тўлиқ тўлови

34. Умумдавлат солиқлари .... тушади. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *марказий ҳокимият органлари бюджетига

B) маҳаллий ҳукумат органлари бюджетига

C) бюджетдан ташқари фондларга

D) нобюджет махсус жамғармаларга

35. Қуйидагиларнинг қайси бири аҳамиятига кўра умумдавлат солиқларига киради?

A) *юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи

B) кичик корхоналарни ягона солиқни

C) мол-мулк солиғи, ҚҚС

D) экология солиғи ва йиғимлар

36. Давлат солиқ тизими ..... асосий йўналишларини акс эттиради. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *иқтисодиёт, молиянинг ривожланганлик даражасини, ҳукумат молиявий сиёсатининг

B) ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, молиядан самарали фойдаланишни

C) давлат молия-бюджет-солиқ сиёсатларининг

D) давлат молия-бюджет-солиқ яхлитлигининг

37. Тўғри солиқлар ..... камайтиради. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадларини бевосита

B) Бевосита жисмоний шахсларнинг даромадларини

C) юридик ва жисмоний шахслар фойдасини қисман

D) корхона ва ташкилотлар фойдасини

38. Тўғри солиқлар ..... киритилиши мумкин.

A) *Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига

B) муомала харажатларига ва маҳсулот таннархига

C) Корхона ишлаб чиқариш харажатларига

D) Корхона маҳсулот қиймат таркибига

39. Тўғри солиқлар бевосита ..... ундирилади. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *даромадлардан

B) маҳсулотни тўлиқ таннархидан

C) хизматлар қийматидан

D) корхона фойдасидан

40. Бюджет даромадларига солиқлар ..... ундириладиган мажбурий тўловлар ҳисобланади.

A) *юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган

B) давлат органлари томонидан тўланадиган

C) юридик шахслар томонидан тўланадиган

D) нодавлат ташкилотлар томонидан тўланадиган

41. Давлат бюджет даромадлари таркибида энг катта улушга эга бўлган солиқ турини кўрсатинг.

A) *ҚҚС

B) Акциз солиғи

C) Божхона божи

D) Молк-мулк солиғи

42. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар элементларини белгилаб беринг. 1. Солиқ солиш объекти. 2. Тўлаш тартиби. 3. Солиқ базаси. 4. Солиқ ставкаси. 5. Солиқ даври. 6. Солиқни ҳисоблаб чиқиш тартиби. 7. Тўлов тартиби. 8. Солиқ ҳисобини тақдим этиш тартиби.

A) *1-8

B) 1-6

C) 3-8

D) 1-7

43. Маҳаллий бюджетларга республика бюджетидан бериладиган молиявий ёрдам турини аниқланг?

A) *Бюджет дотацияси ва бюджет ажратмалари

B) Бюджет дотацияси, бюджет ссудаси

C) Бюджет кредити ва ажратмалари

D) Бюджет ажратмалари ва хизматлари

44. Солиқ объекти деганда:

A) *солиқ солинадиган даромад, мол-мулк ёки иқтисодий фаолият тушунилади

B) солиқ тўловчилар тушунилади

C) юридик шахслар, яъни корхона, ташкилот фаолияти тушунилади

D) солиқ ундирувчилар тушунилади

45. Солиқ субъекти деганда:

A) *солиқ ундирувчилар ва солиқ тўловчилар тушунилади

B) солиқ солинадиган даромад тушунилади

C) солиқ солинадиган иш ҳақи тушунилади

D) солиқ солинадиган иқтисодий фаолият тушунилади

46. Даромад ёки фойда ортиши билан солиқ ставкаси ҳам ортиб бориши кўзда тутилган бўлса, бундай ҳолда:

A) *прогрессив солиқ ставкаси қўлланилган бўлади

B) пропорционал ставкаси бўлади

C) регрессив солиқ ставкаси қўлланилган бўлади

D) тиниқ солиқ ставкаси қўлланилган бўлади

47. Регрессив солиқ ставкаси усулида:

A) *даромад ўсиши билан солиқ ставкаси камая боради

B) Фойда ортиши билан солиқ ставкаси ортади

C) Корхоналар бир хил пропорцияда солиқ тўлайди

D) Даромад ортиши билан солиқ суммаси ортади

48. Тўғри солиқларга қайси бир солиқ тури киради?

A) *фойда солиғи

B) давлат божи, ҚҚС

C) ҚҚС, Божхона божи

D) акциз солиғи, ҚҚС

49. Қуйидаги солиқ турининг қайси бири прогрессив солиқ тури бўлиб ҳисобланади?

A) *даромад солиғи

B) Қўшилган қиймат солиғи

C) Ободонлаштириш солиғи

D) Мол-мулк солиғи

50. Корхоналар тулайдиган фойда солиғи ставкаси (2018) йилда неча фоизни ташкил этган:

A) *14%

B) 8%

C) 15%

D) 6%

51. Солиқлар иқтисодий мохиятига кўра...?

A) *Бевосита ва билвосита солиқлар

B) Давлат ва маҳаллий солиқлар

C) Тўғри ва давлат солиқлари

D) Эгри ва маҳаллий солиқлар

52. Маҳаллий солиқларга куйдагилар киради:

A) *Ер солиғи, мол-мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш

B) Акциз солиғи, ҚҚС, божхона божи

C) Фойда солиғи, ер ости бойликларидан ундириладиган учун солиқ

D) Фойда солиғи, сув ресурсларидан ундириладиган учун солиқ

53. Солиқнинг функциялари.

A) *Тақсимот, назорат

B) Назорат, рағбатлантириш

C) Фискал, рағбатлантириш

D) тақсимот рағбатлантириш

54. Солиқларнинг зарурлиги кандай талаблардан келиб чиқиши зарур.

A) *Бозор иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий қонунларидан

B) Иқтисодий муносабатлардан, тақсимот талабларидан

C) Молиявий-иқтисодий муносабатлардан

D) Тақсимот талабларидан

55. Солиқ солиш тизими деб нимага айтилади?

A) *Амалий ва услубий усуллар йиғиндисига

B) Эгри солиқларни қўллаш тартибига

C) Назарий хуқуқий услублар йиғиндисига

D) Амалий услублар йиғиндисига

56. Солиқ солиш элементларига нималар киради?

A) *Солиқ субъекти, объекти, манбаи, солиқ ставкаси, солиқ солиш бирлиги, имтиёз, солиқ базаси, предмети

B) Солиқ субъекти, солиқ тўловлари, солиқ йигувчилар, солиқ ставкаси

C) Солиқ мансаби, солиқ фоизи, солиқ белгиловчилар, солиқ ставкасини нормативлаштирувчилар

D) Солиқ субъекти ,объекти, мансаби, солиқ нормаси, солиқ миқдори, солиқ кредити

57. Солиқ субъекти деганда нима тушунилади?

A) *Солиқ муносабатларини ташкил қилувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳаракати

B) Иқтисодий кенгликни ташкил этувчи солиқ тизими

C) Солиқ билан бюджет корхоналари уртасидаги муносабатлари

D) Иқтисодий муносабатларни шакллантирувчи жисмоний шахслар

58. Солиқ объектларига нималар киради?

A) *Солиқ солинадиган даромад, нарса (буюм), мулк қиймати, товар реализациясидан тушган тушум, ер майдони от кучи ва бошқалар

B) Солиқ солинадиган даромад, солиқ йиғиндиси, солиқ нормаси, ер майдони, от кучи, двигател куввати ва бошқалар

C) Солиқ солинадиган даромад, нарса (буюм), двигател куввати, солиқ нормаси, солиқ ҳажми ва бошқалар

D) Солиқ солинадиган даромад , мулк қиймати , суғурта субъекти, ер майдони, от кучи ва бошқалар

59. Солиқ имтиёзи деганда нима тушинилади?

A) *Жорий қонунлар бўйича солиқдан тўлиқ(қисман) озод этилиши

B) Ҳуқуқий шахсларнинг тўловлардан тўлиқ озод этилиши

C) Қонун бўйича тўловлардан тўлиқ озод этилиши

D) Жисмоний шахсларнинг тўловлардан озод этилиши

60. Корхона, бирлашма ва ташкилотлар ҳамда ахоли тўловлари неча гурухга булинади?

A) *Солиқли ва солиқсиз тўловларга

B) Суғурта, солиқсиз тўловларга

C) Суғурта ва солиқли тўловларга

D) Махсус фонд ва йиғимларга

61. Солиқ ставкаси нима?

A) *Бу объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир

B) Бу солиқ тўлови ва ставкаларининг ўртача йиғиндисидир

C) Бу солиқ ставкаларининг ўртача йиғиндиси

D) Бу солиқ тушумларининг йиғиндиси

62. Солиқ сиёсати бу ..... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Давлатнинг солиқ муносабатларини ташкил қилишдаги комплкс чора тадбирлари ва фаолиятлари йиғиндисидир

B) Молия тизимининг солиқ муносабтларини ифодаловчи стратегик ва тактик ҳаракатлар йиғиндиси

C) Солиқ муносабатларини ижтимоий манфаатларини кондирилиши

D) Давлат тузилишининг солиқ тўловларини барқарорлаштирилиши

63. Қуйидаги келтирилган таърифларнинг кайси бири солиқларнинг тўлиқ маъносини очиб беради.

A) *Солиқлар-бу умумдавлат ва маҳаллий бюджетларга юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда мажбуран қатъий куринишда туланадиган ажратмадир

B) Солиқлар - товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан давлат уртасидаги иқтисодий муносабатларни белгилаб беради

C) Солиқлар – бу шундай тўлов бўлиб , давлат харажатларини ва транспорт тўловларини амалга ошириш учун жамланган тўловлардир

D) Солиқлар – бу давлат томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг тўловлари ҳисобига ташкил этиладиган қатъий белгиланган жамғармадир.

64. Билвосита солиқлар бухгалтерия ҳисобида қандай куринишда акс эттирилади?

A) *Маҳсулотнинг (иш , хизматнинг) нархига қўшилади

B) Корхонанинг даромади ҳисобига қўшилади

C) Маҳсулот(иш)таннархига қўшилади

D) Давр харажатларига олиб борилади

65. Солиқ ва йиғимлар бюджетга қуйидаги кетма кетликда ҳисобга олинади:

A) *Асосий сумма, ҳисобланган пеня, жарима суммалари

B) Пеня, жарима суммалари, ундириш муддати

C) Жарима суммалари, пеня, асосий сумма

D) Асосий сумма, жарима суммалари, пеня

66. Солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш:

A) *Солиқ ва тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди

B) Солиқларни тўлаш муддатларидан озод этади

C) Солиқ ва тўловларни тўлашдан қисман озод этилади

D) Солиқ ва тўловлардан вақтинча озод этади

67. Ўзбекистон Республикасида биринчи Солиқ кодекси қачон қабул қилинди.

A) *1997 йил 24 апрел

B) 1998 йил 24 январ

C) 1999 йил 24 март

D) 1995 йил 24 апрел

68. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари

A) *ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши

B) солиқ хизмати органлари томонидан солиқларни ундирилиши

C) солиқ мажбуриятлари юзасидан солиқ маълумотларни олиш

D) солиқ тўловлари юзасидан ўз манфаатларини ифода этиш

69. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари

A) *Давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш

B) қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши

C) давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши

D) солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш

70. Камерал назорат бу ... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади

B) солиқ тўловчининг ҳузурига тўлиқ инвентаризация ўтказиш орқали амалга оширилади

C) солиқ тўловчининг жойлашган ерида инвентаризация ўтказиш

D) солиқ тўловчининг жойлашган ерида с мониторинг ўтказиш

71. Қуйидагилардан қайси бири умумдавлат солиқлари таркибига кирмайди?

A) *мол-мулк солиғи

B) корхона даромад солиғи

C) қўшилган қиймат солиғи

D) акцизли солиқ тўловлари

72. Солиқ тўловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромади, обороти ва мол-мулки – бу ....

A) *солиқ объекти

B) солиқ предмети

C) солиқ солиш базаси

D) солиқ оғирлиги

73. Солиқ ставкалари қандай кўринишларда ифодаланади?

A) *қатъий ва нисбий

B) ҳалқаро валюталарда

C) солиқ ставкасида

D) сўмда ва хорижий валюталарда

74. Ушбу харажатлар ҳажми ва конкрет солиқли тушумлар давлатнинг қандай ижтимоий-иқтисодий функцияларини бажаришга сарфланганлиги тўғрисида ахборот бериб турилиши зарурлиги солиқларнинг қайси функциясида ўз ифодасини топади?

A) *Ахборот функцияси

B) Таққослаш функцияси

C) Прогнозлаш функцияси

D) Бошқариш функцияси

75. Солиқ тизими хўжалик юритувчи субъектларни, жумладан, чет эл субъектларини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ускуналар ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблағ йўналтиришни, яъни капитал жамғариш ва шу йўл билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши лозим. Бу солиқларнинг қайси тамойили?

A) *тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш тамойили

B) етарлилик тамойили, баланслаштириш тамойили

C) оддийлик ва холислик тамойили

D) солиқларни бошқаришга қулайлик тамойили

76. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш ва бекор қилиш қайси орган томонидан амалга оширилади?

A) *Олий Мажлис

B) Солиқ қўмитаси

C) Молия вазирлиги

D) Иқтисодиёт вазирлиги

77. “Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки полиз қилса, ёки бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун В)қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин” жумласи муаллифи ким?

A) *Алишер Навоий

B) Зухриддин Бобур

C) Одилжон Олимжонов

D) Муроджон Шарифхўжаев

78. .... В)солиқ тўловчининг муайян вақт оралиғидаги фаолияти натижасида тўлаган солиқларининг йиғиндисини ифодалайди. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Солиқ юки

B) Солиқ базаси

C) Солиқ имтиёзи

D) Солиқ ставкаси

79. Вилоят солиқ бошқармасининг туманлардаги бўлими нима деб аталади?

A) *инспекция

B) Бош бошқарма

C) Ташкилат(муассаса)

D) Бошқарма бўлинми

80. Солиқлар қандай пул кўринишларда тўланади?

A) *Нақд пулсиз, пластик карточка, нақд пул

B) Нақд пулсиз, нақд пулли, чек, вексель, қимматли қоғоз

C) Пластик карточкалар орқали

D) Нақд пулли,чек

81. ... солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Солиқ имтиёзи

B) Солиқ ставкасини ошириш

C) Солиқ оғирлиги

D) Солиқ ставкасини пасайтириш

82. Қонунга кўра солиқларни тўлаш мажбурияти юкланган юридик ёки жисмоний шахс – бу ... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *солиққа тортиш субъекти

B) солиқларни тўловчи шахслар

C) солиқ инспекция мутахассиси

D) жисмоний ва юридик шахслар

83. Қуйидагилардан қайсилари солиқларнинг умумий белгилари бўлиб ҳисобланади? 1. Солиқлар мажбурийдир. 2. Давлат фойдасига солиқ тўлаш орқали даромаднинг аввалдан белгилаб қўйилган, энг муҳими, қонуний тартибда кўзда тутилган қисми ундириб олинади. 3. Солиқлар бюджетдан ташқари жамғармаларга тушади. 4. Махсус инновацион хизматлар эвазига тўланади. 5.Корхоналар ва аҳоли мулкининг маълум бир қисмини давлат ҳисобига ўтказилиши

A) *1,2,5

B) 2,3,5

C) 1,2,4

D) 1,2,3

84. Қуйидагилардан қайси бири умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар таркибига кирмайди:

A) *ер солиғи

B) фойда солиғи

C) акциз солиғи

D) ижтимоий мажбурий тўловлар

85. Солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар сингари ва ҳоказо тегишли солиқ кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини текширишдек анча мураккаб жараёндан иборат. Бу солиқларнинг қайси функцияси?

A) *назорат функцияси

B) тақсимлаш функцияси

C) рағбатлантириш функцияси

D) ахборотлаштириш функцияси

86. Қуйидаги тўловлардан қайси бири мажбурий тусга эга эмас?

A) *Спорт тўлови

B) Қўшилган қиймат солиғи

C) Мол-мулк солиғи

D) пенсия жамғармасига тўлов

87. Солиқларнинг амал қилинишини нима билан изоҳлаш мумкин?

A) *давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги

B) давлат экспортини чеклаш ва миллий маҳсулотни сотиш

C) давлат хизматларини сотиш зарурлиги

D) хусусий тадбиркорликни вужудга келтириш ва уни фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги

88. Қуйидагилардан қайси бири солиқ имтиёзи эмас?

A) *солиқ тўловчининг(юридик ва жисмоний шахслар) манзилини ўзгартириш

B) солиқ базасини нисбатан камайтириш

C) инвестицияларга имтиёзлар беришни чеклаш

D) янги корхоналарга имтиёзлар бериш

89. Солиқлар орқали корхоналар ва фуқаролар даромадининг бир бўлагини давлат бошқарувини, мамлакат мудофаасини, умуман ноишлаб чиқариш соҳасини сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш – солиқларнинг қайси функцияси муҳим элементи ҳисобланади?

A) *фискал функцияси

B) ахборотлаштириш функцияси

C) назорат функцияси

D) рағбатлантириш функцияси

90. Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботлари белгиланган муддатлардан кечикиб тақдим этганда қандай чоралари кўрилади?

A) *корхонага ва корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан молиявий ва маъмурий

B) корхона фаолияти бутунлай тўхтатилади

C) корхонанинг мансабдор шахсларини лавозимларидан озод этиш ва жарима солиш

D) Корхонанинг мол-мулки мусодара қилинади

91. Фискал сўзи лотинчадан қандай маънони билдиради?

A) *Хазина

B) Пул йиғими

C) Ахборот

D) Рағбатлантириш

92. Солиқларга қандай функциялар хос?

A) *Тақсимлаш, назорат

B) Тақсимлаш, рағбатлантириш

C) Назорат, рағбатлантириш

D) Рағбатлантириш, монетар

93. Фойда солиқ ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ..... билан тасдиқланади. Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Президентнинг қарори

B) Вазирлар Маҳкамасининг фармоиши

C) Молия вазирининг буйруғи

D) Давлат солиқ қўмитаси буйруғи

94. Умумдавлат солиғи бу ..... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *фойда солиғи

B) мажбурий ер солиғи

C) юридик шахсларни ер солиғи

D) ободонлаштириш солиғи

95. Хўжалик йули билан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми қандай солиққа тортилади?

A) *ҚҚС тортилади

B) ҚҚС тортилмайди

C) Қисман ҚҚС тортилади

D) Нол даражали ставка

96. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими қачон шаклланган.

A) *1991 й 12 август
B) 1992 й 10 август
C) 1992 й 10 июл
D) 1990 й 15 май

97. Ўзбекистон Республкасида Солиқ кодекси қайта таҳрирда қачон қабул қилинди?

A) *2008
B) 2007
C) 2009
D) 2010

98. Эгри солиқларга қайси бир солиқ тури киради?

A) *акциз солиғи
B) ер-сув солиғи
C) мол-мулк солиғи
D) даромад солиғи

99. 2015 йилда корхоналар тулайдиган даромад (фойда) солиғи ставкаси неча фоизни ташкил этган эди:

A) *9%
B) 11%
C) 10%
D) 7%

100. Дивидентлар ва фоизларга неча фоизли солиқ солинади?

A) *10 фоиз
B) 15 фоиз
C) 14 фоиз
D) 7 фоиз

101. Экспорт билан шуғулланувчи корхоналар фойда (даромад) солиғидан узи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмида экспорт улушига караб солиқ ставкаси неча % камаярди?

A) *15%дан 30%гача 30%; 30% ва ундан юқори 50%
B) 10%дан 20%гача 20%; 50%дан юқори 40%
C) 16%дан 20%гача 20%; 30%ва ундан юқори 40%
D) 20%дан 35%гача 30%; 35%дан ва ундан юқори 50%

102. Пластик картани қўллаш билан олган даромаддан савдо корхоналари учун кандай имтиёз берилган эди?

A) *5%
B) 9%
C) 8%
D) 3%

103. Тижорат банклари учун фойда солиғининг 2018 йилги ставкаси неча фоиз?

A) *22%

B) 20%

C) 25%

D) 16%

104. Тижорат банклари учун фойда солиғи ставкаси 2017 йилда неча фоиз белгиланган эди?

A) *15%

B) 20%

C) 18%

D) 10%

105. Гастроль концерт фаолияти билан шуғулланишига лицензия бўлган ва шу тадбирлардан даромад олувчи юридик шахслар солиқ ставкаси неча фоиз қилиб белгиланди?

A) *35%

B) 40%

C) 38%

D) 25%

106. Юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга тўлаш манбаида неча ставка бўйича солиқ солинади?

A) *10%

B) 13%

C) 9%

D) 15%

107. Самарқанд шаҳрида дорихоналар ва тиббиёт буюмларини сотиш бўйича ягона солиқ тўлови ставкаси неча фоиз?

A) *3%

B) 4%

C) 5%

D) 1%

108. Солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга қуйидагилар киради:

A) *моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар

B) маҳсулотни сотиш бозорларини ўрганиш харажатлари

C) инвентарни, хўжалик анжомларини ва махсус кийимларини ювиш харажатлари

D) қатъий ҳисоботдаги бланклари, квитанциялари ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш харажатлари

109. Солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга қуйидагилар киради:

A) *ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар

B) хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар харажатлар

C) ишлаб чиқарилган ва реализация қилинадиган товарларни ўраш ва бошқача тайёрлаш учун харажатлар

D) инвентарь, хўжалик анжомлари, амортизация қилинадиган ва мол-мулк бўлмаган харажатлар

110. 2018 йилга келиб жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига бадаллар миқдори неча фоиз этиб белгиланди?

A) *2

B) 1

B) 0,5

B) 5

111. Фойда солиғининг 2006 йилда белгиланган ставкаси неча фоизни ташкил этган эди?

A) *12%

B) 16%

C) 13%

D) 8%

112. Тижорат банклари учун фойда солиғи ставкаси неча фоиз этиб белгиланди?

A) *15%

B) 17%

C) 19%

D) 13%

113. Корхона ҳисобот даврида 100 м.с маҳсулот реализация қилди маҳсулотнинг таннархи реализация қилинган маҳсулотга нисбатан 70%. Фойда солиқ ставкаси 8% ташкил этган ҳолда 2014 йил учун фойда солиғи суммасини аниқланг.

A) *2.4 м.с

B) 3.0 м.с

C) 2.5 м.с

D) 2.1 м.с

114. Экспортчи корхона февраль ойида 100 м.с маҳсулот реализация қилди шундан 60% экспортга жунатилди маҳсулот таннархи 60%. Солиқ ставкаси 8%. Фойда солиғи суммасини аниқланг

A) *1920 сум
B) 2200 сум
C) 2000 сум
D) 1620 сум

115. Ягона ер солиғини тўловчи корхоналар учун ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб неча фоиз миқдорда солиқ ставкаси белгиланди.

A) *0.95%
B) 0.8%
C) 1%
D) 1.2%

116. Тижорат банклари учун мактаб таълим жамғармасига мажбурий ажратмаларга тортиш объекти нима?

A) *Даромад
B) Ялпи тушум
C) Соф фойда
D) Ялпи даромад

117. Фойда 500.0 минг сўм. Солиқ ставкаси 8%. Бюджетга ундириладиган фойда солиқ суммасини аниқланг.

A) *40.0 м.с.
B) 50.0 м.с.
C) 80.0 м.с.
D) 20.0 м.с.

118. Корхона учун 2013 йилда белгиланган 9% солиқ ставкаси 2014 йилда 1% пасайтирилган. Корхона фойдаси 600.0 минг сўмни ташкил этган ҳолда бюджетга ундириладиган солиқ суммасини аниқланг.

A) *48.0 м.с.
B) 46.0 м.с.
C) 55.0 м.с.
D) 54.0 м.с.

119. Юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғи қайси солиқлар таркибига киради?

A) *Тўғри солиқлар
B) Билвосита солиқлар
C) Маҳаллий солиқлар
D) Республика солиқлар

120. Фойда (даромад) солиғи Давлат бюджети даромадларини кайси даромад манбалари тури таркибига карашли?

A) *Тўғри солиқлар

B) Билвосита солиқлар
C) Ижтимоий инфрасруктура
D) Экология ва ресурс

121. Савдо ва умумий овкатланиш корхоналарида солиқ солиш объекти нима?

A) *ялпи тушум
B) сотишдан олинган фойда
C) сотишдан олинган тушум
D) маҳсулот таннархи

122. Соддалаштирилган тартибда тўланадиган солиқларга қуйидагиларнинг қайси бири киради?

A) *Ягона солиқ тўлови
B) тадбиркорликни солиқ ҳисоби
C) юридик шахслар фойда солиғи
D) Ободонлаштириш солиғи

123. Ягона солиқ тўлови бу ..... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *умумдавлат солиғи
B) консолидациялаштирилган солиқ
C) федерал давлатлар солиғи
D) унитар давлатлар солиғи

124. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси неча фоиз қилиб белгиланди.

A) *5%
B) 6%
C) Қисман озод этилган
D) Белгиланмаган

125. Ягона ер солиғининг солиққа тортиш объекти бўлиб...ҳисобланади.Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Ернинг норматив қиймати
B) Ернинг сифат кўрсаткичлари
C) Ернинг миқдор кўрсаткичлари
D) Ернинг жойлашган жойлари

126. Савдо корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаларини белгилашда нималар эътиборга олинади.

A) *Ахолининг умумий сони ва жойлашган жойи
B) Савдо майдони ва тушум
C) Жихоз билан таъминланганлик
D) Ишчи ва хизматчилар сони

127. Чакана савдо корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари қуйидагилардан қайсилари тўғри?

A) *4%,3%,1%

B) 5%,4%,2%

C) 6%,2%,1%

D) 2%,1%,1%

128. Улгуржи савдо корхоналари ягона солиқ тўлови ставкаси неча фоиз?

A) *5%

B) 4%

C) 6%

D) 8%

129. Умумий овкатланиш корхоналари ягона солиқ тўлови ставкаси неча фоиз?

A) *10%

B) 9%

C) 15%

D) 12%

130. Тижорат банклари тулайдиган фойда солиғи ставкаси (2018 йил) неча фоиз?

A) *22%

B) 16%

C) 12%

D) 25%

131. Ягона ер солиғининг солиққа тортиладиган базаси нима?

A) *Ернинг меърий қиймати

B) Ер участкасининг самарадорлиги

C) Ер майдонининг ҳосилдорлиги

D) Ернинг унумдорлик даражаси

132. Қуйидагилардан қайси бири солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган солиқлар эмас?

A) *акциз солиғи

B) ягона солиқ тўлови

C) ягона ер солиғи

D) қатъий белгиланган солиқ

133. Ягона солиқ тўлови ставкалари жойлашган жойига караб шаҳар, қишлоқ, тоғли районларда неча фоиз деб белгиланган?

A) *4%,2%,1%.

B) 5%,4%,2%

C) 5%,6%,8%.

D) 3%,2%,1%.

134. Қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда фойда (даромад) солиғини ҳисобланг (2017йил)Реализация қилинган маҳсулот 100,0 м.с маҳсулот таннархи 65% реализация қилинган маҳсулот нисбатан:

A) *28.0 минг сум

B) 20.0 минг сум

C) 26.0 минг сум

D) 75.0 минг сум

135. Лизинг хизматларини кўрсатувчи корхоналарни солиққа тортиш объекти ..... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Лизингга берувчининг лизингдан олган даромади

B) Реализация қилинган маҳсулот, иш ҳақи фонди

C) Лизинг хизмати қиймати

D) Иш ҳақи фонди

136. Лоторея уйинларини ташкил қилувчи корхоналарни ягона солиқ тўлови суммасини аниқланг: Солиқ ставкаси 33% , ялпи тушум миқдори 100.0 м.с.

A) *33.0 м.с

B) 36.0 м.с

C) 30.0 м.с

D) 40.0 м.с

137. Дори-дармон корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаларини белгилашда нималар эътиборга олинади?

A) *Ахолининг умумий сони ва жойлашган жойи

B) Савдо майдони ва тушум

C) Жихоз ва дорилар билан таъминланиши

D) Корхонада ишчи-хизматчилар сони

138. Савдо корхонаси шахарда жойлашган (ахолиси 150 мингта) Ҳисобот даврида 230 м. с маҳсулот реализация қилди. Солиқ ставкаси 40%. Ялпи тушумдан солиқ суммасини ҳисобланг.(2014 й)

A) *92 м.с

B) 102 м.с

C) 84 м.с

D) 95 м.с

139. Умумий овкатланиш корхонаси ҳисобот даврида ялпи тушуми 5000. м. с. Ташкил этди. Солиқ ставкаси 10%. Ялпи тушумдан солиқ суммасини аниқланг.

A) *500.0 м.с

B) 660.0 м.с
C) 400.0 м.с
D) 300.0 м.с

140. Улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхона 1500 м.с маҳсулот реализация қилди. Солиқ ставкаси 50%. Ялпи тушумдан солиқ суммасини аниқланг.(2017й)

A) *750 м.с
B) 850 м.с
C) 620 м.с
D) 780 м.с

141. ҚҚС ставкаси:

A) *20%
B) 25%
C) 22%
D) 15%

142. ҚҚС тортиладиган оборотлар:

A) *Реализация қилинган маҳсулот обороти ,бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат обороти
B) Бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар обороти
C) Кўрсатилган хизматлар обороти, маҳсулотлар таннархи
D) Реализация қилинган маҳсулот, маҳсулот таннархи ,фойда

143. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси

A) *20%
B) 25%
C) 22%
D) 15%

144. Корхона 1800 м.с маҳсулот реализация қилди (ҚҚС б-н). Солиқ ставкаси 20%. Бюджетга туланган ҚҚСни аниқланг.

A) *360.0 м.с
B) 380.0 м.с
C) 400.0 м.с
D) 230.0 м. с

145. Акциз солиғи тўловчилари бўлиб:

A) *Акцизли товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар, импорт қилувчи юридик шахслар(корхоналар)
B) Акцизли товарлар реализация қилувчи ва акцизли товарларни экспорт қилувчи корхоналар
C) Акцизли товарларни рўйхатга олувчи корхоналар
D) Акцизли товарларни экспорт қилувчи корхоналар

146. Импорт қилинадиган акцизли товарлар бўйича солиқ объекти.

A) *Бож қиймати

B) Маҳсулот таннархи

C) Улгуржи товар обороти

D) Чакана товар обороти

147. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган акцизли товарининг акциз солиғи суммаси ...

A) *Тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи, корхона фойдаси, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолдаги сотув нархидан аниқланади

B) Хўжалик субъектларида белгиланган улгуржи нархидан аниқланади

C) Хўжалик субъектларини ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда(даромад) суммаларидан аниқланади

D) Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда

148. Алкоголли маҳсулотларни реализация қилиш учун лицензия йиғими ставкаси канча?

A) *1 ой учун 5 минимал иш ҳақи

B) 1 ой учун 6 минимал иш ҳақи

C) 1 ой учун 7 минимал иш ҳақи

D) 1 ой учун 3 минимал иш ҳақи

149. Импорт қилинадиган акцизли товарлар бўйича солиқ объекти нима?

A) *Бож қиймати

B) Маҳсулот таннархи

C) Улгуржи товар обороти

D) Чакана товар обороти

150. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган акцизли товарининг акциз солиғи суммаси қандай аниқланади?

A) *Тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи , корхона фойдаси, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолдаги сотув нархидан аниқланади

B) Корхонада белгиланган улгуржи нархидан аниқланади

C) Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда суммаларидан аниқланади

D) Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда аниқланади

151. Ягона солиқ тўловини тўловчи алкоголи маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи микрофирмалар учун 2007 йилда кандай ўзгартиришлар киритилди?

A) *Умумбелгиланган тартибда солиқ тўлаш
B) Даромаддан(фойдадан) солиқ тўлаш
C) Соф Фойдадан солиқ тўлаш
D) Ялпи тушумдан солиқ тўлаш

152. 2018 йилда Республикада ишлаб чиқариладиган "Женерал моторс" автомобиллари учун акциз солиғи ставкасининг миқдори неча фоизни ташкил этган эди?

A) *5
B) 6
C) 4
D) 3

153. 2017 йилда Женерал Моторс автомобиллари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун акциз солиғи ставкаси қанча эди?

A) *29
B) 30
C) 25
D) 33

154. 2015 йилда импорт қилинаётган музқаймоқ учун акциз солиқ ставкаси қанча эди?

A) *200%
B) 100%
C) 250%
D) 300%

155. Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини кайси даромад манбалари тури таркибига карашли?

A) *Эгри солиқлар
B) Бевосита солиқлар
C) Ижтимоий инфрасруктура
D) Ресурс солиқлари

156. Мол-мулк солиғида объектнинг ўлчов бирлиги нима?

A) *кв.метр
B) ер майдони (гектар)
C) миллий сўм
D) декалитр

157. Юридик шахсларнинг мол мулкига солинадиган солиқ бу .... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *маҳаллий солиқ
B) фойда (даромад) солиғи
C) умумдавлат даражасидаги солиқ
D) консолидациялаштирилган солиқ

158. Корхона ва ташкилотлар мол-мулк солиғини бир йилда нечи марта тўлайдилар?

A) *бир марта тўлайди

B) Икки марта тўлайди

C) Ҳар чоракда тўлайди

D) Ҳар ойда тўламайди

159. Юридик шахсларни мол-мулк солиғини ким ҳисоб китоб қилади?

A) *юридик шахсни ўзи.

B) Республика солиқ органи

C) вилоят солиқ бошқармаси

D) ер участкасининг инспектори

160. Юридик шахсларни мол-мулк солиғининг солиқ ставкаси қанча (2018 йил)?

A) *5%

B) 8%

C) 3,5%

D) 6%

161. Мол-мулк солиғини солиққа тортиш объекти:

A) *Асосий фондларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати

B) Асосий фондларнинг ўртача қолдиқ қиймати, асосий фондларни баланс қиймати

C) Асосий фондларнинг баланс қиймати

D) Асосий фондларнинг бошлангич қиймати

162. Юридик шахслар мол-мулк солиғи ставкаси (2018 йил).

A) *5.0%

B) 5.5%

C) 2.0%

D) 3.0%

163. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати 200м.с реализация қиймати 250м.с. ҚҚСни ҳисобланг.

A) *8.3минг сум

B) 9.2 минг сум

C) 10.2 минг сум

D) 5.4 минг сум

164. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати 260.0м.с реализация қиймати 200.0 м.с ҚҚСни аниқланг.

A) *Ундирилмайди

B) 12.0м.с

C) 15.0м.с

D) 18.0м.с

165. Корхона ёпилаётган вақтда мол-мулкни таъсисчилар уртасида булинишидаги оборотлар ҚҚС га ..... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Тортилмайди

B) Қисман тортилади

C) 50 % тортилади

D) тўлиқ тортилади

166. Асосий воситалар ўртача йиллик қолдиқ қиймати қайси солиқ турининг солиққа тортиш объекти ҳисобланади?

A) *Юридик шахсларни мулк солиғи

B) Фуқарони мол-мулк солиғи

B) Фойда ва акциз солиғи

B) Даромад ва акциз солиғи

167. Жисмони шахсларни мол-мулк солиғини ким ҳисоб-китоб қилади?

A) *Ер участкаси жойлашган туман солиқ органи

B) Давлат солиқ қўмитаси ходимлари

C) Вилоят солиқ орган ходими

D) Ер жойлашган маҳалла раиси

168. Пенсионер Жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган минимум миқдори неча м.кв. ташкил этди?

A) *60 кв.м

B) 70 кв.м

C) 65 кв.м

D) 40 кв.м

169. Юридик шахслар фойдаланадиган, давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер солиғи туланади

A) *1,5 коэффицентини қўллаган ҳолда

B) 1,0 коэффицентини қўллаган ҳолда

C) 4,0 коэффцентини қўллаган ҳолда

D) одатдаги хол каби

170. Балл бонитетининг энг тўлиқ таърифини беринг.

A) *Ернинг табиий унумдорлиги ва сифатининг баҳоси

B) Ерни сифатли баҳолаш қиймати

C) Ер майдони ва солиқ тўлов йиғиндиси

D) Ер солиғи ставкаси ва тўлови

171. Бонус нима?

A) *Ер каъридан фойдаланувчилар учун бир марталик тўлов
B) Ер каъридан фойдаланувчилар учун тўлов суммаси
C) Ердан фойдаланувчилар учун икки марталик тўлов
D) Ер каъридан фойдаланувчилардан туланадиган тўлов

172. Бонус турлари

A) *Имзоли ва тижоратбоп топилма бонуси
B) Имзоли, имзосиз ва кўп мартали бонус
C) Имзоли ва имтиезли бонус
D) Имзоли ва хусусий бонус

173. Балл бонитети нимани англатади?

A) *Ернинг табиий унумдорлиги ва сифатининг баҳосини
B) Ерни баҳолаш қиймати ва ер солиқ ставкасини
C) Ер участкаси майдонининг кўрсаткичини
D) Ер участкаси учун солиқ ставкасини

174. Ер солиғи ставкаси 2018 йилда неча фоизга индексация қилинди?

A) *1.15%
B) 2.1%
C) 1.2%
D) 1.0%

175. Ўзбекистон резидентлари бўлган жисмоний шахслар декларация бўйича ҳисобланган даромад солиғини қайси санагача тўлашлари лозим?

A) *1 июнь
B) 1 апрел
C) 1 сентябр
D) 1 июль

176. Жисмоний шахслар даромад солиғининг энг юқори ставкаси неча фоиз қилиб белгиланди? (2018 йил).

A) *22,5%
B) 25%
C) 24%
D) 18%

177. Жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаси қайси ставка турига мос келади?

A) *Прогрессив
B) Регрессив, фоизли
C) Фоизли, прогрессив
D) Пропорционал

178. Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадига қандай даромадлар киради?

A) *Фоиз, дивиденд, мол-мулкни ижарага беришдан келган даромадлар

B) Меҳнатга ҳақи шаклидаги олинган даромад, мол-мулкни сотишдан даромад

C) Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад

D) Омонатдан олинган фоизлар

179. 2018 йилда жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкалари неча фоиз қилиб белгиланган?

A) *7,5; 16,5; 22,5

B) 11; 18; 24

C) 6; 15; 21

D) 8; 14; 21

180. 1-2 гуруҳ ногиронлари учун даромад солиғи бўйича қандай имтиёз кўзда тутилган?

A) *ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида камайтирилади

B) Солиққа тортиладиган даромад 5 баробари миқдорида камайтирилади

C) даромад 3 баробар миқдорида вояга етмаган боласи учун камайтирилади

D) Солиққа тортиладиган даромад 2 баробари миқдорида камайтирилади

181. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидагилар киради:

A) * Меҳнатни рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар

B) Турли хизматлар учун харажатлар

C) хизмат сафарлари учун харажатлар

D) кадрларни қайта тайёрлаш сарфи

182. Жисмоний шахслар даромад солиғининг энг қуйи ставкаси 2017 йилда

A) *7,5%

B) 7%

C) 9%

D) 8%

183. Жисмоний шахсларнинг жами даромади таркиби нимадан иборат?

A) *Меҳнат ҳақи тўлаш шаклидаги даромалар, мулкий даромадлар, моддий наф кўринишида олинадиган даромадлар.

B) Меҳнат ҳақи, мулкий даромадлар

C) Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, меҳнат ҳақи

D) Меҳнат ҳақи, мулкий даромадлар, мол-мулкни сотишдан олинган даромад

184. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи бу ..... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *маҳаллий солиқ

B) Республика таркибидаги солиқ

C) Вилоят таркибидаги солиқ

D) Консолидациялашган солиқ

185. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси (2017 йил):

A) *8%

B) 10%

C) 9%

D) 6%

186. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи объекти (2017 йил):

A) *Соф фойда

B) Ишлаб чиқариш таннархи

C) Ялпи даромад

D) Баланс фойдаси

187. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бу .... Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *Умумдавлат солиғи

B) Консолидациялашган солиқ

C) Маҳаллий солиқ(йиғимлар)

D) Федерал давлат солиғи

188. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ объекти бўлиб нима ҳисобланади?

A) *Ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сувлар

B) Ер ости суви ва тиниқ оқадиган сув

C) Ер усти манбаларидан олинган сувлар

D) Ер остидан олинадиган сувлари

189. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ неча баравар индексация қилинди?

A) *1.5

B) 3.2

C) 1.8

D) 1.4

190. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун қўшимча фойда солиқ ставкаси неча фоиз?

A) *50%

B) 40%

C) 70%

D) 60%

191. Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўловчилари кимлар?

A) *мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахслар

B) жисмоний шахслар ва норезидентлар

C) фақат норезидентлар ва юридик шахслар

D) юридик шахслар ва қисман норезидентлар

192. Қуйидагилардан қайси бири маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар таркибига кирмайди:

A) *ягона солиқ тўлови

B) ер унумдорлиги солиғи

C) хизмат кўрсатиш йиғими

D) ернинг самарадорлик солиғи

193. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси бюджет ташкилотлари учун неча фоиз қилиб белгиланган?

A) *25%

B) 26%

C) 30%

D) 23%

194. Ягона солиқ тўловининг базавий ставкаси неча фоизни ташкил этмоқда? (2018 йилда).

A) *5%

B) 4%

C) 10%

D) 6%

195. 2018 йилда бюджетдан ташкари пенсия жамғармасига фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари ставкаси неча фоизга тенг?

A) *8,0%

B) 9.0%

C) 6.0%

D) 10.0%

196. Умумий таълим мактаблари, мактаб интернатлар, урта махсус , касб хунар ва олий укув юртларига хизмат кўрсатувчи

ихтисослашган умумий овкатланиш корхоналари учун 2018 йилда ягона солиқ тўловининг ставкасини кўрсатинг.

A) *8%

B) 9%

C) 7%

D) 10%

197. Ягона ижтимоий тўлов ставкасининг тақсимоти (бюджет ташкилотлари учун) қандай амалга оширилади?

A) *24.8% ,0.1%,0.1%

B) 25.5%,0.3%,0.2%

C) 25.2%,0.1%,0.1%

D) 23.5%,0.1%,0.1%

198. Ўзбекистон Республикаси йўл жамғармаси мажбурий ажратма ставкаси (2017 йил)

A) *1.4%

B) 1.6%

C) 1.8%

D) 1.1%

199. Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси мажбурий ажратма ставкаси (2017 йил)

A) *1.6%

B) 1.7%

C) 1.2%

D) 1.8%

200. Иқтисодиётнинг тармоқлари учун мактаб таълим жамгмармасига мажбурий ажратмаларга тортиш объекти бўлиб.... ҳисобланади? Нуқталар ўрнига керакли сўзни қўйинг.

A) *ҚҚС билан акциз солиғини чегирилган ҳолда маҳсулот (иш, хизмат) сотиш ҳажми

B) ҚҚС чегирилган ёки чегирилмаган ҳолда акциз солиғи билан маҳсулот ҳажми

C) Акциз солиғи чегирган ҳолда маҳсулот сотиш ҳажми

D) Чегирмасиз маҳсулот сотиш ҳажми

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 2016 йил 13 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни, 1997 йил 29 август.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6- сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли Қарори. www.lex.uz
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 104 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 56 б.
9. Griffiths A.L. Global markets gyrate on fears of Europe's spreading financial crisis / A.L. Griffiths, K. Nerenberg, D. Wals. – 2010. URL: http://www.wsws.org.
10. James, S. & Nobes, C. (2004), The Economics of Taxation: Principles, Policy and Practice. 7th ed. Financial Times/Prentice Hall, Harlow
11. Smith, A. (1776). The Wealth of Nations. Edited by Campbell, R., H. & Skinner, A., S. The Glasgow edition of the Works and Correspondence of Adam Smith. Vol. 2.
12. Vahobov A., Sanaqulova B. Kichik biznes va tadbirkorlikni soliqqa tortish. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2013. – 388 b.

13. Vahobov A.V., Jo’raev A. Soliqlar va soliqqa tortish. Darslik. –T.: Sharq, 2009. – 526 b.
14. Zaynalov J.R., Aliyeva S.S., Axrorov Z.O. va boshq. Moliya Korxonalar moliyasi. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2018. – 268 b.
15. Абдурахмонов О. Хорижий мамлакатлар солиқ тизимлари. Ўқув қўлланмаси. –Т.: ТДИУ, 2003.
16. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2010. – 640 с.
17. Болдырев Б.Г. Финансы капитализма. - М.: Финансы, 1987. 21.
18. Вахобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. –Т.: ТМИ, 2002. 36 – бет.
19. Гатаулин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. -Т.: Уз.Р ДСҚ 1996.
20. Жидкова Е. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –М.: Эксмо, 2010. – 240 с.
21. Жўраев А., Усманова М. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. – Т.: 2015.
22. Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. 306 -бет.
23. Иловайский С. И. Косвенное налогообложение в теории и практике. – Пенза: РИО ПГСХА, 2010. – с 115.
24. Исламкулов А. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даржаси учун ёзилган диссертацияси. 2012. – 150 б.
25. Исроилов Б.И. Солиқ тизими. - Т.: Шарқ, 2013.
26. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010, 41-бет.
27. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - 90-б.
28. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 358-б.
29. Косолапов А.И. Налоги и налогообложение. Учеб.пос. - М.:, Дашков и К°, 2005. 597-598-с.
30. Льжова Н.Л. Налоги и налогообложение в России. Учебник. - М.:, Дело, 2006. 281-282-с.
31. Маликов Т., Ҳайдаров Н. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма – Т.: Иқтисод-молия, 2009. - 556 б.

32. Мальмигин И. Налоги как элементы финанса. Перевод с англ. М.: 1997. с. 69
33. Мандрощенко О., Пинская М. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: Дашков и К, 2010. – 344 с.
34. Махмудов Н., Адизов М. Солиқларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш. – Т.: 2014.
35. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. – М.: Инфра-М, 2006. С. 185.
36. Мусагалиев А.Ж. Юридик шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Монография. - Т.: Иқтисод-молия, 2010.–211 б.
37. Налоговая политика: теория и практика / под ред. проф. И.А. Майбурева. М.: ЮНИТИ, 2010, с. 316
38. Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: 2016.
39. Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. //Ҳаёт ва иқтисод. 1992.
40. Пансков В.Г. Налоги и налоговая система Российской Федерации. –М.:,Финансн и статистика, 2006. 394-с.
41. Паркинсон С. Закон и доходы. - М.: Интерконтакт, 1992. - С.14-15.
42. Пепеляев С.Г. и др. Основи налогового права. –М.: Финанси и статистика, 2000
43. Пушкарева В. История финансовой мысли и политики налогов. Учебное пособие. - М.: Инфра-М, 1996. - С.17.
44. Самофалов В. Г. Косвенные налоги и подоходный налог: учеб. – СПб.: Питер, 2007. – с. 50
45. Тагаев А. ва бошқ. Солиқ назарияси. - Т.: Янги аср авлоди, 2010.
46. Темур тузуклари. Т.: Чўлпон, 1991 й. 98 б.
47. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
48. Тошмуродова Б.Э. Солиқ назорати. Ўқув қўлланма. –Т.: Iqtisodiyot-moliya, 2007.-158 б.
49. Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. -Т.: Янги аср авлоди. 2002, 128 б.
50. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 104 б.

51. Умаров Б. Корхоналар мол-мулкини солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари (Ўзбекистон Республикаси материаллари асосида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даржаси учун ёзилган диссертацияси. 2002. – 142 б

52. Финансы, денежное обращение и кредит: учебник/пед ред. проф. Самсонова. -М.: ИНФРА-М 2001. - с 64-66.

53. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. –Т.: Консаудитинформ, 2001.

54. Худолеев В. Налоги и налогообложение. Учебник. – М.: Форум, 2009. – 320 с.

55. Черник Д. Г. Налоги: учеб. – М.: Финансы и статистика, 2009, с. 15

56. Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. –367 с.

57. Элмирзаев С.Э. Ўзбекистон Республикасида корпоратив солиқ менежментини ривожлантириш истиқболлари. И.ф.н. илмий.дар.олиш учун тақдим этилган дисс.автореф. – Т., 2012. – 9 б.

58. Яхёев Қ. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. -Т.: ТМИ, 1994.

59. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т. Ғафур Ғулом, 2003.

60. Интернет сайтлари:

- www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги портали
- www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати сайти
- www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти
- www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг расмий сайти.
- www.ziyonet.uz - билимлар сайти
- www.iqtisodiyot.uz- «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» электрон журнали сайти.

Мундарижа

Кириш.....3
I-ҚИСМ 5
СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ 5
1-БОБ. «Солиқ ва солиққа тортиш» фанининг предмети, мазмуни ва уни ўрганиш усуллари 5
1.1. «Солиқ ва солиққа тортиш» фани алоҳида иқтисодий фан сифатида. Фанни ўрганишдаги мавжуд усуллар 5
1.2. «Солиқ ва солиққа тортиш» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси 8
2-БОБ Солиқларнинг вужудга келиши ва иқтисодий моҳияти 9
2.1. Солиқ муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари.....9
2.2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари 16
2.3. Солиқларнинг умумий белгилари ва бошқа иқтисодий категориялар билан ўзаро муносабати 26
3-БОБ. Солиқларнинг функциялари ва элементлари.....29
3.1. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари.....29
3.2. Солиқларнинг мавжуд ва амалдаги тамойиллари.....34
3.3. Солиқ назариясининг элементлари.....42
4-БОБ. Солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.....50
4.1. Солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.....50
4.2. Ҳозирги даврда солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва унда давлатнинг роли 54
4.3. Солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш йўналишлари 60
5-БОБ. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг шаклланишининг назарий асослари 67
5.1. Солиқ тизими ҳақида тушунча ва унинг моҳияти.....67
5.2. Солиқ тизимини гуруҳлашнинг ўзига хос жиҳатлари.....68
5.3. Солиқларнинг иқтисодий моҳиятига кўра бўлиниши 70
5.4. Солиқларнинг бюджетга тушишига кўра бўлиниши.....76
5.5. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг шаклланиш ва ривожланишининг босқичлари.....82
6-БОБ. Корхоналарда солиқ менежментини ташкил этиш 89
6.1. Солиқ менежменти тушунчаси моҳияти ва уни ташкил этишнинг ҳозирги давр йўналишлари 89
6.2. Солиқларни режалаштириш 96
6.3. Корхоналарда ички солиқ назоратини ташкил этиш 101

7-БОБ. Солиқ тўловчилар томонидан интерактив хизматлардан самарали фойдаланиш 106
7.1. Солиқ тизимида замонавий ахборот тизимларидан фодаланишнинг аҳамияти 106
7.2.Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш тартиби 110
7.3.Солиқ органлари томонидан корсатилаётган интерактив хизматлар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари 114
II-ҚИСМ. 121
ЮРИДИК ШАХСЛАР ТЎЛАЙДИГАН СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР 121
8-БОБ. Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи . 121
8.1. Юридик шахс ва улардан ундириладиган солиқлар, йиғимлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловлар 121
8.2. Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғининг моҳияти ва солиққа тортиш объекти. Юридик шахсларнинг жами даромадлари таркиби 127
8.3. Солиққа тортиладиган базани аниқлаш 138
8.4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар 140
8.5. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари 142
9-БОБ. Соддалаштирилган солиқ тизими. Ягона солиқ тўлови 147
9.1. Соддалаштирилган солиқ тизимининг иқтисодий аҳамияти 147
9.2. Ягона солиқ тўлови ва унинг амал қилиш жараёни 150
9.3. Ягона солиқ тўлови бўйича тақдим этилган имтиёзлар ва преференциялар. Ягона солиқ тўлови ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 158
10-БОБ. Ягона ер солиғи 162
10.1. Ягона ер солиғини моҳияти ва тўловчилари 162
10.2. Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Солиқ имтиёзлари 165
11-БОБ.Қатъий белгиланган солиқ 170
11.1. Қатъий белгиланган солиқни тўловчилари ва ўзига хос хусусиятлари 170
11.2. Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий

белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби 171
12-БОБ. Қўшилган қиймат солиғи 177
12.1. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти 177
12.2. Солиққа тортиш объекти.....183
12.3. Солиқ ставкалари ва имтиёзлари 191
Солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар.....198
12.5. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.....202
12.5. Ҳисобварақ-фактурани тўлдириш тартиби.....203
13-боб. Акциз солиғи.....208
13.1. Акциз солиғининг солиқ тизимида ва давлат бюджети даромадларидаги ўрни.....208
13.2. Акциз солиғини тўловчилар таркиби ва солиқ солиш объекти 215
13.3. Солиқ ставкалари ва имтиёзлари 219
13.4. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш 222
14-БОБ. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи226
14.1. Мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти уни юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўловчилари таркиби 226
14.2. Солиқ объектини аниқлаш.....231
14.3. Солиқ ставкалари ва имтиёзлари 234
14.4. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.....235
15-БОБ. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи 238
15.1. Ер солиғи жорий этилишининг иқтисодий моҳияти 238
15.2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар таркиби 242
15.3. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг солиқ объекти ва солиқ солинадиган база 243
15.4. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари244
15.5. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича имтиёзлар 246
15.6. Ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби 250
16-БОБ. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (тарихий қараш).....252
16.1. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар 252
16.2. Солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари 253
16.3. Солиқни ҳисоблаш тартиби 253

16.4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш муддатлари 254
17-БОБ. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 257
17.1. Солиқ тўловчилари таркиби 257
17.2. Солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари 257
17.3. Белгиланган имтиёзлар 259
17.4. Солиқни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари 260
18-БОБ. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ265
18.1. Солиқни тўловчилар ва солиққа тортиш объектлари... 265
18.2. Солиқ ставкалари ва белгиланган имтиёзлар 267
18.3. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 270
19-боб. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий ажратмалар .. 273
19.1. Ягона ижтимоий тўлов 273
19.2.Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар 275
19.3. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар 278
19.4. Республика йўл жамғармасига йиғимлар 281
19.5. Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар 283
20-боб. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари..... 287
20.1. Солиқсиз даромадлар таснифи..... 287
20.2. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркиби ва тузилиши..... 292
20.3. Республика бюджетининг солиқсиз даромадлари: давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган даромадлар, давлат қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлар ва бошқалар294
III-ҚИСМ. 297
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИ 297
21-БОБ. Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ..... 297
21.1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва унинг ўзига хослиги 297
21.2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиқ солиш объекти ва солиққа тортиладиган база..... 299
21.3. Солиқ ставкалари табақаланиши ва имтиёзлари таркиби308
21.4. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 316
21.5. Норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқ ундириш жараёни 319

21.6. Декларациялаш тартиби 320
22-БОБ. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ (тарихий қараш).....325
22.1.Транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг амалиётга киритилиши ва унинг иқтисодий аҳамияти. Солиқни тўловчилар таркиби ва солиқ объекти.....325
22.2.Солиқ ставкалари ва солиқни ҳисоблаш тартиби 326
23-БОБ. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи 329
23.1. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг иқтисодий аҳамияти ва ҳуқуқий асослари 329
23.2. Ер участкаларини ижарага олишнинг ҳуқуқий асослари ва мулк ҳуқуқи 331
23.3. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг тўловчилари, солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ солинадиган ер участкалари таркиби 332
23.4. Ер солиғи бўйича жисмоний шахсларга тақдим этиладиган имтиёзлар 333
23.5. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари, уни ҳисоблаш, бюджетга ундириш тартиби ва уни тўлаш муддатлари 335
23.5. Ер солиғи ҳисоблаш ва уни бюджетга ундириш тартиби. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғини тўлаш муддатлари.....336
24-БОБ. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи339
24.1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва унинг аҳамияти 339
24.2. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг тўловчилари, солиққа тортиш объекти ва солиқ ставкалари 342
24.3. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар.....349
24.4. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби 352
Глоссарий.....356
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 410

Илмий-оммабоп

Зайналов Жаҳонгир Расулович, Алиева Сусанна Сейрановна,
Ахроров Зариф Орипович, Хусанов Баходир Шералиевич,
Расулов Зокир Жаҳонгирович, Латипова Шахноза Махмудовна,
Ходжаев Эркин Норматович, Мусаев Рахмат Мусаевич,
Ходжимамедов Акмал Ашурович, Хамроев Мехрож Сирожхонович,
Агзамов Авазхон Талгатович, Бауэтдинов Мажид,
Рузибаева Наргиза Хакимовна, Ахмедова Азиза Тохировна,
Пулатова Мохира, Муталова Дилором, Имомкулов Тулкин,
Эрназаров Нуриддин, Карлибаева Рая Ходжабаевна,
Илхомов Шавкат, Курбонов Хайрулла Абдирасулович,
Хусанова Дилором, Расулов Шохрухбек

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Самарқанд, «Zarafshon» нашриёти ДК, 2019. - 420 б.

Бош муҳаррир: Т.Тугалов
Муҳаррир: Х.Ҳамроев
Мусаҳҳиҳ: Г.Холдорова

Нашриёт лицензияси AI №153, 14.08.2013
Теришга берилди: 20.05.2019 й.
Босишга рухсат этилди: 01.06.2019 й.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
“Таймс” гарнитураси. Офсет босма усули.
26,25 шарт.б.т. 26,0 ҳисоб-наш.таб.
Тиражи 100 нусха.
Буюртма № 21.
Баҳоси келишилган нархда.

“Zarafshon” нашриётида нашрга тайёрланди.
140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-уй.

Тел.: (+99866) 235-28-40
e-mail: zar-nashriyot@inbox.uz

“Zarafshon” нашриёти давлат корхонаси
босмахонасида чоп этилди.
140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-уй.

ISBN 978-9943-5410-1-6